


# Жюль ВЕРН

РОБИНЗОНЛАР  
МАКТАБИ

---



МУЗЛАР  
ИСКАНЖАСИДА

---

**УЎК: 821.133.1-3II**

**КБК: 84(4Фр)**

**В – 47**

**Верн, Жюль**

Робинзонлар мактаби: қисса / Жюль Верн. Рус тилидан  
Рустамжон Умматов таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди,  
2016. – 304 б.

ISBN 978-9943-27-789-2

Жаҳон мумтоз адабиётининг даргаларидан бири, буюк француз адиби Жюль Верн (1828 – 1905) тенги йўқ саргузашт-навис, ўз замонасидан илгарилаб кетган бетимсол фантаст эди. Мана, қарийб бир ярим асрдирки, Верн асарларининг оддий ва халқчил, айни пайтда ўзида мардлик, ирода ва садоқат каби юксак фазилатларни мужассам этган қаҳрамонлари жаҳон китобсеварларини ҳаяжонга солиб келмоқда. Энди ўзбек китобхонлари ҳам таниқли адиб буюк меросининг бир қисми бўлган «Музлар исканжасида» ва «Робинзонлар мактаби» асарлари билан танишиш имконига эга бўлдилар.

Жиддий саргузашт асар саналувчи «Музлар исканжасида» қиссаси ёзувчи ижодининг илк даврида – 1855 йилда ёзилган бўлса, комедик чизгиларга бой «Робинзонлар мактаби» саргузашт романи 1882 йилда дунё юзини кўрди.

Турли тақдирлар, қаҳрамонлар ва фавкулудда қизиқарли бурилишларга бой мазкур икки асар ўзбек саргузашт ишқибозлари учун том маънода муносиб совға бўлади деган умиддамиз.

**УЎК: 821.133.1-3II**

**КБК: 84(4Фр)**

Рус тилидан  
**Рустамжон Умматов**  
таржимаси

ISBN 978-9943-27-789-2

© Жюль Верн, «Робинзонлар мактаби». «Янги аср авлоди»,  
2016 йил.

## БИРИНЧИ БОБ

### МОТАМ БАЙРОҒИ

18... йил 12 май. Дюнкерк шахрининг кўҳна черкови кюреси тонгги соат бешда уйғониб, ҳар кунги одати-ча саноқлигина художўй балиқчилар қатнашадиган эрталабки ибодат пешволигига отланди.

Руҳоний ридосига бурканиб, меҳроб томон чоғланаётган дамда нимадандир ҳаяжонланган ва суюнган бир киши кийиниш ҳужрасига кириб келди. У олтамиш ёшлардаги миқти ва тетик, ёқимтой ва истарали денгизчи эди.

– Кюре жаноблари, – ҳовлиқди у, – тўхтанг, бир нафас шошмай туринг!

– Сизни каллайи саҳарда қайси шамол учирди, Жан Корнбют? – сўради ҳайратда қолган кюре.

– Қайси шамол учирганини айтайми? Шу тобда сизни бир бағримга босмасам ўлиб қоламан-да, жаноби кюре.

– Мен-ку бунга қаршимасман-а, аммо аввал ибодатни адо этиб...

– Ибодат! – қаҳ-қаҳ урди кекса денгизчи. – Сиз ҳали ибодат қиламан деб ўйлаяпсизми? Мен шунга йўл қўяманми?

– Нега йўл қўймас экансиз? Мундай тушунтириб-роқ гапиринг, ахир. Ана, учинчи қўнгироқ ҳам жаранглапти...

– Неча бор жарангласин, қўнғирогингиз шу бугуннинг ўзида яна бир карра чалиниши муқаррар, кюре жаноблари. Ахир, ваъда бергансиз: ўғлим Луи билан жияним Марининг никоҳини ўзингиз ўқийсиз-ку!

Кюре қувонч билан қичқирди:

– Ё Тангрим! У сафардан қайтдимми, а?

– Ҳа-да, – жавоб берди Жан Корнбют қўлларини ишқалаб. – Келяпти. Бугун саҳар чоғи кузатув постидан хабар қилишди: ўша ўзингиз ярашиқли ном кўйиб, «Навниҳол шунқор» деб атаган бизнинг бриг соҳилга яқинлашиб қолибди.

– Чин қалбимдан муборакбод этаман, азизим Корнбют, – дея сўзлаган кюре эғнидаги ридоси ва пешбандини ечди. – Ваъда ёдимда, биродар. Бугунги ибодатнинг пешволигини викарыйга топшираман-да, ўғилча соҳилга қадам босган ондаёқ хизматингизга ҳозир бўламан.

– Кўнглингиз тўқ бўлсин, кюре жаноблари, у сизни ортиқ маҳтал қилмайди ҳам. Бўлғуси тўйни ўзингиз овоза қилиб юрувдингиз, энди унинг гуноҳларини афв этишни ҳам ўзингиз сўрайсиз-да. Иннайкейин, шимолий денгизларда қалқиб, сув билан осмон орасида жони омонат юрган йигит қайдан ҳам гуноҳ қила олсин? Қаранг, тўй тантанасини кема қайтган кунга тайинлаб, ажаб иш қилган эканман-да! Мана энди Луи бригдан тушибоқ тўппа-тўғри черков томон йўл олади.

– Бўпти, бора қолинг, Корнбют, бўлинг, ҳамма-ҳаммасини ҳозирлаб тулинг.

– Ўқдай учаман, кюре жаноблари. Тез орада кўришгунча!

Денгизчи савдо кемалари бандаргоҳи соҳилидаги уйи томон шошганча йўл олди. Унинг деразаларидан

шимолий денгиз манзаралари яққол кўриниб турар, денгизчи бу билан фахрланарди.

Жан Корнбют ёшлигини беҳуда совурмаган ва хийлагина сармоя орттирган эди. У гаврлик кемачи бой қўлида бир неча йил капитан бўлиб ишлагач, ўзи туғилиб ўсган шаҳарда уй-жой қилди ва ўз сармоясидан «Навниҳол шунқор» номли бригни қурди. Янги кема билан шимолий денгизлар тарафга кўп қатнади, ҳар гал ёғоч-тахта, металл, қорамой каби юклардан яхшигина фойда топарди. Йиллар ўтди, Жан Корнбют кеманинг тасарруфини шижоатли денгизчи бўлиб улғайган ўттиз яшар ўғли Луига топширди. Маҳаллий капитанларнинг айтишича, Дюнкеркда Луининг олдига тушадиган денгизчи йўқ эди.

Луи Корнбют бу галги сафарга қалбида ишқ ва ҳижрон билан кетганди, у отасининг жияни Марини севарди. Ойимқиз ҳам унинг қайтишини кўзи тўрт бўлиб кутаётганди. Қай бир аждоди голландиялик бўлган йигирма яшаргина нозанин Мари асл Фламанд гўзали эди. Марининг онаси сўнгги нафаси чоғи қизини укаси Жан Корнбютга топширганди. Дарёдил тоға жиянини ўз фарзандидай суйди ва унинг ҳаёт риштасини Луи билан боғлаб, икковини бахтли қилишни кўнглига тукканди.

Олисда кўринган кеманинг қайтиши йирик тижорат сафарининг якуни бўлиши билан бирга Жан Корнбют киссасига мўмай даромад деган сўз эди. «Навниҳол шунқор» йўлида сўнгги манзили бўлган Бодоз бандаргоҳидан (ғарбий Норвегия) келаётганди...

Жан Корнбют черковдан қайтганида, уйдагиларнинг бари кемага пешвоз чиқиш ҳозирлиги билан андармон эди. Ёноқлари бахтдан лов-лов ёнаётган Мари бошига келинчаклар тожини ҳам кийиб олибди.

– Ишқилиб улар лангар ташлагунча улгурайлик-да, – деди у куюнчаклик билан.

– Гапинг тўғри, қизалоғим, тезроқ бўлақол! – маъқуллади Жан Корнбют. – Шамол ҳам шимолдан эсмоқда, демоқчиманки, «Навниҳол шунқор»инг жуда тез етиб келади.

– Тўйга ҳамма-ҳамма дўстларимизни айтдингизми, тоға? – сўради Мари.

– Ҳеч ким қолгани йўқ.

– Нотариус билан кюрени-чи?

– Айтдим, қизим. Ўзинг илдамроқ бўл, ҳали сенга қараб қолмайлик тагин.

Шунинг устига Клербо оға кириб келди.

– Буни қара-я, жўра, – хитоб қилди у. – Омадинг кеп қопти-ку! Ҳозиргина ҳукумат катта миқдорда иморат-боп ёғоч-тахта сотиб олишини эълон қилди.

– Эълон қилса менга нима? Ахир, бу ҳукуматнинг иши-ку.

– Тўғри-да, жаноб Клербо, – тоғасини қувватлади Мари. – Биз учун энг муҳими Луининг қайтиши.

– Баҳслашмайман... – ўзиникини маъқуллади Клербо. – Лекин ёғоч-тахта келтирилиши...

– Сиз ҳам биз билан тўйлашиб зиёфат қиласиз, – Жан Корнбют савдогарнинг сўзини бўлиб, қўлини қаттиқ қисди.

– Иморатбоп ёғоч-тахта келгани...

– Қуруқликдан ва денгиздан ташриф буюрадиган барча дўстларимиз қаторида бўласиз. Меҳмонлар айтиб қўйилган, кема командасини ҳам тўла таклиф этаман!

– Биз уларни кутиб олгани соҳилга борамизми? – сўради Мари.

– Албатта! – жавоб қайтарди Жан Корнбют. – Ҳамма боради, жуфт-жуфт бўлиб юрамиз, олдинда созандалар йўл бошлайди.

Меҳмонлар ўз вақтида етиб келишди. Хийла вақт-ли бўлса-да, таклифга ҳеч ким безътибор бўлмаганди. Ҳаммага ёққан азамат денгизчи табрикларга кўмилиб

кетганди. Бу дамларда Мари ўз хонасида тиз чўкка-нича дуоларини ижобат қилган Худого астойдил шукрона айтарди. Бир зумдан сўнг у яسانيб, зеболаниб залга кириб борди.

Аёллар унинг манглайдан ўпишди, эркаклар эса қўлини қисиб табрикладилар. Жан Корнбют соҳилга жўнаш фурсати етганини эълон қилди.

Қуёш бош кўтараётган дамларда денгиз томон отланган шукуҳли карвон кўзларни қувонтирарди. Бригнинг лангар ташлаши ҳақидаги хушxabарни бандаргоҳдагиларнинг бари билиб бўлгандики, очиқ эшик ва деразалардан тунги қалпоқлари ҳали ечилмаган юзлаб хайрихоҳлар мўралаб туришарди. Ҳамма ёқдан қутловлар, тотли тилаклар гулдай ёғиларди.

Ана шундай табрик ва тилаклар оғушидаги карвон пристанга яқинлашди. Ҳаво шишадай тип-тиниқ, гўё бобо қуёш ҳам инсонлар шодиёнасига шерик бўлаётганди. Шимолдан эсаётган роҳатбахш еллар енгил тўлқинларни ва балиқчиларнинг жажжи қайиқларини причаллар орасида тебратар, улар ортида оппоқ из қолдириб сузиб борарди.

Шаҳарнинг соҳилбўйи даҳасидан бошланувчи икки тўғоннинг нариги учи хийла олисга, денгиз сувларига чўзилганди. Тўй издиҳомининг кенг қаторлари шимоллий тўғон бўйлаб энг чеккадаги кичкина хужрага тезда етиб борди: бандаргоҳ бошлиғи бу ерда навбатчи эди.

Жан Корнбютнинг яқинлашиб келаётган кема-си тобора яққол кўрина бошлаганди. Шамол кучайди. «Навниҳол шунқор» ҳамма елканларини ёйганча шитоб билан келарди. Афтидан, кемадаги қувонч ҳам соҳилдагидан кам эмасди. Қўлига дурбин тутиб, денгиздан кўз узмаётган Жан Корнбют дўстларининг сўровларига кулиб-қувнаб жавоб қайтарарди.

– Ана менинг зебочеҳра кемажоним! – хитоб қилди у. – Бут-бутун, тирналган ҳам эмас, ҳозиргина Дюн-

керқдан чиққандай. Ҳар қандай фалокатлардан Худо асрабди уни.

– Ўғлингиз кўриняптими? – сўради кимдир.

– Ҳозирча йўқ. Албатта, у зарур юмушлар билан банд бўлса керак.

– Ие, нега байроқ кўтарилмаяпти? – ҳайрон бўлди Клербо.

– Бунисини билолмадим, биродар, ҳар ҳолда шунга лойиқ бирор сабаб бордир-да.

– Тоғажон, дурбинни менга беринг, – жиқиллади Мари Корнбютнинг қўлига ёпишиб. – Луини биринчи бўлиб ўзим кўрайин!

– Ие, у менинг фарзандим бўлади-я, хоним!

– Нима қипти? – қиқирлади қизча. – Ахир, ўттиз йилдан бери ўғлингиз-ку, қаллиғим бўлганига эса икки йил бўлди, холос.

Бу орада «Навниҳол шунқор» тобора яқин келиб, шакл-шамойили аниқ кўринаётганди. Команда лангар ташлашга шайланиб, юқоридаги елканлар йиғилганди. Энди жонсарак матрослардан баъзиларини таниш ҳам мумкин бўлса-да, Мари ва Жан Корнбют ақалли қўл силтаб кувониш илинжида ёш капитанни излаб жавдирашарди.

– Худо ҳақи, капитан ёрдамчиси Андрэ Васлингни аниқ кўряпман! – дея тўсатдан бақириб юборди Клербо.

Бошқа бир одам луқма солди:

– Анавиниси дурадгор Фидель Мизон-ку!

– Бизнинг дўстимиз Пенеллан ҳам кўриниб қолди, – деди яна биров кема томон қўл силкаб.

Бандаргоҳ билан бриг орасидаги масофа уч кабель-тов<sup>1</sup> қолган лаҳзаларда гафелда<sup>2</sup> қора байроқ кўринди... Демак, кема бортидагилар мотамда!

---

<sup>1</sup> Кабельтов – 185,2 метрга баробар денгиз масофа ўлчови.

<sup>2</sup> Гафель – қуйи томони кеманинг мачтасига кўндаланг қоқилган эгри тўсин, қиялама елкан учини боғлашга хизмат қилади. (Таржимон изоҳлари – Р.У.)



Кутиб олувчилар қалбида мудҳиш қайғу бош кўтарди, кўнгли машъум хабарни ҳис этган ойимқизнинг юраги ёрилаёзди.

Кема қадди букик азадор мисоли кириб келаркан, портга қабристон сукунати чўкканди. Бриг тахта кўприкка қадалиб лангар ташлади. Мари, Жан Корнбют ва барча меҳмонлар ўша ёққа отилиб, бир дақиқадан сўнг бортга чиқиб боришди.

– Ўғилгинам! – базўр ингради ота.

Матрослар бошларини букиб мотам байроғига имо қилишди.

Мари эса алам билан чинқирганича кекса Корнбютнинг қўлларига беҳуш йиқилди.

«Навниҳол шунқор» бандаргоҳга Андрэ Васлинг бошқарувида қайтган бўлиб, минг афсуски, унинг бортида ёш капитан – Марининг қаллиғи Луи Корнбют йўқ эди.

## ИККИНЧИ БОБ

### ЖАН КОРНБЮТНИНГ РЕЖАСИ

Гамхўр қўшнилари Марини олиб кетишди. Капитан ёрдамчиси Андрэ Васлинг қарияга ўғлининг бошига тушган фожиа ҳақида гапириб берди. Кема кундалигига бу хусусда қуйидаги маълумот қайд этилганди:

«26 апрель. Мальстрим<sup>1</sup> кенглиги. Жануби-ғарбдан эсаётган даҳшатли довул қутурмоқда. Бўрон туфайли елканларини йиғиб, ҳаракатдан тўхтаб турган кемада қандайдир нотаниш шхунадан фалокат сигнали олинди. Олд мачта ва елканларидан айрилган номаълум шхунани оқим ва шамол Мальстрим гирдоби тарафга

---

<sup>1</sup> Мальстрим (Мальштрем) – Норвегия соҳиллари яқинидаги денгиз гирдоби. (Таржимон изоҳи – Р.У.)

суриб кетаётганди. Уни муқаррар ҳалокат кутаётганини кўргач, капитан Луи Корнбют нотаниш денгизчиларга ёрдам беришга қарор қилди. Бунга команданинг ҳамма аъзолари қарши эди. Аммо капитан шлюпкани сувга тушириб, матрос Кортруа ва рулевой Пьер Нукэ билан қайиқдан жой олди. Улар туман орасида олислаб, кўринмай кетгунча, «Навниҳол шунқор» бортидагилар кўз узмасдан кузатиб туришди. Денгизни тун қоронғилиги қоплади. Бўрон тобора қутуриб борарди. «Навниҳол шунқор»ни яқин орадан ўтувчи оқимлар ҳар лаҳза суриб кетиши ва Мальстримнинг домига дучор қилиши ҳеч гап эмасди. Кема ўз измини шамолга топширишга мажбур бўлди. Команда воқеа жойида бир неча кун айланиб, беҳуда излади: аммо на шлюпкадан, на шхунадан, на капитан Луи ва унинг икки ҳамроҳидан ном-нишон топмади. Ахийри Андрэ Васлинг матросларни тўплаб, кема бошқарувини ўз зиммасига олди ва Дюнкеркка етказиб келди».

Барча кема ҳужжатлари каби бу ҳиссиз ва мухтасар ёзувларни ўқиган Жан Корнбют хуни бийрон ёш тўқди. Ўғли ўз ҳамкасбларини қутқариш учун жон фидо қилганигина унинг мотамсаро қалбига ягона таскин бўлиб қолганди. Шўрлик ота тобора дардини тирнаётган бригни тез орада тарк этиб, ҳувиллаган уйига қайтди.

Кулфат хабари яшин тезлигида бутун шаҳарга ёйилганди. Кекса денгизчининг кўпдан-кўп дўст-биродарлари пайдар-пай самимий ҳамдардлик изҳорига шошдилар. «Навниҳол шунқор»нинг матрослари ҳам ташриф буюришди ва фожиа тафсилотларини сўзлаб беришди. Мари эса қаллиғининг жасорати ҳақида Андрэ Васлингдан ҳамма билганларини айтишни талаб қиларди.

Аччиқ кўз ёшларига ғарқ бўлган Жан Корнбют чуқур ўйларга толди. Эртаси куни тонгда кириб келган Андрэ Васлингни саволга тутди:

– Айтинг-чи, Андрэ, ўғлим ҳалок бўлганига имонингиз комилми?

– Минг афсуски, жаноб Жан, бу айна ҳақиқат!

– Сиз уни излаб, имкони бор ҳамма ишни қила олдингизми?

– Мутлақо ҳамма ишни, жаноб Корнбют! Бахтга қарши ўғлингиз ва ҳамроҳларини Мальстрим гирдоблари ҳалок қилганига шак-шубҳа йўқ.

– Андрэ, яна капитан ёрдамчиси бўлиб қолишни хоҳлармидингиз?

– Бу капитан ўзи ҳал қиладиган масала, жаноб Корнбют.

Капитан ўзим бўламан, – жавоб қайтарди кекса денгизчи. – Мен кемадаги юкни зудлик билан тушираман ва ўғлимни топиш учун сафарга отланаман.

– Аммо Луи ҳалок бўлган! – қатъий оҳангда такрорлади Андрэ.

– Эҳтимол, – қизишиб эътироз билдирди Жан Корнбют, – лекин омон қолган бўлиши ҳам мумкин-ку! Мен Норвегиянинг у бош уриши мумкин бўлган ҳамма портларини ахтариб кўрмоқчиман. Ана шунда ҳам ўғлимни топишга бўлган муқаррар умидим узилишига амин бўлганимдан сўнггина армон билан ўлмоқ учун уйимга қайтаман.

Жан Корнбютнинг қарори қатъийлигини ҳис этган Андрэ Васлинг ортиқ баҳслашмай чиқиб кетди.

Жан Корнбют меҳмонни кузатибоқ жиянини ўз режасидан воқиф қилди. Марининг кўзлари жиққа ёшга тўлиб, томчилар орасида умиднинг заиф учқунлари милтирарди. Айна лаҳзага қадар у қаллиғидан буткул умид узиб бўлганди. Энди эса қизнинг қалбида туғилган умид унинг бутун борлигини банд эта бошлаганди.

Кекса капитан «Навниҳол шунқор»да зудлик билан денгизга чиқишга аҳд қилди. Ўта мустаҳкам бриг

ҳеч ҳалокатга йўлиқмаган бўлиб, мутлақо таъмирта-  
лаб эмасди.

Жан Корнбют агар матрослар яна сафарга чиқишга  
рози бўлсалар, командани ўзгартирмаслигини эълон  
қилди. Ягона янги одам унинг ўзи бўлиб, ўғлининг  
ўрнига кемани бошқармаса бўлмасди.

Луи Корнбютнинг ҳамроҳларидан ҳеч бири бу  
таклифни рад этгани йўқ. Улар орасида денгизлар-  
ни чарх уриб кезган Алэн Тюркьет, дурадгор Фидель  
Мизон, ҳалок бўлган рулевой Пьер Нукэнинг ўрнини  
эгаллаган бретониялик Пенеллан, кўп синовлардан  
ўтган Градлен, Опик, Жервикдай шоввозлар бор эди.  
Фақат қандайдир сабабларга кўра Андрэ Васлингнинг  
жавоби мужмал бўлиб, ўйлаб кўриш учун бир неча  
кун муҳлат сўраганди.

– Ихтиёр ўзингизда, – деди унга Корнбют. – Аммо  
билиб қўйингки, агар рози бўлсангиз, сизни бажони-  
дил қабул қиламиз.

Бретониялик Пенелланнинг садоқатига Жан Корн-  
бют шак-шубҳа қилмасди, зеро, илгариги сафар чоғлари  
кўп ҳамроҳ бўлишган. Ўша пайтларда бу содиқ денгиз-  
чи бир баҳонайи сабаб билан қирғоқда қолгудай бўлса,  
узун қиш кечалари жажжи Марини кўлидан қўймасди.  
Аниқки, қария уни ўз қизидай кўриб, оталарча меҳр  
қўйган бўлса, қизалоқ ҳам уни фарзандлик муҳаббати  
билан суярди. Пенеллан кемани янги сафарга ҳозир-  
лаш учун жону дили билан ҳаракат қилаётганди. Унинг  
фикрича, Андрэ Васлинг ҳалокат домига тушган шерик-  
ларини астойдил ахтарган эмасди. Лекин Андрэнинг  
ўшанда тутган йўлини оқлашга ҳам асослар етарли: ка-  
питанлик масъулиятини зиммасига олгач, кемани ва  
экипажни хавф остида қолдира олмасди...

Бир ҳафта ҳам ўтмасдан «Навниҳол шунқор» шай  
ҳолга келди. Фақат кемадаги юклар сотиладиган мол-

лардан эмас, балки турли-туман озиқ-овқатлардан иборат эди: тузланган гўшт, қуритилган нон, ун ва картошка тўла тўрвалар, ичимликлар, қаҳва, тамаки, чой...

Жўнаш 22 майга белгиланди. Бир кун аввал Жан Корнбютнинг уйига Андрэ Васлинг кириб келди, у ҳали ҳам иккиланаётган бўлиб, жавоби аниқ эмасди.

Эшик очиқ бўлса-да, Жан Корнбют уйда йўқ эди. Андрэ кирган залга Марининг хонаси туташ бўлиб, ичкарида икки киши гаплашаётганди. У Мари билан Пенелланнинг овозини таниди ва индамай қулоқ солди. Афтидан улар анчадан буён суҳбатлашарди ва чоғи ойимқиз бретонияликнинг қай бир мулоҳазасига мутлақо қўшилмаётганди.

– Тоғам Корнбют неча ёшга кирган? – сўради Мари.

– Олтмишларда бўлса керак, – жавоб берди Пенеллан.

– Ана, шу ёшдаям у ҳеч қандай хатарни писанд қилмасдан ўғлини излашга отланмоқда.

– Аммо капитанимиз ҳали бардам ва бақувват инсон-да, – эътироз билдирди Пенеллан. – Унинг жуссаси дубдан, мушаклари эса чўяндан ясалган. Шунинг учун ҳам у ҳақда сира шубҳа йўқ.

– Меҳрибон отагинам, – давом этди Мари, – менга муҳаббатнинг ўзи куч-қувват бағишлайди. Қолаверса, умидим Худодан, бизни ўзи ёрлақайди. Сиз мени доим тушунардингиз-ку, ёрдам беринг, ахир.

– Мари, бунинг асло иложи йўқ. Тақдир пешонамизга не саргардонликларни ёзгани, бизни не кўргиликлар кутаётгани номаълум. Қанча-қанча валломат йигитларни шимолий денгизлар ютиб юборганини сен ақлинггаям сиғдиrolмайсан!

– Нега тушунмайсиз ахир? – ўзиникини маъқуллади қиз. – Бу гапларингиз ҳеч нарсани ўзгартиролмай-

ди. Агар сиз ҳам йўлимни тўссангиз, мендан кўнглингиз қопти деб ўйлайман.

Андрэ Васлинг қизчанинг истагини фаҳмлаб бўлганди. У бир дақиқа ўйлади-да, қатъий қарорга келди. Шунинг устига кекса денгизчи кириб келди ва Андрэ унга рўпара бўлди.

– Жан Корнбют, сизнинг таклифингизни қабул қилганим бўлсин. Вазият ўзгарди ва энди кемада қола оламан. Менинг кўмагимга мутлақо ишонишингиз мумкин.

– Сизга ҳамиша ишонардим, Андрэ Васлинг, – деди Корнбют ва унга қўл узатди. – Мари, бу ёққа қарагин, чирогим!

Мари ва Пенеллан залга чиқиб келишди.

– Биз эрталаб тўлқинлар қайтар маҳали лангарни кўтарамиз, – деди кекса денгизчи. – Шўрлик Маригинам, бугун сен билан биргаликда сўнгги оқшомни ўтказамиз.

– Тоғажон! – Мари ўқирганча Жан Корнбютнинг бағрига отилди.

– Худо хоҳласа, қалифингни топиб келаман, қизим.

– Албатта, Луини излаб кўрамиз, – қувватлади Васлинг.

– Сиз ҳам борасизми? – жонланди Пенеллан.

– Ҳа, Андрэ Васлинг сафар чоғи менинг ёрдамчим бўлади, – жавоб қайтарди кекса Корнбют.

– О-о, – қулочини керди бретониялик, унинг кўзларида ғайритабиий ифода бор эди.

– У абжир ва уддабурон йигит эмасми, маслаҳатлари бизга қўл келади.

– Мени уялтирманг, капитан, сизга ўргатиб бўларканми? Сизники каби соғлиқ ва тажриба ҳеч кимда йўқ.

– Хуллас, дўстларим, эрталабгача хайр! Зудлик билан кемага жўнанг ва ҳаракатингизни қилинг. Кўришгунча, Андрэ! Кўришгунча, Пенеллан!

Капитан ёрдамчиси ва матрос чиқиб кетишгач, тоға-жиян холи қолдилар. Ўша қайғу тунида Мари дарё-дарё ёш тўкди. Гамга ғарқ бўлган қизалоқнинг ярасини янгиласлик учун капитан эрталаб хайрлашмай кетишга қарор қилди. У жиянининг манглайдан сўнгги бор ўпди ва тонгги соат учда унга билдирмай йўлга отланди.

Кузатиб қўйиш учун кекса денгизчининг барча ёру дўстлари портда ҳозир эдилар. Яқиндагина Мари ва Луини никоҳлаш умидидаги кюре ҳам сафар олдидан оқ фотиҳа бериш учун етиб келганди. Жан Корнбют кузатувчиларнинг қўлларини маҳкам қисиб хайрлашди ва бир сўз демай кема бортига кўтарилди.

Экипажнинг ҳамма аъзолари ўз ўрнини эгаллаганди. Андрэ Васлинг сафар олдидан сўнгги фармойишларни берди. Елканлар ёйилиб, лангар кўтарилди ва бриг шимоли-ғарбдан эсаётган енгил шабада билан соҳилдан олислай бошлади. Тиз чўккан оломон ўрта-сида тик турган кюре пичирлади:

– Бу бандаларингни ўзингга омонат топширдик, Тангрим!

Бу кема қай манзилга чоғланди? У сон-саноқсиз денгизчиларнинг бошини еган, маҳрумиятлар тўла йўлдан боради! Сувда қалқиб бораркан, кўзлаган манзили ҳеч кимга маълум бўлмаган бу командани енгиб ўтилиши зарур не-не хавф-хатарлар кутар эди. Энди бу кема фақат Худонинг измида! Бриг қай бандаргоҳга лангар ташлайди? Буни ёлғиз Парвардигордан бўлак ҳеч ким билмайди.

## УЧИНЧИ БОБ

### УМИД УЧҚУНИ

Йилнинг бу мавсумида денгиз ювош тортиб қолардики, кеманинг йўл-йўлакай ортиқ ушланмасдан ҳалокат манзилига тезроқ етиб олишидан умид қилса бўларди.

Жан Корнбют кўзлаган режа бундай эди: дастлаб Ферер оролларида тўхташади, негаки, шимолий шамол жабрдийдаларни ўша соҳилларга суриб кетган бўлиши мумкин. Капитаннинг мўлжалига кўра, ўша атрофдаги бандаргоҳлар қараб чиқилгач, Шимолий денгизга ўтишади ва Норвегия қирғоқларидаги барча портлар то Бодозгача кўздан кечирилади. Чунки, бу манзиллар ҳалокат жойига яқин эди. Ана ундан сўнг, башарти зарурат туғилса, олис шимол томонларга йўл оладилар.

Андрэ Васлинг эса бунга қарши.

– Исландияга бориш керак, – дейди у.

– Йўқ, – эътироз билдирди Пенеллан, – ҳалокат чоғи бўрон ғарб томондан ёпирилганди. Менимча, улар Мальстрим гирдобига тушмаган ва довул уларни Норвегия соҳилларига улоқтириб ташлаган бўлса керак.

Тортишувлар якунида шундай қарорга келишди: имкон борича капитаннинг мўлжалига кўра ҳаракат қилишади ва то бирон бир дарак топилгунига қадар сузишда давом этаверадилар...

Эртаси куни Жан Корнбют харитани ёйганча ўй-хаёлларига ғарқ бўлиб ўтирарди. Кутилмаганда жажжи бир қўл елкасини сийпалади ва қулоқлари остида нозик шивирлаш эшитилди:

– Бардам бўлинг, тоғажон!



У шартта ортига ўгирилди ва тошдай қотиб қолди. Мари унинг бўйнидан қучоқлади.

– Мари, қизалоғим! – хитоб қилди капитан. – Қаёқдан келиб қолдинг?

– Модомики, ота ўғлини қутқариш учун денгизда сарсон экан, аёл ҳам ўз эрини излаши керак-да.

– Шўрликкина! Қора кунларга, мудҳиш мушкулотларга қандай бардош берасан? Сен туфайли сафари-миз янада оғир кечишини ўйламадингми, қизим?

– Йўқ, тоғажон, мен барига чидайман.

– Мари, денгиз бизни қаёққа улоқтиришини ҳеч ким айтолмайди ахир. Манави харитага бир қарагин: ҳозир шундай бир жойга яқинлашяпмизки, бу биз каби ёруғ дунёнинг не-не кулфатларини кўрган денгизчилар учун ҳам қўрқинчли. У ҳолда новдадайгина сен қизнинг ҳолинг не кечади, болам?..

– Йўқ, тоға, мен денгизчи оиласида туғилган қизман! Гўдаклигимдан буён денгиз довуллари ва ҳалокатлар ҳақидаги ҳикоялар қулоғимга қуйилади! Мен сизнинг ва кекса дўстим Пенелланинг ёнида бўлмоқчиман, холос.

– Пенеллан! Ҳали сени кемага ўша яширдими?

– Ҳа, тоға, ахир унинг ёрдамисиз ҳам кемага чиқиб олишимни ўзи биларди-да.

– Пенеллан! – қичқирди Корнбют.

Рулевой кириб келди.

– Бўлар иш бўпти, Пенеллан. Аммо кўзингни оч, Марининг ҳаёти учун калланг билан жавоб берасан!

– Кўнглингиз тўқ бўлсин, қизалоғимиз жуда матонатли ва бардошли... У бизнинг халоскор фаришта-миз бўлади. Иннайкейин, шунисиниям айтиб қўяй: «Ҳаракатда – баракат» – деган нақл бор.

Матрослар келинчаклар уйидай жиҳозланган ши-нам каютани Марининг ихтиёрига топширишди.

Саккиз кун ўтгач, «Навниҳол шунқор» Ферер оролларига лангар ташлади. Бироқ ҳарчанд уринишмасин, бирор натижа чиқмади. Соҳил бўйларини титиб юборган бўлсалар-да, на кеманинг синиқларини кўрдилар, на жабрланганлар дарагини тополдилар. Умуман, ҳалокат ҳақида эшитган одамнинг ўзи йўқ эди.

Кема Ферер оролларида ўн кун турди ва 10 июнда лангар кўтарилди. Денгиз сокин эди. Қулай шамол қўл келиб, Норвегияга тезда етиб олишди. Афсуски, Скандинавиянинг ғарбий соҳиллари ҳам уларни ноумид қайтарди.

Капитан энди то Бодоэгача боришга қарор қилди. Луи Корнбют ва икки матрос ёрдам бермоқчи бўлган номаълум кеманинг номи ана шу портда аниқланса ажаб эмас.

Бриг Бодоэ бандаргоҳида 30 июнь куни тўхтади. Бу ердаги маҳаллий ҳукумат вакиллари соҳилдан топилган тиқинли шишани келтириб беришди. Унинг ичидаги ҳужжатда қуйидаги битик бор эди:

«26 апрель, «Фрейерн» кемаси, «Навниҳол шунқор»дан ёрдамга қайиқ келгач, оқим бизни музликлар томонга суриб кета бошлади. Эндиги тақдиримиз Худога таваккал, ўзи асрасин!»

Жан Корнбют Тангрига шукрона айтди. Ҳар ҳолда изга тушгандилар-да. Шак-шубҳа йўқки, «Фрейерн» деганлари денгизда бедарак йўқолган (афтидан оқим шимолга улоқтириб ташлаган) Норвегия кемасининг ўзгинаси эди...

Шошилиш керак, ҳар бир кун ганимат. «Навниҳол шунқор» зудлик билан шимолий денгизларда учрайдиган бало-қазоларга ҳозирланди. Кемани синчиклаб кўздан кечирган дурадгор Фидель Мизон амин бўлдики, бриг ишончли бичимда ва мустаҳкам қурилган, музлар билан тўқнашиб кетишдан қўрқишга асос йўқ.

Арктика денгизларида неча мартаб кит овлаган Пенелланнинг жонсараклиги билан иссиқ чойшаблар, мўйнали пўстинлар, тюлень терисидан тикилган этиклар ва чанабоп ёғоч-тахталар керагича гамланганди. (Ойнадай яхмалак устида юришга чанагина ярайди, холос-да.) Башарти Гренландия томонларда қишлаб қолгудай бўлсалар, спирт ва тошкўмир захираси ҳам етарли эди. Қутб минтақаларида денгизчиларни азоблайдиган хасталиклардан бири цинга бўлиб, ундан сақланиш учун зарур миқдордаги лимон ҳам олишган: бунга ҳазилакам ҳаракат ва харажат кетгани йўқ. Захиралар шунчалик мўл-кўл эдики, ахийри тузланган гўшт, қаттиқ нон ва ичимлик озиқ-овқат омборларига сиғмасдан трюмга ҳам қўйилди. Ниҳоятда тўйимли ҳисобланувчи пеммикан<sup>1</sup> эса керагича олинган. Ҳиндулар егулиги бўлмиш пеммиканнинг озгинаси ҳам қоринни анчагача тўқ тутарди.

Жан Корнбютнинг буйруғи билан музларни кесиш, ёриш ва жилдириш учун арра, мисранг ва темир поналар ҳам унутилган эмас. Чана судрайдиган юкчи итларни эса Гренландиядан сотиб олишмоқчи эди.

Бутун команда ана шу тараддудларга саъй қилиб, жон-жаҳди билан ишларди. Матрослардан Опик, Жервик ва Градлен бу ишларда Пенелланнинг йўл-йўриғига амал қилишар ва унинг маслаҳатига кўра ҳали-бери иссиқ кўйлаklarини киймоқчи эмасдилар. Ваҳоланки, қутб чизигидан шимолда жойлашган бу кенгликларда ҳарорат сезиларли даражада паст бўларди.

Айни чоғда Пенеллан ҳеч кимга индамаган бўлса-да, Андрэ Васлингнинг ҳар бир қадамини кўздан қочирмай кузатарди. Келиб чиқиши голландиялик бўлган бу шахснинг бандаргоҳга қайлардан келиб

---

<sup>1</sup> Пеммикан – зирворли гўшт толқони.

қолгани ҳеч кимга маълум эмас. У ёмон денгизчи эмасди ва «Навниҳол шунқор» бортида икки бор сафарга чиққан эди. Андрэнинг Марига ортиқча эътибори ва мулозаматини демаса, ҳозирча Пенеллан ундан ҳеч бир айб топа олгани йўқ. Шундай бўлса-да, рулевой кузатувларини давом эттиришга қарор қилди.

Экипажнинг яқдиллиги билан бриг 16 июль кuni сузишга шай эди, шунда кеманинг Бодоэга келганига икки ҳафта бўлганди. Йилнинг бунақа пайтларида Арктика денгизлари сокин бўлиб, кема қатнови учун қулай эди. Икки ойдирки, ҳаво илиб, қидирув ишлари осон кечишидан умидвор қиларди. Хуллас, «Навниҳол шунқор» лангарини кўтарди ва Брустер бурни томонга сузиб кетди. Кўзланган манзил Гренландиянинг шарқий соҳилида – 70 даража шимолий кенгликда жойлашган.

## ТЎРТИНЧИ БОБ

### МУЗЛАР ИСКАНЖАСИДА

Йигирма учинчи июль кuni кечки пайт денгизда дастлабки айсберглар яқинлашиб келаётганининг аломатлари кўрина бошлади. (Бу музтоғлар Дания бўғозидан ўтиб, очиқ океан кенгликлари сари «дайдиб» кетарди.) Дарҳол мачта устидаги кузатувчиларнинг ҳушёрлиги оширилди: айсберглар билан тўқнашувга сира йўл қўйиб бўлмасди.

Экипаж икки гуруҳга бўлинди. Биринчиси Фидель Мизон, Градлен ва Жервикдан иборат бўлиб, Андрэ Васлинг, Опик ва Пенеллан иккинчи гуруҳга киритилди. Энди навбатчилик икки соатдан ортиқ давом этмайди, чунки, қутб совуғида киши тез толиқади. «Навниҳол шунқор» бор-йўғи 63-шимолий кенгликка етган бўлса-да, ҳаво – 9 даража совуқ эди.

Қор аралаш ёмғир тўхтамай ёғарди. Шамол сал шаштидан тушганда, Мари палубага чиқди. Унинг кўзлари шимолнинг нохуш қиёфасига кўника бошлаганди.

Биринчи август куни Мари одатига кўра «дум» тарафдаги палубага сайр қилгани чиқиб, тоғаси, Андрэ Васлинг ва Пенеллан билан суҳбатлашиб турарди. Ана шу пайтда «Навниҳол шунқор» икки йирик музлик ўртасидаги кенглиги уч милча келадиган йўлакка кирди: муз бўлаклари жануб томонга оқиб борарди.

– Яқин орада қуруқликка етамизми? – сўради ойимқиз.

– Уч ё тўрт кундан сўнг, – жавоб берди Жан Корнбют.

– Ўшанда шўрлик Луидан бир хушхабар тополсак қанийди!

– Ажаб эмас, Мари, лекин у кунгача узоқ сузмасак эди деган хавотирдаман. Менимча, «Фрейерн»ни денгиз олис шимолга улоқтириб ташлаган кўринади.

– Ўйлашимча, сиз ҳақсиз, – таъкидлади Андрэ Васлинг. – Чунки, норвеглар кемасини кўзимиздан қочирган довул уч кунгача тўхтамаганди ва шунча вақт мобайнида анча олисларга обориб ташлаши мумкин. Қолаверса, шхуна шамолга дош беролмасдиям.

– Ижозатингиз билан мен бўлак фикрдаман, – эътироз билдирди Пенеллан. – Ўшанда апрель ойи бўлиб, ҳали кунлар илимаганди, шу боис шхунани музлар тўхтатиб қолган бўлса керак.

– У ҳолда кема зирапчадай парчаланиб кетгани аниқ. Ахир, экипаж шхунани бошқара олмай қолган-ку.

– Аммо музлар устидан қуруқликка етиб олиш уларга қийин бўлмагандир, – давом этди Пенеллан. – Негаки, ер яқин эди.

– Биз ана шунисидан умидвормиз-да, – дея капитан ёрдамчиси билан рулевой ўртасида ҳар куни бўлади-ган туганмас баҳсга нуқта қўйди Жан Корнбют. – Ўйлайманки, тез орада қуруқликни кўрамиз.

– Ана ер! – ҳовлиқди Мари. – Тоғлар, тоғларни қаранг!

– Йўқ, қизалоғим, – деди Жан Корнбют, – булар айсберглар-ку. Улар йўлимизда биринчи марта пайдо бўлиши, орасига тушиб қолгудай бўлсак, шишадай уқалаб ташлайди. Пенеллан, Васлинг, кемани бошқаришда ҳазир бўласиз энди.

Уфқда кўринган муз тоғлар элликдан зиёд бўлиб, улар бригнинг рўпарасига келаётганди. Пенеллан рул чамбарагини маҳкам тутди. Жан Корнбют мачтага тирмашди ва ўзи йўл кўрсата бошлади.

Кечга бориб бриг ҳамма томондан муз тоғлар қуршовида қолдики, уларнинг сиқувига дош бериш амри маҳол эди. Аммо кема бу сузувчи қоялар орасидан йўл топиши шарт, энг оқилона тадбир – олға юриш. Ана шу лаҳзаларда тагин бир муаммо кўндаланг бўлди: кема қаёққа кетаётганини тусмоллаб ҳам бўлмасди. Атрофдаги муз қоялар сафи йўлни тўсиб, мўлжал олишга халақит қиларди. Туман қуюқлашиб, теваракни қоронғилик босди, Мари ўз каютасига тушиб кетди. Капитаннинг буйруғига биноан саккиз кишидан иборат экипаж тўлиғича палубада қолди. Денгизчилар узун дастакли темир чангаклар билан қуролланган бўлиб, йўлда учрайдиган музларни суришлари лозим эди.

Тез орада «Навниҳол шунқор» айсберглар орасидаги шунчалар хавфли тор йўлакка кириб қолдики, пастки рейлар<sup>1</sup> учини муз туртиб кетиши ҳеч гап эмасди. Эҳтиёткорлик юзасидан устки рейни вант-

---

<sup>1</sup>Рей (рея) – мачтадаги кўндаланг сарров.

ларга<sup>1</sup> тегадиган даражада эгиб қўйишди. Хайриятки, бу кеманинг тезлигини пасайтиргани йўқ ва юқоридаги елканлар шамолга ўнг бўлиб, хийла жадал суръатда сузиб боришарди. Кеманинг ихчамлиги ана шу дамларда қўл келди: туманга ҳам қарамасдан тор оралиқдан ўтиш мушкул кечмаётганди, гоҳида айсбергларга чап бериб, гоҳо эса қасир-қусур билан туртиниб сузардилар.

Жан Корнбют палубага тушди. Қоронғилик қуюқлашгач, у мачта устида ҳеч нимани кўра олмай қолганди. Энди юқоридаги елканларни ҳам йиғмаса бўлмасди, билъакс кема ҳар лаҳзада айсберг билан тўқнашишим мумкин эди, ана у ҳолда ҳалокат муқаррар!

Чангаклар билан музларни турткилаётган матрослар ўртасида турган Андрэ Васлинг зорланди:

– Бундай сафарга лаънатлар бўлсин!

– Омон-эсон ўтиб олсак, музлар чангалида халоскоримиз бўлган Биби Марям шарафига энг катта шамни ёқамиз, – деди Опик.

– Олдимиздан чиқадиган сузувчи тоғларнинг сонини Худо биледи ҳали! – ваҳима қилди капитан ёрдамчиси.

– Ўша тоғлар ортида бизларни нелар кутаётганини-чи? – деди бир матрос.

– Жаврайверма! – жерқди уни Жервик. – Яхшиси чангакни маҳкам ушла! Бу қуршовдан чиқиб олайлик, кейин валақлайверасан.

Ана шу дамда ваҳимали муз қоя кўринди. У тўппатўғри «Навнихол шунқор»нинг устига бостириб келарди: тўқнашув муқаррар! Айсберг йўлакни кўндаланг тўсгани боис кема унинг на ўнг ва на чап томонидан ўта оларди.

---

<sup>1</sup> Вант – елканларни мустаҳкамловчи арқонлар. (Таржимон изоҳлари – Р.У.)

– Руль ишляптими? – сўради Жан Корнбют.

– Йўқ, капитан. Кема рулга бўйсунмай қўйди, – жавоб берди Пенеллан.

– Ҳой азаматлар! – қичқирди капитан экипажга қараб. – Бўш келманглар! Чангаklarни астойдил ишга солинг!

«Йўлтўсар» айсбергнинг баландлиги олтмиш футдан<sup>1</sup> кам эмасди. Худо кўрсатмасин, агар ағдарилгудай бўлса, кемани кўз очиб юмгунча мажақлаб ташларди. Ўша дамларда ҳамма юрагини ҳовучлаб қолган, бу ваҳималарнинг поёни йўқдай туюларди. Капитаннинг буйруғига ҳам қулоқ солмай қўйган матрослар иш жойларини ташлаб, «дум»га тўпланиб олишганди.

Лекин кема билан айсберг орасида ярим кабельтовдан ҳам озроқ масофа қолган лаҳзада тўсатдан бўғиқ шовқин эшитилди ва даҳшатли тўлқин устида лопиллаётган бригнинг бурнига шиддат билан кучли сув ёпирилди.

Матрослар қўрқувдан бақриб юборишди, аммо рўпарада бояги айсберг кўринмасди. У кўздан гоёйиб бўлган ва йўл бемалол очилган, олдиндаги бепоён денгиз кенгликлари ботаётган қуёш нурларида ярақларди. Хуллас, кема энди бехатар йўлга чиқиб олган эди.

– Ҳа-да, – хитоб қилди Пенеллан, – ахир, ҳаракатда – баракат, деб қўйибдилар! Энди марсель ва фокни жой-жойига қўйинг!

Бўлиб ўтган ҳодиса бу кенгликлар учун одатий ҳол эди. Яъни айсберглар эриш жараёнида бўлиниб-бўлиниб кетса-да, мувозанати сақланиб, сузиб юраверади. Аммо хийла илиқроқ уммон сувларига ўтгач, бу музтоғлар остидан эрий бошлайди ва аста-секин бўйи пастлаб боради. Бундай айсберглар бошқаси билан

---

<sup>1</sup> Фут – 30,479 сантиметрга тенг.



тўқнашган маҳали мувозанатини йўқотади, ахийри шундай лаҳза келадики, оғирлик маркази алмашиб, терс ағдарилиб қолади. Мабодо рўпарадаги айсберг икки дақиқа кечроқ ағдарилганда, кемани босиб қолар ва сувга чўктириб юборар эди.

## *БЕШИНЧИ БОБ*

### **ЛИВЕРПУЛЬ ОРОЛИ**

Энди бригнинг йўлида музлар деярли учрамаётганди. Фақат уфқдаги оқиш ва ҳаракатсиз шуълагина эримас музликлар макони ҳали олдинда эканидан дарак берарди.

Жан Корнбют ҳамон Брустер бурнини кўзлаб борарди. Кема ўта қаҳратон кенгликларга тобора яқинлашаётгандики, бу ерларга қуёшнинг энг заиф нурлари ҳам тушиб-тушмасди.

Учинчи август куни бриг яхлит ва қўзғолмас музликларга етиб борди. Уларнинг ораси шунчалар тор эдики, «Навниҳол шунқор» ҳали ўнгга, ҳали сўлга бурилар, гоҳо шамолга чап беришга мажбур бўларди.

Айтиш жоизки, Пенеллан Марига оталарча гамхўрлик кўрсатарди. Ҳаво совуқ бўлса-да, у ҳар куни қизни икки-уч соат палубада мажбуран сайр қилдирарди (Бу саломатлик учун фойдали-да).

Қолаверса, Марини матонат туйғуси тарк этмаганди, аксинча, ҳар томонлама матросларга далда берардики, бунинг учун уларнинг эҳтиромига сазовор бўлганди. Андрэ Васлинг эса унинг теварагида аввалгидан баттарроқ айланишиб қолганди. У жигарсўхталик билан Марининг кўнглини овлашга урингани сайин қандайдир ёмонликни қалбан ҳис этган қиз унга рўйхушлик бермасди. Шубҳасизки, Андрэ кела-

жак ҳақида гапириб, унинг қўйнига қўл солиб кўриш ғаразига тушиб қолган эди.

– Луи ва унинг ҳамроҳларини қутқаришдан умид қилмаса ҳам бўлади, – дерди у. – Менимча, уларнинг ҳалок бўлганига шак-шубҳа йўқ, сиздай соҳибжамолнинг эса эртами-кечми, барибир, бошқа бир йигит билан турмуш қурмоғи зарур бўлади.

Аммо Андрэнинг асл нияти ҳозирча Марига қоронғи. Дилдан суҳбатлаша олмаётганларидан капитан ёрдамчисининг фиғони фалакда. Башарти икков сўзлашиб қолгудай бўлса, Пенеллан бир баҳона билан ўртага тушарди-да, Андрэнинг ноумидликдан иборат мунофиқона даъволарини йўққа чиқариб, қизнинг юрагида умид оловини ёқиб юборарди.

Бу орада Мари тек турмасди ҳам. Пенелланнинг маслаҳатига кўра у қишга иссиқ уст-бош ҳозирларди. Қўйлақларининг бичимини ўзгартирмаса бўлмасди. Одатдаги аёллар либоси музлар ўлкасида иш бермасдики, Мари ўзига иссиқ шалвар тикиб, почасига тюлень мўйнасидан жияк қоплади: чунки, эғнидаги тор ва калта юбка қорга тегмаслиги керак, қиш эса яқин ва албатта қор ёғади. Белдан юқорисини қалпоқли мўйна плаш совуқдан сақлайди, белини сиқиб турувчи пишиқ бурмаси ҳам бор.

Қўли бўшаброқ қолган матрослар ҳам қиш ғамини ейишарди. Биринчи ғалда тюлень терисидан қўнжи узун этиклар тикилди, зеро, у билан тизза бўйи қорда ҳам бемалол юриш мумкин. Шундай қилиб, музлар оралаб сузиб бораётган кемадаги матросларнинг бирор дақиқа бекорчи вақти йўқ эди.

Андрэ Васлинг лочинкўз мерган бўлиб, кема устида айланаётган денгиз қушларини тез-тез нишонга оларди. Тузланган гўшт меъдасига урган сайёҳларимиз учун Арктика паррандаларининг тотли қовурдоғи жоннинг роҳати бўлаётганди.

Музлар орасидаги саноқсиз муюлишлар ортида қолди ва ниҳоят бриг Брустер бурнига яқинлашди. Шлюпка сувга туширилди. Жан Корнбют билан Пенеллан эшкакларни ишга солиб, қирғоққа етиб боришди, лекин соҳил яйдоқ ва кимсасиз эди.

Корнбют вақтни бой бермасдан 1821 йили капитан Скорсби кашф қилган Ливерпуль оролига йўл олди. Кема соҳилга яқинлашар экан, қирғоқдаги одамларга кўзи тушган матрослар қувончдан қичқириб юбордилар. Пенеллан уларнинг тилидан айрим сўзларни биларди, маҳаллий аҳолининг «луғат бойлигида» ҳам гоҳо учраб қоладиган кит овловчилардан ўрганган сўзлар бор эдики, бу икки тарафнинг тезроқ тил топишувида қўл келди. Гренландиянинг туб аҳолиси пастак, гирдиғум кишилар бўлиб, бўйи тўрт футу ўн дюймдан<sup>1</sup> ошмасди. Юзи қизғимтир, ясси пешона бу одамларнинг қора сочлари елкасида селкиллаб турар, тишлари тўкилиб битаёзганди. Муттасил балиқ истеъмол қилиш уларни қандайдир дарди бедавога гирифтор қилган кўринади.

Оролда бир парчагина пўлат ёки мис топилмас тўтиё ҳисобланарди. Шу боис қувончи ичига сифмаётган шўрликлар арзимас металл эвазига айиқ, денгиз мушуги, дельфин, бўри ва яна алламбало жонзотларнинг терисини тахлаб ташлашарди. Европада ҳазилакам пул турмайдиган бу қимматбаҳо нарсалар меҳмонларга деярли сувтекинга тушарди.

«Савдо-сотик» ниҳоясига етгач, капитан ҳалокатга учраган кемани излаб келганларини айтиб, бу ҳақда уларнинг билиш-билмасликларини сўради. Ерликлардан бири дарҳол қорга кемасимон шакл чизди ва уч ойча бурун шундай нарса шимол тарафга ўтиб кетганини тушунтиришга уринди. Ўша кунлар ҳаво

---

<sup>1</sup> Дюйм – 25,4 миллиметр ёки футнинг 12 дан бир улуши.

илиб, музлар парчалангани учун улар кеманинг ортидан боролмай қолишибди. Дарҳақиқат, гренландияликларнинг кураксимон эшкак билан ҳаракатланадиган ўта енгил ва омонат челноклари<sup>1</sup> унақа оғир шароитларда сузишга ярамасди.

Бу маълумот қанчалар мужмал бўлмасин, матрослар қалбидаги умид оловини қайтадан ёндиргандики, энди Жан Корнбют уларни қутб денгизлари сари бемалол даъват қила оларди.

Ливерпулдан жўнаш арафасида капитан эскимослардан чана судровчи олтига ит сотиб олди ва бу «дастёрлар»нинг кемага кўникиши ҳам осон кечди. Бриг оролни 10 август тонгида тарк этиб, кучли шамол кўмагида музлар орасидан яна шимол сари йўл олди.

Йилнинг бу мавсумида шимолнинг кунлари ниҳоятда узун бўларди, уфқда кўринувчи куёш деярли ботмасди. Бироқ туннинг йўқлиги ҳам қарийб сезилмасди: туман, ёмғир ва қорнинг муттасил «меҳмонлиги» кеча қоронғилиги ўрнини босаётганди.

Имкон борича шимолроққа боришга аҳд қилган Жан Корнбют экипажнинг саломатлигига алоҳида эътибор қаратди. Палубалар ораси зичлаб беркитилди, уни шамоллатиш учунгина очардилар. Печкалар қурилди, уларнинг дудбуронлари ҳам каюталарда иссиқликни кўпроқ сақлашга мослаб ўрнатилганди. Лекин ўтин ва кўмирни яна ҳам қаҳратон совуқлар учун эҳтиётлаб, печкалар ҳали ёқилганича йўқ эди. Матросларга пахтали кийим-бош устидан биттагина жун кўйлак кийиш ва плашлар тугмасини қадаб юриш буюрилди.

Эрталаб ва кечқурун ҳаммага қайноқ чой ёки қаҳва бериларди. Куч-қувватни сақлаш учун гўштли таом зарур бўлиб, бу атрофда беҳисоб паррандалар овла-

---

<sup>1</sup> Челнок – қайиқча. (Таржимон изоҳлари – Р.У.)

нар, денгизчилар дастурхони ҳамиша тўкин бўларди.

Жан Корнбют катта мачта учига тагсиз бочка ўрна-тиб, денгизчилар «ҳакка уяси» дейдиган «пост» ташкил этди: бу ердан матрослар навбатма-навбат тева-ракдаги музлар ҳолатини кузатишарди.

Ливерпуль ороли кўздан ғойиб бўлгандан сўнг икки кун ўтиб, тўсатдан қуруқ шамол кўзғолиб, ҳаво бирданига совуб кетди: яқинлашиб келаётган қиш-нинг илк аломатлари намоён бўла бошлаганди.

«Навниҳол шунқор»га энди ҳар дам ғанимат: эр-та-индин музлар бирикиб, йўлни батамом тўсиб қўйи-ши аниқ. Бриг олға бораётган йўлак ёнидаги майдон-ларда музнинг қалинлиги ўттиз футга яқин эди.

Учинчи сентябрь куни эрталаб кема Гаэл-Хамкес қўлтиғига кириб борди. Шамол орқадан эсарди, қу-руқликка қадар ўттиз милча масофа қолганди. Ана шу ерда бриг биринчи марта таққа тўхташга мажбур бўлди: олдинда кенглиги бир мил келадиган муз тў-сиқ пайдо бўлиб, йўл мутлақо тўсилди. Бир амаллаб йўлак очиш учун муз кесувчи арралар ҳам ишга со-линди. Арракашликка Пенеллан, Опик, Градлен ва Тюркьет жалб этилгандилар. Музни шундай кесарди-ларки, бўлакларини оқим ўзи суриб кетарди.

Бу юмуш команданинг йигирма соатча вақти-ни олди. Музда туриш жуда қийин бўлиб, аксарият ҳолларда белгача сувга ботиб ишлашга тўғри келар, тюлень терисидан тикилган уст-бошлар сувга бўкиб қоларди.

Боз устига шимолнинг инжиқ ва саркаш иқлимида ҳар қандай меҳнат одамни тез чарчатиб қўярди. Энг бақувват йигитлар ҳам зум ўтмай нафас ростлашга тўхташарди.

Нима бўлса-да, ахийри тўсиқ бартараф этилиб, йўлак очилди ва бриг яна олға интилди.

## ОЛТИНЧИ БОБ

### ЗИЛЗИЛА

«Навниҳол шунқор»нинг «йўлтўсарлар»га қарши бундай кураши яна бир неча кун давом этди. Арра уз-зукун матрослар қўлидан тушмасди. Сув юзида тўпла-ниб, йўлга ғов бўлаётган муз уюмларига қарши ҳатто порох ишлатишга тўғри кела бошлаганди.

Ўн иккинчи сентябрда денгиз сирти поёнсиз муз даштга айланиб, сув йўли тамоман ёпилди. Кемани чор тарафдан муз ўз исканжасига олганидан на олға ва на орқага ҳаракатланиш имкони қолган эмас. Ўрта-ча совуқ -16 даража. Хулласи калом, энди хавф-хатар ва маҳрумиятлар тўла қаҳратон ҳукмронлик қиларди-ки, шу ерда қишлаб қолишдан ўзга чора қолмаганди.

Бу пайтда «Навниҳол шунқор» Гаэл-Хамкес қўл-тиги остонасида бўлиб, тахминан 21-ғарбий узунлик ва 76-шимолий кенглик ўзаро кесишган нуқтада ту-рарди.

Жан Корнбют қишлов тараддудига киришди. Аввал-ло, кемани шамол ва музлар сиқувидан сақлайдиган бирор бухта топиш зарур. Бундай хавфсиз жой соҳил-дагина бўлиши мумкин. Қирғоқ эса ўн милча чама-си ғарбда бўлиб, Жан Корнбют ўша тарафга боришга жазм қилди.

Ўн иккинчи сентябрь куни у Андрэ Васлинг, Пенеллан ва матрослардан Градлен билан Тюркбет ҳамроҳлигида йўлга тушди. Улар ўзлари билан икки кунга етадиган егулик олгандилар, зеро, сайёҳлари-мизнинг мўлжали бўйича сафар икки кундан ортиқ давом этмаслиги керак эди. Бундан ташқари ҳар бир денгизчига биттадан қўтос териси ҳам берилгандики, у кези келганда, тўшак ўрнини босмоғи лозим эди.

Сўнги кунларда тўхтовсиз ёққан қорнинг сирти ҳали музламаганидан йўл юриш ниҳоятда қийин бўлди. Йўловчилар муттасил белгача қорга ботиб, музнинг дарзига тушиб қолмаслик учун юракларини ҳовучлаб боришарди. Йўл бошловчи Пенеллан темир учли таёқ билан ҳар бир қарични пайпаслаб кўрибгина қадам босарди.

Кечки соат бешларда туман шунчалар қуюқлашдики, тўхташга мажбур бўлишди. Пенеллан қор ва музлар оралаб изғириндан асровчи бирор бошпана ахтара кетди.

Жиндай ҳордиқ чиқариб, тамадди қилиб олган денгизчилар чой ёки қаҳва олмаганларидан қаттиқ афсусландилар. Сўнгра қор устида тери-тўшакка бурканиб, бир-бирларининг пинжига кирган ҳолда тошдай қотиб уйқуга кетишди.

Эртаси тонг чоғи Жан Корнбют ва унинг ҳамроҳлари камида бир фут қалинликдаги қор остида кўз очдилар. Яхшиҳамки кўтос териси нам ўтказмайди, бу уларни шалаббо бўлишдан, қор «кўрпа» эса изғириндан сақлаган эди.

– Дарҳол йўлга тушамиз, – деди Жан Корнбют.

Тушга яқин олисда жонсиз ҳошиядай бўлиб қирғоқ кўрина бошлади. Соҳилни баланд муз тоғлар қуршаб олган, чўққиларда турли шаклдаги кристаллар кўринади. Сайёҳларимиз яқинлашиб боришаркан, денгиз қушлари гала-гала бўлиб осмонга кўтарилиб, музлар устини пайпаслаётган тюленлар шоша-пиша сувга тушиб кетди.

– Тўғриси айтсам, – таъкидлади Пенеллан, – бу жойда мўйна ва ўлжага ёлчийдиган бўлдик.

– Бу жонзотлар олдин ҳам одам билан учрашганга ўхшайди, – деди капитан. – Афтидан, илгари бу ерда кимлардир бўлган, шунинг учун бизларни кўриб, махлуқларнинг ўтакаси ёрилиб кетди.

– Бу тарафларга гренландияликлардан бўлак ким ҳам келарди? – луқма солди Андрэ Васлинг.

– Аммо уларнинг изи йўқ-да, – эътироз билдирди муз адир чўққисига тирмашаётган Пенеллан. – Атрофда на қўналганинг ва на бирор ҳужранинг қолдиқлари кўринмаяпти.

– Ҳо-ой, капитан! – тўсатдан қичқирди у. – Бу ёққа келинлар, кемамизга бошпана бўлгудай жой топилди.

– Кетдик, йигитлар! – йўл бошлади Корнбют.

Ҳамма унга эргашди ва тез орада Пенелланнинг олдига етиб боришди. Рулевой тўғри топганди. Анчагина баланд қояли бурун ортида ёпиқ қўлтиқча бўлиб, узунлиги бир мил атрофида эди. Изғиринлардан панадаги сув бети ҳали яхламаган бўлиб, саноқли муз бўлақларигина сузиб юрарди. Дарҳақиқат, қишлов учун бундан ўнғайроқ кўрфаз топиш мумкин эмас. Энди кемани олиб келинса кифоя. Бироқ Жан Корнбют синчиклаб кўргач бухтага кираверишдаги қалин музни синдириб, канал очишининг ва кемани олиб келишнинг асло иложи йўқлигини англади.

Денгизчилар бошқа қўлтиқ излай кетишди. Шимол томонга юрган Жан Корнбютнинг яна ҳафсаласи пир бўлди: мўлжалдаги жой топилмади, соҳил деярли бошдан оёқ қоялардан иборат эди. Боз устига қирғоқнинг бу тарафида шарқдан келадиган изғирин шамоллар гужгон ўйнайди.

Бу ҳолдан капитаннинг таъби тирриқ бўлганди. Андрэ Васлингнинг эса чакаги очилиб, вазиятнинг беҳад мушкуллигидан лоф урарди. Ҳатто Пенелланнинг ҳам тарвузи қўлтиғидан тушиб, «ҳаракатда – баракат» нақлининг ҳақлигига энди шубҳалана бошлаганди.

Сўнгги йўл қолганди: қишлов манзилени жанубий йўналишдан излаб кўриш керак. Бунинг учун эса



орқага қайтиш зарур. Ұйлаб ўтиришнинг мавриди эмасди, кичик отряд дарҳол кемага қараб йўл олди. Жадаллик билан юрмасалар бўлмасди, озиқ-овқат ту-габ қолиши мумкин.

Жан Корнбют йўл-йўлакай музлик саҳросига зеҳн солиб ўйларди: қанийди бирор ёриқ ё дарзни топа олсалар, уни кенгайтириб, кема юрадиган каналга айлантирилса. Бироқ тумтайган Арктиканинг бундай орзуни рўёбга чиқарадиган сиёқи йўқ эди.

Кечга яқин денгизчилар бир кун бурун тунаган қўналгага етиб келишди. Ундан буён қор ёғмагани боис ўзлари қолдирган излар ўшандоғича турганди. Тунашга ҳозирланиб, қўтос терисига буркандилар. Пенеллан разведка натижаларидан сира кўнгли тўл-магани боис кўз қоқмай ётарди.

Пенеллан кутилмаганда эшитилган бўғиқ гумбур-лашдан ҳушёр тортди. У синчиклаб қулоқ соларкан, сирли овоздан қаттиқ таажжублангани боис тирсаги билан Жан Корнбютни туртди.

– Нима гап? – дарҳол кўзларини очди барча ден-гизчилар каби сергак ухлайдиган капитан.

– Эшитяпсизми? – имо қилди Пенеллан.

Бояги шовқин янада аниқроқ такрорланди.

– Бу жойларда момақалди роқ бўлгувчи эмасди, – таъкидлади тепаликка кўтарилган Корнбют. – Оқ айиқлар галаси келаётганга ўхшайди.

– Жин урсин, ҳалигача ўша одамхўрлар билан тўқнашганимиз йўқ эди. Шу тобда кўзимиз учиб ту-рибдими?

– Эртами-кечми бундай учрашув барибир пешона-мизда бор. Башарти айиқлар «ташриф буюрса», обдан «иззатлаб» кутиб оламиз.

Милтиғини шайлаган Пенеллан ўқдай учиб тепа-ликка чиқди. Осмон тўла қоп-қора булут, атрофни

зулмат чулғаган, пешонангга муштлаган одамни ҳам кўролмайсан. Бояги гулдураш яна бир бора такрорланди: Пенеллан ваҳимали овоз узоқдан келмаётганига амин бўлди. Жан Корнбют ҳам унинг фикрини маъқуллади. Ҳамманинг уйқусини бузган гумбур-гумбур шундоқ оёқлари остида эканига ортиқ ҳеч кимда шубҳа қолмаганди.

Устига-устак янги ваҳима қўшилди: момақалди-роқдай қасир-қусур баробарида бепоён музлик ҳам беланчак мисоли тебрана бошлаганди. Айрим денгизчилар ҳатто оёқда тура олмасдилар.

– Ҳамма гапимга кулоқ солсин! – қичқирди Пенеллан.

– Эшитяпмиз, – жавоб беришди денгизчилар.

– Тюркьет, Градлен қаёқдасиз?

– Мен бу ерданман, – жавоб берди устидаги қорларни силкиётган Тюркьет.

– Васлинг, кела қолинг! – буюрди Корнбют. – Градлен қани?

– Шу ерданман, капитан! Ҳаммаси тамом! – чинқирди ўтакаси ёрилаётган Градлен.

– Мутлақо ундаймас! – бош чайқади Пенеллан. – Менимча, ҳаммаси ўтиб кетди.

Унинг оғзидаги-оғзида, бўғзидаги-бўғзида қолди: оёқлар остидаги музлар жунбишга келиб, гумбур-гумбур билан парчалана кетди, матрослар кўзларига кўринган муз харсангларга тирмашдилар. Иш Пенеллан айтганининг аксига айланиб, уларнинг ҳаёти катта хавф остида қолганди. Музликлар саҳроси бешик мисоли тебранарди. Остин-устун бўлиб уюлган муз қоялар матрослар тили билан айтганда, «лангарни узиб» дайдий бошлади. Оёқ ости икки дақиқага яқин тўхтамай силкиниб турди. Шўрлик денгизчилар музнинг қарс-қарс ёрилишидан пўкиллаб, тонггача қўрқув ва ваҳима билан кўз юмганлари йўқ. Босилган ҳар бир

қадам сўнггиси бўлиши мумкинлиги сабаб, улар уммон қаърига фарқ бўлмаслик учун қилт этмай ётавердилар.

Тонг отгач, сайёҳлар кечагига мутлақо ўхшамайдиган манзарани кўрдилар: бепоён кенглик минг-минг муз бўлақларига айланганди. Сув остидаги зилзила қўзғотган қудратли денгиз тўлқинлари метиндай музлар ўлкасини парчалаб ташлаганди.

Кемани эслаган биринчи одам капитан бўлди.

– Шўрликкина бриг! – ачинди у. – Аллақачон адоий тамом бўлгандир.

Ҳамманинг юзига чексиз қайғу аломатлари қалқди, негаки, кемадан айрилиш команда аъзолари учун муқаррар ҳалокат эди.

– Рухингизни туширманг, дўстлар, – деди Пенеллан босиқлик билан. – Умид қиламанки, музликнинг парчаланиши билан йўл очилиб, кемани қишлоқ учун қулай бухтага ўтказиб олсак ажаб эмас. Ие, ана, янглишмасам, «Навниҳол шунқор» ўзи ҳам кўриниб қолди, аввалгидан бир мил яқинроққа келиб қолибди.

Қувончдан эҳтиёткорликни ҳам унутган денгизчилар олға талпиндилар. Трюкбет сирғаниб, музлар орасига тушиб кетди: Жан Корнбют капюшонидан тутиб қолмаганда, матроснинг куни битганди. Хайриятки, кийимлари сувга бўкиб, «чўмилди» холос.

Сайёҳлардан икки милча нарида бриг сузиб келарди. Улар бир қанча говлардан ўтиб, кемага етиб олишди. Бриг ҳеч қандай зиён-заҳмат кўрмаган, фақат кўтариш унутилган руль музлар зарбидан синганди.

## ҚИШНИНГ ҚАЙҒУСИ

Шундай қилиб, Пенеллан яна ҳақ бўлиб чиқди: офат хайрли якунланиб, сув остидаги зилзила қишлов бухтасига йўл очиб берганди. Денгизчилар каналдаги муз харсанглар йўлга ғов бўлмаслиги учун чангаклар билан туртиб, оқимга буриб юборсалар бўлгани.

Ўн тўққизинчи сентябрь куни бригни бухтага олиб киришди ва соҳилга икки кабельтов масофада лангар ташланди. Эртасидан кема атрофидаги сув «қаймоқлай» бошлади ва тез орада одамни кўтара оладиган қалин музга айланди. Энди унинг устидан қирғоққа бемалол қатнайвериш мумкин.

Шимол шароитида қишлаш таомилига кўра таке-лажнинг <sup>1</sup> бари ўз ўрнида қолдирилди. Елканларни эса эринмай тахлаб, реяларга маҳкамлашгач, устидан гилофлаб қўйишди. «Ҳакка уяси» ҳам ўз ўрнида қолди, чунки у мачтага чиқиб, теваракни кузатишга, бирон бир кема кўриниб қолса, сигнал беришга асқотарди.

Қуёш уфқдан жиндайгина бош кўтарарди, холос. Июндаги кун-тун тенглашганидан буён офтоб хийла оғиб, кундузлари мутлақо кўринмай қўядиган кунларга жуда оз қолганди.

Тезкорлик билан бошланган қишлов тайёргарлиги ишларига Пенеллан мутасаддилик қиларди.

Тобора қотиб, қалинлаб бораётган музнинг эса кемани мажақлаб ташлаш хавфи бор. Сузувчи музлар эса муттасил ҳаракатда: улар бир-бирига тутшиб, музли кенгликлар яна асл ҳолига қайтарди. Музнинг қалинлиги йигирма футга етганда, Пенеллан ҳам-

---

<sup>1</sup> Такелаж – кемадаги зарур асбоб-ускуналар.

мани ишга солди: кема атрофини қиялатиб кесиб чиқишди ва муз киль<sup>1</sup> остида бирлашди-да, бриг учун беланчак шаклини олди. Хуллас, «Навниҳол шунқор» энди ўзига хос «ғилоф»га жойлашиб, музнинг сиқу-видан хавотирга ўрин қолмаганди.

Денгизчилар кеманинг атрофига қордан девор тиклашди. Фальшбортгача<sup>2</sup> етадиган «қўрғон»нинг баландлиги беш-олти фут бўлиб, тезда музлаб тош-дай қотди. Бу ихота ичкаридаги иссиқни сақловчи ташқи қобиқ вазифасини ҳам бажарарди. Кема бўй-лаб елкан матосидан чодир тортилди ва усти ёпилган палуба сайргоҳга айланди-қолди.

Соҳилга қордан омборхона қурилди ва бригни то-райтираётган анча нарса (асосан захира егуликлар) ташиб чиқарилди. Каюталарнинг ўрта тўсиқлари олиб ташланиб, кема бошдан-оёқ яхлит зал тусига кирди. Майда-чуйда хоналардан кўра бу биттагина, ammo кенг жойни иситиш ўнғай эди. Қолаверса, моғор ва муз тўпланадиган кўпдан-кўп бўлик-бурчаклар ҳам барҳам топди. Зални енглик «қувурлар» орқали ша-моллатиш ҳам осон-да, албатта.

Команданинг ҳамжиҳат саъй-ҳаракатлари билан қишлов тараддуди 25 сентябрдаёқ якунланди. Андрэ Васлинг ҳам бошқалардан ёмон ишлагани йўқ. У Ма-рига хушомад ва такаллуфни кучайтирарди. Фикру зикри шўридаҳол қаллиғи билан банд ойимқиз бу жи-гарсўхталикни пайқамаётган эса-да, кўпни кўрган ка-питан коса тагидан ним косани аллақачон сезиб бўл-ганди ва шу ҳақда Пенелланга маслаҳат солди. Жан Корнбют Андрэнинг баъзи қилиқларини, гапларини ҳам эслади ва энди ёрдамчисининг асл муддаоси унга

---

<sup>1</sup> Киль – кеманинг остки тўсини.

<sup>2</sup> Фальшборт – юқори палуба устидаги тахта қопламанинг давоми. (Таржимон изоҳлари – Р.У.)

аён эди. У Марига ошиқ, Луининг ҳаёт эканидан умид узилгач, Жан Корнбютдан қизнинг қўлини сўрайди. Демак, у ёғи аниқ: капитан ёрдамчиси Дюнкеркка тезроқ қайтиш, Корнбютнинг ягона меросхўри бўлиб қоладиган бой ва гўзал жононга уйланиш қутқусида оромини йўқотган.

Бесабрлиги жунбишга келган Андрэ гоҳо эҳтиёткорликни унутиб, ўз кетини ўзи очар ва қидирувларнинг беҳудалиги хусусида ўқтин-ўқтин жаврашга тушарди. Пенеллан эса унинг бу борадаги тутуруқсиз исботларини осонгина чиппакка чиқарардики, бунинг учун кекса денгизчини капитан ёрдамчиси итидан ҳам ёмон кўрарди. Албатта Пенелланнинг ҳам уни кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ эди. Рулевой Андрэнинг денгизчилар орасидаги бирдамликни бузиши мумкинлигидан қаттиқ хавфсирагани учун капитанга ҳозирча аниқ бир жавоб айтмасликни маъқул кўрди.

Қишловга ҳозирлик яқунлангач, Жан Корнбют экипажнинг саломатлигини сақлаш масаласида ҳам бир тўхтамга келди. Энди матрослар ҳар тонг залнинг ҳавосини янгилашлари ва тун бўйи нам тортган деворларни эринмай артиб ташлашлари зарур. Эрталаб ва кечқурун ҳаммага қайноқ чой ёхуд қаҳва берилиши шарт. Ҳар куни бир неча кишининг овга чиқиши ва иссиқ овқатга янги гўшт келтириши ҳам қоидага айланди.

Капитаннинг буйруғига биноан тонгги бадантарбия қатъий йўлга қўйилди ва очиқ ҳавода узоқ вақт ҳаракатсиз қолиш тақиқланди. (Совуқ -30 даража бўлиб, юз ва бармоқларни уриб кетиши ҳеч гапмас-да). Башарти шундай ҳодиса рўй бергудай бўлса, унинг чораси ягона: совуқ олган аъзони тезда қор билан ишқалаб ташланади. Пенелланнинг маслаҳатига кўра ҳар куни эрталаб муздай сувда ювинган маъқул. Кемада ҳосил қилинаётган совуқ сувга юз-қўлларни бо-

тириш аслида ҳазилакам матонат эмас. Пенеллан ўз маслаҳатини ҳамманинг кўз олдида ўзи амалга ошириб, шахсий намуна кўрсатди ва Мари биринчилар қатори бу жасоратни такрорлади.

Жан Корнбют китобхонлик ва ибодат хусусида ҳам унутгани йўқ, зотан, кишиларнинг зерикмаслиги ва руҳан эзилмаслигининг олдини олмаса бўлмасди. Бу Худо қарғаган музлар орасида руҳий тушкунлик катта душман ҳисобланади. Муттасил тумтайган осмон юракларни қон қиларди. Сира тўхтамайдиган изғирин ва бўрон – диққинафасликнинг дояси. Боз устига эрта-индин қуёш уфқдан мутлақо бош кўтармай қўяди. Кунда-шунда булутлар нари кетса қанийди, узундан-узоқ қутб тунисида ой ҳам жиндай милтираб, офтоб ўрнини сал-пал босарди.

Аксинча, ғарбдан эсанган шамол қор тўла булутларни ҳайдаб келганди. Ҳар тонг кема атрофида уюлган тунги қорни кураш, музликка тушиш учун янгидан пиллапоя чопиш керак. Бунда мисранглар ниҳоятда иш берарди, кертилган зиналар устига сув қуйиб текислардилар ва зина дарҳол музлаб тошдай қотарди.

Матрослар Пенеллан етакчилигида кема яқинидан музни тешиб, «ҳовуз» ясадилар. Ҳар тонг «ҳовуз» юзи қаймоқлар ва бу юпқа музни синдириб туриш лозим бўларди, чунки, чуқурроқдан олинган сув денгиз сиртидаги даражада совуқ бўлмасди.

Уч ҳафта вақт ана шунақа юмушлар билан ўтди. Энди қидирувни давом эттириш ҳақида ўйлаш керак эди. Кема музлар исканжасида кам деганда олти-етти ой «қантарилганича» қолади, у кунлар илигачгина сузиб кетиши мумкин. Мажбурий қўналғада бекор турмасдан шимолга юриб, қидирувни давом эттириш энг маъқул иш эди.

## САККИЗИНЧИ БОБ

### МАСЛАҲАТ

Тўққизинчи октябрь куни капитан сафар маслаҳати учун кенгашмоқни ўйлаб, одамларнинг кўнгилни кўтариш мақсадида унга ҳаммани чақирди. Жан Корнбют харитани ёйиб, кема турган нуқтани кўрсатди ва ўз мулоҳазаларини қуйидагича баён қилди:

– Гренландиянинг шарқий соҳиллари қарийб меридиан чизиғи (20-даража ғарбий узунлик) бўйлаб чўзилган ва бир қатор денгизчи-сайёҳлар томонидан пухта ўрганилган. Гренландиядан то Шпицберген архипелагигача чўзилган 500 льё<sup>1</sup> масофадаги денгизларда оролар йўқ. Яқин орадаги ягона Шаннон ороли эса кемамиз турган Гаэл-Хамкес қўлтиғидан юз мил шимолда жойлашган. Гапнинг индаллоси шуки, башарти норвегияликларнинг бахтиқаро кемаси шимолга қараб кетган экан, Луи ва унинг ҳамроҳлари қишлоқ учун ана шу Шаннон оролидан бошпана топган бўлсалар керак деб ўйлайман.

Капитаннинг мулоҳазалари ҳаммага маъқул келди ва Андрэ Васлинг қарши бўлса-да, Луини излаб Шаннон оролига жўнайдиган бўлишди.

Дарҳол сафар тадориги бошланди. Норвегия соҳилларида эскимосларникига ўхшаш чана сотиб олишганди, у музда ҳам, қорда ҳам бирдай енгил сирпанарди. Чананинг бўйи ўн икки фут, эни тўрт фут бўлиб, бир неча ҳафтага етадиган егулик ҳам бемалол жойланарди. Бу ишларни Фидель Мизон кам-кўстсиз адо этди. У қордан қурилган ташқи омборга масъул бўлиб, асбоб-ускуналарнинг бари ўша ерда турарди.

---

<sup>1</sup> Льё – 5555 метрга баробар денгиз узунлик ўлчови. (Таржимон изоҳи – Р.У.)



Фидель чанани ҳозирлар экан, Пенеллан Марининг кўмагида йўлга уст-бош тайёрлаш билан шуғулланарди. Тюлень терисидан тикилган этикларни ғамлаб олингани мана энди иш берадиган бўлди. Жан Корнбют билан Андрэ Васлинг керагича озиқ-овқат юклаш билан машғул бўлиб, етарлича чой ва қаҳва, кичикроқ яшиқда қаттиқ нон, икки юз фунт пеммикан, ароқ ва кўчма ўчоқ учун спирт ғамлашди. Гўшт таъминоти кунлик овчилар зиммасига юкланди, бунинг учун халталарда порох олиш ҳам унутилгани йўқ. Нозик асбоблардан компас, секстант ва дурбинни эҳтиётлаб ғилофлаб олишди.

Ўн биринчи октябрь тонгида қуёш илк бор уфқдан бош кўтармади. Палубада энди кечасию кундузи чироқ ўчмайди. Экспедицияни эса асло кечиктириб бўлмасди, бунинг учун етарлича асослар бор.

Чунончи, январга ўтиб шундай даҳшатли совуқлар бошланадики, унда ташқарига чиқишнинг иложи қолмайди. У ҳолда команда камида икки ой узлатнишин ҳаётга мажбур. Ундан сўнг кунлар илиб, кема ни ҳаракатга солиш мумкин бўлади. Аниқки, музлар эригач, қидирувни давом эттириш қийинлашади. Энг муҳими шуки, Луи ва унинг шериклари бир амаллаб омон қолган бўлсалар ҳам қутбнинг қаҳратон қишига дош бера оладиларми? Шунинг учун ҳам зудлик билан уларнинг жонига оро кириш шарт!

Буни Андрэ Васлинг ҳам жуда яхши биларди ва шу боис ҳам ҳар қанақасига бўлмасин экспедициянинг оёғига тушов солишга уринарди.

Йўл тараддуди 20 октябрда тугалланди. Энди кимлар бориши аниқланса бас. Марига Жан Корнбют ва Пенеллан кўз бўлиб турмаслигининг иложи йўқ, айни ҳолда бу икковнинг қидирувда қатнашмаслиги ҳам мумкин эмас.

Энди нима қилса бўлади? Мари музлар устидаги саёҳатнинг машаққатларига дош бера оладими? Ҳозиргача кечган синовларда қиз ортиқча қийналгани йўқ, негаки, у денгизчининг фарзанди бўлиб, болалигидан денгиз сафарларига кўникиб кетганди. Шунинг учун ҳам Пенеллан уни қўрқмай кемага олаверганди.

Узундан-узоқ мунозаралар ниҳоясида бир қарорга келишди: ойимқиз ҳам қидирув экспедициясига боради, лекин унга чана устидан алоҳида жой қилиб берилади. Шу мақсадда чанага тахтадан мўъжаз хужра тиклашди. Мари оёғини тираб туриб олган, устидан, тилла сочсалар ҳам экспедициядан қолмасди.

Хуллас, шундай тўхтама келинди: сафарга Мари, Жан Корнбют, Пенеллан, Андрэ Васлинг, Опик ва Фидель Мизонлар боради, Жервик, Градлен ва Ален Тюркьет кемада қолиб, қўриқчилик қилишади. Озиқ-овқатни мўлжалдагидан анча ортиқ олишга тўғри келди. Чунки, Жан Корнбют имкон қадар олисларга бормоққа ва ҳар етти-саккиз кунлик йўлда қайтиш учун егулик захираси қолдириб кетишга қарор қилганди.

Чана синаб кўрилгач, дарҳол юкларни ортиб, устини қўтос териси билан яхшилаб ўрашди. Олинган нарсаларнинг оғирлиги етти юз фунтга яқин бўлиб, бешта ит зўриқмай судрай оларди.

Йигирма иккинчи октябрь куни худди капитан кутганидек, ҳаво очилиб, юлдузлар чарақлаб кетди ва уфқдан сал-пал бош кўтарган ой ўн беш кунгача ботгани йўқ. Термометр -25 даражани кўрсатарди.

Эртасига жўнайдиган бўлишди.

## ТЎҶҚИЗИНЧИ БОБ

### ҚОРДАН ҚУРИЛГАН КУЛБА

Йигирма учинчи октябрь куни эрталаб соат II да карвон йўлга тушди, тўлин ой чарақлаб турарди. Сафар чўзилиб кетиши эҳтимолини кўзда тутиб, пухта тайёрланиб олинганди. Жан Корнбют соҳил ёқалаб шимол томонга йўл бошлади. Оёқ ости ойнадай яхма-лак бўлганидан саёҳатчилар ҳеч қандай из қолдирмай боришарди. Йўлдан адашмаслик учун капитан айрим жойларни мўлжаллаб белги қўйиб кетарди: осмонга бўй чўзган муз қирлар ёки уюм-уюм муз қоялар ана шу мўлжал вазифасини бажарарди.

Ўн беш милча юргач, ҳордиқ учун тўхташди ва Пенеллан қўналға тараддудига киришди. Даставвал муз уюмига туташтириб чодир тикилди. Шамол ювош тортиб, совуқнинг шашти кесилган ва Мари ортиқча қийналмаётган бўлса-да, гоҳо чанадан тушиб, оёқларининг чигалини ёзиб оларди. Пенеллан ички томонига тери қоплаб берган ҳужра унга жуда қулай эди.

Тунда ёки ҳордиқ чоғлари уйчани палатка ичига кўчиришарди ва у қизалоққа ётоқхона хизматини қилаётганди. Кечки хўрак янги гўшт, қуритилган гўшт уни ва қайноқ чойдан иборат. Цинганинг олдини олиш учун Жан Корнбют ҳамроҳларини лимон шарбати билан таъминларди. Қоринни тўйгазгач, сайёҳлар ибодат қилиб, уйкуга кетишди.

Саккиз соатлик уйқу кучига-куч қўшган экспедиция қатнашчилари нонуштадан сўнг итларга ҳам овқат бериб, яна йўлга тушдилар. Итлар чанани текис муз устидан чопқиллаб тортиб борар, одамлар гоҳо етиб юролмасдилар.

Бу орада баъзи денгизчиларда офтальмия, яъни кўзларнинг яллиғланиши аломатлари пайдо бўлди.

Хасталик дастлаб Опик ва Мизонда бошланди. Як-каш муз ва қордан иборат кенгликларнинг ой нурида муттасил ярақлаб туриши кўзларда санчиқли оғриқ кўзготаётганди. Ой ёғдусининг оёқ остидан синиб қайтиши кўзларни ғалати тарзда «алдарди». Гоҳо йўловчилар олдида баландлик тургандай туюлар ва оёқни йўқ нарсага юқори кўтариб қадам босгач, юз тубан ағдарилардилар. Хайриятки, бу «алдамчилик»дан ҳеч ким шикастланмас ва уларнинг кулгили бу аҳволи Пенелланнинг беозор аскиясига нишон бўларди. Рулевой кейин жиддий тортиб насихат қилиб қўйди:

– Нима бўлганда ҳам ҳар бир қадамни ўйлаб босинглар. Оёқ қўйишдан олдин қўлдаги темир чангак билан музнинг устини обдан текшириб кўриш шарт.

Биринчи ноябрга қадар, яъни кема тарк этилгандан кейинги ўн кун мобайнида отряд эллик льё йўл босди. Ҳамма ниҳоятда толиққанди. Офтальмиядан қаттиқ азоб чекаётган Жан Корнбют атрофдаги нарсаларни зўр-базўр илгарди. Пайпаслабгина йўл топа оладиган Опик ва Фидель Мизоннинг қип-қизариб кетган кўзлари музнинг ялтирашидан жуда қаттиқ оғриётганди. Деярли ҳужрасидан чиқмагани учун бу дард Марини четлаб ўтди. Пенеллан эса ҳамма кўргуликларни ўзига хос сабот билан енгаётганди. Энг соғлом одам Андрэ Васлинг бўлиб, унга бало ҳам урмаганди. Гўё унинг вужуди айнан мана шунақа оғир синовлар учун яратилгандек. У тоғни урса талқон қила оладиган йўлдошларининг тобора тушкунликка тушиб бораётганидан пинҳона яйрагани устига тез фурсатда мажбуран орқага қайтишларига қатъий ишонарди.

Алалоқибат, 1 ноябрь кuni денгизчиларнинг тинка-мадори қуриди ва энди бир-икки кун тўхтаб дам олмасалар иложи йўқ эди. Қўналга жойини танлаб, ҳамма зудлик билан ишга киришди, қор ва муздан

уйча тиклашга жазм қилиб, бир тараф деворини чет-даги муз-қояга туташтиришга қарор қилдилар. Мизон тезда уйнинг бичимини чизди: бўйи ўн беш, эни беш фут бўлади. Пенеллан, Опик ва Мизон арраларни ишга солиб, кесилган муз бўлақларидан асл иморат-созлардай девор тиклай бошлашди ва қисқа вақт ичида олд деворнинг баландлигини беш футга етказишди. «Ғишт» сероблигидан деворнинг қалинлиги ҳам беш футдан кам эмасди. Қолаверса, уй мустаҳкам бўлиши, бир неча кунларга яраб бериши ҳам керак-да. Саккиз соатда тўрттала тараф ҳам битиб, эшик ўрни жануб томондан қолдирилди. Қурувчилар том ва эшикни елкан матоси билан беркитишди. Яна уч соатлик аҳил меҳнат билан уй тамоман қўлдан чиқди: кўчиб кирган сайёҳларимизни чарчоқ эзган, кайфиятлари дабдала эди. Жан Корнбют ўзи ҳам зўрға оёқда турарди. Бундан жони кирган Андрэ Васлинг эса капитандан излашни тўхтатиш ҳақида ваъда олмоққа уринарди.

Пенелланнинг боши қотди: азиз-авлиёларнинг қай биридан мадад сўрасин? Унинг фикрича, ҳаёт эканига умид бўлгани ҳолда бахтсизликка гирифтор денгизчиларни ҳалокат чангалига ташлаб кетаверишдан ортиқ разолат йўқ эди. Аммо бунга шерикларини қандай ишонтирсин?

У ёғидан келсангиз, энди қайта қолиш хусусида бир қарорга келган бўлсалар-да, ҳамманинг юрарга ҳоли йўқлиги боис уч кун мобайнида йўлга чиқиш ҳеч кимнинг тушига ҳам киргани йўқ.

Тўртинчи ноябрда Жан Корнбют қайтишда ортиқча ҳисобланган егуликларни шу ернинг ўзида қолдиришни маъқул кўрди. Уни кўмиб, «омбор» устига алоҳида белги қўйишдики, тақдир тақозоси билан эҳтимоли бор янги қидирувларда асқотиши мумкин. Ортда қолган йўлнинг ҳар тўрт кунлик бўлагида ҳам

шундай захира кўмилган бўлиб, ҳам чанадаги юк енгиллаган, ҳам мана энди қайтишда кор келарди.

Кема томонга жўнаш 5 ноябрь соат ўнга тайин қилинди. Экспедиция аъзоларининг ичига чироқ ёқса ёришмасди. Ғам дарёсига ғарқ бўлган тоғасига жони ачиган Мари кўз ёшларини аранг тийиб турарди. Чеккан азоб-уқубатларининг бари беҳуда кетди-я! Шунча ҳаракат билан бир иш чиқара олмадилар-да! Ахийри Пенеллан тутоқиб кетди, ўртоқларини гўрдан олиб, гўрга соларкан, уларнинг қуёнжорак ва заифона кимсалар экани хусусида обдан «ўқиди».

– Аминманки, ҳалигача бир оғизгина зорланмаган, дунёнинг нариги бошигача боришга бел боғлаган Мари сизлардан матонатли ва бардошлироқдир, – деди у «ўқиб» бўлгач.

Андрэ Васлинг эса терисига сиғмасди, лекин ҳозирча қувончини ошкор этгани йўқ. У Марининг атрофида муттасил гирдикапалак бўлиб, унга тасалли беришга, қидирув баҳорда давом этишига ишонтиришга уринарди. Аммо у Луини баҳорда ахтаришнинг фойдаси йўқлигини яхши биларди.

## ЎНИНЧИ БОБ

### ТИРИКЛАР САҒАНАСИ

Жўнаш арафасида денгизчилар кечки тамадди билан банд чоғи Пенеллан бўш яшиклардан ўтин қилаётганди. Бирданига у қуюқ тутундан димиқиб кетаётгандай бўлди. Худди шу лаҳзада уйча зилзиладаги мисоли тебрана бошлади, ҳамма бақариб юборди, Пенеллан чопқиллаб ташқарига чиқди.

Музлар ўлкаси зулмат қўйнида. Илиқ кунларгача ҳали ойларча вақт бор. Бўрон қутурар, қуюн қорли

гирдобни гир-гир айлантирарди. Совуқ шунчалар забтига олгандики, рулевойнинг қўллари бир зумда яхлаб қолди. У юзи ва қўлларини қор билан тез-тез ишқалаб, бошпанага қайтди.

– Ана бўрону мана бўрон! – деди у. – Ишқилиб, уй-чамизни Худо сақласин, агар томимизни қуюн учириб кетгудай бўлса, адойи тамоммиз-да.

Оёқлар остидаги денгиз ваҳимали гулдурайди. Музли дўнғлар бўрон шиддатидан парчаланар, харсанглар думалаб, бир-бирига тўқнашар ва ҳамма ёқни даҳшатли садолар тутарди. Шамол шунчалар шиддатли эдики, ҳали-замон уйчани кўтариб кетадигандай туюларди. Ўқтин-ўқтин қор қуюни фосфорланиб, гоҳо чақмоқдай ярақларди: бунисини изоҳлашга сўз топиш маҳол.

– Мари, Мари! – қичқирди Пенеллан ва қизнинг қўлларидан маҳкам тутиб олди.

– Ишимиз чатоқ! – гўлдиради Фидель Мизон.

– Мана шу ерларда қоп кетмасак бўлгани, – қўшилди Опик.

– Қани қайтамыз! – ҳовлиқди Андрэ Васлинг.

– Ҳозир бунинг иложи йўқ, – қаршилиқ қилди Пенеллан. – Ташқарида даҳшатли совуқ, мана шу уй ичидагина жон сақлай оламиз, холос.

– Хўп, термометрни беринг-чи, – деди Андрэ.

Опик қўлидаги асбобни унга узатди. Ўт ёниб турган бошпанада ҳам термометр -10 даражани кўрсатарди. Васлинг эшикни тўсган матонинг бир четини кўтариб, эҳтиёткорлик билан термометрни ташқарига чиқарди: ҳазир бўлмаса, бўрон япроқдай учираётган қиррали муз парчалари қўлини жароҳатлаши ҳеч гапмас.

– Қалайсиз энди, жаноб Васлинг? – писанда қилди Пенеллан. – Ҳали ҳам дарҳол кета қолмоқчимисиз?

Ҳар ҳолда мана шу бошпана нисбатан бехатар эканига энди ишондингизми?

– Албатта, – уни қувватлади Жан Корнбют. – Биз ҳатто уйимизни мустаҳкамлашни ўйлашимиз зарур.

Андрэ Васлинг барибир ўз билганидан қолмади:

– Бу ерда жудаям катта хавф кўз тикиб турганини унутяпсиз, жаноблар.

– Қанақа хавф? – таажубланди капитан.

– Ҳозир айтаман: Гаэл-Хамкес бухтасида музни ёрган офат ҳозир оёқ остини чилпарчин қилади-да, муз бизни қаёқларгадир олиб кетади ёки денгизга чўкиб ўламир.

– Менимча, бу тахмин ҳақиқатга яқин эмас, – эътироз қилди Пенеллан. – Бундай чирилламада сув музламаслиги мумкинмас. Қани, совуқни ўлчаб кўрайлик-чи.

Термометр -32 даражани кўрсатаётганди. Андрэ Васлингга тагин гап топилди:

– Яна ўн даража қўшилса бас, ичидаги симоб ҳам музлайди!

Даврага ноҳуш сукунат чўқди.

Соат саккизга яқин Пенеллан кулбадан чиқиб, ташқаридаги вазиятни тагин бир кўрмоқчи бўлди. Қолаверса, шамол ичкарига қайтарган тутунни ҳам ҳайдаб юбориш керак. Денгизчи плашга бурканиб, капюшонни рўмолчаси билан маҳкам боғлади ва эшик ёпқичини кўтарди. Остонани батамом қор босиб бўлганди. Пенеллан чангакнинг темир учини қор уюмига санчишга уринаркан, метал метиндай музга қадалди, унинг ўтакаси ёрилди.

– Капитан, – деди у ёнига етиб келган Корнбютга, – биз қорли лаҳадга тириклайин кўмилиб қолибмиз!

– Нима-а? – қичқирди капитан.

– Бизни қор уюми босиб қопти, деяпман.



– Уни суриб ташлашга уриниб кўрамиз-да, – жавоб қайтарди капитан.

Икковлон эшикни тўсиб ётган қор уюмини жилдиришга ҳарчанд зўр қилдиларки, ўрнидан асло қўзғота олишгани йўқ. Чамаси денгизчилар кулбасини беш фут қалинликдаги муз исканжага олганди.

Жан Корнбют ўзини тутолмасдан бақириб юборди, Мизон билан Андрэ Васлинг уйғониб кетишди. Капитан ёрдамчисини даҳшат босиб, афтини бужмайтирганича сўкингани тушди. Устига-устак ўша онда уй ичи қуюқ тутунга тўлди.

– Вой лаънати! – қичқирди Мизон. – Печкамизнинг карнайига ҳам муз тиқилиб қопти!

Пенеллан ўтхонадаги аланга устига қор ташлаб, таёғи билан печкани буза бошлади. Аммо тутун баттар буруқсиб бердики, дуд пардаси ортидаги чироқ ҳам кўриниб кўринмай қолди. Пенеллан тутунни ҳайдашга уриниб, мўрконни титкилагани сайин калтаги тош қотган музга қадаларди, холос.

Улар узоқ давом этадиган ўлимга, талвасада қийналиб жон беришга маҳкум эдилар. Аччиқ дуд шўрликларнинг ўпкасига кириб қаттиқ азоб бергани устига нафас олиш тобора қийинлашарди...

Мари уйғонди. Қизни кўриб, Жан Корнбют ўзини бутунлай йўқотиб қўйди, аммо Пенеллан ўзида матонат топа билди. Ахир, у фариштагина қизни мана шундай мудҳиш ажал чангалига бериб қўяр эканми?

– Нима бўлди? – ҳайратланди Мари. – Печкани жа-а қаттиқ ёққанга ўхшайсизлар, уйимиз тутунга тўлиб кетибди.

– Шунақа-шунақа, – гўлдиради ўзи билан бормийўқ рулевой.

– Зўр иш бўпти-да, – давом этди Мари. – Яқин орада кулба бунчалар исимаганди.

Ҳеч ким унга ҳақиқатни айтишга ботинолмасди.

– Қани, қизим, – деди Пенеллан овозига хотиржам тус бериб, – нонушта ҳозирлашга кўмаклашиб юборгин-чи. Ташқарига чиқиб бўлмайди – совуқ ниҳоятда қаттиқ. Мана спирт, ана спиртли ўчоқ ва қаҳва. Йигитлар, ҳозирча пеммикан тановул қила турсак нима дейсизлар? Тупугинг ерга тушмайдиган мана шу чирилламада ов қилолмаймиз, ахир.

Унинг таклифини аксарият қувватлаган бўлди.

– Аввал – иқтисод, – қўшиб қўйди Пенеллан, – қоринни тўқлагач, бу ердан чиқиш чорасини қилармиз.

Пенеллан биринчи бўлиб ўз насибасини кавшай кетди. Шериклари ҳам ундан андоза олишди, ғарибона нонушта ниҳоясида қайноқ қаҳва ҳам бор эди, албатта. Ҳамма тетиклаб қолганди. Ҳамиша серғайрат Жан Корнбют дарҳол ишга киришмоқчи эди, Андрэ Васлинг шаштини кесди:

– Агар довул ҳалиям давом этаётган бўлса (бу эҳтимолдан холи эмас), устимизни камида ўн фут қалинликдаги муз босиб қолгандир. Чунки, ташқаридан «тиқ» этган товуш кирмаяпти-да.

Пенеллан шоша-пиша Марига ўгирилди. Қиз энди нима гаплигини фаҳмлаган бўлса-да, ақалли кипригини ҳам қоқмади...

Пенеллан чангакнинг учини ёнаётган спиртовка алангасига товлаб, деворни тешмоқчи бўлди, аммо лаққа чўғ темир ҳам тўрт деворнинг ҳеч бир тарафига санчилмади. Жан Корнбют йўлни эшик ўрнидан очишни таклиф қилди. Аммо муз шунчалар қаттиқ эдики, пичоқ ҳам кириб-кирмасди. Дам ўтмай ҳамма ишга тушди – уйча бир амаллаб кўчириб олинган муз парчаларига тўлиб кетди. Икки соат қаттиқ тер тўкиб очилган лаҳмнинг узунлиги уч футга бориб-бормасди.

Хуллас, унумли ва хавфсиз бир чора ўйлаб топма-са бўлмасди: негаки, туннель ичкарилагани сайин, музнинг қаршилиги ошиб боради, уни синдириш учун тобора кучлироқ зарба зарур, аммо бундай зарбалар уйчани ҳам шикастлаши мумкин.

– Музни спиртовканинг олови билан эритиб кўрайлик, – деди Пенеллан.

Бу хавфли таваккал эди: спирт ўзи кам қолган, башарти манави қамалда узоқ қолиб кетсалар, спирт овқат пиширгани ҳам етмайди. Барибир Пенелланинг таклифи маъқул келиб, ўша ондаёқ амалга оширилди. Аввал чуқурлиги уч, диаметри бир фут чама-сида ўра кавланди: у девордан оқиб тушадиган сувни тўплаш учун мўлжалланганди. Бу эҳтиёт чораси ҳам зарур, чунки, аланга таъсирида муз тез эрийди-да.

Йўлак оҳиста чуқурлаша бошлади, лекин спиртовка билан узоқ ишлаб бўлмасди, кийим-бошлар сувга бўйиб кетарди. Чорак соатдан сўнг Пенеллан жиндай қуриниб олиш учун ишни тўхтатишга мажбур бўлди. Унинг ўрнини эгаллаган Мизон ҳам астойдил тер тўкди. Икки соатда лаҳм беш футга етди, бироқ таёқ ҳамон қаттиқ муздан нарига ўтмасди.

– Бир кечанинг ичида шунчалик қор ёғмайди, – таъкидлади Жан Корнбют. – бунча қор уюмини шамол қаёқдандир келтириб ташлагани аниқ. Йўлакни бошқа тарафдан очишга уриниб кўрсак-чи?

– Билмадим, билолмадим, – деди Пенеллан. – Менимча бошлаган ишимиз давом этиши зарур, билъакс, ҳамроҳларимизнинг кайфияти тушкунликка юз тутади. Нима қилиб бўлмасин, бу ердан чиқмасак бўлмайди.

– Хўп, спирт етадимми? – сўради капитан.

– Менимча етади, – жавоб берди Пенеллан. – Эҳтимол қайноқ қаҳва ичишдан воз кечишга мажбур

бўлармиз. Аммо тўғриси айтсам, мени бу эмас, бошқа бир муаммо хавотирга солмоқда.

– Хўш, билайлик-чи.

– Гап шундаки, тез орада чироқнинг мойи тугаб, зулматда қоламиз, егулигимиз ҳам ниҳоятда ҳисобли. Ҳай, бошга тушганни кўз кўрар!

Пенеллан шундай дея ҳамма қатори меҳнат қилаётган Андрэ Васлингни алмаштиришга чоғланди.

– Жаноб Васлинг, – деди у, – мен сизнинг ўрнингизни оламан, аммо сиз девор ўпирилмаслиги учун кўз-қулоқ бўлиб турунг. Салгина хавфни сезишингиз биланоқ мени огоҳлантиринг ва дарҳол хатарнинг олдини олайлик

Дам олиш фурсати етгач, лаҳми яна бир футга узайтирган Пенеллан шериклари ёнига чўзилди.

## ЎН БИРИНЧИ БОБ

### ТУГУН ВА ФАРЁД

Эртаси тонг чоғи денгизчилар зулмат кўйида уйғондилар: чироқнинг мойи тугаб битганди. Жан Корнбют Пенелландан чақмоқтошни сўради ва у топиб берди. Пенеллан ўрнидан туриб спиртовкани ёқмоқчи эди, бошини яхлаган шифтга уриб олди. Бу уни жуда қўрқитиб юборди, негаки, бир кун аввал ҳам уй ичида қаддини бемалол ғоз тутиб юрса бўларди. Спиртовка алангасининг хира нурида шифтнинг бир футга чўккани кўриниб турарди.

Пенеллан ўлиб-тирилиб ишга киришди. Спиртовканинг ўлимтик ёруғида ҳам рулевоининг юзидаги қатъиятдан унинг ҳеч балодан қайтмаслиги Марига кўриниб турарди. У қариянинг ёнига бориб, қўлларидан тутди ва оҳиста қисиб қўйди. Ўша лаҳзалар Пенелланга матонат ва куч-қувват бағишлади.

– Бу соҳибжамол ҳалок бўлмаслиги зарур! – хитоб қилди у ва спиртовка билан лаҳмга судралиб кириб кетди. Хийла ишлагач, таёқча олиб, муз орасига зарб билан урди ва бу гал у юмшоққина қорга санчила қолди. Чоғи улар ташқаридаги ғовак қорга етаёзгандилар.

Пенеллан таёқни қайта-қайта тиқиб олди ва очилган тирқишдан ёруғлик кўринди.

– Бу ёққа келинг, дўстларим! – айюҳаннос солди у.

Рулевой оёқ-қўллари билан ташқаридаги музга айланиб улгурмаган қорни суриб ташлади. Аммо ўша ондаёқ кулбага совуқ ҳаво оқими ёпирилди. Пенеллан мисранг билан тешикни кенгайтириб, мусаффо ҳавони мириқиб симирди. Дарҳол ташқарига чиқиб тиз чўқди ва музли сағанадан халос этган Парвардигорга ихлос билан шукрона келтирди. Бошқалар ҳам унинг ёнига чўккалаб, қўлларини осмонга кўтардилар.

Теварак сутдай ойдин эди. Совуқ ниҳоятда заҳардай бўлиб, денгизчилар очиқ ҳавода узоқ тура олмасдилар ва ичкарига шоша-пиша қайтишди. Аммо Пенеллан уйга киришдан олдин атрофга бир сидра назар солди: қаққайган муз харсанглар ғойиб бўлиб, муз уйнинг тевараги поёнсиз текисликка айланганди. Пенеллан чана қолдирилган жойга бориб не кўз билан кўрсинки, чана йўқ!

Совуқ жонидан ўтган Пенеллан уйчага кирди, аммо шерикларига индамади. Олдин спиртовкага товланиб, уст-бошини қуритиб олмаса бўлмасди. Бир лаҳзагина ташқарига қўйилган термометр -30 даражани кўрсатаётганди.

Бир соат ўтиб, Андрэ Васлинг билан Пенеллан яна ташқарига чиқмоқчи бўлишди. Кийимлар эса қуриганича йўқ: улар ҳали нам плашларига бурканиб, лаҳмга кириб кетишди – унинг деворлари яхлаб, метиндай қотиб қолганди.

Юлдузларга жовдираб, мўлжал олишга уринган Андрэ Васлинг гўлдиради:

– Шимоли-шарққа кеп қолганга ўхшаймиз-да.

– Бу ҳали ҳолва, чанани тополмасак, ана унда иш чатоқ!

– Нима? Чана йўқолганми? – ҳовлиқди капитан ёрдамчиси. – Энди ўларканмиз-да!

– Қидириб кўрамиз, жаноб Васлинг.

Икков кулбани бир айланиб чиқишди: иморат ўн беш футдан баландроқ муз харсанг қиёфасига кирганди. Текисликдаги ягона тепаликни қуюн қаёққадир учириб кетган, йўловчилар тириклайин кўмилган муз сағанани эса йигирма беш милча шимоли-шарққа келтириб ташлаган эди. Бўрон чирпирак қилган чана ҳам қаёққадир ётган бўлса керак, яқин орада қораси кўринмасди. Итларнинг эса бу бало-қазо ичида омон қолгани даргумон.

Ваҳима босган Васлинг билан Пенелланнинг уйчага қайтишга, мудҳиш янгиликни ўртоқларига айтишга юраклари дов бермасди. Икков кулба устида қаққайган муз адирга чиқиб, атрофни яна бир сидра кўздан кечирдилар: лекин поёнсиз оппоқ яхмалакдан бўлак ҳеч вақо кўринмасди. Озгина вақт ичида оёқ-қўлларидан совуқ ўтиб, ҳўл уст-бошларидан сумалаклар осилиб қолди. «Адир»дан тушаётиб, Пенеллан Андрэ Васлингга беихтиёр разм солди ва унинг олис бир нуқтага синчиклаб тикилиб қолганини, ҳатто ранги ўчиб, бир сесканиб олганини пайқади.

– Сизга нима бўлди, жаноб Васлинг? – сўради у.

– Шунчаки ўзим, – жавоб қайтарди капитан ёрдамчиси. – Пастга тушиб, тезроқ бу ерлардан кетайлик. Барибир ҳеч нарса топа олмаймиз.

Бироқ Пенеллан ўз билганича иш қилди: у қайтадан «адир»га кўтарилиб, капитан ёрдамчисини

сескантирган томонга диққат билан нигоҳ солди. У шундай нарсани кўрдик, ўзини босолмаганидан ҳайқириб юборди:

– Ўзинга шукур, Парвардигори олам!

Шимоли-шарқ тарафда билинар-билимас тутун кўринаётганди. Ўша ёқда одамлар борлиги аниқ, албатта. Пенелланнинг шодон қичқиригини эшитгач, ичкаридагиларнинг бари чиқиб келиб, рулевоининг гапи ростлигини ўз кўзлари билан кўришди. Очлик ва совуқ ҳам ёдидан кўтарилган денгизчилар ўша ондаёқ тутун кўтарилаётган томонга ошиқдилар. Орада камида беш мил масофа бўлиб, мўлжалга қараб беҳато юриш ҳам осон эмасди. Тўсатдан тутун ғойиб бўлди, олдиндаги муз саҳросида мўлжал бўлгудай ҳеч бир белги ҳам йўқ. Шундай шароитда йўлдан адашишдан осони борми?

– Ана халос, – қулочини керди Жан Корнбют. – Энди бундай қиламиз: Пенеллан йўл бошлайди, йигирма қадам орқада Андрэ Васлинг боради ва у билан менинг орамиздаги масофа ҳам ўшанча бўлади. Шунанқада Пенелланнинг тўғри чизиқдан огаётганини орқадагилар дарҳол пайқашади.

Шу тарзда роса ярим соат юрдилар. Тўсатдан Пенеллан таққа тўхтади ва нимагадир қулоқ сола бошлади.

– Ҳеч нарсани эшитяпсизларми? – сўради у.

– Мутлақо йўқ, – жавоб берди Мизон.

– Жудаям қизиқ! – давом этди Пенеллан. – Менга кимлардир қичқиргандай туюлди, ҳў-ў анави ёқдан эшитиляпти.

– Қичқириқ!?! – хитоб қилди ойимқиз. – Хайрият, энди оҳимиз Худога етибди-да.

– Буларнинг бари беҳуда эҳтимол, – гапга от солди Андрэ Васлинг. – Шимол шароитидаги қаттиқ совуқда товуш жуда узоқларга тарқайди, ахир.

– Нималигидан қатъий назар, тўхташ йўқ, агар тўхтасак музлаб ўламиз, – деди капитан.

– Йўқ! – хитоб қилди Пенеллан. – Бир дақиқа жим бўлиб, қулоқ солинглар.

Дарҳақиқат, худди шу лаҳзада жуда олислардан, аммо аниқ чақириқ овозлари эшитилди. Бу азоб-уқубатда қолган инсонларнинг оҳу ноласи эди. Фарёд яна ва яна такрорландики, кимлардир кўмакка муҳтож эканини пайқаб олса бўларди. Кейин ҳеч нарса эшитилмай қолди ва музлар улкасига ўлик сукунат чўқди.

– Мен янглишган эмасдим. Қани олға! – дея йўл бошлади Пенеллан.

У овоз келган томонга қараб икки милга яқин масофани тўхтамай чопиб ўтди. Йўлида қорга беланиб ётган одамнинг бирданига пайдо бўлиб қолиши уни чексиз ҳайратга солди. Пенеллан ўқдай отилиб, унинг бошини кўтарди ва даҳшат билан қўлларини кўкка чўзганича қотиб қолди.

Шунинг устига Андрэ Васлинг ва бошқалар етиб келишди.

– Ие, бу ўзимизнинг йигитлардан бири-ку! Матрос Кортруа! – қичқирди капитан ёрдамчиси.

– Ўлиб қопти, – минғирлади Пенеллан. – Совуқдан ўлган...

Жан Корнбют ва Мари етиб келган маҳалда мурда яхлаб бўлганди. Ҳамманинг чехрасига ғам-қайғу қўнди: ахир, марҳум Луи Корнбютнинг ҳамроҳларидан бири эди-да!

– Олға! – чорлади Пенеллан.

Яна ярим соат сўзсиз йўл босдилар, уларнинг ичига чироқ ёқса ёришмасди. Ана, хийла нарида қандайдир дўнглик кўринди, қуруқлик экани ҳам билиниб турарди.

– Шаннон ороли, – изоҳлади Жан Корнбют.



Яна бир мил юргач, тутун чиқаётган кулбага дуч келишди. Салдан сўнг уйчанинг тахта эшиги ҳам кўринди. Ҳамма тўсатдан ҳайқириб юборди, буни эшитган икки киши ичкаридан ўқдай отилиб чиқди. Пенеллан Пьер Нукэни дарҳол таниди ва бақирди:

– Пьер! Азизим!

Нукэ эса эси оғиб қолган одамдай анқайиб турарди, чамаси кўзи билан кўриб турган ҳолнинг рўё эмаслигига ақли бовар қилмаётганди.

Андрэ Васлинг Нукэнинг шеригига безовталаниб боқди ва кўзларида қувонч учқунлари чақнади: у Луи Корнбют эмасди-да.

– Пьер! Бу менман! – бақирди Пенеллан. – Қара, бу ердагилар сенинг дўстларинг бўлишади.

Ахийри Нукэнинг ҳуши ўзига келди ва суюнганича Пенелланнинг бағрига отилди.

– Менинг болам-чи? – довдиради хавотирдан юраги ёрилишга келган капитан. – Ўғлим Луи қани?

## *ЎН ИККИНЧИ БОБ*

### **КЕМАГА ҚАЙТИШ**

Айни шу дамда остонада яна бир киши пайдо бўлди. Унинг юзи мурда тусида бўлиб, тинка-мадори йўқлигидан галдираб кетди ва меҳмонлар томонга бир-икки қадам ташлади. У Луи Корнбют эди.

– Ўғилгинам!

– Жоним!

Иккала хитоб бараварига янгради ва ўша ондаёқ Луи Корнбют ҳушидан кетди. Аммо Жан Корнбют билан Мари уни ерга йиқилмасидан бурун тутиб қолишди ва ичкарига олиб кириб, ўзига келтиришди.

– Дада! Мари! – ингради Луи. – Сизларни кўрмасдан ўлиб кетарман дегандим.

– Нега ўларкансан? – деди Пенеллан. – Ахир, дўстларинг даврасидасан-ку!

Луи Корнбютни жинидан баттар ёмон кўрадиган Андрэ Васлинг ҳатто қўл ҳам узатгани йўқ.

Пьер Нукэнинг эса севинчи оламга сиғмасди, у ҳамма билан бирма-бир қучоқлашиб кўришди. Сўнг-ра печкага ўт қалаб, уйни иситиб юборди.

Кулбада улардан ташқари яна икки нотаниш киши бўлиб, улар Джокки ва Херминг исмли норвегиялик матрослар эди. «Фрейерн» экипажидан уларгина омон қолишганди, холос.

– Дўстларим! Ва ниҳоят бизни қутқариб олишди, – ҳаяжонланди Луи. – Дада! Мари! Бизни топгунча роса қийналгандирсизлар?

– Ҳеч қиси йўқ, ўғлим, ҳаммасига мингдан-минг розимиз, – деди Жан Корнбют унга жавобан. – Ўзинг ҳам биларсан, «Навниҳол шунқор»инг музлар исканжасига тушиб, анча олисда қолган. Энди ҳаммамиз ўша ёққа жўнаймиз.

– Кортруани ҳам обдан суюнтирадиган бўлдик-да! У ҳали-замон қайтиб қолади, – деди Пьер Нукэ.

Унинг бу луқмасига жавобан кулбага мотам сукунати чўкди. Уни қор устида ўлик ҳолда кўрганларини айтиб беришди...

– Биласизларми, дўстларим, – деди Пенеллан, – совуқ сал-пал шаштидан тушишини кутганимиз маъқул. Сизларда озиқ-овқат ва ўтин масаласи қанақа?

– Ҳозирча бор ҳисоби, «Фрейерн»дан қолган синиқ ёғоч-тахталарни ёқиб ётибмиз.

Маълум бўлишича, бўрон «Фрейерн»ни Шаннон оролигача суриб келган. Сайёр музлар кемани мажақлаб ташлагач, жабрланган денгизчилар шхуна қолдиқларига тирмашиб, оролнинг шарқий қирғоғига чиқиб олишган. (Уйча ўша ёғоч-тахта парчалари-

дан қурилганди.) Ҳалокатда беш кишигина омон қолган: Луи Корнбют, Кортруа, Пьер Нукэ, Джокки ва Херминг. Қайиқдаги ҳамма матрослар денгизга фарқ бўлганди.

Музлар туташиб, йириклаша бошлагач, ёш капитан қишлоқ тараддудига астойдил саъй қилади. Луи бағоят матонатли ва уддабурон йигит бўлса-да, унинг бақувват жуссаси ҳам қутб иқлимининг шафқатсиз совуғига ахийри дош бера олмайди. Дадаси билан учрашган дамда ҳаёти қил устида осилиб турарди. Ўтган давр ичида Луини бўрон ва изғиринларгина азоблагани йўқ: унга доимий ғаним бўлиб олган норвегиялик матросларнинг қаршилигини енгил ўлганнинг устига тепгандай бўлди. Аслида улар омон қолганлари учун Луидан қарздор бўлсалар-да, тарбиясиз бу одамларнинг табиатига миннатдорлик каби инсоний туйғулар мутлақо бегона эди.

Луи Корнбют хонаси келганда Пенелланни холи топди ва норвегияликлардан ҳазир бўлиши зарурлигини шипшиди. Пенеллан ҳам ўз навбатида Андрэ Васлингнинг қилмишларини очиб ташлади. Ёш капитан ўз қулоқларига ишонмасди, чунки, Васлингни бунчалар разил деб ўйламагани боис рулевойнинг сўзларидан сўнг оромини буткул йўқотди.

Денгизчилар бугунги қувончли учрашув шарафига мириқиб ҳордиқ чиқаришга қарор қилдилар. Фидель Мизон ва Пьер Нукэ денгиз паррандаларидан бир нечасини отиб келишди, лекин уйдан олислаганлари йўқ (Узоққа кетиш хатардан холи эмасди). Янги гўшт, тинимсиз гуриллаётган печканинг ҳарорати энг заиф ва хастаҳол денгизчиларга ҳам мадор бағишлади. Ҳатто Луи Корнбют ўзини яхши ҳис қила бошлаганди. Бугунги давра узоқ сафар давомида бу азамат шоввозларга илк бор муяссар бўлган чинакам

кувонч эди. Шимолий денгиз соҳилларидан олтмиш льё олисдаги гадой топмас гарибона кулбада ҳақиқий байрам бўлаётгандики, ташқаридаги ўттиз даражалик совуқнинг даҳшатини ҳам унутдилар.

Ойнинг иккинчи ўн беш кунлигида осмонда ой ҳам кўринмай қолди, аммо совуқ жиндай шаштидан туша бошлади. Фақат 17 ноябрда (Луи билан учрашганларига саккиз кун деганда) йўлга чиқишга имкон туғилди. Тўғри, ой чиқмаётгани боис мўлжални фақат юлдузларга қараб аниқлаш мумкин бўлса-да, совуқ хийла бўшашиб, жиндай қор ҳам ёққанди.

Жўнаш арафасида бахтиқаро Кортруани дафн этдилар, ҳаммининг қалбини эзгин ўйлар чулғаб олганди.

Мизон уйчанинг тахталаридан егуликларни юклашга чана ясади, уни галма-галига судрашади. Жан Корнбют карвонни келган йўлларида олға бошлади. У кетишда кўмилган егуликларнинг топилишидан ҳам умидвор: зеро, улар энди ҳар қачонгидан зарурки, ҳўрандалар сони яна тўрттага кўпайган.

Бахтли тасодиф ёр бўлиб қор уюмига тиқилиб қолган чана ҳам топилди. Афтидан оч қолган итлар аввалига арқонларини ғажиб, озодликка чиққан ва чанадаги озиқ-овқат билангина жон сақлаган. Лекин қолган егуликлар ҳам ҳали анчагина эди.

Итларни чанага кўшиб, йўлда давом этишди. Қайтиш чоғи бундан бўлак фавқулодда ҳодиса бўлгани йўқ. Фақат тез орада Опик, Андрэ Васлинг ва норвегиялик матрослар тўпдан ажралиб, ўзаро висир-висирга зўр бераётгани ошқора сезилиб қолди. Сайёҳлар уларни хуфёна кузата бошлашди. Тўртовлоннинг феълидан исён ҳиди келардики, бундан Жан Корнбют ва Пенеллан хавотирда эдилар.

«Навниҳол шунқор» қишлоғга тўхтаган қўлтиққа етиб боришганда 7 декабрь бўлиб, Луи ва ҳамроҳлари топилгандан буён роса ўттиз кун ўтганди.

Аммо сайёҳлар кемани муз харсанглар устида – денгиз сатҳидан нақ тўрт метр баландликда кўришни ҳаёлларига ҳам келтирмаганликлари боис ҳайронликда қотиб қолгандилар. Улар дўстларининг тақдиридан хавфсираб кемага ўқдай учишди. Лекин Жервик, Тюркьет ва Градлен кулиб-қувнаб қучоқ очдилар. Учовлоннинг бошидан ҳам хийлагина ишлар ўтган бўлса-да, соғлом, бардам-бақувват эдилар. Кемадагиларнинг айтишича, даҳшатли довул бригни сиқувга олган музни парчалаб ташлаган ва кўчган му қоялар бир-бирига мингашиб, кемани юқорига кўтариб юборган.

Дастлабки дақиқаларда омон-эсон қайтган йўловчиларнинг қувончи чексиз эди. Кемадаги ишлар жойида, бриг музлар хуружидан мутлақо шикастланган эмас. Демак, осон бўлмаса-да, ҳар ҳолда бир амаллаб қишдан чиқишдан умид бор. Илиқ кунлар келгач, кемани қия сиртдан эрий бошлаган сувга эплаб тушириб олсалар бўлгани.

Аммо биттагина нохуш хабар Жан Корнбют ва унинг ҳамроҳларидаги хурсандчиликни салкам азага айлантирди. Қутурган бўрон соҳилдаги қордан қурилган омборхонани буткул вайрон қилиб, озиқ-овқатнинг барини учириб кетибди. Ота-бола Корнбютлар бу кўргуликдан бохабар бўлгач, трюм ва камбузга йўл олиб, мавжуд захиранинг ҳисоб-китобига унадилар.

Кунлар майга борибгина илийди, бинобарин, бриг ўша вақтгача қишлик қўналғасидан чиқа олмайди. Хуллас калом, музлар қуршовида узундан-узоқ беш ойни ўтказиш, энди сони ўн уч кишига етган экипажнинг қорнини тўйғазиш чорасини топиш зарур. Бор озиқ-овқатнинг ҳисобини олган Жан Корнбютнинг боши қотди: агар овқатланиш меъёрини ярим ҳиссага туширилса ҳам кемадаги захира баҳоргача етмасди. Ҳамма умид овдан эди...

Кулфат яна такрокланишидан хавфсираб, еб-ичадиган нарсаларни зинҳор қирғоққа қўймайдиган бўлдилар, энди ҳаммаси трюмда сақланади. Экипажнинг янги аъзоларига кубрикдан жой қилиб беришди. Капитан йўқлигида Тюркьет, Жервик ва Градлен муздан яхшилаб зина ўйиб қўйишгандики, кеманинг палубасига чиқиб-тушиш хийла осонлашганди.

## ЎН УЧИНЧИ БОБ

### ЧАЁННИНГ ҚИЛМИШИ

Андрэ Васлинг норвегиялик матрослар билан сал фурсатдаёқ ош-қатиқ бўлиб олганди, тез орада Опик ҳам уларнинг пинжига кирди. Улар кўпчиликдан ажралиб, янги тартибдан норозиликларини ошкора айта бошлашди. Бироқ Луи Корнбют (отаси бошчиликни унга топширганди) бу ҳолга асло тоқат қилолмасди. Мари эҳтиёткорона муомала қилишни тайинласа-да, ёш капитан улардан сўзсиз бўйсуннишни қатъий талаб этди. Устига-устак икки кундан сўнг норвегияликлар тузланган гўшт яшигини эгаллаб олишди. Луи Корнбют уни қайтаришни буюрди, бироқ Опик ўғриларининг ёнини олди, Андрэ Васлинг эса очликка минбаъд тоқат қилолмаслигини айтди.

Уларга капитан кўпчиликнинг манфаатини кўзлаётганини мутлақо уқтириб бўлмасди. Аслида буни фитначилар ҳам жуда яхши билишарди, фақат баҳона излардилар, холос. Норвегияликларга Пенеллан рўпара бўлганди, уни пичоқ ўқталиб қаршилашди: Мизон ва Тюркьетнинг кўмаги билангина исёнчилар қуролсизлантирилди. Андрэ Васлинг билан Опик эса ўзини четга олиб, бу бадкорликка дахли йўқдай туришарди. Луи Корнбют барибир ёрдамчисини ҳузурига чақириб, бор гапни дангал айтди:

– Андрэ Васлинг, сиз аблаҳ экансиз. Менга ниятин-гиз бузуклиги ва мақсадингиз нима экани аён. Билиб кўйинг, бутун экипажнинг ҳаёти учун мен жавобгарман, кимки жамоага қарши турса, мана шу қўлларим билан бўғиб ўлдираман.

– Луи Корнбют! – безрайди ёрдамчи. – Сиз хўжайинчилик даъвосида истаганча кўксингизга муштлайверинг, лекин бу ерда бошлиқ ҳам, хизматкор ҳам йўқ. Энди ким зўр бўлса – буйруқни ҳам ўша беради.

Мари ҳанузгача хавф-хатарлар рўпарасида эсанкираб қолмаганди. Лекин беихтиёр ўзи сабабчи бўлаётган манави қасдлашув уни даҳшатга солди. Ҳатто қаллигининг жўмардлиги ҳам унга таскин беролмасди. Икки ўртадаги ошкора душманликка қарамай бутун экипаж аввалгидай биргаликда овқатланарди. Ҳозирча овга чиққанлар бир-иккита шимол тустовуғи ёки қутб қуёнини отиб келишарди, аммо қиш чилласининг чириллама кунлари бошлангач, уларнинг ҳам қорасини кўриб бўлмайди, албатта.

Қуёш экватордан ўта олислаган қишнинг энг қисқа кунини – 22 декабрдан совуқ забтига олди: термометрдаги симоб устунини – 35 даражага тушди. Денгизчиларда кучли қулоқ, бурун ва бош оғриғи бошланди, бармоқлар безгак тутгандай қалтирарди. Ҳамма гарангга ўхшаб қолган, нафас олиш ҳам осонмасди. Шу ҳолдаги одамларнинг эсига ов у ёқда турсин, палубага чиқиб сайр қилиш ҳам келмасди. Қишловчи шўрликлар учун илиқ-милиқ печка атрофида қимирламай ўтиришдан бўлак «машғулот» йўқ: печкадан сал узоқлашган одамнинг тиши такиллашга тушарди.

Батамом ётиб олган Жан Корнбют каютасидан чиқолмасди. Унда цинга аломатлари пайдо бўлиб, оёқларини оппоқ доғлар чимматдай қоплаб олганди. Мутлақо соғлом Мари эса беморлар бошида шафқат

хамшираси мисоли парвона бўлиб, миннатдор денгизчиларнинг дуосини оларди.

Биринчи январь муз қуршовидагилар учун энг оғир кунлардан бири бўлди: шамол қутуриб, қақшатқич совуқ хуруж қилди. Ташқарига чиқишнинг мутлақо иложи йўқ. Ҳатто энг саботли ва бақувват кишиларнинг чодир билан ўралган палубадаги бир нафас сайрга ҳам юраклари дов бермасди. Жан Корнбют, Жервик ва Градлен тўшакка михланиб қолишган. Опик, Андрэ Васлинг ва ҳамтовоқлари хийла тетик бўлиб, тобора сўниб бораётган йўлдошларининг ҳолига «ўл бу кунингдан» дегандай нигоҳ ташлаб ўтардилар. Бир куни Луи Корнбют Пенелланни палубага чақириб, ёқилгининг аҳволини суриштирди.

– Кўмирни аллақачонлар ёқиб бўлганмиз, – деди Пенеллан, – ўтинимиз ҳам бугун-эрта соб бўлади.

– Ёққудай нарсамиз қолмаса, адойи тамом бўламиз-ку! – ташвишланди капитан.

– Биргина чора бор: кеманинг фальшбортдан то ва-терлиниягача бўлган ёғоч-тахтасидан ўтин қилишимиз мумкин. Агар бу ҳам кифоя қилмаса, бутун корпусни бузиб ёқишга мажбурмиз, кейинроқ кичикроқ кема қуриб қайтаверамиз-да, капитан.

– Бу энг сўнгги чора, – деди унга жавобан Луи. – Одамларимиз сал-пал оёққа тургач, кемани бузишдан осони йўқ. Лекин мен бошқа бир нарсага ҳайронманки, – у овозини пасайтириб давом этди, – биз тобора ҳолдан тоймоқдамиз, рақибларимизга эса балоям урмаяпти.

– Жуда тўғри, – деди Пенеллан, – башарти туну-кун уларнинг ҳар бир қадамини кузатмасак, кейин ишимиз чатоқ бўлади.

– Вақт ганимат, – деди капитан, – энди болтани олиб ишга киришайлик.



Юз-кўзларни чимчилаётган захар совуққа қарамасдан матрослар бурундаги фальшбортга чиқиб, ёғоч-тахталарни кесиб олишди (Бриг уларсиз ҳам суза олиш қобилиятини сақлаб қоларди). Сўнг печка яна гуруллаб кетди, уни ўчирмай туриш матрослардан бирига топширилди.

Кўп ўтмасдан Луи Корнбют ва унинг дўстлари бошига тагин ҳам оғир кўргилик тушди. Андрэнинг ҳамтовоқларига энг арзимас юмушни ҳам ишониб бўлмаганидан, ҳамма ишни ўзлари қилишга мажбур бўлишарди. Уларнинг куч-мадори қуриб бораётгани устига, Жан Корнбютга цинга елимдай ёпишиб олган, унинг ортидан Жервик билан Градленга ҳам бу дард илашганди. Агар шифобахш лимон шарбатидан истеъмол қилиб турилмаганда, шўрликларнинг касаллик азобига бардош беришлари амри маҳол эди.

Лекин 15 январь куни трюмга тушган Луи не кўз билан кўрсинки, лимон тўла бочкачалар ғойиб бўлганди. У Пенелланни топиб, янги нохушлиқдан огоҳ қилди. Демак, ўғирлик содир бўлган ва ўғрини топиш ҳам қийинмас. Фанимларга нечун дард илакишмаётганинг сабаби капитанга энди аён эди. Бироқ унинг шўрлик дўстлари шунчалар рамақижон ҳолда эдиларки, ҳаёт-мамот масаласига айланган лимонларни қайтариб олишда кўмак беришгада ожизлик қилар эдилар. Чорасиз қолган Луи Корнбют илк бор умидсизликка тушди.

## ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

### ҲАЛОКАТ ЁҚАСИДА

Йигирманчи январда касаллик қарийб ҳаммани енгиб қўйганди. Жун чойшаб ва қўтос терилари ҳар ҳолда совуқдан сақлаб турса-да, ташқарига салгина чиқарилган қўлларда кучли оғриқ бошланар ва дарҳол ўраниб олишарди. Луи Корнбют печкани ёқиши биланоқ Пенеллан, Мизон ва Андрэ Васлинг оловга товлангани етиб келишди. Пенеллан қайнатган қаҳва денгизчиларга хийла қувват бағишлади. Мари ҳам ўрнидан қўзғолиб, қаҳва ичди.

Луи Корнбют отасининг бошини ушлади. Мўйсафид капитаннинг оёқларини дард исканжага олиб, бечора деярли ўрнидан туролмай қолганди. Отасининг тушунарсиз алахлашини эшитаркан, Луининг юраги эзилди.

– Луи! – ингради қария. – Ўлиб қоламан, ўғлим! Жоним қийналиб кетди! Ҳаётимни сақлаб қол!

Луи Корнбютнинг сабр косаси тўлди, у Андрэга рўпара бўлди ва ўзини базўр тутиб, сўради:

– Лимонлар қаердалигини биласизми, Васлинг?

Капитан ёрдамчиси сурбетлик билан бақрайди:

– Трюмда бўлса керак.

– Трюмда лимон йўқлигини жуда яхши биласиз, чунки, сиз уларни ўғирлаб олгансиз.

– Луи, сиз бу ерда бошлиқсиз, – мийиғида кулди Андрэ. – Демак, оғзингизга келган гапни гапиришга ҳаққингиз бор.

– Отамга раҳмингиз келсин, Васлинг, бечора ўлиб қолади. Уни сизгина қутқара оласиз. Хўш, лимонлар қаерда?

– Сизга бошқа гапим йўқ, – гўлдиради ёрдамчи.

– Аблах! – ҳайқирди Пенеллан ва қўлида пичоқ билан Андрэга ҳамла қилди.

Васлинг шоша-пиша ўзини орқага олди ва чинқирди:  
– Дўстларим, қаёқдасиз?

Опик ва норвегиялик матрослар етиб келиб, унинг жонига оро киришди. Мизон, Тюркьет, Пенеллан ва Луи Корнбют қарши ҳимояга шайландилар. Пьер Нукэ билан Градлен бедармон бўлсалар-да, уларга ёрдамга келишди.

– Ҳозирча сизларга кучимиз етмайди, – валдиради Андрэ. – Аммо ҳали кўрсатиб қўямиз.

Денгизчилар шунчалар беҳол эдиларки, тўрт аблах билан жанг қилишга ботинолмадилар, башарти мағлуб бўлсалар, ўлишлари ҳам аниқ эди.

– Андрэ Васлинг, – деди Луи ўқрайиб, – агар дадам ўлиб қолса, бунинг айбори сен бўласан ва сениям итдай хор қилиб ўлдираман!

Васлинг ва ҳамтовоқлари индамасдан кубрикнинг нариги томонига йўл олишди.

Бу орада ўтин тагин тугаб, қанчалар совуқ бўлмасин, Луи палубага кўтарилди ва фальшбортни болта-лай бошлади. Аммо чорак соатдаёқ совуқ суяк-суягидан ўтиб, ичкарига қайтди. Кубрика кираётиб, термометрга назар солди, симоб музлаб қолганди. Бу совуқ – 42 даражадан ҳам ошиқ эканига далолат эди. Ҳаво тоза ва куруқ бўлиб, шамол шимолдан эсаётганди.

Йигирма олтинчи январда шамолнинг йўналиши ўзгариб, шимоли-шарқдан ела бошлади. Совуқ -35 даража. Жан Корнбют ажал билан олишиб ётибди. Ўғил бечора қанчалик уринмасин, отасининг дардига малҳам бўлолмасди. Лекин ўша куни у Андрэ Васлинг қўлидан бир дона лимонни тортиб олишга муваффақ бўлди: у бадкор шифобахш мевани оғзига солишга чоғланган дамда шартта ҳамла қилганди. Андрэ ли-

монни қайтариб олиш учун чинчалоғини ҳам қимирлатгани йўқ: унингча, ҳужумга ўтиш учун ҳали барвақтроқ эди-да.

Лимон шарбати Жан Корнбютга жиндай шифо бўлди, аммо муолажани давом эттиришга мева қаёқда?.. Мари бир нечта лимон учун Андрэга тиз чўкиб ёлворди, бироқ у қизга жавоб қайтаришни ҳам лозим кўргани йўқ. Бу орада у бадкорнинг қуйидаги иғвоси Пенелланнинг қулоғига чалиниб қолди:

– Чол эрта-индин жон таслим қилади. Жервик, Градлен ва Пьер Нукэнинг ҳам санокли кунлари қолган. Бошқалари соат сайин ҳолдан тоймоқда. Тез орада ҳаммасини қўлга оламиз.

Луи Корнбют ва дўстлари оз-моз кучлари борида уларнинг танобини тортиб қўймасалар бўлмасди. Аёнки, агар шундай қилмасалар, ғаним тараф шафқат билмайдиганлар хилидан эди.

Ана шу кунлари совуқнинг дами сал-пал қайтиб, Луи Корнбют ташқарига чиқишга қарор қилди ва ордан умидвор бўлиб, милтиғини ҳам олди. У ўзи сезмаган ҳолда бригдан анча олислаб, уч милча нарига бориб қолганди. Бу хавfli эди, чунки, қордаги изларга қараганда, йиртқичлар дайдиб юргани кўриниб турарди. Бироқ ўлжасиз қайтишни ўзига эп билмаган ёш капитан тобора олға бораверди. Қўққисдан ўзини нохуш сеза бошлади, у худди ақлдан озаётганга ўхшарди (Яккаш оқ рангни кўравериш гоҳо одамнинг миясини чалғитиб қўйиши кўп кузатилган).

Дарҳақиқат, Луи қаёққа назар солмасин, кўзига ярақлаётган оппоқ кенгликлар кўринарди. Унинг кўзи хиралашиб, кўнгли беҳузур бўлгани устига, мўлжални йўқотиб, йўлдан адашганди. Ўзини ақлдан озаётгандай сезган капитан барибир олға бораверди. Бу орада оппоқ қутб каклиги кўриниб, нишонга олгани-

ча узоқ таъқиб қилди. Ўқ теккан қушни тезроқ қўлга олиш ниятидаги Луи муз қоядан ирғиб, қорга йиқилиб тушди. У пастроқ деб ўйлаган тепалик қурмагур ўн футдан кам эмасди. Сакрашдан сўнг бош оғриги зўрайган бўлса-да, шикастланмаган эди. Капитан бир неча дақиқа қорга беланиб ётгач, ёрдамга чақириб қичқира бошлади. Шунда бадани карахтлашиб бораётганини пайқади ва музлаб қолишдан чўчиб, бир амаллаб оёққа турди.

Тўсатдан ҳавода куйган ёғнинг ҳиди анқий бошлади. Шамол кема тарафдан эсаётгани боис Луининг ҳайронлиги ошди: ёғни ёндириш нега кемадагиларга керак бўлди? Энг ёмони шуки, куйган мойнинг бўйи оқ айиқларнинг диққатини тортиши мумкин, бу эса жуда хавфли.

Луи Корнбют кема томонга қайтаркан, ундаги ҳажон ваҳимага айланди. Хаёлида олис уфқдан йирик муз парчаси ҳаракатга келаётгандики, яна зилзила бўлиб, музлик саҳро тебранмаяптимики деб ўйлай бошлади. Қимирлаётган муз харсанглардан бир нечтаси Луи билан кема орасида эди ва улар кемага яқинлашиб бораётгани кўриниб турарди. Капитан таққа тўхтаб разм солди. Ана шундагина билдики, кўрганлари муз эмас, ваҳимали айиқлар галаси эди. Луининг юраги орқасига тортиб кетди: у ўйлаганидай бўлиб, куйган мой ҳиди йиртқичларни жалб қилганди. Ёш капитан муз қоялар ортига яшириниб, айиқларни кузата бошлади. Ҳар бири девдай келадиган уч айиқ тезда кемага бешик бўлиб қолган муз адирга тирмашиб қолди.

Бу хатарли «ташриф» ичкаридагиларнинг етти ухлаб тушига кирмаган, албатта. Ваҳиманинг зўридан Луининг юраги ёриламан дерди. Нима қилса бўлади? Даҳшатли ёвлардан қутулиш чораси борми?

Андрэ Васлинг ва ҳамтовоқлари кўмак берармикан?..  
Очлик ва совуқдан рамақижон Пенеллан ва дўстлари  
йиртқишларга бас кела оладиларми? Гафлатда қолиб,  
айиқларга ем бўлишмасмикан? Бу сўроқларнинг бари  
бир лаҳзада Луининг хаёлидан кечди. Бу орада тажо-  
вузкорлар музлик устига чиқиб, бриг томон борарди.  
Капитан яширинган паккасидан чиқиб, кемага эмак-  
лай кетди. Яқинроқ бориб, не кўз билан кўрсинки,  
йиртқишлар ханжардай тирноқлари билан чодирни  
бурдалаб, палубага сакраб тушаётганди. Луи Корн-  
бют ўқ узиб ҳамроҳларини огоҳлантирмоқчи бўлди.  
Аммо улар палубага қуролсиз чиқиб қолсалар-чи!  
Йиртқишлар бир ондаёқ ғажиб ташлайди-ку! Ичкари-  
дагилар эса ҳамон гафлатда!

## *ЎН БЕШИНЧИ БОБ*

### **ОҚ АЙИҚЛАР ТАЖОВУЗИ**

Луи Корнбют чиқиб кетгач, Пенеллан люкни бер-  
китиб, печка ёнига қайтди ва навбатчилиқни давом  
эттирди. Бошқалар оз-моз исиниб олиш учун ўраниб  
ётиб олишганди.

Кечки соат олти бўлиб, Пенеллан овқат тайёрлаш-  
га уннади. У трюмга тушиб, тузланган гўшт олиб чиқ-  
ди. Унинг ўрнини Андрэ Васлинг эгаллаб олиб, дег-  
чада чўчқа гўшти пиширарди.

– Бу ер менинг жойим эди, – деди Пенеллан қўрс  
оҳангда. – Нега ўтириб олдингиз?

– Ўзимга кечки хўрак пиширяпман.

– Дарҳол жўнаб қолинг, – тўнғиллади Пенеллан. –  
Акс ҳолда ёмон бўлади.

– Қўлингиздан ҳеч нарса келмайди, – чақчайди Вас-  
линг. – Мен овқатланишим керак, сизга эса тупурдим.

– Пиширган овқатинг томогингдан ўтгунча ўлиб кетасан! – қичқирди Пенеллан ва Андрэга ташланди. Аммо у пичоқ ўқталганича бақирди:

– Опик! Норвегияликлар! Қаёқдасиз?

Ўша ондаёқ унинг тўдаси етиб келди. Улар тўппонча ва ханжарлар билан қуролланиб олинган, бу фитнага аввалдан ҳозирланишгани кўриниб турарди. Пенеллан Андрэнинг қонига ташна бўлиб юрардики, дарҳол ҳужумга ўтди. Васлингчилар Мизон, Тюркьет ва ўта бемажол Нукэнинг устига ўқдай отилдилар. Аммо Фидель Мизон болтани қўлга олиб, жойидан сакраб тушди-да, Опикка ташланди. Тюркьет норвегиялик Джокки билан қаттиқ муштлашарди. Жервик ва Градлен шунчалар ҳолдан тойгандиларки, ҳатто нималар бўлаётганини ҳам англай олмаётгандилар. Херминг бўлса Пьер Нукэнинг масаласини биқинига ханжар солиш билан осонгина ҳал қилди ва Пенелланнинг белидан тутган Андрэга кўмаклашгани интилди.

Тала-тўпда кимдир мойли қозонни лаққа чўғ устига ағдариб юборди ва ҳамма ёқни бадбўй ҳид тутиб кетди. Мари уйғонди ва жон талашиб ётган тоғасининг тўшаги томонга дод-вой билан отилди.

Андрэ Васлинг Пенелландан камқувват эди ва сиздики, рақибни кафтини йириб, ханжарни тортиб олмақчи. Икков ўзаро шунчалик бел ушлашиб қолгандики, қурол ишлатишнинг бутунлай иложи йўқ эди. Хермингга кўзи тушган Васлинг чинқирди:

– Ёрдам бер, Херминг!

Пенеллан эса Мизонни чақирди. Аммо пичоқ ўқталган Опик билан овора дурадгор ерда юмалаб ётарди. Болта билан ҳимояланиш осон эмасди ва Мизон рақибининг зарбаларини зўр-базўр даф қилаётганди.

Ҳамма ёқ қонга беланган, ярадорларнинг оҳ-ноласи қулоқларни қоматга келтирарди. Жойидан полга улоқтирилган ва елкасидан пичоқ еган Тюркьет Джоккининг белидаги тўппончани олишга беҳуда уринарди. Душман уни қаттиқ сиқувга олганидан қимирлашига ҳам имкон йўқ эди. Эшикка қисиб қўйилган Андрэнинг чақириғига жавобан Херминг чопиб келди. Аммо у бретонияликнинг ўмровига пичоқ уришга шайланганди ҳамки, тепки еб, полга ағдарилди. Андрэ ўнг қўлини бир амаллаб рулевойнинг исканжасидан бўшатиб олди. Аммо у суялиб қолган эшик ҳеч қутилмаганда кесакидан кўчди ва капитан ёрдамчиси чалқанчасига йиқилди.

Ана шу дамда даҳшатли ўқириш эшитилиб, трапнинг зиналарида баҳайбат айиқ пайдо бўлди. Биринчи бўлиб уни Васлинг кўрди: махлуқ тўрт футгина нарида турарди. Қарсиллаб ўқ узилди, яраланган ёки ўтакаси ёрилган йиртқич ортига қайтди, Васлинг унга эргашди.

Рулевой дарҳол эшикни ўрнига қўйиб, атрофга назар солди. Қўл-оёғи чилвирбанд Мизон ва Тюркьет бурчакка улоқтириб ташланганди. Пенеллан уларга ёрдамга ошиқди, аммо Опик ва норвегиялик матросларнинг зарбасига йўлиқди. Ахийри у ҳолдан тойди. Душманлар рулевойни ерга босиб олиб, оёқ-қўлини боғлашди. Кейин Андрэнинг фарёдини эшитиб, палубага чопдилар: улар Андрэ овдан қайтган Луи билан олишяпти деган хаёлда эдилар.

Аммо капитан ёрдамчиси айиқ билан жангга киришиб, йиртқичга икки марта ханжар урганди. Дарғазаб махлуқ ҳар бири куракдай панжаларини ҳавода силкитиб, Андрэга таҳдид қиларди. Фальшбортга қисилган капитан ёрдамчиси жонидан умидини узиб бўлганди, аммо қутилмаганда иккинчи бор ўқ узил-



ди ва айиқ сулайганича палубага ағдарилди. Бошини кўтарган Андрэ Васлинг фок-мачта ёнидаги милтиқ тутган Луини кўрди. Унинг ўқи йиртқичнинг қоқ юрагига қадалганди.

Аммо Васлингдаги ҳасад алангаси миннатдорлик каби инсоний туйғуларни ҳам куйдириб юборганди. У атрофга кўз ташлади. Боши мажақланган Опик палубада чўзилиб ётарди. Болта кўтарган Джокки эса Опикнинг қотили бўлмиш айиқ билан олишмоқда, аммо ярадор махлуқ ҳам бўш келмаётганди. Кеманинг бурун томонига яна бир айиқ келарди.

Васлинг унга эътибор қилмади-да, Хермингни ёнига олиб, Джоккига ёрдамга шошди. Бироқ айиқ уни эзиб, мажақлаб ташлагандики, йиртқич отиб ўлдирилган бўлса-да, унинг чангалидаги норвегиялик ҳам тирик эмасди.

– Икки кишигина қолдик, – деди Андрэ тунд ва ёвуз қиёфада. – Аммо уларга осонликча таслим бўлмаймиз!

Херминг индамай пистолетини ўқлади: дастлаб учинчи айиқни бир ёқли қилиш зарур эди. Лекин йиртқич кеманинг бурнида йўқ, Васлинг бошини кўтариб, у вантлар устида турганини кўрди. Ваҳший махлуқ арқонларга тирмашиб, Луи Корнбютга чанг солиш ҳаракатида эди. Андрэнинг кўзларида ҳасад ва ёвузлик олови ёнди, отишга шайланган милтигини пастга туширди.

– Қойил! – қичқирди у қувониб. – Мен учун ўч ол, айиқжон!

Бироқ Луи форс-марсга ўтиб олган, йиртқич эса ҳамон унга интиларди. Орадаги масофа олти футгина қолганда Луи милтигини шайлаб, айиқни мўлжалга олди. Андрэ эса қуролини ёш капитанга тўғрилади: айиқ йиқирилиши билан тепкини босади-қўяди. Луи

Корнбют ўқ узди-ю, чоғи нишонга теккизолмаганди. Қонхўр ҳайвон бир ҳатлаб, форс-марсда пайдо бўлди, мачта қаттиқ чайқалди. Андрэ Васлинг шодланиб ҳайқирди:

– Херминг! Марини бу ёққа оп чиқ! Менинг маъшуқамни келтир бу ёққа!

Херминг кубрикка тушиб кетди.

Бу орада қутурган йиртқич Луининг устига отилди, аммо у чап бериб, мачта ортига ўтиб олди. Айиқнинг чангали капитаннинг нақ боши устига бориб қолганди, у арқонлардан бирига осилиб, палуба томонга сирғанди. Худи шу лаҳзада Луининг қулоқлари ёнида ўқ варанглади: Андрэ тепкини босганди, лекин нишонга уролмай доғда қолди.

Ва ниҳоят рақиблар юзма-юз бўлишди: яккама-якка жангга кирган иккала йигитнинг қўлида пичоқ ялтиради. Энди ҳаммасига нуқта қўйилади. Ҳузурланиб ўч олиш ва Марининг кўз ўнгида Луининг додини бериш қутқусидаги Андрэ ўзини Хермингнинг кўмагидан бенасиб қилган эдики, энди душманга танҳо ўзи бас келиши зарур.

Бир-бирининг кекирдагига чанг солишга тайёр Луи ва Андрэ иккови гўё қотиб қолганди, энди қайтиш йўқ: ё ҳаёт, ё мамот! Кейин беаёв муштлашув бошланиб, вужудлар қора қонга бўялди. Васлинг рақибини йиқитаман деб чиранарди, аммо Луига йиқилган омон қолмаслиги аён эди. У жон аччигида Андрэнинг қўлини ушлаб олган бўлса-да, ўзининг ханжарини тушириб юборди.

Ана шу лаҳзада нафис бир нола қулоғига чалинди: Херминг Марини палубага судраб чиққанди. Қаҳр-ғазабнинг зўридан капитанда шернинг қуввати пайдо бўлиб, ёрдамчисини чирпирак қилиб уришга шайланди. Кутилмаганда янада қудратли икки қўл икковини

ҳам ўз чангалига олди. Форс-марсдан тушиб келган айиқ бир йўла икки инсонни ғажиб қўя қолишга қасд қилганди.

Андрэ жон-жаҳди билан айиқни турткилар, унинг ханжардай тирноқлари Луининг кўксига санчила бошлаганди. Йиртқич икковини қоғоздай гижимларди.

– Херминг! – томоқ қирди Андрэ Васлинг.

– Пенеллан! – ҳайқирди Луи Корнбют.

Трапда қадам товушлари эшитилиб, Пенеллан пайдо бўлди ва дарҳол тўппончасини ўқлаб, одамхўр махлуқни қулогидан отиб ташлади. Айиқ оғриқнинг зўридан қаттиқ бўқирди ва чангалини бўшатди. Луи ўша ондаёқ ҳушидан кетиб йиқилди. Андрэни эса йиртқичнинг зилдай ўлиги палубага таппа босди.

Пенеллан капитан томонга шошди. Яхшики, Луи Корнбютнинг жароҳати оғир эмасди, уни тезда ҳушига келтиришди.

– Мари... – пичирлади у кўзларини базўр очиб.

– Қизча соғ-омон, – жавоб қайтарди рулевой, – Херминг ўлди, айиқ қорнини ёриб ташлади.

– Айиқлар нима бўлди?

– Ҳаммаси тамом, Луи, душманларнинг баридан қутулдик. Лекин анави махлуқларни бизга Худонинг ўзи етказди-да, агар улар кеп қолмаганда, тамом эдик. Жонимизга шу айиқлар оро кирди-да! Буям тақдирнинг бир инояти!

Луи ва Пенеллан пастга тушиб боришаркан, Мари уларнинг қучоғига отилди.

## ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

### ХОТИМА

Астойдил уринавериб, ахийри қўл-оёқларидаги бандлардан халос бўлган Мизон ва Тюркьет жон таслим қилаётган оғир ярадор Хермингни каравотга кўтариб олишди. Кейин улар Пьер Нукэга ёрдам беришга шошдилар, ҳайтовур унинг жароҳати хавфли эмасди.

Аммо Луи Корнбютнинг бошига кулфат тушиб қолганди: отасида тириклик нишонаси кўринмасди. Кекса денгизчи ўғлининг тақдиридан қаттиқ қайғуриш оқибатида ҳалок бўлганмиди ё қонли воқеалардан аввал оламдан ўтганмиди – буни энди ҳеч ким айта олмайди. Нима бўлса бўлгандики, Луи шўрлик отасидан айрилиб қолганди.

Ёш капитан ва Марининг қалби бу жудоликдан ларзага тушди: икков марҳум қошида тиз чўкиб ўкирар эканлар, унинг руҳига Парвардигори оламдан раҳмат назарини сўраб ёлвордилар.

Пенеллан, Мизон ва Тюркьет икковини марҳум билан билан холи қолдириб, палубага чиқиб кетишди. Айиқларнинг ўлиги кеманинг бурун тарафига элтиб ташланди. Пенеллан қайтишда жуда асқотадиган териларни эҳтиётлаб олиб қўйишга қарор қилди, негадир гўштини овқатга ишлатиш хаёлига ҳам келгани йўқ (Энди одам камайиб, егулик қайғуси ҳам чекинганди-да). Андрэ Васлинг, Опик ва Джоккининг мурдаси учун қирғоқдан ўра қазилди, кўп ўтмай Хермингнинг жасади ҳам ҳамтовоқлари ёнидан жой олди. Норвегиялик ярим тунда талвасага тушиб, на виждони азобланмасдан, на тавба-тазарру қилмасдан оғзи тўла кўпик билан жон берганди.

Сўнгра денгизчилар дабдаласи чиққан чодир ёп-кични тикиб-чатишди, йиртиқларидан палубага қор тушаётганди. Қақшатқич совуқлар 8 январгача чириллатди, ўша кун илис уфқда қуёш илк бор милтираб кўринди. Жан Корнбютни соҳилга дафн қилдилар. У ёлғиз фарзандини топиш кўйида ўз ватани тупроғини тарк этганди, аммо меҳмонсуймас музлар ўлкасининг бегона заминига бош қўйди! Унинг абадий макони бухта ёнидаги тепаликдан жой олиб, қабр устига оддийгина ёғоч хоч ўрнатишди.

Луи Корнбют бошлиқ экипаж олдида ҳали оғир синовлар етарли бўлса-да, топилган лимон захираси уларни дарддан фориғ қила бошлаганди.

Қонли ва қайғули воқеалардан икки ҳафта ўтгач, Жервик, Градлен ва Пьер Нукэ хийла оёққа туриб, енгил-елпи ишларга ярайдиган бўлиб қолишди. Сал кунда сув қушларининг қайтиши билан ов ҳам юришиб кетди. Тез-тез отиб олинаётган ёввойи қушлар гўшти жуда мазали эди. Итларнинг иккитасидан айрилганлари энди овчиларни қаттиқ афсусга солаётганди (Музлар ҳудудини аниқлаш учун жануб тарафга боришганда улар ҳалок бўлганди).

Февралнинг бошида шамоллар жунбишга келиб, қор аямай ёғиб берди. Совуқнинг қаҳри ҳамон қаттиқ: ўртача -25 даража! Лекин денгизчилар анча кўникиб қолишганди. Қуёш эса кун сайин юқорилаб, қишловчилар қалбидаги орзу-умидларни уйғотарди. Об-ҳаво ҳам гўё уларга шафқат қиларди: кунлар ҳар қачонгидан барвақт илий бошлади. Мартнинг илк кунларидаёқ бриг устида қарғалар галаси айланиб қолди. Луи Корнбют ҳатто шимолга адашиб келиб қолган бир неча турнани тутиб олди. Жануброқда эса учиб юрган ёввойи ғозлар кўзга ташланарди.

Қушларнинг барвақт қайтиши яқин орадаги илиқ кунлардан дарак берарди. Бироқ қувонишга ҳали

эрта: чунончи, ой янгиланган ва тўлган кунлари шамолнинг ўз йўналишини ўзгартириши билан ҳароратнинг кескин пастлаб кетиши бор, ана унда денгизчилар совуқдан сақланишнинг жиддий ҳаракатини қилишга мажбур бўладилар. Фальшборт бошдан оёқ, ўрта деворларнинг анчагинаси, устки палубанинг катта қисми алақачон ёқиб ташланган. Ҳар ҳолда киш оёқламоқда эди. Омадни қарангки, мартда ҳарорат – 16 даражадан пастлаган кунлар кам бўлди. Мари ёзги кийимлар ҳозирлашга унади, ёз ҳам эрта келадиган кўринарди. Бир амаллаб баҳорги тенг кунликка ҳам етдилар: энди қуёш тунда ҳам ботмайди – саккиз ойлик кутб кунлари бошланди. Музлар ҳам эриётганди.

Энди «Навниҳол шунқор»ни муз бешиқдан сувга туширишни ўйламоқ лозим. Кема муз устига қаттиқ ўрнашиб олгандики, кунлар янада илишини кутиш маъқулдай эди. Лекин нисбатан илиқроқ сувдаги музнинг қуйи қатлами аста-секин эриб, бриг оҳиста пастлаб бораверди. Апрельнинг бошларида у тамоман сувга тушиб бўлганди.

Апрелда момақалди роқ ва жала обдан кучайди, ёмғир сувлари музликларнинг эришини яна ҳам тезлаштирди. Энди совуқ -10 даражадан ўтмасди, ҳатто тюлень терисидан тикилган уст-бошларни ташлайдиганлар бўлди. Печка ёқмай қўйилди, қолган оз-моз спиртни фақат овқат тайёрлашда ишлатишарди.

Кўп ўтмасдан муз саҳро қасир-қусур билан бўлина бошлади, катта дарзлар шунчалар тез пайдо бўлардики, энди муз устида юриш мутлақо хавфли бўлиб қолганди. Юрганда ҳам йўлни таёқ билан пайпаслаб кўрибгина қадам босилади, билъакс, саноғи йўқ ёриқларга йиқилиш ҳеч гапмас. Хайриятки, денгизчиларнинг бир гал ана шундай «қопқон»га қулаши фожа билан эмас, яхлаган сувда чўмилиш билангина яқунланди.

Қахрамонларимиз тюлень овини ҳам бошлаб юборишди, унинг мойи ниҳоятда асқотарди.

Улар энди ўзларини жуда яхши ҳис қилардилар. Иштиёқ билан қайтиш тараддудига киришилган, ов бароридан келар, вақт қандай ўтаётгани ҳам сезилмасди. Луи Корнбют тез-тез кемадан олислаб, вазиятни ўрганарди. Жанубий соҳилнинг тахлитини кўздан кечиргач, яна ҳам жануброқни ўрганишга киришди.

Музлар кўча бошлади, сайёр музликларни оқим энди очиқ денгизга суриб кетаётганди. Йигирма бешинчи апрелда кема лангарни кўтаришга шай бўлди. Гилофда бешикаст сақланган елканлар кўтарилиб, шамолда ҳилпираган дамларда денгизчиларнинг қувончи дунёга сиғмасди, аксарият кўзларига ёш олди. Ватерлиниясига қадар сувга ботган бриг чайқалиб-чайқалиб олди: унинг ҳаракатланишига жиндай фурсат бўлса-да, кема сувда, ҳа, ҳа, сувда эди!

Май ойига ўтгач, музликларнинг эриши жадаллашди. Соҳилни қоплаган қор ҳам балчиқ тусига кириб, бухтага оқа бошлади. Қор остидан арчагулнинг қизил-заъфарон ниҳоллари қимтинибгина юз кўрсатардики, гўё улар ҳам қутб қуёшининг тансиқ жамолига жилмайиб боқарди. Ҳарорат анча кўтарилган, энди совуқ чекиниб, бир неча даража иссиқ ҳам бор эди.

Йигирма биринчи май. Шу куни Луи Корнбют отасининг қабрини сўнгги бор зиёрат қилди ва кема бутун бир қишни ўтказган бухтани тарк этди. Денгизчилар қалбида шодлик билан эзгин ҳислар уйқашиб кетганди: ахир, дўстинг мангу ухлаётган тупроқдан армонсиз кетиш мумкинми?..

Шимолий шамол елканларни «пуфлади». Аммо йўлда йирик музликлар кўп эдики, арраларни тез-тез ишга солишга тўғри келарди, кўндаланг туриб қол-

ган муз қоялар портлатилган ҳоллар ҳам бўлди. Бутун бир ойлик йўл ана шундай хавф-хатарларга қарши кураш билан ўтди, гоҳо кема ҳалокат бўсағасига бориб қоларди. Лекин матонатли денгизчилар бу кўргиликларнинг барини мардона енга олдилар. Пенеллан, Пьер Нукэ, Тюркьет, Фидель Мизон – бу азаматларнинг ҳар бири ўн йигитга баробар эди. Сафар чоғи Марининг юзидан бахт табассуми аригани йўқ.

Ян-Майен ороли жойлашган чизиқдагина (71-даражали шимолий кенглик) «Навниҳол шунқор» музлардан халос бўлди ва очиқ денгизга чиқди. Йигирма бешинчи июнь куни бриг ўз йўлида илк кемаларни учратди, улар шимолда кит ва тюлень овлашга отланишганди. Аммо шундан сўнг ҳам Луи ва унинг дўстлари қутб сувларида яна бир ой суздилар...

Ўн олтинчи август. «Навниҳол шунқор» бортидагиларга Дюнкерк кўрина бошлади. Кема байроғини силкитиб, бандаргоҳга сигнал берилди. Шаҳар аҳли бригнинг истиқболига пешвоз чиқди. Кўп ўтгани йўқ: матонатли денгизчилар қучоқ очган яқинлари ва дўстларининг дийдорига мушарраф бўлишди. Мўйсафид кюре Луи Корнбют ва Марини бағрига босди. Икки кундан сўнг руҳоний олдинма-кетин икки бор дуо ўқиди: биринчисини Жан Корнбютнинг руҳи покига бахшида этди, кейингиси билан эса икки ёшнинг ҳаёт ришталари мангу боғланди. Луи ва Мари кўп машаққатлардан сўнг бир ёстиққа бош қўйиб, ўз бахтларини топишди.

**1855 йил.**



# МУЗЛАР ИСКАНЖАСИДА

---



## БИРИНЧИ БОБ

### Агар китобхон хоҳласа, Тинч океанидан орол сотиб олмоқ ҳам мумкинлиги хусусида

– Орол! Нақд пулга орол сотилади! Харидор, чиқимдан қўрқманг! Ким каттароқ тўласа, мулк ўшаники! – томоғи йиртилгудай қичқираётган киши Дин Фелпорг бўлиб, ушбу фаройиб савдо ўтказилаётган аукционнинг даллоли эди.

Даллолнинг ёрдамчиси Джинграс игна ташланса ерга тушмайдиган тирбанд залда бир олға, бир орқага юраркан, ундан ҳам ошириб кекирдагини чўзарди:

– Орол сотилади! Ҳа-да, орол сотамиз!

Дарҳақиқат, Сакраменто кўчасидаги ўнинчи рақамли бинонинг катта аукцион залига одам сифмасди. Ит эгасини, мушук бекасини танимайдиган бунчалик оломон орасида Калифорния, Орегона ва Ютадан келган америкаликлардан ташқари, ана шу учала штатдаги аҳолининг камида олтидан бирини ташкил этувчи французларнинг ҳам вакиллари бор. Шунингдек, чакмонига бурканиб олган мексикаликлар, халатининг энглари шалвираган, оёғига бигизтумшуқ бошмоқ кийган хитойлар, Океания оролларида ташриф буюрган канаклар<sup>1</sup>, ҳаттоки, Тринидад оролларида қаддам ранжида қилган ҳиндулар ҳам залда ҳозир у нозир эди. Шунинг ҳам ўз ўрнида айтиб ўтиш лозимки, ушбу савдо Калифорния маркази Сан-Франциско шаҳрида ўтказилаётган бўлсада, унинг оёқ остидан ёмбилар

---

<sup>1</sup> Канаклар – гавайиликлар ёки полинезияликлар. (Таржимон изоҳи – Р.У.)

думалаб чиқувчи тилла конлари очилган, ҳар икки ярим шардаги олтинтопарлар диққатини тортган 1848–1852 йилларга дахли йўқ эди. Ундан буён неча ёзу, қанча қиш ўтиб кетган, Сьерра Неваданинг ғарбий ён бағридаги олтин тўла заминга мўр-малахдай ёпирилган ёруғ дунёнинг илвирлари ҳам, улар бир кеча тунаб ўтадиган ўша карвонсарой, қўналғалар ҳам энди тарихга айланган эди.

Тупканинг тагидаги Йерб-Буэна оролида қад кўтарган, йигирма йилга яқин вақт ичида аҳолиси юз минг кишидан ошиб кетган бу ўхшаши йўқ шаҳарни америкаликлар Тинч океани юлдузига айлантиришган, у «Ғарбий соҳиллар ифтихори» номини олганди. Ваҳоланки, денгиз бўйидан жой тегмагани боис икки адир ёндамасига қурилган Сан-Франциско алалоқибат Лима, Сантьяго ва Вальпараисони ортда қолдириб, Ғарбий Америкадаги барча рақибларини доғда қолдирганди.

Кимошди савдоси 15 май куни ўтказилаётган бўлса-да, ҳаво хийла совуқ эди. Қутб оқимларининг бево-сита таъсири доирасидаги бу минтақада май ойининг дастлабки ҳафталари Ўрта Европада март оёқлаган кунлардаги об-ҳавога ўхшайди. Бироқ аукцион залида совқотишга ҳожат қолганмас. Қўнғироқчи тинимсиз жаранг-журунг билан янги-янги оломонни чақириб турар, тўлган зал димлангани боис, ҳамманинг юзидан маржон-маржон тер қуйиларди.

Шунча одамнинг ҳаммаси сотиб олгани келганми? Йўқ, албатта. У ҳолда залдагиларнинг бари ҳайбаракаллачиларми? Шундай десак, ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Гапнинг индаллосини айтганда, ҳукуматнинг бемаъни қарори сабабли савдога қўйилган Тинч океанидаги аллақандай оролни қайси эсини еган (борингики, у Крезчалик бадавлат бўлса-да) сотиб олар-

ди? Гап-сўзларга қараганда, белгиланган бирламчи нархни ҳеч ким кўтаролмайди ва ҳеч бир ҳавасманд ўзини кимошди тузоғига илинтирмайди. Бироқ қўлини пахса қилиб, харидорларни қиздириш учун оролни мақтайвериш томоғи йиртилаёзган баҳоловчи Фелпорг ва унинг ёрдамчиси Джинграсни бу масалада айблаш ҳам адолатдан эмасди.

Ҳамма фақат кулар, лекин харидор бўламан дейдиган йўқ эди.

– Орол! Орол сотилади! – нечанчи бор чинқирди Джинграс.

– Сотилади, лекин сотиб олинмайди, – киноя қилди киссасида ҳемири ҳам йўқ қандайдир ирландиялик.

– Оролки, ҳар бир акр<sup>1</sup> ери олти доллардан ҳам арзон тушади! – қичқирди Фелпорг.

Афт-башарасидан қишлоқ хўжалигидан бохабарлиги кўришиб турган семиз фермер эътироз билдирди:

– Аммо оролингиз ҳар бир доллар буромад учун бир цент ҳам даромад бермайди-да.

– Шундай бир оролки, соҳилларининг айланаси олтмиш тўрт милдан кам эмас, майдони эса икки юз йигирма беш минг акр!

– Орол ишқилиб омонатгина эмасми? – сўраб қолди кўпдан буён қовоқхонада пашшахўрда бўлиб юрадиган мексикалик, аслида, айна дамда унинг ўзининг залдаги ўрни омонатроқ эди.

Баҳоловчининг шашти эса аввалгидай.

– Бир оролки, ўрмонларига одам ораламаган, яйловлари, қирлари, дарёлари мазза!

– Кафолати ҳам борми? – сўради қандайдир француз, қиёфасига қараганда унча-мунча қармоқларга илинадиган сиёқи йўқ.

---

<sup>1</sup> Акр – Англия ва Америкада 4047 квадрат-метрга тенг ер ўлчови. (Таржимон изоҳи – Р.У.)

– Албатта, кафолати билан-да, – дарҳол илиб кетди ўз касбининг обдан ҳадисини олиб, харидорларнинг ади-бадисига парво қилмайдиган Фелпорг.

– Икки йилгадир-да?

– Йўқ, умрбод кафолатланади.

– Ундан ҳам ортиғига-чи?..

– Орол! Орол хусусий мулкингиз бўлиб қолади! – овозини кўтарди даллол. – Ажойиб орол, меъдага урувчи ҳайвонлар, йиртқич махлуқлар, судралувчилар – ҳеч бири йўқ...

– Пляжи борми? – сўради кимдир ҳазиллашиб.

Бошқа биров савол берди:

– Ҳашаротлар ҳам йўқми?

– Марҳамат, оролимиз бор! – баттар авжига чиқди Дин Фелпорг. – Бўш келманг, жаноблар! Пулни, пулни чиқаринг! Ким ўз оролига эга бўлишни хоҳлайди? Орол шундай бежирим ҳолдаки, аввал одамзот қадами деярли етган эмас! Кимга орол? Бир оролки, уммонларнинг уммони бўлмиш Тинч океанида жойлашган! Сувтекин сотамиз! Атиги бир миллиону юз минг доллар, холос!.. Қани, ким олади?.. Қани, ким биринчи сўзни айтмоқчи?.. Сизми, тақсирим?.. Ёки ўзларими?.. Бу қанақаси, нега хитойликнинг найзонгул кўғирчоғидай бош чайқайсиз?.. Орол сотаман!.. Орол бор!.. Кимга орол?..

– Ижозатингиз билан бир кўрсак! – деди оломон орасидан тили қичиган аллаким, гўё енгил бир сурат ё гулдон хусусида гап кетаётгандек.

Залдаги оломон гуррос кулиб юборди, лекин дастлабки баҳони лоақал ярим долларга оширувчи ҳеч ким топилмасди.

Айтиш жоизки, оролнинг ўзини кўриш имконсиз бўлса-да, унинг харитаси кўрга ҳассадай осиб қўйилганди. Ҳар ҳолда сотилаётган мулкнинг думи

хуржунда эмасди. Қизиқувчилар болганинг ягона зарбидан сўнг пулга айланадиган ўша бир парча ер ҳақида тасаввурга эга бўла олар, ҳеч қандай корҳол ёки кейин бармоқ тишлаб қолишдан ҳадиксирашга ўрин йўқ эди. Оролнинг жуғрофий қиёфаси, жойлашган ўрни, паст-баланди, иқлими, бориб-келувчи кемалар – ҳаммаси ойнадай равшан кўрсатилган. Менга ишонаверинг: бу савдода заррача найранг тополмайсиз! Боз устига қарийб ярим йилдирки, Қўшма Штатларнинг, алалхусус, Калифорниянинг кундалик, ҳафталик, ойлик ва ҳафтада ёхуд ойда икки бор чоп этилувчи газета-журналлари омманинг фикри-зикрини ушбу оролга қаратиш билан овора. (Унинг кимошди савдосига қўйилиши Конгресс томонидан тасдиқланган!)

Оролнинг номи Спенсер бўлиб, Калифорния соҳилларидан тўрт юз олтмиш мил олисда, Сан-Францискодан жануби-ғарбда, 32°15' шимолий кенглик ва 142°18' ғарбий узунликда жойлашган.

Спенсер ороли соҳилга хийла яқин, ҳатто АҚШнинг ҳудудий сувларида бўлса-да, бундан баттарроқ гадоё топмас, денгиз йўлларида четда қолган овлоқ ерни бошқа кўриш амри маҳол. Ўнгга ёки сўлга оғиб турувчи доимий денгиз оқимлари гўё унинг теварагида сокин бир кўл ҳосил қилганки, айрим хариталарда у «Флерье чўкмаси» деб қайд этилган.

Ана ўша ҳавзанинг марказида Спенсер ороли қаққайиб турарди. Бу ердан қандайдир кеманинг ўтиши камёб ҳодиса эди. Американи Европа ёки Япония ва Хитой билан боғловчи денгиз йўлларининг бари хийла жанубдан ўтарди. Елканли кемалар бу ердан юрса, шамолни қаёқдан олсин? Пароходларга эса Спенсер ёнидан сузиш зарур келмаган. Алқисса, орол атрофидан на елканли ва на бугли кемалар деярли қатнамас-

дики, Спенсер ҳам Тинч океанидаги саноксиз сувости қоялари мисоли беҳуда кеккайганди, холос.

Тўғри, шаҳар суронидан тўйиб кетган одам учун соҳилдан неча юз лье олисдаги хилватгина «Исландия»дан аълороқ оромгоҳ бўлиши ҳам мумкинмас! Кўнгилли Робинзонга ҳам ниҳоятда боп маскан! Аммо бунинг учун бир дунё пулдан воз кечиш чатоқ-да!

Хўш, Қўшма Штатларга бу оролдан қутулиш нима учун зарур бўлиб қолди ўзи? Ё бу шунчаки хомхаёл, сафсатами? Йўқ, бунчалар катта халқ аллақандай кимсадай бўлмағур ишга қўл урмайди, ахир. Бу ғоянинг асл моҳияти бундай: Спенсер ороли аллазамонлардан буён бефойда ётибди. Кимларнидир кўчириш беҳуда, ҳеч ким у ерда яшашни хоҳламайди. Спенсер Тинч океанининг хилват бурчагида жойлашгани боис ҳарбийларни ҳам асло қизиқтирмасди. Тижорат мақсадида фойдаланишга мутлақо ярамайди: орол берган маҳсулот бориш-келишдаги йўлқирани ҳам қопламайди. Башарти, қамоқхона қурилса-чи? Бўлмайди, чунки, орол қитъага яқин жойлашган. Унинг бекор туравериши ҳам газнага жиддий зарар!

Спенсер ороли алмисоқдан буён кимсасиз эди. «Олиймақом амалиётчи» инсонлардан иборат Конгресс бу борада ахийри бир қарорга келди: у аукционда сотилади, фақат асосий шарти шуки, харидор озод Америка фуқароси бўлсин!

Айни чоғда давлат ўз оролини арзон сотишни хоҳламасди. Бир миллион юз минг доллар баҳо белгиландики, бу маблағ анча-мунча ҳиссадорлик жамиятлари учун арзимаган пул ҳисобланарди. Бундай ташкилот мулкидан ва оролдан фойдаланиш учун акциялар чиқариши ҳам мумкин. Аммо у ҳам аввал фойда кўришига ишонч ҳосил қилиши керак-да!

Таассуфки, юқорида айтганимиздек, олувчига бу савдодан тариқча ҳам наф йўқ. Бинобарин, сармоя-

дорлар Спенсер оролига қутб денгизларидаги дайди айсбергга қараганчалик ҳам қизиқмаётгандилар. Хусусий тадбиркор наздида эса қўйилган баҳо ўта юқори эди. Орол ҳарчанд сахийлиги тутганда ҳам ақалли бир фоиз наф келтирмаслиги аниқ. Башарти бу танти савдо учун шунча пулни совуриб кеккайиш ҳавасидаги сармоядор топилса ҳам, унинг бойлиги беҳисоб бўлмоғи керак эди!

Боз устига оролни нақд пулга сотишмоқчи! Ваҳоланки, Қўшма Штатлардай мамлакатда ҳам сувни кўрмай этик ечадиган, бир миллиону юз минг доллардан энгилгина айриладиган кишиларни топиш осон эмас.

Хуллас, Конгресс қўйган баҳо қатъий: бир миллиону юз минг доллар! Бир цент ҳам ками йўқ! Билъакс, Спенсер ороли сотилмайди, тагин давлат тасарруфида қолаверади, вассалом!

Модомики шундоқ экан, шубҳасиз, бунча пул устида «гардкам» деворадиган девонанинг топилиши мушкул эди.

Бундан ташқари яна бир шарт ҳам бор: Спенсер оролининг соҳиби мустақиллик ҳуқуқига эмас, президентлик лавозимига эга бўлади, лекин қироллик даъво қилолмайди, ўз фуқаролари бўлиши мумкинмас. Оролдошлари уни ушбу амалга сайлашлари, ҳатто умрининг охиригача қайта-қайта сайлайверишлари ҳам кўзда тутилган. Лекин ҳеч қандай вазиятда у сулоланинг бошловчиси бўлолмайди, вафотидан сўнг унинг лавозими ворисларига мерос қолмайди. Зеро, Қўшма Штатлар ўзининг денгизларидаги бир парча оролда ҳам қироллик бўлишига асло йўл қўймайди!

Бу шартдан кўзда тутилган муддао ҳам аён: қандайдир шуҳратпараст миллионерни ёхуд ҳукуматидан айрилган набобни савдода қатнаштирмаслик лозим.



Ана ўшандайлар Сандвич<sup>1</sup> ёки Маркиз оролларидаги, Помоту<sup>2</sup> ёки Тинч океанининг бошқа архипелагидаги маҳаллий ҳукмдорларга тенглашиш ғаразида мазкур аукционга кириб қолиши мумкин эдики, бундай эҳтиёт бўлиш шарт эди.

Мухтасар гап шуки, қай сабабдан бўлмасин, пул санайдиган харидордан ҳамон дарак йўқ, даллол баҳонинг кўтарилиши умидида жон ҳалак эди. Вақт эса ўтиб борарди. Ёрдамчи овозининг борича ҳайқирар, залдагилардан бирор ким лоақал бош ирғаб қўймасди! Бундай имо-ишорани даллоллар асло кўздан қочиришмасди, нархни ошириш ҳақида эса...

Айтиш жоизки, Фелпорг болғасини кўтариб толмагани каби, издиҳом ҳам кутишдан чарчамасди. Ҳар ёқдан киноялар, хийла аччиқ аскиялар, учуриқлар ёғиларди. Бировлар орол учун барча харажатларни қўшиб, икки доллар тўламоқчи бўлса, бошқалар савдодан кўриладиган зиённинг қопланишини талаб қиларди.

Дин Фелпорг эса бақирини давом этади:

– Орол! Орол сотилади!

Афсуски, ҳануз харидор чиқмасди.

– Хўш, сиз у ерда олтин кони борлигини қафолатлай оласизми? – сўради Марчен-стрит кўчасидаги аттор Стемпи.

– Йўқ, – жавоб берди даллол. – Башарти, шундай кон топилса, давлат конга эгалик ҳуқуқингизни тўлатўкис таъминлайди.

– Ўша оролингизда лоақал вулқон борми? – сўради Монтгомери кўчасидаги қовоқхоначи Окхерст.

– Вулқон йўқ, – деди Фелпорг. – Агар бўлганда, орол янада қиммат баҳода сотиларди.

---

<sup>1</sup> Гавай, ороллариининг эски номи.

<sup>2</sup> Бу оролнинг янги номи – Туамоту.

Даллолнинг бу сўзларидан сўнг залда ичакузди кулги бошланди.

– Орол! Орол сотилади! – беҳуда томоқ йиртарди баҳоловчи. – Биргина доллар, лоақал ярим доллар қўшинг – орол сизники!.. Бир... Икки...

Ҳеч ким миқ этгани йўқ.

– Агарда харидор топилмас экан, энди савдони дарҳол ёпиқ деб эълон қиламан! Бир... Икки...

– Бир миллиону икки юз минг доллар!

Бу жумла шунчалик жарангладики, гўё залда тўп-пончадан тўрт карра ўқ узилди деяверасиз!

Оломон бир лаҳза сукутга чўмиб, тошдай қотди. Сўнг ҳамма бирданига ўгирилиб қаради: зотан, ҳамма ушбу рақамни айтган азаматни бир кўриб қўйишни истарди!

У ким десангиз, Сан-Франциско шаҳрида яшовчи Уильям Кольдеруп эди.

## *ИККИНЧИ БОБ*

### **Сан-францисколик Уильям Кольдерупнинг стоктонлик Гаскинар билан рақобатлашгани хусусида**

Ёруғ дунёда ўз пулининг ҳисобини ҳам унутган бадавлат бир инсон бор эдики, ўзгалар минг доллар устида умбалоқ ошганда, у миллионларнинг лоақал бетига ҳам қараб қўймасди. Бу одамни Уильям Кольдеруп дейишарди.

Агар гап-сўзларга ишонсак, у кимсан герцог Вестминстерскийдан ҳам бойроқ эди. Ваҳоланки, йиллик даромади саккиз юз минг фунт бўлган герцог кунига эллик минг франк харажатга қодир ёки бир дақиқалик сарфи ўттиз олти франкдан кам эмасди. Тагин

шундай миш-мишлар борки, Кольдеруп деганлари ижарадорликнинг тушумидангина ўттиз беш миллион топадиган невадалик сенатор Джондан ҳам, ҳатто Маккей бадавлат эмиш. Ҳолбуки, Маккейнинг сармо-яси соатига икки миллиону етти юз етти минг саккиз юз франк ёхуд ҳар бир дақиқада икки франку яна қанчадир сантим фойда келтирарди.

Модомики шундай экан, Ротшильд, Ван дер Билт, герцог Нортумберлендский ё Стюарт каби майда-чуйда миллионерларнинг, бели бақувват Калифорния банки директорларининг, Эски<sup>1</sup> ва Янги<sup>2</sup> дунёдаги капиталистларнинг бор мол-давлати Уильям Кольдеруп сарфлайдиган хайр-садақага ҳам етмайди. Сизу биз арзимас чақани етти еридан туққунимизча, бу одам миллионларни елга совуварди.

Бу уддабурон сарватдор Калифорния олтин конларини ишга солиб, афсонавий хазинасининг қаддини тиклаб олган. Ўшанда у швейцариялик капитан Зуттернинг асосий шериги бўлиб, биринчи кон 1848 йили капитанга тегишли ерда очилганди. Кольдеруп бор заковатини ишга солди, тижоратдаги таваккалчиликлардан ҳадиксираб ўтиргани йўқ, омади ҳам чопавердики, ҳадемай Янги ва Эски дунёдаги йирик корхоналарнинг деярли барчасига ҳиссадор бўлиб олди. Унинг битмас-туганмас маблағига юзлаб заводлар қурилди ва ўзининг хусусий кемаларида ер қурасининг ҳамма бурчакларига маҳсулот экспорт қилинарди. Кольдерупнинг бойлиги арифметик эмас, геометрик прогрессия ҳисобида «болалайверди». Баъзиларнинг айтишича, у ҳатто қанча пули борлигини билмайдиган миллиардерлардан бири эмиш. Аслида ундай эмас: Кольдерупга ҳаммаси беш қўл-

---

<sup>1</sup> Эски дунё – Европа.

<sup>2</sup> Янги дунё – Америка қитъаси. (Таржимон изоҳлари – Р.У.)

дай аён, сўнгги долларгача чўтга солиб қўйган. Фақат бошқалардан фарқи шуки, бойлиги билан кеккайиш унга бегона.

Китобхонга таништирган вақтимизда Уильям Кольдеруп деярли ҳамма мамлакатларга сочилиб кетган икки минг савдо муассасасининг ва унинг ўз юкларини ташиб, дунё океанларида бетиним чарх ураётган беш юз кемадан иборат хусусий флотилиянинг соҳиби эди. Хизматчиларининг ўзигина қирқ минг киши бўлиб, уч юз минг ёзишма қўлдан ўтарди ва уларнинг маркаси билан почта харажатлари учунгина камида миллион сарфланарди.

Гапнинг қисқаси шуки, у Фрискодаги<sup>1</sup> барча бойлардан бойроқ эди...

Бугунги аукционда Уильям Кольдеруп қўшган юз минг чакана пул эмасди. Спенсер оролининг баҳосини юз минг долларга оширган кишининг ким экани аён бўлгач, издиҳом бир қалқиб олди. Ҳазил-ҳузуллар дарҳол барҳам топди. Аския ўрнига олқишловчи луқмалар ташланиб, «ура» деб ҳайқирганлар ҳам бўлди.

Ана шундан сўнг залга сукунат чўкди. Оломон мумтишлаб олганди. Башарти, Уильям Кольдеруп билан баҳслашмоққа ботинувчи бирор шоввоз топилгудай бўлса, бундай ҳаяжонли лаҳзаларнинг заррача тафсилотини ҳам ўтказиб юбормаслик ҳамманинг ягона орзусига айланганди-да.

Аммо шундай бўлиши ҳам мумкинми?

Асло! Кольдерупнинг вазоҳатига қарабоқ бунга ишонч ҳосил қилиш қийинмас: унинг аҳдидан қайтадиган сиёқи йўқ, айниқса, иш молиявий обрўсига дахлдор экан, ҳеч қачон ён бермайди.

---

<sup>1</sup> Фриско – америкаликлар Сан-Францискони ана шу ном билан ҳам аташарди.

У бўйчан, калладор, елкалари кенг, норғул ва бардам одам эди. Унинг нигоҳи тикандай бўлиб, ҳеч кимдан кўзларини олиб қочмасди. Оқ оралай бошлаган сочлари йигитлигидаги каби қуюқ ва қалин. Қирра бурни қоғоздаги учбурчакдай тўппа-тўғри бўлиб, мўйловини тарошлаб юарди. Америкача ўстирилган соқолига ҳам оқ оралаган, бир текис оппоқ тишлари ўзига ярашган, ўша дамда у лабларини қимтиб олганди. Бундай қиёфадаги одамга гап йўқ: ҳар қандай довулга қарши кўкрак кера олувчи капитаннинг ўзгинаси, худди ўзи! Нархни ошириш устида «жанг» бошлангудай бўлса борми, унинг енгилгина имоси ҳам юз минг доллар деган сўз!

Бундай валломат билан «тепишиш»нинг иложи йўқ!

– Бир миллион икки юз минг доллар! Бир миллион икки юз минг доллар! – қичқирди Дин Фелпорг, унинг овозида ахийри ўз ишидан қониқиш, беҳуда тиришмаганидан мамнуният оҳанги бор эди.

– Оролимиз учун бир миллион икки юз минг доллар тўлайдиган инсон топилди! – такрорлади Джинграс.

– Энди қўрқмай қўшаверсаям бўлади, – мингирлади қовоқхоначи Окхерст, – аммо Кольдеруп барибир бўш келмайди!

Бунақа серғалваларни жимликка чақиришди. Модомики, энди гап кимошди устида кетар экан, оёйишталик керак-да. Ҳамма қизиқ воқеадан гафлатда қолмаслик иштиёқида, аукцион аҳлининг юраги гулпуллашга тушган: Уильям Кольдеруп билан тенглаша оладиган валломат бормикан? У эса хотиржам ва мағрур қиёфада қилт этмай турар, гўё бу ердаги гаплар унга мутлақо дахлсиз эди. Фақат ёнидагилар Кольдерупнинг кўзлари ўқнинг ўрнига долларлар

солинган бир жуфт тўппончадай олов сочиб, исталган лаҳзада пақиллаши мумкинлигини пайқаб туришарди.

– Кўпроқ тўлайдиган борми? – айюҳаннос солди Дин Фелпорг.

Ҳеч қандай садо йўқ.

– Бир!.. Икки!..

Бундай савдоларда тўтиқушдай сайрайверишга одатланиб кетган Джинсранг ҳам такрорлади:

– Бир!.. Икки!..

– Қарорим шундай...

– Бир қарорга келдик...

– Бир миллиону икки юз минг долларга!

– Ҳамма кўрди-а?.. Эшитдиларингми?..

– Кейин ҳеч ким армон қилиб юрмайдими?

– Спенсер ороли бир миллион икки юз минг долларга кетмоқда, ахир!

Омманинг ҳаяжони хуружда. Юзлаб одамларнинг кўкси потирлаб кўтарилиб-тушар, бировнинг нафас олгани эшитилмасди. Наҳотки, сўнгги дақиқада кимдир баҳони оширолса?!

Стол устига ўнг қўлини чўзган Дин Фелпорг фил суягидан ишланган болғасини силкиб қўярди. Биргина, битта ягона зарб ва орол сотилиб кетади.

Жиноятчини ушлаган жойидаёқ уриб ўлдирувчи оломон ҳам (бундай жазолашни америкаликлар Линч суди дейишади) бугунги аукцион аҳли қадар жунбишга келмасди, ахир.

Болғанинг столга тегишига пиёз пардасича қолди ва яна кўтарилди, сўнг бир лаҳза ҳавода қотиб қолди: гўё қиличбоз қўлидаги шамшир эди-ю, рақибининг жон жойини мўлжалга оларди.

– Бир миллион уч юз минг доллар!

Зал жўровозликда «Воҳ» деб юборди ва олқишлар янгради: ҳар ҳолда баҳони янада ошира оладиган тан-ти бор экан!

Хуллас, тортишув давом этади.

Аммо у ким ўзи? Уильям Кольдеруп билан бел уш-лашмоқчи бўлаётган эррайим қандай одам, а?

У стоктонлик Таскинар эди.

Таксинар деганлари бой бўлишдан ташқари ўта қо-риндор ҳам бўлиб, вазни икки юз кило тош босарди. Надоматларким, бақалоқларнинг сўнгги танловида ютуқни бой бериб, бор-йўғи иккинчи ўринни олган-ди, холос. Негаки, унинг тушлик насибасини еб туга-тишига имкон беришгани йўқ ва алаалоқибат тарози-да оғирликдан беш кило ютқазиб қўйди.

Стоктоннинг Сан-Иохим кўчасида яшовчи бу да-вангир ўзи учун махсус ясалган стулдан бўлак ўрин-диққа сиғмасди. Стоктон Калифорниянинг пешқадам шаҳарларидан саналиб, жанубдаги конлар маҳсулот-лари келтириладиган марказлардан бири бўлса, у би-лан рақобатлашувчи Сакраментога шимолий конлар-дан ҳисобсиз юклар келтириларди. Калифорниядаги кемаларга энг кўп бугдой ортиладиган шаҳар ҳам шу эди, албатта.

Таскинарнинг ошиб-тошган мол-давлати фақат конлардан ва ғалла олди-сотдисидан тўпланган эмас. Айни чоғда у ашаддий қартабоз бўлиб, покерда жуда қўли келарди. Тўғри, Таскинар катта бойлардан, ле-кин феъл-атворида одамийлик йўқ ҳисоби, чунончи, Кольдерупни «муҳтарам тужжор» деб иззатлаган-лардан бирортаси ҳам унга нисбатан бу эҳтиромни раво кўрмайди. Аммо, бўлар-бўлмасга уни ёмонот-лиққа чиқариб, миш-миш тарқатилишини ҳам айтиб ўтамыз. Шу билан бирга, Таскинарнинг арзимас ги-

ди-биди учун ҳам дарров «деррингер»ни<sup>1</sup> ишга солиши ҳақидаги гап-сўзларда ҳам мутлақо муболага йўқ эди.

Таскинар Уильям Кольдерупни ниҳоятда ёмон кўрарди. Унинг бойлигига, мартабасига, обрў-эътиборига ҳасаддан тутоқиб яшарди. Бақалоқ озгиндан қанчалар жирканса, Таскинар ҳам Кольдерупдан шунчалар ҳазар қиларди. Ўртадаги бугунги рақобат биринчиси эмасди, стоктонлик савдогар сан-францисколик бойваччанинг адабини бериб қўйиш ғаразида (ҳатто бундан зиён кўрса ҳам) унинг йўлига доим ғов бўлиб келган. Бу душманлик Кольдерупга беш қўлдай аён эдики, у ҳам рўпара келган чоғлари ғанимининг гашига тегмай ўтмасди, албатта.

Алалхусус, душмани қозонган сўнгги ғалаба сайловда чуви чиққан Таскинарни куйдириб адо қилди. Қанчалар чиранди, дўқ-пўписа ва туҳматларни ишга солди, сайловолди кампаниясида маклер учун минг-минг доллар харажат қилди, аммо барибир бўлмади: Сакраменто қонунчилик кенгашидаги курси Таскинаргамас, Уильям Кольдерупга насиб этди.

Хуллас, душмани Спенсер оролини сотиб олмоқчи эканидан хабар топгани зўр иш бўлиб, кафтига туфлаб қўйганди. У ёғидан келсангиз, Кольдерупга ҳам кераги йўқ ўша оролга Таскинарнинг ҳам асло боши қоронғи эмасди. Аммо бунинг аҳамияти йўқ-да. Энг муҳими баҳона тайёр: рақибига қарши майдонга тушади, омади чопиб, енгиб чиқса ажаб эмас. Таскинар бундай имкониятни бой бермасди.

Ана шунинг учун ўша куни тонгдаёқ аукцион залида ҳозир бўлиб, ҳангоматалаблар қаторига қўшилиб олганди. У ҳолда Таскинар нега бунчалар узоқ кутди?

---

<sup>1</sup> Деррингер – Калифорния револьвери ана шундай аталади. (Таржимон изоҳи – Р.У.)



Нима учун то рақиби баҳони кўтаргунича мум тишлаб ўтираверди?

Негаки, у Уильям Кольдеруп ўзини оролнинг ягона эгаси деб ҳисоблайдиган лаҳзада зарба уришга интизор эди ва ўша ондаёқ овозининг борича кекирдак чўзди:

– Бир миллион уч юз минг доллар!

Ҳамма унга қаради.

– Бақалоқ Таскинар-ку! – деган луқмалар учди ва бу ном оғиздан-оғизга кўча бошлади.

Албатта! Таскинар машҳурлик бобида ҳазилакам зот эмасди. Унинг гўшту ёғдан иборат милқиллаган жасади қанча-қанча мухбирга қалам ҳақи манбаи бўлган! Қандайдир бир математик олим дифференциал ҳисоб-китоблар воситасида шуни ҳам исботладики, Таскинарнинг жуссаси Ер йўлдошининг вазнига жиддий таъсир кўрсатган, ҳатто ойнинг орбитаси хийла издан чиққан эмиш!

Аммо, шу тобда залдагиларни Таскинарнинг бақалоқлиги қизиқтиролмасди. Аукцион жамоатчилиги унинг Уильям Кольдерупга қарши ошқора жанг бошлагани боис ари уясидай ғувиллаётганди. Бу долларлар қутқу солган ҳал қилувчи муштлашув бўлиб, ҳали ким ғолиб чиқиши номаълум, томошабинлар бу икки тўрва пулнинг қай бири устида гаров боғлашни билмасдилар. Ҳар икки рақиб шунчалар бойки, баҳсга энди орийат, нафсоният уйқашиб кетганди.

Залда дастлабки ҳаяжон босилиб, сув сепгандай жимлик чўкди: шунчаликки, пашша учса эшитиларди. Оғир сукунатга Дин Фелпоргнинг қичқириви раҳна солди:

– Спенсер оролининг нархи бир миллиону уч юз минг долларга чиқди!

Уильям Кольдеруп Таскинар тарафга юзланди. Одамлар четланиб, икки рақибга йўл очишди. Энди Сан-францисколик бойвачча билан стоктонлик бойвачча бир-бирларига хоҳлаганча ўқрайишлари мумкин эди. Аммо адолат юзасидан таъкидлаб қўямизки, на униси ва на буниси биринчи бўлиб кўзини олиб қочмоқчи эмасди.

– Бир миллион тўрт юз минг доллар! – деди Кольдеруп.

– Бир ярим миллион! – жавоб қайтарди Таскинар.

– Бир миллион олти юз минг доллар!..

– Бир миллион етти юз минг доллар!..

Айтинг-чи, бу ади-бадилар кимнинг заводидаги мўркон қувури баландроқ экани ҳақидаги глазголик икки капиталистнинг можаросига ўхшамаяптими? Ҳолбуки, мўркон кўтарилгани сайин унинг қулаб тушиши эҳтимоли ҳам ортади. Ўша можаро билан айни ҳолнинг фарқи шуки, бу залдаги “қувур” қуйма олтинлардан иборат.

Бу орада Таскинарнинг сўнгги баҳосини эшитган Кольдеруп ўйланиб қолди, чоғи курашни давом эттиришга ботинмасди. Таскинар эса аксинча, жангга ташна, хаёл суриб, вақтни бой берадиган раъйи йўқ.

– Бир миллион етти юз минг доллар! – такрорлади даллол. – Давом этинг, тақсирлар. Ахир бу пул жудаям арзимас-ку!

Кутилганидай, у касбига хос олғирлик билан темирни қизигида босиб, дарҳол қўшиб қўйди:

– Аслида орол жуда қиммат туради-я!

Унинг ёрдамчиси ҳам бир қийқириб қўйди:

– Бир миллион етти юз минг!

Кутилмаганда Уильям Кольдеруп баҳони тагин кўтарди:

– Бир миллион саккиз юз минг!

– Бир миллион тўққиз юз минг! – бўш келмади Таскинар.

Кольдеруп бир лаҳза ҳам ўйламасдан бақирди:

– Икки миллион доллар!

Унинг ранги бир ўчиб олди, аммо афт-ангоридаги қатъиятга қараганда, осонгина таслим бўлиш нияти йўқ.

Таскинар тутоқиб адои тамом бўлди. Унинг товоқдай башараси поездлар тўхташига белги сифатида қўйиладиган қип-қизил гардишга айланганди. Аммо аён эдики, унинг рақибига унақа «белги» писанд эмас, шитоби ҳамон баландки, ҳеч қандай «станцияда» тўхтамайди. Таскинар буни билиб турибди, албатта. Унинг қулупнайдай юзига баттар қон тепди. Бриллиант узуклар тақилган тиқмачоқдай бармоқлари билан соатидаги сўлоқмондай тилла занжирни юлқиларди, холос. У рўпарасидаги кушандасига бақрайиб олгач, бир дақиқага кўзларини юмди, кейин очди. Унинг нигоҳида ҳанузгача бунчалар нафрат кўринмаганди.

– Икки ярим миллион! – деворди бақалоқ, чамаси шу ҳужум билан нархнинг яна кўтарилишига буткул нуқта қўймоқчи эди.

– Икки миллион етти юзминг!

– Икки миллион тўққиз юз минг!

– Уч миллион доллар!

Ҳа-а! Ҳа, худди шундай! Сан-францисколик Уильям Кольдеруп ана шу рақамни ростакамига айтганди!

Унинг сўзидан бир гувиллаб олган издиҳом қарсақ чалиб юборди. Аммо ўша ондаёқ ҳамма жимиб қолди, чунки, даллол сўнгги баҳони такрорлаб, болғасини даст кўтарган ва дарҳол қарсиллатиб уришга шайланганди. Ҳатто кимошдининг кутилмаган ҳодисалари

ичида кўзи пишиб кетган Дин Фелпоргдай пихини ёрган даллолнинг ҳам энди ақли шошиб қолганди.

Аукцион қатнашчиларининг нигоҳи Таскинарга қадалди. Бақалоқни уларнинг назари тошдай босиб турарди. Бироқ уч миллион долларнинг залвори ундан ҳам оғир бўлиб, уни гўё мажақлай бошлаганди.

Албатта, оғиз очишни хоҳларди, пулдан яна кўшгиси келарди, аммо журъати... Бош ирғагиси ҳам бор... Ўзини қўярга жой қани?

Ва ниҳоят у заиф, аммо мутлақо тушунарли овозда деди:

– Уч ярим миллион!

– Тўрт миллион доллар! – баланд келди Уильям Кольдеруп.

Энг сўнгги ва энг ҳал қилувчи зарба: Таскинар ерпарчин бўлди. Даллолнинг болғаси мрамор стол устида қарсиллади: Спенсер ороли сан-францисколик Уильям Кольдерупга тўрт миллион долларга сотилди!

– Мен ҳали ўч оламан! – заҳарли вишиллади Таскинар ва душманига еб қўйгудек ўқрайиб олгач, «Ғарб» меҳмонхонаси томон йўл олди.

Уильям Кольдеруп эса олқишлар ва «ура» садолари остида Монтгомери-стритга етиб олди. Айни дамда америкаликларнинг шашти шунчалар ҳаволаниб кетгандики, «Янки Дудл»ни<sup>1</sup> куйлаш ҳам эсларига келгани йўқ!

---

<sup>1</sup> «Янки Дудл» – АҚШнинг шимоли-шарқий штатларида оммалашган миллий қўшиқ.

## УЧИНЧИ БОБ

### **Фина Холланей билан Годфри Морган фортепьяно оҳанглари жўровозлигида суҳбатлашганлари хусусида**

Шундай қилиб, Уильям Кольдеруп Монтгомери кўчасидаги кошонасига қайтди. Сан-Францисконинг бу кўчаси Лондондаги Риджент-стрит, Нью-Йоркдаги Бродвей, Париждаги Италия хийбони билан беллаша оларди. Соҳил билан параллел чўзилиб, бутун шаҳарни кесиб ўтувчи бу артерия ҳамиша қайнагани-қайнаган. Трамвайлар, от ёки хачир қўшилган извошлар, харидор гавжум дўконлар пештахталари бўйлаб чўзилган гиштин йўллардаги жонсарак ўткинчилар, барлардаги кўнгилхушлик ишқибозларининг сон-саноғи йўқ.

Фрисколик бу набобнинг кошонасининг таърифи мушкул: миллионер ўзини нокерак жимжималарга бежаб ташлаган. Шароит яхши бўлса-да, диди пастроқ. Омилкорлик сезилади, лекин завқлана олмайсиз: аслида бу икковини уйғунлаштириб бўлмайди ҳам.

Китобхон билмоғи лозимки, қасрда меҳмонлар учун қойилмақом зал жиҳозланган ва фортепьяно ҳам қўйилган. Уильям Кольдеруп ичкарига остона хатлаган дамда қулоғига ана шу чолғу оҳанглари эшитилди.

– Хайрият! – кўнглидан ўтказди у. – Икковиям уйда экан. Газначига топшириқ бераман-да, сўнг дарҳол уларнинг олдига кираман.

Кольдеруп ўзининг хосхонасига йўл олди: у Спенсер оролининг тўловини ўрнига қўйиш ва бу савдо масаласига бошқа қайтмаслик ниятида эди. Бунинг

учун қимматбаҳо қоғозлардан бир нечасини ишга солиб, хариднинг баҳосини тўлашгина кифоя. Биржа маклерига бир парча хат ёзса, тамом-вассалом. Ана ундан сўнг Уильям Кольдеруп бўлак бир иш, савдодан ҳам дилхоҳ бир вазифа билан шуғулланади.

Дарҳақиқат, ёшлар меҳмонхонада эдилар. Қиз фортепьяно чалмоқда, диванда ярим ёнбошлаб ётган йигит эса паришонхотирлик билан мусиқага кулоқ тутган.

– Куйни тинглаяпсанми? – сўради қиз.

– Албатта, Фина!

– Аммо ҳозир кулоғингга ҳеч нарса кирмаётгандир, а?

– Нега энди? Ҳаммасини эшитяпман. Сен «Auld Robin grau»нинг<sup>1</sup> мана шу қисмини ҳалигача бунчалар зўр чалганинг йўқ эди.

– Годфри, ахир бу мутлақо «Auld Robin grau» эмас, Шубертнинг «Чарх устидаги Гретхен» асари-ку.

– Мен ҳам шу фикрда эдим, – дея совуққонлик билан жавоб қайтарди Годфри.

Қиз иккала қўлини клавишлар устида тутиб, зарур оҳангни эслаётгандай тўхтади-да, Годфри томонга ўғирилди, йигит эса ундан кўзини олиб қочаётгандай эди.

Ота-онасидан эрта етим қолган Фина Холланей чўқинтирган падари Уильям Кольдеруп тарбиясида улгайди, миллионер уни ўз қизидай ардоқларди.

Фина ўн олти ёшга тўлди. У олтинсоч қиз бўлиб, феълидаги қатъият мовий кўзларидаги маъсумликда акс этиб турарди. Қизалоқнинг тоза қалбига яраша

---

<sup>1</sup> «Auld Robin grau» – «Кекса Робин Грей» (ингл.) – Анн Линдсейнинг шу номдаги шотландча балладаси асосида яратилган опера, унинг мусиқасини америкалик Александр Рейнал (1756-1804) басталаган деган тахмин бор. (*Таржимон изоҳлари – Р.У.*)

ақли ҳам бутун эдики, тенгдошларига хос бўлган хом-хаёл ва ҳавойилик унга бегона эди.

– Годфри? – сўради у.

– Нима дейсан?

– Фикру ёдинг ҳозир қаёқларда учиб юрибди?

– Қаёқларда дейсанми? Хаёлим сенда... Шу ерда...

– Йўқ, Годфри, бу ерда эмас... Сен жудаям олис-олисларни... Денгизлар ортини ўйлаяпсан... Тўғриси-ни айтгин.

Финанинг қўллари беихтиёр клавишлар томон талпинди, аммо бармоқлар таратган маҳзун нолаларни Кольдерупнинг жияни тингламасди, чоғи.

Йигит сан-францисколик бойваччамизга синглисининг ўғли, яъни жиян бўларди. Годфри Морган ёшлигида етим қолиб, Фина Холланей ўсган тоғасининг уйида вояга етди (Умри иш билан ўтган тоғанинг ўз оиласи йўқ эди).

Йигирма икки ёшли Годфри ўқишни тамомлаб, ҳозирда бекорчилик билан «банд». Университет дипломини ўқиб олган бўлса-да, уни уққан йигит дейиш қийин. Ҳаёт унга катта имкониятлар эшигини, равон йўлни очиб қўйган. У ана шу йўлдан хоҳ ўннга, хоҳ сўлга юриши, ахийри саодат манзилени топиб бориши мумкин.

Шуниси ҳам борки, Годфри норғул йигит, одобли, тамизли, ҳеч қачон узук ё қимматбаҳо тошли тугма таққан эмас. Қисқаси, у ёш ватандошларига ўхшаб заргарлик дўконларидаги алламбалоларга муккаси-дан кетмаган.

Ўйлайманки, агар Годфри Морган Фина Холланейга уйланиши лозимлигини айтгудай бўлсам, ўқувчим ҳайратланмаса керак. Ахир, шундай бўлмаслиги ҳам мумкинми? Ҳамма шу фикрда-ку! Аввало, бу Уильям

Кольдерупнинг орзуси. Унинг жонажон фарзандларидай меҳр қўйган бу икки ёшни ўз меросхўри қилиб тайинлашдан ўзга олий нияти ҳам йўқ (Эркатойларнинг бир-бирини деса, ўлиб қолишини айтмай кўявердик). Бундан ташқари, балки, аввал шуни айтиш керакдир, уларнинг оила қуриши фирманинг тақдирига бевосита дахлдор масала эди. Годфри туғилгандаёқ банкда унинг номига пул қўйилиб, ҳисоб очилган, Финанинг ҳам алоҳида ҳисоби бор. Энди иккала маблағни бирлаштириб, ёш эр-хотиннинг ягона сармоясига айлантириш фурсати келганди. Албатта шундай бўлиши ҳамда яқунда ҳеч қандай янглишиш ва нуқсонлар топилмаслигига муҳтарам тужжоримизни шубҳаси йўқ эди.

Бироқ, ҳикоямиз бошланган вақтда Годфри ҳали ўзини оилавий ҳаёт учун ғўр бола ҳисобларди. Аффуски, унинг фикри билан биров қизиққан эмас, ҳар ҳолда жиянининг нималарни ўйлаши тоға учун мутлақо аҳамиятсиз эди.

Ўқишни битириб, кунлари бекорчиликда ўтаётган Годфри тўкин ҳаётдан тўйган ва бойлик унинг меъдасига уриб бўлганди. У дунёни кўришни истарди, ўзича саёҳатлардан бўлак барча илмларни эгаллаганди. Дарҳақиқат, у Эски ва Янги дунё бўйича фақат биттагина жуғрофий нуқтани кўрган: ҳалигача Сан-Францискодан бир қадам жилган эмас.

Айтинг-чи, ўзини ҳурмат қилган йигит, айниқса, у америкалик бўла туриб, икки-уч марта дунёни айланиб чиқмаслиги ҳам мумкинми? Саёҳат қилмасдан ҳам ўз имкониятларини чамалай оладими? Мардлик ва топқирлигини синовдан ўтказувчи саргузаштларни саёҳатдан бўлак қаердан топсин? Бундан ташқари, оламни кўриш, кузатиш ва дунёқара-



шини кенгайтириш муддаосида босиб ўтиладиган бир неча минг лье масофа ҳам кишининг билимига билим қўшмайдимиз?

Гап шундаки, ҳикоямиз бошланган пайдан бир йилча бурун Годфри сафару сайёҳлар ҳақидаги китоблар мутолаасига муккасидан кетганди. Дейлик, Марко Поло билан Хитойни, Колумбнинг ёнида Американи, капитан Кук билан сузиб Тинч океанини ва Дюмон д'Юрвиль ҳамроҳлигида Жанубий қутбни кашф этди гўё. Ўша-ўша Годфри шу машҳур жаҳонгашталар қадами етган ерларни кўрмоқ иштиёқида ёнарди. Бундай саёҳатлар учун у ҳар қандай таваккалга тайёр эди. Масалан, малайя қароқчиларининг ҳужумига ҳам, денгиз жангларида қатнашишга ҳам, кема ҳалокатига учраб, кимсасиз оролда Селкирк<sup>1</sup> ёхуд Робинзон мисоли танҳо яшашга ҳам – бари-барига бардош қилади. Ҳа, ҳа, Робинзон! Робинзон бўлса қанийди-я! Ахир, Даниэль Дефо ё Виссинг<sup>2</sup> романларини ўқиган қайси ёш юрак ана шу орзу билан ёнмаган? Инчунин, Годфри ҳам бу борада тенгдошларидан қолишмасди.

У саёҳатлар, гадоё топмас ороллар ва денгиз қароқчилари билан боғлиқ афсонавий орзулар уммонида сузаётган бир пайтда, таассуфки, тоғажониси унинг

---

<sup>1</sup> Селкирк – бир неча йил умрини кимсасиз оролда ўтказган шотландиялик денгизчи. Даниэль Дефо таржимаи ҳолининг тадқиқотчилари таъкидлашича, машҳур роман қаҳрамони бўлмиш Робинзон Крузонинг прототиби ўша Селкирк эмиш.

<sup>2</sup> Немис-швейцар адиби Иоганн Давид Виссинг «Швейцариялик Робинзон» (1812) романи Дефонинг «Робинзон Крузо»сидан фарқ қиларди. Висс кимсасиз оролдаги танҳо бир кишининг эмас, бутун бир оиланинг – феъл-атвори ва қизиқишлари турлича бўлган ота билан тўрт ўғилнинг меҳнат-машаққатларини қаламга олганди. (*Таржимон изоҳлари – Р.У.*)

оёқ-қўллари ни коҳ тушови билан кишанбанд қилиш тадоригига тушиб қолганди. Хўш, ойимқиз Фина миссис Морганга айлангач, сафарга икков отланадиларми? Йўқ, бу тентакликдан бошқа нарса эмас! Иккисидан бирини танлаш керак: ё саёҳатга танҳо ўзи боради ёки қалбидаги мардона режаларидан воз кечади!

Годфри орзулари ушалгунга қадар ни коҳ шартномасини имзолай оладиган етук инсон санолмайди ўзини. На Японияда ва на Хитойда бўлмаган, ҳатто ҳали Европани кўрмаган йигит учун оилавий бахт деганлари хомхаёл эмасми? Йўқ! Йўқ! Ва яна бир карра йўқ!

Мана гап қаерда? Шу боисдан ҳам Годфрининг ақли ўзидамас, Финанинг куйларини ҳамиша оғзидан бол томиб тинглаган йигит бугун ана шунинг учун оромижон наволарга буткул беписанд эди.

Жиддий ва зукко қиз Фина вазиятни тўғри фаҳмлаганди. Бинобарин, унинг ҳафсаласи пир бўлгани ёки дили оғригани хусусида гап бўлиши мумкинмас, агар шундай десак, унга туҳмат қилиб қўярдик. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам ижобий хулоса топишга одатланган қизча бир тўхтамга келди: модомики, Годфри саёҳатни шунчалар зарур ҳисобларкан, майли, тўйдан аввал бора қолгани маъқул.

Шунга биноан йигитга содда, аммо бамаъни жавоб топа билганди:

– Йўқ, Годфри, ҳозир хаёлинг мендамас, менинг ёнимда ҳам эмас, олис-олисларни, денгизлар ортини ўйлаяпсан!

Годфри ўрnidан туриб, Финага қарамаганича хонада одимлади ва фортепьянога яқинлашиб, кўрсаткич бармоғини шундай клавишга босдики, ўзининг руҳиятига ҳамдard майин ва эзгин оҳанг (ре-бемолнинг энг қуйи октаваси) таралди.

Барига ақли етиб турган Фина ортиқ иккиланмади-да, қаллиғини дастлаб бир сиқувга олишга, кейин унинг қалби даъват этаётган манзилларга етишига қўмаклашмоққа қарор қилди. Аммо, худди ўша онда эшик очилиб, одатдагидай бир оз ўйчан қиёфадаги Уильям Кольдеруп кириб келди. У муҳим бир ишни уддалаб, кейин ундан ҳам муҳимроғига саъй қилиш азмида эди.

– Хуллас калом, – уқтирди тужжор тоға, – энди муайян кунни белгилаш қолди, холос.

– Муайян кун? – сўради Годфри бир тўлғониб. – Қандай кун, тоғажон, нима демоқчисиз ўзи?

– Албатта икковингнинг тўйинг куни-да! – жавоб қайтарди Кольдеруп. – Ё менинг тўйим бўлсинми?

– Чамаси бу гапни росаям мавридини топиб айтдингиз-да, – луқма солди Фина.

– Бу нима деганинг? – ҳайрон бўлди Кольдеруп. – Демак, тўйни ойнинг охирига белгилай қоламиз. Маъқулми?

– Бироқ, Виль тоға, бугун биз тўйнинг эмас, жўнаб кетишнинг кунини аниқлашимиз лозим.

– Жўнаб кетиш? Қаёққа жўнаш?

– Сўраб нима қиласиз? Годфри тўйдан бурун шунчаки бир айланиб келмоқчи экан, у кетадиган кунни айтдим-да.

– Демак, сен ҳамон ўша аҳдингда турибсанми? – хитоб қилди Уильям Кольдеруп ва жияни ҳозирнинг ўзидаёқ қочиб қоладигандай унинг қўлларига ёпишди.

– Ҳа, тоға, – дея унга тик боқди Годфри.

– Қачон қайтмоқчисан?

– Бир ярим ёки кўпи билан икки йилда. Мабодо...

– Нима мабодо?

– Мабодо сиз рухсат берсангиз ва Фина қайтгунимча кута олса, албатта.

– Сени кутиб ўтирсинми? – тутоқди тоға. – Бу қанақаси, ахир? Қочиб қолмоқчи бўлаётган манави куёвтуранинг турқиға бир қаранглар!

– Майли, Годфри қалб амрига қулоқ солсин, – деди унинг қаллиғчаси. – Виль тоға! Мен бу тўғрида минг карра ўйладим. Мен Годфридан кичкина бўлсам-да, ҳаёт сабоқлари бобида ундан ёш эмасман. Саёҳат унинг ҳаёт ҳақидаги тасавурларини камолга етказди ва менимча, унинг йўлига монелик қилмаган маъқул. Саёҳатга бормоқчи экан, майли, бора қолсин. Ўзи шуни хоҳлаяпти, мен эса то қайтгунича кутаман.

– Нима? – жиғибийрон бўлди Кольдеруп. – Сен ҳали мана шу такасалтангнинг дайдиб кетишига розимисан?

– Ҳа, ўзи айтгандай, икки йилга розиман.

– Демак, сен уни кутасан, шундайми?

– Агар кутишга бардошим етмаса, муҳаббатим ёлғонлигига иқрор бўлишим керак, тоғажон!

Сўнги сўзини айтган Фина фортепьяноси ёнига қайтди. Унинг бармоқлари беихтиёр ўша даврда ниҳоятда машҳур бўлган «Оқ йўл, қаллиғим» таронасини оҳиста чала кетди. Қўшиқ хийла ўйноқи оҳангда ёзилган бўлса-да, Фина ўзи сезмаган ҳолда уни ҳазин пардаларда куйлай бошлади.

Чуқур изтиробдаги Годфри эса лом-мим дея олмасди. Меҳрибон тоға унинг иягидан тутиб чироққа қаратди ва кўзларига синовчан тикилиб қолди. Шу аснода унинг саволи сўзсиз бўлганидек, жияннинг жавоби ҳам сўзсиз эди.

«Оқ йўл, қаллиғим» эса тобора маҳзун тус оларди.

Уильям Кольдеруп хонани бир неча бор қадамлаб чиқди. Ахийри, судьялар ҳузуридаги айбдор мисоли қунишиб олган Годфрининг ёнига келди.

– Қароринг қатъийми? – сўради у жиянидан.

– Жудаям қатъий! – қаллиғи учун жавоб берди му- сиқасини тўхтатмаган Фина, Годфри эса шунчаки бош ирғаш билан кифояланди. Кольдеруп йигитчага гала- ти бир қараб олгач, «All right» деб қўйди ва асабий оҳангда таъкидлади:

– Модомики, жияним, тўй олдидан саёҳат қилмоқ- чи экансан, майли, сен айтганча бўлақолсин!

Сўнгра яна хона бўйлаб уч-тўрт қадам юрди ва Годфрининг рўпарасида қўлларини чалмаштириб тўхтади:

– Хўш, қаерларни кўрмоқчисан ўзи?

– Ҳаммасини, ҳамма ерни, тоғажон.

– Қачон жўнайсан?

– Сиз қачон десангиз...

– Бўпти! Тез орада, жудаям тез кунларда сафарга отланасан!

Фина мунг тўла куй ижросидан дарҳол қўлларини тортди. Афтидан, бошига тушажак ҳижрон дарди қиз- нинг қалбини тирнай бошлаганди. Аммо энди ваъда- дан тониш йўқ, Финанинг вафоси қатъий!

## ТЎРТИНЧИ БОБ

### Минбаъд Тартелетт аталувчи Т.Артелеттнинг номайи аъмоли билан китобхоннинг батафсил таништирилмоғи хусусида

Агар Т.Артелетт француз бўлганида борми, ватан-дошлари уни ҳазиллашиб Тартелетт<sup>1</sup> аташлари муқаррар эди. Зеро, шу исм бу одамга бағоят муносибки, бундан кейин биз асло иккиланмаган ҳолда уни Тартелетт дея қоламиз.

Шатобриан «Париждан Иерусалимгача» номли китобида пачоққина бир кимсани таърифлайди: «У жингалак сочларига упа-элик чаплаганди, яшил костюм, муслин энгли дрогет<sup>2</sup> камзул кийиб, скрипкасини чийиллатганида ирокезларни<sup>3</sup> рақсга мажбур этарди.»

Ойдай равшанки, калифорнияликлар ирокезлар эмас, аммо Тартелетт шаҳарда рақс ва нафосат ўқитувчиси эди. У сабоқлари эвазига ўзидан олдинги муаллим сингари қундуз мўйнаси билан айиқнинг сон гўштини олмаса-да, ҳақини доллар ҳисобида тўлашлари бор гап. Ҳар нима бўлганда ҳам Тартелеттнинг шогирдларини нафосатга ошно қилиш бобидаги хизмати ирокезларни маданиятга ундаган ўша французнинг хизматидан кам деб бўлмасди.

Тартелетт китобхонга таништирилган даврда сўққабош бўлиб, ўз иқрорича қирқ беш ёшда эди. Аммо ўшандан ўн йил бурун ёши ўтган бир қизга уй-

---

<sup>1</sup> Тартелетт – ширинлик тури, пишириқ (*французча*).

<sup>2</sup> Муслин, дрогет – газмолларнинг номи.

<sup>3</sup> Ирокезлар – XVI-XIX асрларда Шимолий Америка текисликларида кенг тарқалган ҳинду қабилалари гуруҳи. (*Таржимон изоҳлари – Р.У.*)

ланворишига бир баҳягина қолганди. Шу боис ундан никоҳ муносабати билан мухтасар таржимаи ҳолини қоғозга туширишини илтимос қилганларида Тартелетт бу ўтинчни бажонидил адо этди. Ўша маълумотлар воситасида унинг ҳар икки қиёфасини (ҳам жисмоний ва ҳам маънавий) англаб олмоғимиз биз учун айна муддаодир.

1835 йилнинг 17 июль куни саҳар чоғи, соат учдан чорак ўтганда таваллуд топган.

Бўйи – беш фут, икки дюйм ва уч линия.

Белдан юқоридаги жусса – икки фут, уч дюйм.

Вазни – сўнгги йилда 6 фунт<sup>1</sup> кўшилиб, бир юз эллик бир фунту икки унцияга<sup>2</sup> етган.

Бошининг шакли – тухумсимон.

Сочлари – долчинранг-мошгуруч, тепаси сийрак.

Манглайи – тикка.

Бети – чўзинчоқ.

Юзининг ранги – тиниқ.

Кўриши – ўткир.

Кўзлари – сарғимтир, қўйкўз.

Бурни – ўртача, чап тарафида чуқурчаси бор.

Қош ва киприклари – ним жигарранг.

Қовоқлари – салқиган.

Ёноқлари – киртайган, туксиз.

Қулоқлари – катта ва ялпоқ.

Оғзи – меъёрда, чириган тишлари йўқ.

Лаблари – юпқа, жиндай қимтилган, қуюқ мўйлов ва чўққи соқол билан ўралган.

Ияги – ёй шаклида.

Бўйни – йўғон, қаншарида холи бор.

Чўмилаётганда зеҳн солиб кўриш мумкинки, бада-ни оппоқ ва сийрак жун босган.

---

<sup>1</sup> Фунт – оғирлик ўлчови, 453,5 граммга тенг.

<sup>2</sup> Унция – 28,3 граммга баробар. (Таржимон изоҳлари – Р.У.)

Ҳаёт тарзи – рисоладагидай, енгилтак эмас.

Сиҳати яхши бўлмаса-да, уни чидам ва бардош билангина сақлаб келади.

Нафас йўли заиф, шу боис тамаки чекишдай қусурга мутлақо одатланмаган.

Спиртли ичимликлар ва қаҳвани асло оғзига олмайди.

Нафсиламрини айтганда, асаб тизимининг кушандаси бўлган ҳамма нарсадан парҳез қилади.

Қуввати заиф пиво ва жиндай шароб қўшиб, ранг берилган сувнигина ҳадиксирамай ичади, холос. Оқилона умргузаронлиги шарофати боис туғилганидан буён врач қабулига кирмаган.

Хатти-ҳаракатлари абжир, одимлари шитобли, феъл-атвори очиқ ва самимий.

Ундаги назокат шунчаларки, аёл зотини бахтсиз қилиб қўйишдан қўрққани учун ҳам ҳанузгача ҳеч бир заифага қалбини очмай келади.

Жаноби Тартелеттнинг ўз дастхати билан имло қилинган ушбу тавсифнома ёши ўтинқираган қизни қизиқтириши муқаррар, албатта. Лекин, бахтга қарши, ўша қиз билан тақдир битмаган эканми, тамом, муаллим сўққабош яшаб, рақс ва нафосат сабоқларини давом эттиради.

Тартелетт муаллим Уильям Кольдерупнинг хонадонига ана шу касб-кори туфайли кириб келган. Шогирдлари бирма-бир учирма бўла бошлашди ва устоз бойваччанинг қасрида оиланинг бир аъзосидай қолиб кетди.

Унинг феъли қанчалар ғалати бўлмасин, ўзи жуда яхши одам бўлиб, уйдагиларнинг ҳаммаси унга боғланиб қолганди. Тартелетт Годфри билан Финага



ниҳоятда меҳр қўйган бўлиб, улар ҳам уни жуда ҳур-матлашарди. Эндиликда ягона бир орзу муаллим ҳаётининг мазмуни бўлиб қолган: бу икки ёшга ўзидаги санъатнинг бор сир-асрорини тўла-тўқис ўргатиб, уларни назокат юлдузига айлантиролса бўлгани.

Энди тасаввур эдинг: Уильям Кольдеруп саёҳатга отланаётган жиянига сафар йўлдоши қилиб худди мана шу домлани танлаганди. Дарвоқе, чинакам билимдон бўлмоқ учун дунё бўйлаб бир дайдиб келиш зарурлиги хусусидаги Годфрининг орзуларини алангалатган зот айнан шу Тартелетт экани ҳақида тоғада асосли гумон бор эди. Модомики, шундай экан, иккаласи жўнайди, вассалом! Эртасига, яъни 16 апрель кунини Кольдеруп хосхонасига рақс муаллимини чақирди.

Набобнинг оддий илтимоси ҳам Тартелетт учун буйруқ мақомида эди. Муаллим ўз хонасидан чиқаркан, ҳар эҳтимолга қарши чўнтакка жо бўлувчи жажжи скрипкасини ҳам олди. У рақс устозигагина муносиб чиройли одимлар билан кенг зиналардан кўтарилиб, эшикни назокат билан чертди ва тирсагидан букилган қўлларини доира шаклида қовуштириб, ҳам ширин табассум, ҳам таъзим билан хўжайин ҳузурига ташриф буюрди.

Сўнгра муаллим таъзимнинг бўлакча кўринишини ишга солди: оёқларини шундай чалиштирдикки, товонлари бир-бирига ёпишиб, икки пойабзалининг тумшуғи бошқа-бошқа тарафга қараб қолди. Рақс муаллими Тартелетт ўрнида ўзга ҳеч бир киши бундай таъзим чоғи мувозанатини сақлолмай ағдарилиб ташарди, лекин у ўз ишининг устаси эдики, бу муқомни хамирдан қил суғургандай дўндирди.

– Мсье Тартелетт, – мурожаат қилди Кольдеруп. – Сизни бир янгиликдан огоҳ этиш учун йўқлатгандим. Умид қиламанки, бундан ҳайратга тушмасангиз керак.

– Хизматингизга ҳозирман, – деди Тартелетт.

– Жиянимнинг тўйи бир ёки бир ярим йилга кечиктирилади. Годфри аввал Эски ва Янги дунёнинг турли юртларини кўриб келмоқчи.

– Мистер Кольдеруп, – луқма ташлади устоз, – шо-гирдим қаерга бормасин, ўз ватанининг обрўсини юксакларга кўтара олади.

– Айни чоғда ўзига назокат илмини ўргатган устозини ҳам шарафлайди, – қўшиб қўйди муҳтарам тужжор.

Аммо соддадил Тартелетт унинг овозидаги кесатикни мутлақо пайқагани йўқ.

Муаллимнинг комил ишончига кўра таомилдаги нозик тавозеларнинг барчасига риоя этилмоғи зарурки, шундан сўнг у сирпанишга шайланган чангичи қиёфасига кириб, оёқларини икки ёнга керди, кейин эса енгил тиз букиб, хўжайинга таъзим бажо қилди.

– Менимча, – давом этди Кольдеруп, – шогирдингиздан айрилиш сиз учун кўнгилисизликдан бошқа нарса эмас.

– Нимасини айтасиз! – жавоб қайтарди Тартелетт. – Аммо зарур бўлгач...

– Мутлақо зарурати йўқ! – эътироз билдирди қошлари чимирилган Кольдеруп.

– Қанақасига? – мўлтайди муаллим.

У жиндай ташвишлана бошлаганди: тавозе қоида-сидаги учинчи ва тўртинчи босқичларини адо этиш учун ортига тисарилиб, оёқларини кенг қўйди, чоғи эси бор-йўқ ҳолда эди.

– Шунақасига! – дея баҳсга ўрин қолдирмайдиган оҳангда таъкидлади савдогар. – Менинг фикримча,

ота-болага айланаёзган устоз ва шогирдни бир-биридан айириш ўтакетган золимлик бўлур эди.

– Албатта. Аммо саёҳат... – минғирлади Тартелетт, афтидан у мутлақо ҳеч нарсани тушунишни истамасди.

– Ҳа, тўппа-тўғри... – илиб кетди хўжайин. – Ушбу сафар асносида жиянимнинггина эмас, уни нафис одобларга ошно қилган устознинг иқтидори ҳам намоён бўлади.

Бир кун келиб, Сан-Франциско, Калифорнияни, ҳатто Американи тарк этиши ва денгизларда тентираб юражаги Тартелетт исмли бетига соқол битган болакайнинг етти ухлаб тушида ҳам йўқ гап эди. Саёҳат биланмас, фақат хореография билан машғул бўлиб, лоақал шаҳардан ўн мил нарини кўрмаган киши бу ҳолни тушуна олмасди. Мана энди шу тобда таклиф қилинмоқдаки, йўқ, ҳукми ҳам чиқариб бўлишган: хоҳласа-хоҳламаса, ўз юртини тарк этишга, йўл азоби – гўр азоби аталган кўргиликлар мубталоси бўлишга мажбур. Ахир, буларнинг барини ўқувчисига раво кўрганди, холос!.. Бу гаплар ҳалигача дурустроқ қотирилмаган Тартелеттнинг гўрроқ мияси учун озмунча азоб, чакана гурбат эмасди-да. Ўттиз беш йиллик муттасил машқларда обдан камолга етган мускулларининг дағ-дағ титраётганини шўрлик рақс муаллими шу дамда илк бор ҳис этди.

– Балки, – деди у лабларига раққосларнинг сохта табассумини чорлаб, аммо ним кулги кўриниб-кўринмасданоқ ғойиб бўлди. – Балки, менинг бардошим...

– Ўрганиб кетасиз! – Кольдерупнинг бу икки сўзи қатъий бўлиб, эътирозга ўрин йўқ эди.

Рад қилсинми? Асло, бунинг иложи йўқ. Тартелетт бу ҳақда ўйламасди ҳам. Аслида у бойваччанинг уйида ким деган одам? Чоғи, исталган томонга жўнатила-

верадиган бир буюм, пахта тойи ё оддий бир юк эди. Шундай бўлса-да, бўлғуси саёҳат уни қаттиқ ташвишга солаётганди.

Сохта таъзим-тавозенинг кейингисига чоғланган муаллим сўради:

– Қачон жўнаймиз?

– Бир ойдан сўнг.

– Мистер Кольдеруп Годфри иккимизга раво кўраётган бесаранжом денгизнинг номини билсам бўладими?

– Аввалига Тинч океани.

– Камина ер куррасининг қай бурчига оёқ қўймоғим лозим?

– Янги Зеландияга, – жавоб қайтарди савдогар. – Аниқлашимча, янгизеландияликлар назокат билан қўл қовуштиришни эпполмас эмишлар! Сиз уларнинг саводини чиқариб қўясиз-да!

Рақс муаллими Тартелетт ана шундай тарзда Годфри Морганнинг ҳамроҳи этиб тайинланган эди.

Кольдерупнинг ишорасидан домла тушундики, қабул маросими тугади. У ортига буриларкан, мияси шунчалар суюлиб кетгандики, одатдаги хайр-хўш таъзими бу гал асло ўхшагани йўқ.

Дарҳақиқат, бундай корҳол рақс муаллимининг фаолиятида илк бор содир бўлиши: у саросима хуружи боис, юксак санъатининг ибтидоий қоидасини ҳам унутгандики, ҳатто хўжайиннинг хосхонасидан чиқаётиб, оёқларини турган жойида айлантиролмади.

## БЕШИНЧИ БОБ

### Саёҳат тараддуди бошлангани ва сайёҳларнинг муваффақиятли жўнаб кетишгани хусусида

Энди ортиқча гап – эшакка юк. Никоҳ деб аталмиш умрбодлик манзилини кўриш қочмайди. Бизнинг Годфри хийла хатарлироқ бўлса-да, аввал жаҳон бўйлаб саёҳатга бориб келиши керак. Қаҳрамонимиз сафарнинг муваффақиятли кечишидан умидвор. Ана шундан сўнг у гўргина йигитча эмас, комил рўзгорбоши бўлиб уйга қайтади. Кенг оламни кўради, кузатади, қиёслайди, қизиқишларини қондириб, муроди ҳосил бўлади ва ниҳоят оилавий бахт нашидасидан пок виждон билан баҳра олаверади. Шундагина ҳеч қандай ишқибозлик ва хомхаёл Годфрини уйдаги фароғатдан юлиб ололмайди.

Унинг бу мулоҳазалари тўғрими? Бўлғуси сафарнинг сабоқлари Годфрига асқотадимми? Бу ёғини ҳаёт кўрсатади...

Годфри терисига сигмаётган бўлса-да, Фина пешонасига ёзилган ҳижронга ноилож тан бериб, хавотирини яширишга уринарди.

Рақс муаллими Тартелеттга келсак, нафис муқомларнинг минг бир машқида устаси фаранг бўлмиш бояқиш энди бор маҳоратини унутган ва санъатини қайтадан тиклашга беҳуда чиранган ҳолатда эди. Эндиликда унинг учун хонаси ҳам денгизда бешикдай тебранаётган кема эдики, паркет пол устида ҳалитдан гандиракламасдан юролмасди.

Уильям Кольдеруп хусусида икки калима сўз: қатъий бир қарорга келган тоға хонадон аҳли, айниқса жияни билан кам гаплашадиган бўлиб қолганди. Унинг

қимтилган лаби ва ярим юмуқ кўзларига боқиб, шуни пайқаш мумкин эдики, тоғанинг фақат ишни ўйлайдиган ва ҳамиша пул хусусидаги мураккаб хаёллар билан банд миясида муғомбирона бир режа пишиб етилганди.

– Ҳай майли, модомики саёҳатга боришни хоҳлаган экансан, – дея гижинди у, – уйланиб, уйда тинчгина ўтириш ўрнига сенга саёҳат зарур экан, майли, на чора! Сени шундай саёҳатга гирифтор қилайинки!..

Тез орада сафар тараддуди бошланди.

Дастлаб қаёққа бориш хусусида бош қотириш ва келишиб олиш лозим эди.

Годфри қайси томонга жўнасин: жануб тарафгами, кун чиқар ё кун ботаргами? Биринчи галда шуни аниқлаш зарур.

Агар сайёҳимиз жанубга йўл олса, аввал «Панама-Калифорния-Британия Колумбияси», кейин эса «Саутгемптон-Рио-де-Жанейро» пароход компанияси унинг Европага етиб олишига ёрдам беради.

Башарти, у шарққа отланса, Эски дунё соҳилларига қадам қўйиш учун аввал трансконтиненталь темир йўли орқали Нью-Йоркка бормоғи лозим. У ердан эса Америка ёхуд Францияга тегишли трансатлантик пароходлардан бирида уммонни кесиб ўтаверади.

Мабодо Годфри кун ботар томонга юришни истаса, «Олтин аср» трансокеан пароход компанияси хизматидан фойдаланиб, Мельбурнга оппа-осон етиб олади. «Шарқий пароходлар йўналиши» ширкатининг кемалари у ёқда тўлиб-тошиб ётардики, хоҳлаган бирортасига ўтириб, кўз очиб юмгунча Сувайш бандаргоҳида ҳозир бўлади. Кемалар ва поездларнинг ҳаракат режими эндиликда шунчалар аниқ-тиниқки, дунё бўйлаб саёҳат қилиш далани айланиб келишдай гап эди.

Аmmo шуни таъкидлаш лозимки, биз айтган йўналишларнинг ҳеч бири фрисколик набобнинг жияни чоғланаётган сафарга дахлдор эмасди!

Тижорат юкларининг борди-келдисига Кольдерупнинг ўзига тегишли буғли ва елканли кемалардан иборат бутун бошли хусусий флотилия хизмат кўрсатарди. Бинобарин, миллионер тоға ўшалардан биттасини Годфри Морганнинг ихтиёрига берса ва шаҳзодалардай фақат кўнгилхушлиги учунгина саёҳатни тусаб қолган жияни гўё ҳукмдор отасининг даврида айшини сургандай қайтиб келса бўлмайдими?

Айтилган сўз – отилган ўқ: Кольдерупнинг амрига биноан «Dream»ни<sup>1</sup> сафарга ҳозирлаш бошланди. У двигатели икки юз от кучига эга бўлган, сигими олти юз тонналик мустаҳкам пароход бўлиб, «денгизлар бўриси» номини олган содиқ капитан Тюркот етакчилигида барча океанларни кезиб чиққанди. Торнадо, тўфонлар ва циклонларда<sup>2</sup> тобланган эллик яшар шерюрак капитан умрининг қирқ йилини уммонларда кечирди. Бу азамат учун бўрон чирпирак қилаётган палубада гандираклаш ёхуд довулга қарши тикка сузиб бориш баъзи-баъзида ҳордиқ ҳафталари чоғи тупроққа термулиш «кулфати»дан аълороқ эди. Капитан кўприкчасидаги муттасил чайқалиш унинг одимлашига таъсир қилгандики, шаҳар кўчаларида ҳам гоҳ ўнг-сўлга, гоҳ орқа-олдинга силкиниб юрарди (Бу ўзига хос касб «касаллиги»ни «беланчак безаги» дейишарди).

«Дрим»да капитан ёрдамчиси, механик, тўрт гўлахи<sup>3</sup>, ўн икки матросдан иборат ўн саккиз кишилик

---

<sup>1</sup> «Dream» – орзу, ширин туш (инглизча).

<sup>2</sup> Торнадо, тўфонлар, циклонлар – ҳаводаги гирдоб таъсиридаги кучли денгиз довуллариининг номи.

<sup>3</sup> Гўлахи – ўтёкувчи.

экипаж бўлиб, ошиқмай сузган чоғлари (соатига кўпи билан саккиз мил тезликда) уни рисоладагидай кема деса бўларди. Аммо унинг денгиз «кутурган» пайтларда жадал юришга ноқобил экани хусусидаги гап-сўзлар ҳам айни ҳақиқат эди. Кеманинг сустқадамлигини, айниқса, шошишга зарурат бўлмаган кезлари мутлақо «хамири ачимаслиги»ни оқловчи бетимсол бир афзаллиги бор: ҳеч қандай тўлқинлар унинг палубасини кўма олмасди. Бундан ташқари, «Дрим»ни кемасозлар шхуна шаклида қуришган, яъни ялпи ҳажми беш юз квадрат-ярдлик<sup>1</sup> елканлари қулай шамол эсган дамларда буғ машиналарининг оғирини энгил қиларди.

Бундан чиқдики, «Дрим» фақатгина кўнгил хушловчи сафарларга яраркан-да, десангиз янглишасиз. Уильям Кольдерупнинг ҳисоби ҳамиша қўлида: у уммонларда эллик-олтмиш минг мил йўл босадиган кемасини қуруқдан-қуруққа жўнатадиган гўсхўр эмас. Тўғри, кема гавандан юк ортмай жўнаб кетади. Аммо мувозанатни сақлаш учун балласт<sup>2</sup> отсекари<sup>3</sup> сувга тўлатиб олинадик, кези келганда, палубагача ҳам юк ортиш мумкин: кеманинг ватерлиния<sup>4</sup> чизиги сувга ботмаса бас. Молни эса бадавлат тужжоримизнинг савдо муассасалари мавжуд бандаргоҳлардан йўл-йўлакай олиш кўзланаётганди. Бу табиий ҳол бўлиб, денгизда беҳуда сарсон бўлиш капитан Тюркотга ҳам зарур келган эмас-да! Годфри Морганнинг хаёлий орзусидан тоғажоннинг киссаси ақалли бирор доллар зиён кўрмайди! Тижорат илмида устаси фаранг арбоблар сувни кўрмасдан этик ечармидилар?

---

<sup>1</sup> Бир квадрат-ярд – 0,83 квадрат-метрга тенг.

<sup>2</sup> Балласт – кеманинг мувозанатини сақловчи ашёлар.

<sup>3</sup> Отсек – кеманинг остки бўлмалари, хужралар.

<sup>4</sup> Ватерлиния – кемаларда сувга ботиш мумкин бўлган қисмини белгиловчи чизиқ. (*Таржимон изоҳлари – Р.У.*)



Сафарнинг ҳамма режалари Кольдеруп билан капитан Тюркот икковининг узундан-узоқ махфий кенгашларида муҳокама қилинарди. Аммо капитаннинг ҳар куни бир неча марталаб хосхонага кириб-чиқаришига қараганда, аввалига осон кўринган масала жиддийгина муаммо тусини олганга ўхшарди. Уильям Кольдеруп хонадонидаги бофаросат зотлар хосхонадан чиқиб келаётган капитаннинг афт-ангори алланечук эканини бемалол пайқаб олсалар бўларди. Тюркотнинг пахмоқ ва кирпининг тиконидай диккайган сочлари гўё бўронда қолганга ўхшарди, ҳамиша тебраниб юрадиган жуссаси тўрт тарафга чайқаларди. Ушбу музокаралар чоғи хўжайиннинг хосхонасидан гоҳо момақалдироқдай бақир-чақирлар эшитилардики, бундан икки ўртада муносабат унчалик дўстона эмаслиги ҳам аён эди. Капитан Тюркот шунчалар мағрур инсонки, Уильям Кольдеруп хузурида ўзини пастга урган эмас. Бойвачча эса капитанни шунчалар қадрлардики, ҳатто ўзидан баланд келишига ҳам йўл қўйиб берарди.

Ахийри бир йўлини топдилар шекилли. Хўш, икковдан қай бири ён берган: Уильям Кольдерупми ё Тюркотми? Можаро ниманинг устида эканини билмасдан бу саволга жавоб топиш мушкул, бироқ капитаннинг паст келганига ишониниш ундан ҳам қийин-да.

Нима бўлганда ҳам савдогар билан денгизчи роса саккиз кунлик тортишув ниҳоясида муросага келгандилар. Шундай бўлса-да, Тюркот ҳамон норози оҳангда пўнғилларди:

– Ўлай агар, мени камида беш юзта ажина уриб кетсинки, умрим бино бўлиб бундай топшириқ олишни кутган эмасман!

Бу орада «Дрим»ни йўлга шайлаш жадаллашиб, капитан кемани июнь ойининг биринчи ярмида ден-

гизга олиб чиқиш учун бор кучини ишга солаётганди. Ҳаммаси аъло даражада: пароходнинг сувости қисми қизилга бўялиб, ўзининг қирмизи-жигарранг товла-ниши билан корпуснинг юқори томонидан алоҳида ажралиб турарди.

Сан-Франциско бандаргоҳига турли мамлакатлар-нинг саноқсиз кемалари лангар ташлайди. Агар муҳан-дислар янги иншоот тиклашмаганда борми, соҳил ёқалаб чўзилган гавань юклаш-тушириш ишларини аллақачон барбод қилган бўларди. Сувга қизил арча ходасидан устунлар ўрнатилиб, устига тахта тўшама қоқилгач, бир неча квадрат-мил ҳажмли кенг саҳн вужу-дга келди. У қўлтиқнинг катта қисмини банд қилса-да, қолган жой ҳам кичкина эмасди. Стапел<sup>1</sup>ларда кўплаб юк ортувчи кранлар қаққайиб, мол-хомашё тойлари ую-либ ётарди. Бу стапелларга океан ва дарё кемалари, ўн-лаб давлатларнинг клиперлари<sup>2</sup>, Қўшма Штатларнинг балиқчи баркаслари<sup>3</sup> қатъий тартиб билан бир-бирига туртинмасдан бемалол кириб чиқарди.

Уорф-Мишнстритнинг охиридаги ана шунақа сунъий пристанлардан бирида «Дрим»ни ниҳоятда синчковлик билан йўлга ҳозирлашаётганди. Бунга қадар махсус докда унинг сувости қисми таъмирдан чиқарилди.

Гапнинг индаллосини айтганда, Годфрининг ке-масидагилар олис йўлда зориқмаслиги учун ҳамма чора амалга оширилди. Озиқ-овқат ва зарур анжом-лар ўз вақтида юкланди, кеманинг асбоб-ускуналари мукамал тартибла жойланган эдики, бу хусусда энг

---

<sup>1</sup> Стапель – кемалар куриладиган ва сувга тушуриладиган майдон.

<sup>2</sup> Клипер – тезюрар елканли кема.

<sup>3</sup> Баркас – кичкина юкчи кема. (Таржимон изоҳлари – Р.У.)

билимдон денгизчи ҳам танбеҳ беролмасди. Буг қозони ҳам пухта синовдан ўтди, машина ва парраклар ҳеч қачон бунчалик созланган эмас. Экипаж эҳтиёжи ва соҳилга қатновни осонлаштириш учун «Дрим»нинг палубасига тезюрар бугли қайиқ ҳам ўрнатилди.

Ўнинчи июнь куни ҳамма ишлар кам-кўстсиз якуланди. Энди лангар кўтарилса бас.

Капитан Тюркот машина ва елканларни ҳозирлашга тайинлаган кишилар ўз ишининг ҳадисини шундай олишгандики, улардан ўткир мутахассисни топиш қийин эди. Қуйи палубадан қўрага жой ажратиб, агути<sup>1</sup>, қўй ва эчкилар, товуқлар қамалди. Бундан ташқари, аллақанча яшиқда аъло навли консервалар ҳам ғамланганди.

Сафарнинг йўналишидан гапирадиган бўлсак, бизнингча, Уильям Кольдеруп ва капитан Тюркот айна шу масалада ғижиллашган бўлсалар керак. Ҳозирча шугина маълумки, башарти, кўмир зарурати ёки тескари шамолларнинг монелиги боис Тинч океанидаги оролларда ё Хитойнинг қай бир бандаргоҳида мажбуран тўхталмаса, режага кўра Янги Зеландиянинг пойтахта Оклендда лангар ташлайдилар.

Дарвоқе, саёҳатга ижозат олган лаҳзадан бошлабоқ бундай майда-чуйда тафсилотларнинг ҳеч бири Годфрини тариқча ҳам қизиқтирмасди. Бу икир-чикирлар Тартелеттнинг хастаҳол тасавуридаги ваҳималар, бўлғуси хавф-хатарлар олдида ҳам бир пул эди.

Навбатда яна бир расмиятчилик бор: суратга тушмасалар бўлмайди. Ахир, саёҳатга отланган қандай куёвбола ўз портретини келинболага қолдирмайди ва униқини ўз ёнида ола кетмайди?

---

<sup>1</sup> Агути – қуёнсимон кемирувчиларнинг бир тури. (Таржимон изоҳи – Р.У.)

Годфри ана шу ниятда сайёҳлар либосини кийди ва Монтгомери кўчасидаги сураткаш Стефенсон хузурига кириб борди. Унинг ҳамроҳи бўлмиш Фина эгнига хиёбон сайрида урф саналувчи одми уст-бошини илиб олганди.

Олис сафар олдидан сурат олди-бердиси адоқсиз хижронни енгмоқ бобида ўзини-ўзи алдаш, холос. Финанинг портрети Годфрининг каютасида, уники эса қизнинг хонасида турадиган бўлди.

Тартелетт куёвтўра бўлмаса-да ва ҳеч қачон сезиб қолишни истамаган эса-да, сезгир фотоқоғозга унинг ҳам сиймосини муҳрлаш фикри туғилганди. Таассуфки, сураткаш бор иқтидорини ҳарчанд ишга солмасин, натижаси чатоқ бўлди. Тасвир ўрнига алланечук хира туман чиқдики, рақс ва нафосат муаллимининг кепатасини икки дунёда ҳам таниб ололмасдингиз. Бунинг боиси шундаки, маълум ва машҳур фотографиянинг ёрдамчилари такрор-такрор танбеҳ берсалар-да, Тартелетт кулоқ солгани йўқ ва суратга олиш чоғи фақат типирчилаб, тинмасдан қимирлайверди. Бўлакча йўл тутиб, энди тезкор фото усулини қўллаш керакмикан? Бефойда! Негаки, сураткаш ҳали ишга тушмасиданоқ Тартелетт ликиллаб, «Дрим»нинг капитани каби тебрана бошлади.

Алалоқибат, бу ажабтовур инсоннинг шакл-шамойилини абадийлаштириш орзусидан воз кечишга тўғри келди. Башарти, Тартелетт ўзи кутганидек, ушбу сафар оқибатида Эски дунёга эмас, тўппа-тўғри нариги дунёга тушиб қолса-чи? (Ишқилиб, оғзимдан ел олсин-да!) Келажак авлодлар тақдиридаги энг буюк бадбахтлик бўлиб қоларди-да...

Сафар тараддуди тўла-тўқис поёнига етди, энди лангар кўтарилса кифоя. Барча қоғозлар, чунон-

чи, кемага эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома, суғурта ҳужжати – ҳаммаси жобажо. Икки кун аввал Уильям Кольдерупга қарашли хусусий савдо уйининг ишончли вакили сўнгги имзоларни қўйдирди.

Тўққизинчи июнь тонгида Монтгомери-стритдаги маълум ва машҳур кошопада сафар олдидан тантанали нонушта берилди. Годфрининг ой бориб, омон келиши учун тилаклар айтилиб, қадаҳлар кўтарилди.

Ўта ҳаяжонланаётган йигит буни яширишга уринмасди ҳам. Фина эса ўзини хийла хотиржам тутарди. Тартелеттга келадиган бўлсак, у ўз таҳликасини бир неча қадаҳ шампань шаробига чўктириб тамом қилди. Дарвоқе, айнан жўнаш сонияларида ҳам унинг кайфи тароқ эди. Шу боис ҳатто митти скрипкасини хаёлдан фаромуш қилгандики, «Дрим»нинг арқонлари турмакланган чоғдагина уни келтириб беришди.

Қўллар сўнгги бор қисилди. Охирги хайр-хўш мулозаматлари изҳор этилди. Паррак айланди. Пароходнинг тумшуғи соҳилдан узилди.

– Хайр энди, Фина!

– Хайр, Годфри!

– Оқ йўл! – қичқирди Уильям Кольдеруп.

Унга жавобан рақс ва нафосат муаллими қийқирди:

– Энг асосийси соғ-саломат қайтишдир!

– Қулоғингда бўлсин, Годфри, – тайинлади Кольдеруп, – «Дрим»нинг тумшуғидаги «Confide, recte, agens!»<sup>1</sup> шиорини ҳеч қачон унутмагин!

– Ҳеч қачон унутмайман, Виль тоға! Яхши қол, Фина!

– Яхши бор, Годфри!

Ана шундай қилиб, пароход йўлга тушди. Кемада кетаётганлар ҳам, бандаргоҳда қолганлар ҳам то

---

<sup>1</sup> «Confide, recte, agens!» – «Дадил бўл ва ишон!» (лотинча).

бир-бирларини кўрмай қолишгунча қўлларини ва рў-молчаларини силкитардилар.

Ҳадемай «Дрим» дунёда энг катта дейишга лойиқ Сан-Франциско қўлтиғидин чиқди ва энсизгина «Golden gate»<sup>1</sup> каналини ҳам ортда қолдириб, Тинч океани сувларида сузиб кетди.

## ОЛТИНЧИ БОБ

### Китобхоннинг янги персонаж билан танишмоғига зарурат туғилгани хусусида

Саёҳатнинг бошланиши кўнгилдагидай эди, албатта. Аммо ўқувчилар ҳам бажонидил маъқуллайдиларки, соҳилдан кетиш осон, денгиздан қайтиш эса мушкул.

Рақс муаллими Тартелетт эса ўзигагина хос мутлақ мантиққа асосланиб, ушбу «нақл»ни тилдан қўймасди:

– Саёҳатнинг муайян ибтидоси ҳамиша бор, муҳими унинг интиҳосида!

Годфрининг каютаси «Дрим»нинг қуйруқ томонида бўлиб, эшиги емакхона тарафга очиларди. Қаҳрамонимиз учун ҳамма шароитлар ортиғи билан муҳайё этилган.

Финанинг портретига энг ёруғ девордан ўрин ажратилди. Юмшоқ ўрин, ювингич, ички ва устки кийим-бошлар учун қатор-қатор жавончалар, лўмбиллама ором курси, ёзув-чизувга алоҳида хонтахта – хўш, йигирма икки яшар сайёҳ учун бундан ортиқ яна нима керак?

Бунчалар фароғат оғушида дунёни ҳатто йигирма икки карра айланиб чиқса ҳам бўлади! Бизнинг

---

<sup>1</sup> Golden-gate – олтин дарвоза (инглизча). (Таржимон изоҳлари – Р.У.)

Годфри одам боласини энг юксак ҳаёт фалсафасига ошно эта олувчи ёшга етганмикан, соғлиги ва кайфи-яти ҳам шу даражадами?

Эҳ ёшлар, ёшлар! Агар чоғингиз келса, саёҳатга чиқинг, мабодо чоғингиз келмаса... унда ҳам саёҳат қилаверинг.

Тартелетт эса гурбатда қолган: каютаси Годфри билан ҳамсоя бўлиб, кўзига беҳад энсиз кўринарди. Ётар ўрни тошдан ҳам қаттиқ, олти ярдлик озгина бўш жой эса нафис ғамзалар ижросига торлик қилади.

Хўш, мана энди у ҳам сайёҳ, шу боис рақс ва назокат муаллими эшилиш санъатини лоақал вақтинча қўя турса бўлмасмикан? Асло! Зеро, ушбу санъат унинг қон-қонига сингиб кетган. Хаёлга келадики, у ҳаётининг сўнги сониясида ҳам раққоснинг биринчи муқомида ётади: товонлар туташган, оёқлар учи икки тарафда!

Жамоат ҳолида тамадди қилишга келишиб олишганди. Кемада «беланчак» номини олган столнинг бу ёғида Годфри билан Тартелетт, нариги четида эса капитан ва ёрдамчиси ўтирадилар. «Беланчак» ёки «чайқалиш» номидан ҳам мутлақо аёнки, аксарият ҳолларда муаллиф ўрни ҳувиллаб ётарди.

Кема йўлга тушган тўққизинчи июнь куни осмон артилган шишадай эди. Шимоли-шарқдан енгил шабада бир текис эсарди. Суръатни ошириш учун капитан елканларни кўтаришни буюрди ва «Дрим»нинг у ён-бу ёнга тебраниши тўхтади. Тўлқинлар орқадан ураётгани учун остки чайқалиш ҳам кемани ортиқча уринтирмасди. Йўловчиларнинг чехраси очик: ранги ўчган, бурнини жийирган, кўзи ачишган, тишлари орасида лабини кўкартирган ҳеч ким йўқ. Сузиш мутлақо меъёрида. Пароход сокин, салгина кўпикла-

ган денгиз сувларида жануби-ғарб томонни кўзлаб бораркан, тез орада Америка соҳиллари кўздан ғойиб бўлди.

Кейинги икки кун мобайнида айтарли воқеа бўлгани йўқ, «Дрим» меъёрий сузишда давом этаверди. Хуллас, саёҳатнинг бошланиши ёмон эмасди.

Капитан ҳар куни қуёш меридиан чизигидан ўтган заҳоти ғайриодатий синчковлик билан кема турган жуғрофий нуқтани аниқлагани тушарди. Сўнгра ёрдамчиси билан каютага қамалиб олиб, фавқулодда бирор воқеа рўй берадигандай, икков ниманидир узоқ-узоқ муҳокама қилардилар. Бу махфий маслаҳатлашувлар денгизчилик илмидан бутунлай беҳабар Годфрининг эътиборини тортмаган бўлса-да, айрим матросларни ҳайрон қила бошлаганди.

Сафарнинг биринчи ҳафтаси давомида кечалари «Дрим» икки ё уч марта ўз йўналишини ўзгартирдик, улар баттар ҳайратга тушиб қолишди. Тўғри, ҳаракати ҳавога боғлиқ елканли кема учун бу ҳол табиий саналиши мумкин. Аммо ноқулай ҳавода ҳам елканларини тушириб, белгиланган йўналиш бўйича олға суза олиш имкониятига эга бўлган пароход учун бу тушунарсиз ва ғайритабиий эди.

Ўн иккинчи июнь куни эрталаб кема бортида фавқулодда бир ҳодиса содир бўлди.

Капитан Тюркот, ёрдамчи ва Годфри нонуштага чоғланган дақиқа эди. Палуба томондан қандайдир шовқин-сурон эшитилди ва ошхона бўсағасида боцман кўринди.

– Капитан! – дея мурожаат қилди у Тюркотга.

– Нима гап? – хитоб қилди Тюркот, у ҳамма асл денгизчилар каби ҳамиша сергак турарди.

– Кемамизда хитойлик пайдо бўлиб қолди.



– Хитойлик?

– Ҳа. Ростдан ҳам хитой экан. Ҳозиргина трюм ту-бида қўлга туширдик.

– Жин урсин, жинлар урсин! – айюҳаннос солиб юборди Тюркот. – Денгизга улоқтирилсин!

– All right! – деди боцман унга жавобан.

Барча калифорнияликлар каби самовий империя<sup>1</sup> вакилларига нисбатан нафрат оғуси билан заҳарланган боцман капитаннинг буйруғини адолатли ҳукм деб қабул қилди. У бу вазифани пок виждон билан ижро этишга ҳозир у нозир эди.

Капитан дарҳол Годфри ва ёрдамчиси ҳамроҳлигида емакхонадан чиқиб, палубага йўл олди.

Хитойликнинг қўлларини икки ё уч матрос қайириб дўппослаётган, у эса матрослар билан олиш-ётган эди. Хитой ўттиз беш-қирқ ёшлардаги юзида ақл нишоналари аён, ёноқларига бирор донга ҳам тук битмаган, трюмнинг бўғиқ ҳавосидан ўзини олдириб қўйган киши эди. Уни тасодифан топиб олишганди.

Капитан шўрликни қўйиб юборишни буюрди ва сўради:

– Кимсан?

– Қуёш ўғлиман.

– Исминг нима?

– Сенг-Ву.

– Кемада нима қилиб юрибсан?

– Сузиб кетяпман, – пинагини бузмай жавоб берди хитой, – аммо сизларга тирноқча зиён келтирмайман.

– Тўғри! Келтирган зараринг тирноқча бўлармиди?.. Трюмга қачон яширина қолувдинг? Жўнашдан олдинроқми?

---

<sup>1</sup> Самовий империя – Хитой империясининг номи. (Таржимон изоҳи – Р.У.)

- Шунақа бўлвди, капитан.
- Америкадан Хитойгача бутун Тинч океанини бепул сузиб ўтмоқчимидинг?
- Агар сиз маъкул кўрсангиз, албатта.
- Маъкул кўрмасам-чи? Хитойгача қулочкашлаб сузиб кетишни таклиф қилсам, нима дейсан?
- Уриниб кўрганим билан барибир чўкиб кетишим аниқ.
- Шунақа дегин. Сенга пулни тежаш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман!
- Башарти Годфри орага тушмаганда, ниҳоятда тутоқиб кетган капитан пўписани ўрнида амалга ошириши ҳеч гап эмасди.
- Тўхтанг, капитан, – деди у. – «Дрим» бортида битта хитой ортиқча экан, демак, Калифорниядаги хитойлар сони биттага камайган. У ёқда булар керагича эди...
- Керагидан ҳам зиёда, – таъкидлади капитан Тюркот.
- Дарҳақиқат, Калифорнияда хитойлар тўлиб-тошиб ётибди, – давом этди Годфри.
- Демак, бу жулдурвақи Сан-Францискони бўша-тиб қўйгани учун биз унга шафқат қилишимиз керак экан-да. Ундан кўра Шанхай яқинроғида қирғоққа тушириб қутулганимиз маъкул...
- Годфри Калифорния штатида хитойликлар тўлиб-тошиб ётганини таъкидлаганда, аксарият юртдошларининг фикрига асосланганди. Дарҳақиқат, Хитойнинг аҳолиси уч юз миллионга бориб қолгани, Қўшма Штатларда эса бу миқдор ўттиз миллион<sup>1</sup> киши экани ҳисобга олинса, Америкага Хитойдан

---

<sup>1</sup> Бу ерда XIX асрнинг иккинчи ярмига тааллуқли рақамлар келтирилган. (Таржимон изоҳи – Р.У.)

кўчганларнинг ёпирилиб бориши давлат учун ҳазиллакам бош оғриғи эмас. Гарбдаги Калифорния, Орегон, Невада, Юта штатлари парламентлари ва ҳатто мамлакат Конгресси ҳам ушбу хусусда хавотирга тушиб қолишганди.

Ўша йиллари Қўшма Штатлардаги хитойлар сони Калифорниядан ташқари эллик мингдан ошиб кетганди. Бу меҳнатсевар муҳожирлар қумни ювиб олтин ажратиб олишда устаси фаранг бўлиб, меҳнат-машаққатлари бадалига берилган бир ҳовуч гуруч ё беш-олти чимдим чойга рози бўлиб кета қолишарди. Уларнинг итдай ишлагани ҳолда ниҳоятда оз пулга кўнавериши маҳаллий ишчиларнинг маошини ҳам тушириб юбораётганди. Шу боис АҚШ конституциясига зид бўлса-да, Америкага хитойликларнинг кўчиб келиши алоҳида қонун билан чеклаб қўйилганди. Чунончи, бу муҳожирларнинг вакиллари Конгресс аъзолигигача бориб қолишидан хавфсираб, хитойларга Қўшма Штатлар фуқаролиги берилмасди. Уларга нисбатан ижтимоий-сиёсий муносабатни ҳинду ё ҳабашларга қилинадиган муомаладан яхшироқ дейиш қийин. Шўрликларни «ўлат теккан» номи билан таҳқирлаб, алоҳида ажратилган ноқулай шароитларда – геттоларда яшашга мажбур қилишарди. Бу ерда улар миллийлик ва урф-одатларини сақлаб қолишлари мумкин эди.

Калифорниялик хитойлар Сакраменто кўчасига туташ даҳага қисиб қўйилганди, бу ерда анъанавий хитой чироқлари ва иероглифда битилган ранг-баранг пешлавҳалар кўзга ташланарди. Енги шалвираган миллий чакмон, конуссимон қалпоқ ва қайирма тумшуқ этик кийган бу мусофирлар ана шу манзилда минг-минг эди. Аксарияти сотувчиликка, ошпазлик ё

боғбонликка ёлланишарди, кирхоналарда ишлашарди, хитой миллий драматик труппасида хизмат қилаётганлар ҳам йўқ эмасди.

Мана энди мавриди келгани туфайли ўқувчига шуни билдирамизки, Сенг-Ву ана шундай труппалардан бирида актёр бўлиб, етакчи комик сифатида сахнага чиқарди. Аммо хитойлик артистни бу мақом билан тавсифлаб бўлармикан? Негаки, улар ҳатто ҳазиллашганда ҳам доимо қовоқ уюб туришарди. Инчунин, калифорниялик романнавис Брет Гарт «камина сахнада кулиб турган бирорта хитойлик актёрни ҳеч қачон кўрганим йўқ» деб, айна хусусдаги ҳақ гапни топиб айтган-қўйган. Улар томоша қўйсалар, залдагиларнинг ақли етмай қолади: сахнадаги нима ўзи – фожиами ё комедиями?..

Нима бўлганда ҳам Сенг-Ву комик актёр эди.

Театр мавсумини катта муваффақият билан якунлаган ва жиндайгина чойчақа орттирган бу хитойлик кўзи очиқлигида ўз оёғи билан ватанига кета қолишга қарор қилганди<sup>1</sup>. Ана шу орзу йўлида «Дрим»га хуфёна кириб олиб, трюмга яширинганди.

Унинг егулик захираси етарли бўлиб, чамаси бир неча ҳафта ичида кема Хитой соҳилларига етгач, писибгина тушиб кетаман деб ўйлаганди. Бу режа унчалик чакки эмасди, ҳатто иши чаппасига кетган тақдирда ҳам Сенг-Вуни осиб ўлдиришолмасди.

Годфри «қуён» йўловчининг ёнини олиб, тўғри иш қилди, албатта. Феълига шафқатсизлик бегона капитан Тюркот эса атрофдагилар наздида шунчаки пўпи-

---

<sup>1</sup> Қаерда вафот этишидан қатъий назар, одатта биноан ҳар қандай хитойлик ўз ватанига дафн этилиши зарур. Шу боис фақат марҳумлар ташиладиган махсус кемалар ҳам бор (*Жюль Верн изоҳи*).

са қилгандики, Сенг-Вуни денгизга улоқтириш азми-дан дарҳол воз кеча қолди.

Фош этилган хитойликнинг яна трюмга беркиниб ётишига энди ҳожат йўқ, эл қатори палубага чиқса ҳам кема торайиб қолмайди. У табиатан камгап ва одамови бўлиб, айниқса рўпара келган заҳоти мушт билан «сийлаётган» матрослардан ўзини четга тортарди. Дарвоқе, Сенг-Вунинг эти устухонига ёпишиб кетгандики, унинг чумчуқдай вазнидан «Дрим»нинг бели оғримасди. Шуниси ҳам борки, у йўлқира тўла-маса ҳам Уильям Кольдерупнинг хазинасига бир чақалик зиён келтирмасди.

Унинг ножоиз ҳамроҳлиги бир масалада капитанни хуноб қилардики, бунинг сабаби ёлғиз ёрдамчига аён.

– Ишқилиб, гишт қолипдан кўчадиган дамларда лаънати хитойлик пачавамизни чиқармаса бўлгани. Аммо фақат ўзига жабр қилади!

– «Дрим»да нима қилиб юрибди ўзи? – сўради ёрдамчи.

– Шанхайга етиб олмоқчи, – деди капитан Тюркот.  
– Самовий империя вакили шу тобда бошимизга битган бало бўлди-да!

### *ЕТТИНЧИ БОБ*

#### **Уильям Кольдеруп кемасини бежиз суғурга қилдирмаганига китобхон ўзи амин бўлмоғи хусусида**

Кейинги уч кун давомида барометр «ўзгарувчан об-ҳаво» белгисидан кўтарилгани йўқ. Кўрсаткич «ёмғир» ёки «шамол» билан «бўрон» ўртасида ликиллаб турарди.

Шамол ўз йўналишини жануби-ғарб томонга ўзгартиргач, ҳаво хийла совиб кетди. «Дрим» тоифасидаги кема учун бу хатарли бўлиши мумкин: пароход бурнига ҳамла қилувчи ваҳимали тўлқинларга қарши «жангга» кириши керак-да. Эҳтиёт шарт учун елканлар тушириб қўйилган, энди кема фақат парраklar билан ҳаракатланади, аммо уни ҳам ортиқча тезлатиб бўлмайди, билъакс қалтис зарбалар вазиятни янада қийинлаштириш мумкин.

Годфри кеманинг остки ва ўнг-сўл чайқалишларидан азият чекмасди, кайфияти ҳам, иштаҳаси ҳам жойида. Йигитча чиндан денгизни севишига ишонгинг келади, аммо Тартелетт ҳақида бундай дейишнинг иложи йўқ.

Муаллимнинг денгизга тоб-тоқати бўлмаганидек, денгизнинг ҳам унга муносабати яхши эмасди. Шўрликнинг аҳволини бир кўрсангиз эди: сузиш кулфати боис ўзининг санъаткорона муқомларини йўқотган, мақбул раққослик ғамзалари ўрнига оёқлари алламбало шаклларни «ижод қиларди», холос! Водариғ, у шундай кўргиликка маҳкум. Сўлоқмондай пароходни гугурт қути мисоли ўйнатаётган зарбаларнинг мубталосига айланиб, ҳужра ичида димиқиб ўтириш эса бундан ҳам баттар.

– Ҳаво! Ҳаво беринглар! – инқилларди ўқчиётган шўрпешона.

Кема ўнг-сўлга тебрана бошладими, у гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга юмалайди.

Остки «зилзила» эса рақс муаллимини бурундан куйруққа ёки аксинча йўналишда улоқтиради.

Илло у ўта замонавий рақс дунёсида энг мушкул саналувчи «ғамзалар»га мажбуран эшилардики, жон сақлаш учун қўлига кирган арқон ё елканга ёпишарди.

Бирор сония ҳам тинмайдиган палубада ёввойиларга хос бу нохоҳ «ишвалар»ни ижро этганидан кўра ҳаво шарига айланиб, осмонларга бош олиб кетса қанийди-я!

Уни бунчалик уқубатларга гирифтор қилмоқ томи кетган бойвачча Уильям Кольдерупга нечун зарур бўлдийкан? Муаллим ҳар куни капитан Тюркотга йигирма бор учраб, биргина саволини йигирма карра такрорлайди:

– Бундоқ ваҳшиёна ва бадкор об-ҳаво яна қанча давом этади, а?

Қоши чимирилган капитаннинг пинак бузмай берадиган жавоби ҳам ягона:

– Хў-ўш, барометр кўрсатгичида яхшилиқдан дарак йўқроқ.

– Етай дедикми ўзи?

– Оз қолди, жаноб Тартелетт!.. Хў-ўш.. мана энди хийла яқин. Яна озгина сабр қилинг.

Наҳотки мана шу қутурган уммонни Тинч деб бўлса...

Айтмоқ жоизки, раққослар муаллими денгиз касаллигидангина эмас, ўтакасини ёраётган ва то палубагача босаётган даҳшатли тўлқинларни кўришдан ҳам азоб чекмоқда эди.

Машина бўлмасидаги гулдурос шовқин, ишлатилган буғни ташқарига чиқарувчи клапанлар сурони уни адои тамом қиларди. Пароход қуйига шўнғишини, сўнгра пўкакдай тўлқинлар устида ликиллашини бор вужуди билан ҳис этган муаллим безгак тутгандай титрарди.

Унинг девонаваш кўзлари пешонасига битиб, бақрайиб қолган ва шогирдига яккаш ушбуни уқтирарди:

– Энди тамом, адо бўлдик, ҳозир кемамизнинг оёғи осмондан келади.

– Ваҳимага ўрин йўқ, Тартелетт! – дейди Годфри. – Кема сувда тебраниш ва сузиш учун қурилган, чўкиш учунмас. Хотиржамликка шунинг ўзи ишончли асос бўла олади.

– Мен бу асосни кўрмаяпман-да, – ўзиникини маъқуллади Тартелетт.

Хуллас, рақс муаллими кўрқавериб эсини еб қўйгандики, ҳаво қамалган қутқарув белбоғини тақиб, кечасию кундузи белидан қўймасди. Ҳар гал денгиз ҳовридан тушаркан, белбоғини пуфлай бошларди ва қанчалар дам берган бўлмасин, яхшироқ шиширолмаганидан асло ичи тинчимасди.

Тартелеттнинг ваҳимасини тушуниш мумкин. Кемада сузиб кўрмаган ҳар қандай одам ҳам қутурган тўлқинлар олдида хийла саросимага тушади. Бизнинг Тартелетт эса лоақал Сан-Франциско қўлтиғининг сокин сувларида ҳам сузган эмас. Ундаги денгиз хасталиги хуружи ва қўрқув ана шундан эди...

Бу орада ҳаво яна ҳам тўнини тескари кийиб, «Дрим»га шиддатли бўрон хавфи яқинлашарди. Агар пароход соҳилга яқинроқ бўлганда, семафорлардаги<sup>1</sup> огоҳлантирувчи сигнал кўринарди ҳам.

Кун бўйи даҳшатли тўлқинлар чангалида беланчак бўлган кема машина ва парракни ишдан чиқариб қўймаслик учун ўртача тезликда сузиб борарди. Негаки, кема паст-баланд бўлавергач, паррак гоҳ сувга тушар, гоҳ юқори кўтарилиб, ҳавода қуруққа айланарди. Бундай ҳолларда паррак қанотларининг ватерлиниядан

---

<sup>1</sup> Семафорлар – огоҳлантирувчи мосламалар, денгизнинг хатарли нуқталарида соҳилга ўрнатилади, бўрон яқинлашаётганидан белги беради.



тепага чиқиши механизмни зўриқтиради. Ана шунда «Дрим»нинг ост қуйруғидан гўё бўғиқ ўқ овозлари эшитила бошларди, поршенлар ҳаракати шунчалик тезлашадики, машинани бошқараётган механик ниҳоятда шошиб қолади.

Бу орада Годфри зеҳн солиб чалкаш бир ҳолатни пайқай олганди: кема кундузи бесаранжом, тунда эса нисбатан сокин сузарди, бунинг сабабини у аввалига мутлақо тушунолмади. Демак, қуёш ботгач, шамол ювош тортиб, денгиз ҳовридан тушиб қолармикан?

Лекин тафовут шунчалар катта эдики, Годфри 21 дан 22 июнга ўтар кечаси бунинг сабабини бир суриштириб кўришга қарор қилди. Қолаверса, алалхусус, ўша кунни денгиз бешбаттар қутуриб, шамол беҳад хуружга келганидан ҳеч қачон ой ботиб, офтоб чиқмайдиғандай туюларди.

Годфри барибир ярим тунгача пойлаб ётиб, ўрнидан турди ва иссиқ кийиниб палубага чиқиб борди. Вахтада капитан Тюркотнинг ўзи бўлиб, кўприкчада олис-олисларни диққат билан кузатарди.

Ана шунда Годфри шамол сусаймаган бўлса-да, «Дрим»нинг форштевени<sup>1</sup> ёриб бораётган тўлқинларнинг шашти хийла пасайганини ҳам сизди. У бошини кўтариб, қоп-қора дуд бурқсиётган мўрконга қаради ва тутун орқага эмас, олдинга ёйилаётганини кўрди.

«Демак, шамол ўз йўналишини ўзгартирган», – кўнглидан ўтказди Годфри. У ўз топқирлигидан мамнун ҳолда капитан кўприкчасига кўтарилиб, Тюркотнинг олдига борди.

– Капитан! – дея мурожаат қилди у.

---

<sup>1</sup> Форштевень – кеманинг тумшуғидаги ёғоч ё металлдан ясалган махсус учли «бурун». (Таржимон изоҳлари – Р.У.)

Клеёнка плашига чулганиб олган Тюркот қадам товушларини эшитмаганди ва йигитга кўзи тушгач, ҳайронлигини яширолмади.

– Ие, сизмисиз, мистер Годфри? Сиз... Бу ерда нима қилиб юрибсиз?

– Капитан, сиздан бир нарсани сўрасам...

– Нима экан, ҳўш? – унинг гапини бўлди Тюркот.

– Ҳалиям шамол пасаймадимми?

– Йўқ, мистер Годфри, афсуски, йўқ... Қўрқаманки, у бўронга айланиб кетмаса бўлгани.

– Аммо энди у орқадан эсмоқда-ку?

– Шамол энди орқамизда... Чиндан ҳам... Шамол қуйруқдан эсмоқда... – такрорлади капитан, Годфрининг луқмасидан у негадир ранжигандай бўлиб, қўшиб қўйди: – Аммо бу менга боғлиқ эмас-да.

– Бу гапингизга тушунолмадим.

– Демокчиманки, кеманинг хавфсизлигини таъминлаш учун бўрондан қочишга ва йўналишни ўзгартиришга мажбур бўлдик.

– Чакки бўпти, шунинг касрига йўлдан қоламиз, – деди Годфри.

– Мен ҳам жуда афсусдаман, – бош ирғади Тюркот, – лекин кундузи денгиз жиндай ҳовридан тушса бўлгани, кемани дарҳол ғарбга бураман. Сизга эса маслаҳатим шуки, мистер Годфри, каютангизга қайта қолинг. Бу ёғини менга қўйиб беринг! Тўлқинлар устида тебраниб турганимизда ухлашга урининг, шунда хотиржам бўласиз.

Годфри маъқул ишорасини қилиб, бош ирғади ва пастлаган булутлар катта тезликда ҳаракатланаётган осмонга хавотирли қараб қўйди. Сўнгра каютасига қайтиб, қаттиқ уйқуга кетди.

Эртасига, 22 июнь тонгида шамол ҳамон шиддатли бўлса-да, капитан ваъдасига вафо қилганди: «Дрим» аввалда кўзланган йўналишда сузиб борарди.

Бу ғалати ҳаракат, яъни кундузи – кунботарга, тунда – кунчиқарга юриш яна икки кун давом этди. Барометр ҳам «инсофга келиб», кўрсаткичи баландлай бошлади ва қалтис чайқалишлар йўқолди. Афтидан энди шимолга эсаётган шамоллар ноқулай об-ҳавони ҳам ўзи билан олиб кетишига умид қилса бўларди.

Чиндан ҳам худди шундай бўлди.

Йигирма бешинчи июнь куни эрталаб Годфри палубага чиқиб борганда соат саккизлар бўлиб, энгил шимоли-шарқий еллар осмондаги булутларни ҳайдаб борарди. Кеманинг устки анжомларида ўйноқлаётган офтобнинг ўтли нурлари бортнинг барча бўртиқларига шуъла сочар, денгиз туби мовий товланиб, сувнинг сирти ойнадай жилваланарди. Шамол бўшашган бўлса-да, тўлқинлар устида кўпик кўринарди. Аслида бу чинакам денгиз тўлқинлари эмас, пароходни силкитаётган энгил жимирлаш, холос. Рақс муаллими Тартелеттнинг наздида эса тўлқину жимирлаш ҳам, денгизнинг қутургани ва ювошлиги ҳам – бари бир гўр. У палубага ярим ёнбошлаган ҳолда узала тушган, тупроққа улоқтирилиб, сувсираган балиқ мисоли оғзини каппа-каппа очади.

Дурбин тутган капитан ёрдамчиси шимоли-шарқни кузатиш билан овора.

– Қалайсиз? – деди Годфри очиқ чеҳра билан. – Хайрият, бугун ҳаво очилди, а?

– Ҳа, мистер Годфри, – жавоб қайтарди ёрдамчи, – денгизга Худо инсоф берди.

– «Дрим» яна ўз йўлига тушиб олдимиз?

– Ҳозирча йўқ.

– Йўқ? Нега ахир?

– Чунки, шиддатли шамол бизни шимоли-шарққа улоқтириб ташлаган, ҳозир қаерда эканимизни билмаймиз ҳам. Туш пайтида куёшга қараб, турган жойимизни аниқлаб оламиз ва капитан буйруқ берса...

– Ўзи қаёқда? – суриштирди Годфри.

– Капитан кемада эмас.

– Кемада эмас?

– Ҳа... у жўнаб кетишга мажбур бўлди. Нега десангиз, ҳаво ёришгач, шарқда бурунлар<sup>1</sup> кўриниб қолди, аммо биздаги харитада кўрсатилмаганди. Хавотирланган капитан Тюркот қайиқни сувга туширишни буюрди ва боцман билан уч матросни ёнига олиб, рифларнинг<sup>2</sup> ҳолатини азмойиш қилгани кетди.

– Анча бўлдими?

– Бир ярим соатча бўлиб қолди.

– Афсус, менга айтмабсизлар-да! Жон деб бирга борардим!

– Сиз ухлаб ётувдингиз, мистер Годфри, капитаннинг безовта қилгиси келмади.

– Аттанг. Хўш, қаёққа кетишди?

– Анави ёққа, – дея шимоли-шарқ тарафга ишора қилди капитан ёрдамчиси.

– Уларни дурбинда кўрса бўладими?

– Йўқ, анча олислаб кетишган.

– Ҳар ҳолда тезроқ қайтишар?

– Зудлик билан қайтишмаса бўлмайди ҳам, – деди ёрдамчи, – негаки капитан кемамиз турган жуғрофий

---

<sup>1</sup> Бурунлар – қирғоқдан олисроқ масофада денгиз тўлқинларининг парчаланиши. Бу ҳодиса сувости қоялари ва саёзликлар бор жойда юз бериб, кемалар учун хатарли бўлиши мумкин.

<sup>2</sup> Рифлар – сувостидаги кўринмас чўгиртошлар. (Таржимон изоҳлари – Р.У.)

нуқтани аниқлаши зарур, шунинг учун қиёмга қадар шу ерда бўлиши керак.

Ёрдамчи билан сўзлашиб бўлгач, Годфри бир четга ўтириб, дурбин келтиришни буюрди, қайиқ қайтган-қайтмаганини кўрмоқчи эди. Капитан Тюркотнинг хавфли рифларни текшириб кўрмоқчи бўлгани уни сира ҳам таажжублантираётгани йўқ. Модомики, сувости чўгиртошлари бор экан, эҳтиёт юзасидан уларни четлаб ўтиш чорасини кўриш керак-да.

Орадан икки соат ўтди. Ўн яримлардагина олис уфқда заиф тутун кўринди. Аниқки, бу ўша, «Дрим»-дан туширилган буғ машинали-қайиқ эди.

Годфри дурбинга термулиб, уни кўздан қочирмай кузатарди. Шлюпка денгиз сиртида тобора «улғайиб», аста-секин муайян шаклга кириб боргани сайин, унинг устида омухталанган дуд ва буғ «булути» ҳам аниқ кўрина бошлади. Қайиқ жадал суръатда яқинлашиб келарди. Ҳадемай у дурбинсиз ҳам бемалол кўриниб, тумшуғидан сочилаётган сув зарралари ва қуйруғи ортида қолаётган комета мисоли денгиз «жўяги» ҳам намоён бўлди.

Соат ўн биру чоракда шлюпка кемага етиб келди ва Тюркот палубага кўтарилди. Годфри унинг қўлини қисди ва суриштирди:

– Хўш, капитан жаноблари, қандай янгиликлар бор?

– Э-ҳа, мистер Годфри, салом! Хайрли кун!

– Анави бурунлар чиндан ҳам хатарлими?

– Беҳуда ваҳима экан! – деди капитан. – Ҳеч қандай рифлар йўқ. Афтидан кузатувчиларимиз янглишиб қолишган. Аслида ўзим ҳам унчалик ишонган эмасдим.

– Демак, энди бизни ҳеч нарса йўлдан қўя олмай-дими?

– Албатта, мистер Годфри, фақат мен координатларимизни аниқлаб олсам бас, кейин кетаверамиз-да.

– Шлюпкани бортга олайликими? – сўради ёрдамчи.

– Йўқ, – жавоб қайтарди капитан, – қайиқ яна керак бўлиши мумкин, судраб кета қоламиз.

Чорак кам бир соатдан сўнг Тюркот секстантни ишга солиб, қуёшнинг ҳолатини аниқлади ва қаёққа сузишни белгилаб олди. У ҳисоб-китобини яқунлаб, уфқларга сўнгги бор қараб қўйди ва ёрдамчисини чақиртирди. Икков каютага кириб олиб, яна узундан-узоқ маслаҳатга унадилар.

Ҳавонинг чехраси ниҳоятда очиқ. «Дрим» елканларсиз ҳам меъёрий тезликда бемалол сузиб борарди. Машина паррақларини шитоб билан ғувиллатиб бораркан, ўта ночор шамол елканларга таъсир этолмаганидан ҳаммасини йиғиштириб қўйдилар.

Годфри ҳузурланиб, жони кириб борарди. Осмоннинг тип-тиниқлиги ва денгизнинг сокинлигидан куч олган жисми билан руҳи яйраб-яйраб кетди! Аммо Тартелетт шўринг қургурнинг юрагига қил сиғмасди. Гарчи денгизнинг айни дамлардаги вазоҳати ҳеч кимга ҳеч қандай хавф солмаса-да, раққослар устози ҳавонинг маккорона «табассум»ларига мутлақо ишонмай қўйган. Тушликда ўзини мажбур қилиб овқатланди, иштаҳаси бўғилган эдики, таомнинг таъминини ҳам сезгани йўқ. Кўкси қутқарув камарининг исканжасида ҳамон мижигланиб ётибди, Годфри зормондани ечиб олишга ҳарчанд уринса ҳам Тартелетт илло-билло оёқ тираб туриб олди. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг-да: манави ёғоч ва темир қурамаси ҳар бир дақиқада тўсатдан қарс бўлиниб кетиши мумкин эмасми?..

Кун ботди. Туманнинг қалин пардаси осмон билан денгиз орасида муаллақ туриб олган. Бу туннинг қоп-қора зулмат бўлажигидан нишона эди.

Яхши ҳамки, бу атрофда рифлар йўқ бўлиб чиқди! Қолаверса, уларнинг қаерда мавжудлигини капитан Тюркот харита кўрсатгичларига қиёслаб олди. Бироқ фалокат оёқ остида, айниқса, манавинақа туманли кечалар хавфлироқ.

Гира-шира бўлиши биланоқ ҳамма фонарлар ёқилди: тепада, яъни фок-мачтада – оқ, вантларнинг ўнг тарафида – яшил, сўлида эса – қизил чироқлар милтирай бошлади. Бу ҳам арзимас бир тасалли эди, дейликки, ўзга бир кема билан «сузишгудай» бўлсалар, айб «Дрим»да эмаслигидан таскин топиш мумкин, холос. Башарти тақдир китобига фарқ бўлиш ёзилган бўлса, денгизнинг ҳамма қонун-қоидаларига риоя қилсанг ҳам барибир чўкиб ўласан! Агар «Дрим»дагилардан бирортаси шундай хулосага келган бўлса, билингки бу шахс Тартелеттдан ўзга ҳеч ким эмас!

Бироқ иззатманд зот гоҳ ўнг-сўлга, гоҳо бурундан қуйруққа умбалоқ ошиб бўлса-да, ўз каютасини топиб бора олди, бу орада Годфри ҳам ётоғи томон ўтиб кетди. «Дрим» тўлқин устида билинар-билинемас тебранаркан, рақс муаллими одатига биноан шубҳа ва гумонлар чангалида, йигит эса мириқиб ухлаш умидида тўшакка чўзилишди.

Вахтани ёрдамчисига топширган капитан Тюркот ҳам бир-икки соат мизғиб олиш учун каютасига йўл олди. Денгизни жиндай кўриш мумкинлигидан кема сузишда давом эта оларди. Афтидан туманнинг қуюқлашадиган сиёқи йўқ, ҳеч қандай хавф-хатар аломати сезилмасди.

Йигирма дақиқадан сўнг Годфри тошдай қотиб ухлаб қолди, уст-боши ва қутқарув камари билан узала тушган Тартелетт эса уйқусизлик дардига мубтало бўлиб, чўзиб-чўзиб оҳлар чекарди.

Тунги соат бирларда қўққисдан бақир-чақир бўлиб, Годфри уйғониб кетди.

Бир сапчиб ўрнидан турган йигит апил-тапил кийинди ва оёғига этигини илди. Аммо у каютасидан чиқиб улгургани йўқ эдики, палубадан дод-фарёдлар эшитилаверди: «Чўкяпмиз! Ҳозир чўкиб кетамиз!»

Годфри юқорига чиқаркан, йўлда тўнкадай бўлиб ётган алламбалога қоқилди ва «тўнка»нинг Тартелетт эканини зўрға таниб олди.

Экипаж аъзоларининг бари палубада бўлиб, матрослар капитан ва ёрдамчисининг буйруқларини чаққонлик билан бажаришарди.

– Тўқнашув содир бўлдимиз? – сўради Годфри.

– Билмадим... Ҳеч нарсага ақлим етмаяпти, – дея жавоб берди капитан ёрдамчиси. – Фақат чўкяпмиз, аниқ...

– Чўкяпмиз? – яна савол берди Годфри.

Афтидан «Дрим» рифларга урилган бўлиб, чиндан ҳам аста-секин чўкиб борарди. Палубагача етиб чиққан сув ўтхонани босиб, оловни ўчириб бўлганига шубҳа йўқ.

– Мистер Годфри, зудлик билан денгизга сакранг! – қичқирди капитан. – Ҳар бир дақиқа ғанимат! Энди кема ғарқ бўлиши аниқ! Бўла қолинг, билъакс, гирдоб сизни денгиз қаърига тортиб кетади!

– Тартелетт-чи?

– У кишини менга қўяверинг. Соҳил ҳам яқин, ярим кабельтов<sup>1</sup> масофа бор, холос.

---

<sup>1</sup> Кабельтов – денгиз узунлик ўлчови, 185,2 метрга тенг.



– Сиз-чи, капитан?

– Мен сўнги нафасимгача кемани тарк этолмайман, бу – менинг бурчим! Бўлинг, тезроқ бўлинг! Ҳар бир сония – ҳаёт ё мамот деган сўз!

Годфри бир неча лаҳза иккиланиб тураркан, палубани батамом сув босди.

Годфрининг балиқдай суза олишидан бохабар капитан унинг елкасидан тутиб, сувга туртиб юборди.

Айни пайтида улгуриб қолганди-да! Башарти атроф бунчалар зим-зиё бўлмаганда, «Дрим»нинг ёнгинасида аждаҳодай оғзини очган денгизнинг қаъри бемалол кўринарди.

Уммон сокин бўлиб, Годфри бир неча бор қулочкашлаб фалокатдан олислаб олди, агар шошилмаганда Мальштрем<sup>1</sup> каби бу гирдоб денгиз тубига тортиб кетиши ҳеч гап эмасди.

Буларнинг бари саноқли дақиқаларда рўй берди.

Жон аччиғида фарёд ураётган шўрликларнинг оху ноласи ҳам, кеманинг чироқлари ҳам оҳиста сўнди.

«Дрим»ни денгиз ютиб юборганди, бунга ҳеч қандай гумон йўқ...

Годфри ҳадемай баланд қояга етиб олди ва унинг устига чиқибгина тўлқинлар ҳамласидан халос бўлди.

Кема ҳалокатга учрагач, жони омон қолган одамзот шу биргина йигитнинг ўзи экани эҳтимолдан холи эмасди. Нажот умидида зулмат қаърига қараб дод солади, ёлворади, аммо бари беҳуда, унга жавоб берувчи инсон овози йўқ. У қаерга келиб қолди ўзи, оёғи остидаги танҳо чўгиртошми ё бир уюм рифларнинг чўққисими?.. Тонг ота қолсайди...

---

<sup>1</sup> Мальштрем (Мальстрим) – Норвегия соҳиллари яқинидаги денгиз гирдоби.

## САККИЗИНЧИ БОБ

### Годфрининг сайёҳлик васвасаси борасида армонли ўйлар сургани хусусида

Уфқдан қуёш қад кўтаргунча, уч йилдай узоқ уч соат ўтди. Мусибат чоғлари ҳар бир соат абадиятдай адоқсиз туюлади.

Дастлабки синов ўта аччиқ эди. Аммо денгизга отланаркан, томошабоққа бормаётганини Годфри ўзи ҳам биларди! Унга мутлақо аён эдики, сайёҳ оромижон ҳаловатлардан воз кечади, поёнсиз уммон унга пойандоз билан пешвоз чиқмайди, минг бир машаққатларни енгиб ўтиш осон эмас. Ҳар қандай вазиятда ҳам саёҳатчи матонатли бўлмоғи шарт!

Годфри ҳозирча бирнав беҳатар жойда эди: қирғоққа урилаётган майда тўлқинлар қоя устидаги одамга таҳдид сололмайди. Аммо йирик тўлқинлар соҳилдан гувиллаб қайтган чоғларда-чи? «Йўқ, – ўзича мулоҳаза қилиб кўрди Годфри, – кема ҳалокати янги ой чиққан, яъни сув сатҳи энг юқори кўтарилганда содир бўлди. Бу пайтда даҳшатли тўлқинлар кутилмасди...»

Бу қанақа тош бўлдийкан? Бу атрофдаги биргина қоями ёхуд рифлар занжирининг баланд нуқтасими? Зим-зиё тунда капитан Тюркот қандай қирғоққа тикилиб қолганди? Ўша ер қайси қитъага тегишли бўлиши мумкин? Эҳтимол, бир неча кун мобайнида муттасил қутуриб, кўз очирмаган бўрон «Дрим»ни олисларга улоқтириб ташлаган ва кема ўз йўлини қайта топа олмай қолгандир? Албатта худди шундай бўлган, йўқса капитан Тюркот ўз харитасига асосланибгина бу жойларда ҳеч қандай рифлар йўқлиги-

ни тасдиқламаган бўларди. Ахир, капитан шу гапни ишонч билан таъкидлаганига икки-уч соат бўлди, холос! Бундан ташқари, вахтадаги кузатувчиларнинг мужмал тахминини текшириш учун шахсан ўзи борди, кўзлари билан кўриб қайтганди...

Мана энди ойдай равшанки, агар Тюркот яна жиндай азмойиш қилганда, манави мудҳиш ҳалокат рўй бермасди. На чора, ўтган ишга саловот. Тақдир битигидан қочиб бўлмайди, ахир!

Айни дамда энг муҳими: ё ҳаёт, ё мамот! Аввало, яқин орада қуруқлик борми-йўқми? Тинч океанидаги қайси гадой топмас жойда эканини аниқлаш эса қочиб кетмайди. Ҳар нима бўлганда ҳам кун ёришган заҳотиёқ манави қояни тарк этиши лозим. Унинг ясси сирти энигаю бўйига йигирма қадамдан ошмасди. Аммо бирор қитъа, ақалли орол бўлмаса қаёққа ҳам бора оларди? Эҳтимолдан холи эмаски, лаънати туман капитанни ҳам адаштирган бўлиб, Годфрига шу боис поёнсиз уммондан бўлак ҳеч вақо кўринмаётгандир...

Таассуфки, у ҳеч нарсани кўрмасди. Яқин орада ер борлигидан дарак берувчи ҳид ҳам йўқ. Қани энди бирон бир таниш товуш эшитилса-чи! Ё қай бир паранда қанот қоқсайди. Атроф фақат сув тўла «сахро»...

Уни қутқариб оладиларми? Годфри жуда яхши билардики, бунинг учун мингдан бир имконият ҳам даргумон. Энди гап дунё бўйлаб саёҳатни давом эттиришда эмас, ажалнинг кўзига тик боқиш устида боради! Олдиндаги унинг ўзига боғлиқ йўл ягона: тонггача бардош қилиши, кейин эса агар омон қолиш пешонасида бўлмаса ўзини тақдир қўлига топшириш ёки ўша мингдан бир имконият йилт этиб қолса, жон-жаҳди билан интилиш, курашиш!

У ана шуларни обдан ўйлагач, сал-пал тинчланди ва қоя саҳнига ўтириб олди. Денгиз исталган дақиқада Годфрини суриб кетиши мумкинки, у шу хавфга қарши ҳозирланиб, шалаббо курткасини ва сув тўлиб, вазмин тортган этикларини ечиб ташлади.

Наҳотки, ўзидан бошқа ҳамма чўкиб кетган бўлса? «Дрим»нинг экипажидан бирор киши қирғоққа чиқиб ололмаган бўлса-я! Фарқ бўлган кема ортидаги гирдоб барча ҳамроҳларини ютиб юборгани ҳақида ўйлаш Годфри учун фақат даҳшат эди! У сўнгги бор сўзлашган одам капитан Тюркот бўлди. Шерюрак денгизчи кемани ҳаммадан кейин тарк этишга азм қилганди! Палубани сув боса бошлагач, Годфрининг ҳаётини сақлаб қолиш учунгина туртиб юборувди...

Бошқалар-чи? Палубада думалаб ётган бахтиқаро Тартелетт (Годфри чопиб ўтаётиб унга қоқилиб кетганди), трюмда димиқиб ётган бечора хитойлик нима бўлдийкан? Биргина ўзи омон қолганми? Судраб келинаётган шлюпка ҳам бор эди-ку! Экипаж аъзоларидан ақалли бирор киши ўша қайиқдан фойдаланиб, чўкаётган кемани тарк этмадимикан? Йўқ, шлюпкани ҳам гирдоб тортиб кетгани, шу тобда унинг ҳам денгиз тубида – йигирма-ўттиз сажень<sup>1</sup> чуқурликда ётгани ҳақиқатга яқинроқ.

Годфрининг ҳаëлидан қоп-қора тун зулматида ҳеч нимани кўриб бўлмаса-да, эшитиш, кундузгидан яхшироқ эшитиш мумкинлиги ўтди! Илло, бу сукунат маконида бақиршига, ёрдамга чақиршига биров халал бермасди ҳам. Унинг нидосига кимдир садо берса ажаб эмас!

---

<sup>1</sup> Сажень – узунлик ва чуқурлик ўлчови, 2 метру 13 сантиметрга тенг. (Таржимон изоҳи – Р.У.)

Хуллас, олис-олисларда эшитилиши учун бор овози билан айюханнос солди.

Беҳуда. Ҳеч ким жавоб қайтармади.

«Ёрдам! Ёрдам беринглар!» деди, чор тарафга қараб, қайта-қайта бақириб кўрди.

Фақат жимжитлик.

– Ёлғиз! Танҳо ўзимман! – ноумид оҳангда пичирлади йигит.

Жавоб йўқ. Унинг ҳайқириқларига лоақал акс садо қайтмасди. Мободо яқин орада харсанглар ё тик соҳил мавжуд бўлса, унинг чақириқларига садо берарди, албатта. Демак, Годфри турган чўгиртошдан пастлиги сабабли шарқий қирғоқдан садо қайтмаган, ёки, тўғрироғи бу ерда умуман куруқлик йўқ. У ҳолда Годфри қўним топган риф бу атрофда ягона бўлиб чиқади.

Тонгга қадар уч соат ана шундай ўтди. Совуқдан тиши такиллаётган Годфри салгина қизиби олиш учун қоя устида тинмай юрарди. Ахийри шарқ уфқидаги булутларга ранг киргандай бўлди: бу илк қуёш нурларининг нишонаси эди.

Годфри ер бўлишини тусмоллаган тарафга боқиб, бирон нарсанинг тахлити кўринишидан умид қиларди. Кўтарилаётган офтоб қирғоқ ё қояни ёритса ажаб эмас-да. Аммо ҳали тонг ёришмаган, ҳеч нимани кўз илғай олмасди. Боз устига денгиз юзини сийрак туман қоплаб олганидан Годфри умид қилган мавҳум нишонни фарқлаш осонмас. (Агар, ўша нишон шу атрофда мавжуд бўлса!)

Бироқ беҳуда хомтама бўлишдан наф йўқ. Бўрон Годфрини уммоннинг қоқ ўртасидаги биттаю битта тош устига улоқтиргани ростга ўхшаб қолди. Модомики, шундай экан, энди унинг қолган умри ҳеч қан-

чамас: очликдан, ташналикдан ўлиб кетади, хоҳласа-хоҳламаса, денгиз сувлари унинг мангу макони бўлиб қолади!

Аммо, синчков нигоҳларида кучли сабот ва ҳали ўчмаган умид учқунлари чақнаб турган йигитнинг кўзлари ҳамон олисга боқарди.

Ва ниҳоят тонгги туман аста-секин денгиз юзини тарк эта бошлади. Годфрининг кўз олдида ҳам ўзи хоҳлаган манзара намоён бўлаверди: унинг «тасарруфидаги» харсанг яқинида қоя ва рифлар денгиз махлуқлари каби қалашиб ётарди. Бу алланечук шакл-шамойил ва турли катталиқдаги чўгиртошлар худуди бўлиб, шарққа ҳам, ғарбга ҳам чўзилиб кетганди. Годфри турган қоя коралл рифлари сафининг ғарбига туртиб чиққан ва кема ғарқ бўлган нуқтадан ўттиз сажень масофада жойлашган эди. Чоғи бу ерда денгиз ўта чуқур бўлса керакки, пароходнинг бирор асорати қолмабди. Ҳатто мачтанинг учи ҳам кўринмайди. Кемани сувости оқимлари аллақаяёқларга суриб кетганлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Годфри бир қарашдаёқ ҳаммасини тушунди: бу тарафдан ёрдам келиши амри маҳол. У бор диққатини тобора равшанроқ намоён бўлаётган бурунлар «ҳошияси»га қаратди. Айтиб ўтиш лозимки, денгиз сатҳи ҳали нисбатан пастроқ бўлиб, тўлқинлар соҳилдан қайтаётган пайт экани боис кўплаб чўгиртошлар сув юзига чиқиб қолганди. Баъзиларининг орасида анча масофа бўлса, айримлари бир-бирига жуда яқин. Агар бу қатор тошлар қандайдир соҳилга туташ бўлиб чиқса, Годфрининг қуруқликка етиб олиши осон кечиши турган гап.

Аммо қирғоқдан ному нишон йўқ. Ернинг яқинлигидан дарак берувчи заррача аломат кўринмайди.

Бу орада туман тобора сийраклашиб, Годфрининг кўз олдидаги бўшлиқ кенгайиб борарди. Энди ярим мил нарироқни ҳам бемалол кўриш мумкин. Қоятошлар орасидаги денгиз ўтлари қоплаган саёз қумлоқлар очилардики, бу қуруқликнинг белгиси экани аниқ. Демак, бирор қитъа ё орол яқин.

Ҳақиқатан ҳам пича фурсатда кунчиқардан пастак барханлар кўринди, улардаги гранит парчаларини ҳам энди фарқлаш мумкин эди. Қуёшнинг қудрати тонгги туманга батамом барҳам берди ва олис-олис уммон уфқидан оловли гардиш юз кўрсатди.

– Ер! Ер! – деб қичқираверди Годфри.

Бу кутилмаган бахт эди: ҳаяжондаги йигит тиз чўкди ва осмонга қўлларини чўзди...

Ҳа, бу ер эди, албатта. Денгизга бўртиб чиққан рифлар шу жойда қўлтиқнинг жанубий бурни шаклини олиб, тевараги икки милдан кам эмасди. Атрофи кичкина қумтепалар билан қуршалган, сирти эса ясси саёзлик бўлиб, баланд ўсмайдиган ўт-алафлар билан қопланганди. Ҳатто гиёҳларнинг шамолда селкиллаётганигача кўрса бўларди.

Годфрига бутун соҳилбўйи бемалол кўринаётганди.

Шимол ва шарқ тарафи нотекис бурунлар билан чегараланган қирғоқнинг узунлиги беш-олти милдан узун эмас ва албатта, катта қуруқликнинг бир чети эканлиги ҳам аён. Ҳар нима бўлганда ҳам ҳалокат жабрдийдасига лоақал вақтинча нажот топилганди.

Годфрининг елкасидан тоғ ағдарилди. Хайрият, унинг қояси денгизда танҳо эмас!

– Ерга! Ер томонга бораман! – ўзига далда берди у.

Годфри тунги манзилини тарк этишдан аввал поёнсиз денгизга яна бир зеҳн солди. Кошки «Дрим»-

нинг қолган-қутган парчалари, гарқ бўлган бирор киши кўринса...

Сув юзи ҳамон бўм-бўш...

Шлюпка ҳам йўқ. У ҳам пароходнинг аччиқ тақдирига шерик бўлгани муқаррар.

Шунда Годфрининг хаёлига келдики, йўлдошларидан яна кимдир худди ўзига ўхшаб қай бир тош устида жон сақлаган ва у ҳам тонггача қаноат қилиб, соҳилга етиб олиш ниятида бўлса-чи?

Таассуфки, рифлар устида ҳам, саёзликда ҳам инсон зоти йўқ. Чўгиртошлар уммон мисоли кимсасиз эди!

Хўп, тирик одам бўлмаса, ақалли мурдалар топилиб қолмасмикан? Ёки анави қоялар орасида ҳамроҳларидан биронтасининг парчаланган жасади ётган бўлса-чи?

Йўқ! Сув соҳилдан қайтгани боис сирти бутунлай очилган тошлоқда одамзотнинг на тириги ва на ўлиги кўринмасди!

Водариғ, энди Годфри танҳоликка маҳкум этилган! Жонига қасд қилувчи хатарларга қарши унинг ўзидан ўзга нажоткори йўқ!

Годфрига қойил қолмоқ лозимки, у руҳан тушқунликка тушмаганди. Биринчи галда қуруқлика етиб олиши лозим, орадаги масофа эса ҳеч қанча эмас. У ортиқ ўйлаб ўтирмади-да, харсангдан тушиб, яқинроқдаги риф томон суза кетди.

Тошлар яқинроқ бўлса сакраб ё сувни кечиб, олис ораликларни эса сузиб ўтарди. Тикандай ёпишқоқ ўтлар қоплаган сирпанчиқ қоратошлар орасидаги йўл мушкул ва олис. Ана шу машаққат билан чорак мил масофани босиб ўтиш осон эмас-да!..

Абжир ва чакқон йигит ахийри тупроққа қадам қўйди. Бу манзилда ажал унинг жонига тезгинада



чанг солмаса-да, ғарибона хор-зорлик ўлимдан баттар кўйга ташлаши мумкин! Ахир, очлик, ташналик, совуқ, турли-туман маҳрумиятлар, саноқсиз хавф-хатарлар... У шунчалар ачинарли аҳволдаки, бирон егулик отиб олишга милтиғи, совқотса кийгудай иссиқ кийими ҳам йўқ.

Ҳой нодон одам! Машаққатларга қарши кўкрак кера олишингни синаб кўрмоқчи бўлиб карилладинг! Мана оқибат! Энди нимага қодирлигингни кўрсатиб қол! Робинзонни ҳавас қилган эдингми? Марҳамат, унинг тақдири ҳавасга лойиқми-йўқми – мана энди биласан-да!..

Годфри саргузаштлар оғушида тарк этган она шахри Сан-Францискодаги саодатли онларини, тўкис ва севимли оила даврасини, Виль тоғани, қаллиғи Фина ва дўсту ёрларини ўкиниб эслади... Энди уларнинг ҳеч бировини кўриш тоабат насиб этмайди. У мардлик ва матонат хусусидаги қалб азмини маҳкам тутишга нечоғли уринмасин, армонли ўйлар юрагини қонга тўлдирди ва кўзларида ёш гилтиллади.

Годфри фақат ёлғизлик кулфатидан қутулса, ситамгар фалокатдан лоақал яна бир жафокаш ҳамроҳи омон қолиб, мана шу қирғоққа тирмашган бўлса қани-я! Ўша одам капитан Тюркот ё унинг ёрдамчиси, бирорта матрос, ақалли рақс муаллими Тартелетт бўлса ҳам майли эди! Тўғри, бу довдир муаллим айна мушкул вазиятда ишончли суянчиқ бўла олмайди. Лекин Годфрига фарқи йўқ! Манави тупканинг тагида ёлғизлик балосидан қутулса бас! Агар танҳоликдай мудҳиш қайғуга кимдир дардқаш бўларкан, истиқболдаги кўргиликлар даҳшати жиндай чекинарди.

Годфри шимол ва жанубга бир сидра назар солиб, ўзи турган қуруқликни нигоҳи билан азмойиш қилиб кўрди. Ҳеч ким йўқ! Алалоқибат аёнки, бу ерга инсон қадами етган эмас, на бир кулба, на тутун чиқаётган мўри йўқ.

– «Олға! Фақат олға!» – ўзига далда берди Годфри.

У саёзлик бўйлаб шимолга йўл олди, дастлаб қумтепа устига чиқиб, хийла нарироқни ҳам бир кўриб олишга қарор қилганди.

Годфри чорак соатга яқин йўл босиб, ёнбағрини камиш ва пастак буталар қоплаган энг баланд барханга кўтарилаётганди, тўсатдан таққа тўхтаб қолди.

Эллик одимча наридаги қирғоққа туташ рифлар орасида шишиб кетган бир рўдапо, денгиз жониворининг жасадига ўхшаган нимадир ётарди (Сўнгги бўрон улоқтириб ташлаган бўлса керак-да).

Годфри ўша ёққа ўқдай отилди.

У чопгани сайин потирлаётган юраги қинидан чиқай деб борарди. «Рўдапо»га яқинлашаркан, унинг турқи одамга ўхшашлигини пайқай бошлади.

Яна ўн қадамгина... Ана шунда Годфри тошдай қотди ва бақириб юборди:

– Тартелетт!

Ҳа, бу ўша нафосат ва рақс муаллимнинг ўзгинаси!

Суюниб кетган йигит жон-жаҳди билан унга ташланди.

Годфри ўша ондаёқ англадики, Тартелеттни денгиз махлуқига ўхшатиб қўйган нарса қутқарув камари бўлиб, у ниҳоятда шиширилганди. Аммо домла қилт этмасди. Балки, у тирикдир? Белидаги анжом жонига оро кирган ва тўлқинлар соҳилга чиқариб ташлаган бўлса керак.

Годфри тиз чўкиб, унинг камарини бўшатди ва муаллимнинг карахт баданини астойдил уқалайверди.

Ахийри, ярим юмуқ лаблар қимирлагандай бўлди. Йигит унинг чап кўксига кафтини босди... Юрак... Ҳа, юраги ураётганди!

Годфри овозининг борича чақирди:

– Тартелетт!

Аввал муаллимнинг боши ликиллади, сўнг бир хуриллаб олди-да, хуррак ниҳоясида нималардир деди. Лекин Годфри бирорта ҳам сўзни тушунгани йўқ.

Ҳаваскор сайёҳ унинг елкасидан тутиб, қаттиқ силкитди.

Тартелетт кўзларини очиб, чап кўли билан манг-лайини сийпалади. Кейин ўнг кўлини кўтарди: у кисасидаги митти скрипка билан камонча бор-йўқлигини билмоқчи эди.

Устозининг бошидан тутган Годфри яна бақирди:

– Тартелетт! Қадрдон Тартелеттгинам!

Пахмоқ сочлар орасидаги бош жавоб ўрнига андак-кина қимирлаб қўйди.

– Бу – мен... Ўзим... Годфриман!

– Годфрими? – довдиради Тартелетт.

Муаллим атрофга аланглади, тиззалаб тикланди ва бир илжайиб, қақдини батамом кўтарди... Хайрият: ваниҳоят унинг оёқларига Парвардигори олам мустаҳкам таянч ато айлабди-да! Тартелетт энди тушунди: демак, беланчакдай чайқалиш кулфатидан халос бўлган, зилзиладай тебранувчи бадкор палубадан қутулган, оёғини ҳеч қимирламайдиган қадрдон заминга босиб турибди...

Рақс муаллими ана шундагина санъаткорона таманно қиёфасини қайта топиб олди, бу шарафдан уни кема жўнаган куни жудо этгандилар. Маэстронинг оёқлари ўз-ўзидан саҳна вазиятини қабул қилди: сўл кўли жажжи скрипкани тутиб, ўнг кўли камончани

шайлади. Торлардан муסיқа таралди ва устоз жил-майганича имо қилди:

– Хиромон рақсга ҳозирланинг, хоним афанди!

Думбул устоз рўпарасидаги одамни Фина деб ўйлаётганди...

## *ТУҶҚИЗИНЧИ БОБ*

### **Робинзон касбида ишқал жиҳатлар ҳам мавжудлиги ўз исботини топгани хусусида**

Ўша дамда устоз ва шогирд бир-бирларига отилдилар.

– Азизим Годфри! – чинқирди Тартелетт.

– Муҳтарам Тартелетт! – унга жавобан бақирди Годфри.

– Ахийри бандаргоҳга қўнибмиз-да, – хитоб қилди раққослар муаллими, унинг сўзида денгизда сузиш ва саргузаштлардан тўйиб кетганлик оҳанги бор эди.

– Аввал анави қутқарув камарини оп ташланг, – маслаҳат берди йигит. – Сиқиб сувингизни ичаётган бу қуриб кетгур юришингизгаям халақит қилади.

– Наҳотки? Сизнингча, чиндан буни ечиб қўйишим мумкинми?

– Албатта. Кейин скрипкангизни филофига жойланг-да, икков разведкага жўнаймиз.

– Эътирозим йўқ, – деди муаллим. – Аммо тезроқ, дуч келган биринчи ресторанга кирайлик. Ўнтагина бутерброд еб, икки-уч стакан шароб ичиб олсам, дарҳол тетилиб қолардим-да.

– Маъқул... Биринчисигаёқ кирамиз... Башарти униси ёқмасса, кейингисига ўтамиз...

– Яна бир гап, – мутлақо боқибегам қиёфада давом этди Тартелетт, – ўткинчиларнинг биронтасидан

сўрайлик-чи, бу ўртада телеграф бормикан? Тоғангиз Кольдеруп жанобларига хабар бериб қўйишимиз керак. Умидим борки, бу ҳотамтой инсон қайтишимиз учун йўлкира жўнатишни рад қилмайди. Негаки, менинг ҳамма киссаларимни қоқиштиришгандаям сариқ чақа тополмайсиз...

– Гап йўқ! Дарров телеграф идорасини топамиз, агар бу орада бўлмаса, яқинроқдаги почтага бора қоламиз-да.

Ваниҳоят Тартелетт қутқарув белбоғини ечиб, елкасига осиб олди ва икки сайёҳ қирғоқни қуршаган қумтепалар томон йўлга тушдилар.

Тартелеттнинг топилиши Годфрига хийла куч бағишлаганди. «Дрим»дагилардан яна бирор киши омон қолмадимикан? Энди ана шу масала йигитни қаттиқ қизиқтира бошлаганди.

Чорак соатдан сўнг тадқиқотчиларимиз баландлиги олтмиш ё саксон фут келадиган бархан устида пайдо бўлишди. Бу ердан пастдаги ўнқир-чўнқирлар тўсиб турган шарқий соҳил тўла-тўкис кўринарди.

Икки-уч мил нарида ястанган иккинчи қирлар қатори уфққа тутшиб кетганди.

Бўртиқ қирғоқнинг шимолий чегарасини кўз илгамасди, аммо унинг давоми бу ердан кўринмаётган бурунга уланадими-йўқми – буни айтиш қийин. Соҳилбўйининг жанубини чуқур чўкма кесиб ўтган бўлиб, у океан сувларигача чўзилганди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, мабодо бу замин уммон соҳилидаги ярим орол бўлса, уни қуруқликнинг бошқа бўлаги билан боғловчи бўйин ё шимолда, ёки жануби-шарқ томонда.

Ҳар ҳолда бу ер одам ўтса оёғи, қуш учса қаноти куядиган саҳро эмас, ариқларида оби равон жимир-

лаган, дарахтлари кўкка бўй чўзган қалин ўрмон билан қопланган ям-яшил воҳа эди. Адир ён бағирларидаги дарахтзор зинапоёга ўхшайдики, бағоят гўзал манзара!

Аммо шаҳар ё қишлоқдан дарак берувчи бирорта уй кўринмайди. На деҳқон ва на чорвадорникига ўхшаш бостирма йўқ. Дарахтлар оралаб тутун чиққанда ҳам унинг остидаги ўчоқни топса бўларди. Ўрмонзор ортида черков қўнғироғи, баландлик устида шамол тегирмон қаёқда дейсиз. Кулба тугул, чайла, лоқал вигвам<sup>1</sup> қани? Ҳеч нима йўқ! Ҳеч қаерда йўқ!

Агар бу тупканинг тагида одам боласи яшаган тақдирда ҳам троглодитлар<sup>2</sup> мисоли кун кечириши аниқ. Ахир, на бир қарич йўл ва на торгина сўқмоқни кўз илғамаяпти. Афтидан, саёзликдаги шағал-тошларга, прериядаги<sup>3</sup> ўт-алафларга то Годфри келгунига қадар инсоннинг оёғи теккан эмас.

– Тушунмоққа буткул ожиз қоляпман, – зорланди оёғининг учида туриб олисларга бўйлаётган домла, – шаҳар қай тарафда ўзи?

– Чамаси бу ерларда шаҳар қурилмаганга ўхшайди, – пинагини бузмади шогирд.

– Хўш, қишлоқ-чи?

– Униси ҳам йўқ.

– Биз қайга кеп қолдик ўзи?

– Осонроқ савол берсангиз-чи?

– Бу қанақаси? Наҳотки билмасангиз? Айтинг-чи, Годфри, буни тезроқ била оламизми?

---

<sup>1</sup> Вигвам – Шимолий Америка ўрмонларидаги алгонкин хиндулар қабиласининг томи ходирсимон чайласи.

<sup>2</sup> Троглодитлар – горда яшовчи ибтидоий қабилалар. Кўчма маънода – маданиятсиз одамлар.

<sup>3</sup> Прерия – Шимолий Америкадаги кенг яйловларни хиндулар ана шундай аташади. (*Таржимон изоҳлари – Р.У.*)

– Кимдан биламиз?

Тартелетт тақводор қиёфада қўлларини кўкка чўзди:

– Энди ҳолимиз не кечади, эй Холиқи олам?!  
– Робинзонлар бўлиб қолаверамиз-да.

Сўнгги жумладан сўнг рақс муаллими шундай сак-раб тушдики, буни ҳар қандай актёр-масхарабоз ҳавас қиларди, албатта.

Робинзонлар бўлиб! Уларнинг Робинзон бўлиб қолиши-я! Неча ўн йилларни овлоқ Хуан-Фернандес оролида ўтказган Селкиркнинг авлодларига айланиш! Қариндошлардан, дўстларингдан, ўзингга ўхшаган одамлардан минг-минг мил олислардаги ҳаёт! Йиртқиқ махлуқлар билан, агар ташриф буюрсалар, ҳатто ёввойи одамлар билан муттасил курашиб, доимий муҳтожликда кун кечириш! Гадойчалик ҳам нарсанг бўлмайди: на бирор асбоб-ускуна, на милтиқ ва на уст-бош! Оч-наҳорликка, сувсизликка, ёлғизликка мубталосан!.. Йўқ! Бундай бўлиши зинҳор мумкин эмас!

– Бунчалик даҳшатли нарсаларни менга айта кўрманг! – чийиллади Тартелетт. – Бундай аччиқ ҳазил қилманг, Годфри! Робинзонликни ўйлаш азобиёк мени ўлдиради, ахир! Аммо сиз ҳазиллашдингиз шекилли, шунақами?

– Ҳа, азизим Тартелетт. Ўзингизни босинг, ҳазиллашдим, холос! Келинг, ҳозирча тунаш учун бошпана ҳақида ўйлайлик.

Дарвоқе, чиндан ҳам қаерда тунайдилар? Унгур ё гор-пор топиш зарур эди. Сўнгра қорин қайғуси ҳам борки, оғизга солгудай чиганоқ ё шиллиққурт изла-масалар бўлмайди.

Годфри ва Тартелетт қумтепа ёнбағридан пастга туша бошладилар. Бу ерда кўрган-кечирганларидан Годфри ҳовлиқиб олган бўлса, ҳалокатга қадар ке-

мада бошига тушган қора кунларнинг ўзиёқ эсанкиратиб қўйган Тартелетт меровланиб қадам босарди. Шогирд ўнг-сўлига, орқа-олдига синчиклаб зеҳн солиб борар, устоз шўрликнинг ўн одим нарини кўргуздай ҳоли йўқ эди.

Годфрининг умидвор фикрича, бу ерда одамлар яшамаса-да, лоақал ҳайвонлар бўлиши керак эди. Албатта, у тропик минтақада сероб бўладиган қонга ташна йиртқичларнимас, отиб олса гўштини оғизга солса бўладиган ўтхўр жониворларни назарда тутарди. Башарти йиртқичлар йўлиққудай бўлса, нима қилади? Вақт ўзи бунинг ҳам бир йўлини кўрсатар...

Ҳар ҳолда қирғоқ бўйлаб гала-гала қушлар чарх урарди: кўлбуқалар, ёввойи ўрдак ва лойхўрақлар гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа парвоз қилиб, тинимсиз чуғурчуғур билан гўё икки оёқли тажовузкорларга норозилик билдирарди.

Ие, ахир уларнинг тухуми ҳам бор-ку! Бу хаёл ўша ондаёқ Годфрининг миясида ялт этди. Ҳамонки, бу паррандалар шунчалик мўл экан, демак, қоятошлар орасидаги сон-саноқсиз тирқишларда уларнинг беҳисоб инлари ҳам бор, албатта. Бундан ташқари, олисларда қанот қоққан қарқараларга ҳам Годфрининг кўзи тушдики, бу орада ботқоқ бўлиши мумкин эди.

Шундай қилиб парранда масаласида мўл-кўлчилик, чатоғи шундаки, қуролсиз инсон уларни қандай тутади? На чора, ҳозирча тухумнинг ўзига қаноат қилиб, хом ҳолида (ёки пишириб) еб турилади. Аммо гап уни топиб олишда қолди, иннайкейин, олов қани? Булар кичкина муаммо эмас ва хамирдан қил суғургандай ҳал бўла қолмайди ҳам.

Годфри ва Тартелетт қушлар гужғон ўйнаётган рифлар томон тушиб боришди.



Бу ерда уларни ақл бовар қилмас хурсандчилик кутарди: қумларни ва тўлқин улоқтирган денгиз ўтларини титкилаётган ёввойи паррандалар орасида ўнтача товуқ юрарди! Йўқ, икковининг кўзлари алдаётган эмасди: икки-учта хўроз ҳам бўлиб, ҳар замонда қичқириб қўярди – «ку-ка-ре-ку».

Тақдирнинг яна бир туҳфасини қаранг: қирдаги тошлар орасида тўрт оёқли жониворлар кўриниб қолди. Уларни баландликлар бағрига ям-яшил гиёҳлар чорлаган бўлса керак. Ҳа, Годфри янглишмаётганди: камида ўн бош агути ва беш-олти қўй-эчки жимгина ўтлаб юрарди.

– Қаранг-қаранг, Тартелетт! – қичқирди йигит.

Раққослар устози қаради, лекин ҳеч нимани кўролмади. Бошига тушган ногаҳоний ҳасратлар бояқишни кўзли кесакка айлантириб бўлганди.

Ана шу дамда Годфрининг ақлига келган тахмин аслида ҳақиқат бўлиб, чиндан ҳам бу жонзотлар йигит ўйлаганидек, «Дрим»да келган эди. Кема ғарқ бўлгач, паррандалар бир амаллаб рифларда жон сақлаган, тўрт оёқлиларнинг қирғоққача сузиб келиши эса асло қийин эмас.

– Бундан чиқдики, – армон билан таъкидлади Годфри, – ҳамроҳларимиздан ҳеч бири ақл билан уддалай олмаган ишни анави жониворлар инстинкт билан эплабди. «Дрим»дагилардан шуларгина омон қопти, холос.

– Бизни ҳам қўшинг-да, – деди Тартелетт думбуллик билан.

Дарҳақиқат, рақс муаллими жонини сақлаш учун ақл-идрокини уринтирмасдан, жониворлар мисоли инстинктив ҳаракат билан тирик қолганди.

Аммо манави бахтсизлик манзилида бунинг нима аҳамияти бор? Соҳилда уй ҳайвонларининг мавжуд-

лиги ҳар икки Робинзон учун ҳам тилла топгандан зиёда омад-ку! Худо кўрсатмасин, бу ерга «ташриф» қудуқнинг ипидай чўзилиб кетса, бажонидил чорвани кўпайтириб, паррандахона қуриб олишади.

Годфри ҳозирча соҳил «сийламоқчи» бўлаётган «неъматлар»га қаноат қилишни маъқул кўрди: масалан, денгиз паррандаларининг тухуми ва тановулга яроқли шиллиққуртлар бор-ку! Тартелетт иккови харсангтошлар ёригини ахтариб, сув ўтлари орасини титкилай кетишди. Ҳаракатда – баракат: дарровгинада анча чиганоқ топишдики, уларни ўтга товламай томоқдан ўтказса бўларди.

Қўлтиқнинг шимолига туташ баланд қоялар орасидан ўнлаб ўрдак тухумлари ҳам топилди. Жами егулик бир гаштакнинг зиёфатига ҳам кифоя қиларди. Очлик Годфри ва Тартелеттнинг танобини шунчалар тортгандики, шу тобда шаҳарча олифтагарчиликка тоқатлари йўқ эди?

– Олов йўқ-ку! – деди каттаси.

– Ҳа-я, аммо қаёқдан топамиз? – деди кичиги.

Савол бағоят жиддий эди, икков чўнтаklarини шартта ағдаришди.

Домланинг киссаси деярли бўм-бўш бўлиб, жажжи скрипканинг икки-учта захира тори ва камончанинг бир чақмоқ канифолидан<sup>1</sup> бўлак ҳеч вақо чиққани йўқ. Аммо бу лаш-лушлар билан ўт ёқиб бўлармиди?

Годфрининг «бисоти» баҳарнав эпақада бўлса-да, барибир мақтовга арзимасди. Аммо у чўнтагидан зўр мамнунлик билан бежирим бир паккини олди, тиғини зангдан эҳтиётлаб, чарм ғилофга солинган эди.

---

<sup>1</sup> Канифоль – игна баргли дарахтлар ширасидан олинадиган мумга ўхшаш модда, ранги заъфарон-қизил бўлиб, скрипка камонини равонлаштириш учун суртилади. (Таржимон изоҳи – Р.У.)

Бу пичоқ айни ночор кунда ўта бебаҳо қурол дейишга муносиб: унинг буклама пармаси, мўъжаз арра ва шиша очқичи ҳам муҳайё. Ахир, шу дамгача икковда тўрттагина қўлдан бўлак яроқ бўлган эмас.

Айтинг-чи, қуруқ қўл нимага ҳам ярарди? Боз устига, Тартелеттнинг дастпанжаси скрипка чалишдан ва нафис гамзалардан бошқа ҳеч бир юмушни уддалай олмайди.

Годфрининг хулосаси ўкинчли ва аламли: ўзидан ўзга ҳеч кимдан умид йўқ. Шунда ҳам чуқур ўйлаб, Тартелеттдан фойдаланиш чорасини топди: муаллим лоақал икки таёқни бир-бирига ишқалаб, олов ёқа олади-ку. Тухумни қўрда пиширсалар борми, тушлик олдидан айни муддао бўларди-да.

Шундай қилиб, Годфри бўлғуси жўжаларини ҳимоялаб ҳамла қилаётган паррандаларни ҳайдаб, уларнинг уясини бўшатишга киришди. Тартелетт эса қирлар ёндамасидаги шох-шаббаларни рифнинг шамолдан панароқ унгурига ташиди ва улар орасидаги энг қуруқ иккитасини ажратиб олди-да, бир-бирига узлуксиз ишқалаш йўли билан олов ёндирмоққа уннади.

Ахир, бу ёввойи полинезияликлар учун хамирдан қил суғургандай иш-ку! Наҳотки, ўзини ўша абори-генлардан<sup>1</sup> неча ҳисса доно ҳисобловчи рақсу нафосат домласи буни эплай олмаса?

Алқисса, у шохлардан иккитасини гириллатаркан, на қўллари ва на мускулларини аямасди. Аммо, таасуфки, олов тугул, тутуннинг ҳам нишонаси йўқ эди! Чамаси, ё танланган таёқ нобоп бўлган, ё ҳали яхши қуриган эмас, ёки ушбу кори хайрнинг амалга ошмоғи учун домлада абжирлик етишмаяпти. Ҳар ҳолда

---

<sup>1</sup> Аборигенлар (лотинча) – туб жой аҳолиси, яъни келгиндилар эмас. (*Таржимон изоҳи – Р.У.*)

ёгоч лоақал қизимаган бўлса-да, домланинг ҳарорати обдан кўтарилиб бўлганди.

Годфри «тухум ови»дан қайтиб, не кўз билан кўрсинки, рақс муаллими терга ботиб, уст-боши шалаббо бўлиб ётибди. Умри бино бўлганидан буён энг мураккаб хореографик ишва-ғамзаларнинг ҳеч бири ҳам шунчалар машаққатли кечиб, уни бунчалик тинкасини қуритмаганди.

– Бўлмадими, устоз? – сўради Годфри.

– Ҳа, Годфри, натижа чиқмаяпти. Фикри ожизимча, ёввойи одамларнинг бу ихтироси қаллоблиқдан бошқа нарса эмас, лақмаларни лақиллатишга ярайди, холос.

– Мутлақо унақамас, – эътироз билдирди шогирд. – Ҳар ишда бўлгани каби бунда ҳам маҳорат керак.

– Тухумларни энди қандай тановул қиламиз?

– Уларни пиширишнинг бошқа йўли ҳам бор, – деди Годфри. – Тухум ипга боғланади ва уни чархпалак мисоли тез айлантириб, тўсатдан таққа тўхтатилади. Бунда механик энергия иссиқлик энергиясига айланади ва...

– Шунда тухум пишадими?

– Пишади. Фақат чархпалакдай гирдикапалак қилиш ва дарҳол тўхтатиб олиш муаммоси... Бироқ ипда айланаётган тухумни синдирмасдан тўхтатиш мумкинми? Биласизми, қадрдоним Тартелетт, манави усул энг осонгинаси эмасми?

Годфри шундай дея ўрдакнинг тухумини эҳтиётлаб синдирди ва бошқа бир сўз демасдан қобиқ ичидаги оқу сариғини шартта ютиб юборди. Бироқ Тартелетт бундай жасоратга қодир эмаслигидан чиганоқларни тановул қилиш билан кифояланди.

Энди тунашга лойиқ унгур ёки ғор ахтаришнинг гали келганди.

– Робинзонларга ғор топиш ҳамиша муяссар бўлган, – таъкидлади муаллим. – Кейин ўша ғор уларнинг доимий бошпанасига айланган.

– Бўпти, домла, қани излаб кўрайлик-чи.

Афсуски, ўтмишдаги Робинзонларнинг омади доимо чопган бўлса-да, уларнинг ворислари бўлмиш икковининг пешонасига бошпана ёзилмаган шекилли. Улар кўрфазнинг шимолий тарафи бўйлаб тошлар орасида обдан изғишди. Лекин унгур ёки ғор тугул, бош суққудай ковак ҳам топилгани йўқ.

Шунда Годфри теварак-атрофни яхшилаб ўрганиш фикрига келди ва саёз қумлоққа туташган дарахтзор томонга отланди. Дастлабки довлонлардан ошиб ўтгач, икков илгарироқ кўзга ташланган зангори прерия тарафга йўл олишди.

Ҳайратомуз ва айни ҳолда хосиятли тасодифни қарангки «Дрим»нинг омон қолган безабон йўловчилари ҳам ихтиёрий равишда уларга эргашарди. Эҳтимол, бу паррандалар, қўй-эчки ва агутиларни тагин ўша инстинкт инсондан айрилмасликка даъват қилган бўлса ажаб эмас. Афтидан ўт-алаф, сийрак ўсган саёз қумлоқ неъматлари уларнинг иштаҳасини қондиролмасди ҳам.

Чорак кам бир соат мутлақ сукут билан йўл босган бизнинг Робинзонлар ўрмон ёқасига етиб бордилар. Инсоннинг изи ҳам йўқ! Батамом кимсасиз тупроқ! Бу ерга ҳали одамзотнинг оёғи етганмас – шу тахмин ҳақиқатга яқинроқ!

Бежирим дарахтлар тур-тури билан ўсган, чорак мил нарида хийла қуюқ ва аралаш ўрмон кўринади.

Годфри ақалли биринчи кечада жон сақлагудек бирор дарахтнинг ковагини излаб кўрди. Аммо беҳуда. Қолаверса, узоқ йўл юриб, толиққан сайёҳларнинг қорни ҳуштак чалаётганди. Бу сафар устоз ҳам, шогирд ҳам бараварига чиғаноқ тановулига саъй қилишди, яхшики, қумлоқдан анчагина егулик ғамлаб олгандилар. Қорин тўйиб, қайғу кетгач, ҳолдан тойган икков биринчи учраган дарахт тубида уйқуга ётишди, атрофда тун зулмати, осмонда эса бедор юлдузлар...

### ЎНИНЧИ БОБ

#### **Кема ҳалокатига йўлиққан ҳар қандай жафокаш не қилса, Годфрининг ҳам худди ўшандай йўл тутгани хусусида**

Тун можоросиз ўтди. Ғулғула ва йўл азоби силласини қуритган икки саёҳатчи шунчалар мириқиб ухладиларки, гўё Монтгомери-стритдаги энг зўр, энг серҳаловат хона уларнинг хизматида бўлгандек эди.

Йигирма еттинчи июнь куни хўроз қуёш билан баробар уйғонди ва қайта-қайта қичқириб, икки инсонни ҳам уйғотди.

Годфри кўзини очган заҳотиёқ бошига тушган кўргиликларни эслади, Тартелеттнинг эса хаёли жойига келиш ўрнига хийла муддат кўзларини ишқалаш ва ҳомуза тортиш билан овора бўлди. Сўнгра Годфрини саволга тутди:

– Бугунги нонушта дастурхонимиз кечаги тушлик мисоли бўладими?

– Қўрқаманки, худди шунақа бўлади, устоз. Аммо бугунги тушлигимиз мазалироқ ўтади деган умидданман.

Рақс муаллимининг афтига афсус-надомат соя солди. Одатда ётоқхонасига, тўппа-тўғри тўшагининг устига келтириладиган чой ва сандвичлар қаёқда қолди? Энди унга наинки нонуштага чорлагувчи қўнғироқ садоси насиб этмайди, шу билан бирга унга гача ичиб оладиган чойдан ҳам жудо бўлди!

Лекин бир қарорга келиш зарур эди. Мана ахийри Годфрига бўлғуси ташвишларнинг барига ўзидан бошқа балогардон топилмаслиги ойдай равшан бўлди. Ҳамроҳининг қўлидан ҳеч нарса келмайди. Тартелетт бош деб кўтариб юрган қовоқ ичида яримта ҳам ақлли фикр туғилмайди. Годфри икки киши учун ўйлашга ва чора топишга мажбур!

Шунда унинг хаёлини армонли ўйлар чулғади: саёҳат баҳона тўйни кечиктириб, қаллиғи Финадан нодонларча юз ўгиргани, Виль тоғасининг иссиқ бағрини ўйламай-нетмай ташлаб келгани ўзига алам қилди. Сўнг Тартелеттга деди:

– Дастурхонимиз нурлироқ бўлиши учун бир неча чиғаноқ ва бешта тухум бор-ку!

– Уларни пишира олмаймизми?

– Йўқ! – жавоб қилди Годфри. – Азизим Тартелетт, агар булар ҳам топилмаганида, нима деган бўлардингиз?

– Мен йўқни йўндириб бўлмайди дер эдим, – қуруққина жавоб берди рақс муаллими.

На чора, чалақурсоқ тамаддига қаноат қилдилар, бошқа илож ҳам йўқ-да.

Нонуштадан сўнг Годфри ўз аҳволини ўта жиддий мушоҳада қилиб кўрди-да, кечаги тадқиқотини давом эттирмоқчи бўлди. Авваламбор, Тинч океанининг «Дрим» ҳалокатга йўлиққан нуқтасини имкон борича аниқлаб олиш керак. Ана ундан кейин қирғоққа яқин аҳоли яшайдиган жойни топиб, галдаги режалар бел-

гиланади: тоғасига телеграмма бериб, жавобини кутади ёки ўтқинчи кема билан дарҳол ватанига қайтади.

Годфрининг мулоҳазаси жўяли эди: балки, дарахтлар ортидан мафтункор манзараси кўриниб турган кейинги тепаликлардан ошиб ўтилса, бирон нимани суриштириб билиш имкони бўлар. Шундай қилиб, у бир-икки соатда, агар зарурат туғилса тушга қадар ўша томонни кўриб келмоқ фикрида тўхталди.

Годфри атрофига нигоҳ ташлади: паррандалар гиёҳлар оралаб дон чўқир, агути ва қўй-эчкилар ўрмон ёқасидаги яйловда ўтлар эди. У жониворларни бир жойга ўргатиш ва ортидан эргаштирмаслик учун Тартелеттни уларга посбонликка қолдирмоқчи бўлди. Домлага бир неча соат чўпон бўлиш ҳатто завқли туюлиб кетди. Аммо томдан тараша тушгандай савол берди:

– Годфри, башарти сиз у ёқларда ҳалок бўлсангиз, менинг ҳолим не кечади?

– Вой-вўй, бу хусусда қўрқманг, муҳтарам Тартелетт, – унга тасалли берди йигит. – Мен фақат ўрмондан ўтаман ва дарҳол изимга қайтаман. Фақат сиз бу ердан бир қадам ҳам жилманг, илтимос!

– Виль тоғангизга телеграмма беришни унутманг, бизга уч-тўрт юз долларни тезроқ жўнатсин!

– Албатта! Зудлик билан телеграфга кираман, жуда бўлмаса, хат ёзиб юбораман, – дея жавоб қайтарди Годфри.

Тартелетт ўзининг қаерда эканлигини, нимадан умидвор бўлиш мумкинлигини дуруст англаб олмагунча, йигит уни хаёлий умидларидан жудо қилмоқчи эмасди.

Годфри ўқитувчисининг қўлини қисди ва қалин ўрмон ичига кириб кетди. Йўлни эса қуюқ япроқлар



орасидан базўр ўтаётган қуёш нурларига қараб тусмолларди. У шарқий уфққа туташ юксак қирлар томон бораверди.

Оёқ босгудай сўқмоқ йўқ. Гоҳо туёқли жониворларнинг изи кўзга ташланарди. Бир неча марта дарахтлар панасида ўтхўр ҳайвонлар кўрингандай ҳам бўлди: чоғи ё кийик, ё буғу эди. Хайриятки, йўлбарс, қоплон сингари йиртқичларнинг ном-нишони кўринмасди.

Сершоҳ дарахтлар устида юзлаб ёввойи каптарлар, денгиз бургутлари ва қурлар потирлашади. Ранго-ранг тўтиқушларнинг сайраши қулоқни қоматга келтиради, тумшуғи остидаги бир тутам чўткасимон «соқолини» ҳилпиратган болтаютар қуш баланд осмонда чарх уради. Аммо бу қанотли жонзотлар қай минтақага мансуб экани мавҳум ва шу боис Годфрининг қайси кенгликда турганларини аниқлай олиши ҳам мушкул.

Дарахтлар масаласида ҳам шу ҳол. Қўшма Штатларнинг Қуйи Калифорния, Монтерей қўлтиғи ва Янги Мексика ҳудудларини қамраган қисмида ҳам худди шунақа дов-дарахтлар ўсади. Бу ердаги буталардан земляника ва қизил, дарахтлардан эса заранг, оқ қайин, эман, магнолия ва кедрнинг беш-олти хили борлиги Жанубий Каролина ўрмонларининг ўзгинасига ўхшарди. Ортда қолган ўтлоқдаги зайтун ва қора қайинни, буталардан ҳамиша кўм-кўк тамарҳинд, мастика ва мирталарни АҚШнинг мўътадил минтақаси жанубида учратиш мумкин. Дарахтлар ораси кенг бўлиб, ўтиб олиш учун болта ё оловга эҳтиёж йўқ. Денгиз шабадаси дарахтлар учини тебратар, оёқ остида гоҳо қуёш нурлари жилваланарди.

Шуурини довонга тезроқ етиб олиш иштиёқи сеҳрлаб қўйган Годфри ўрмонни қиялаб кесиб ўтаркан,

ногаҳоний хатарлар эсига ҳам келмасди. Йўлни қуёшга қараб аниқлагани боис кўзлаган манзилига тўғри бораётганди. Ҳатто оёқлари остида париллаб олға учаётган гид-қушларни ҳам сезмасди (Улар одатда йўловчилар олдида учгани учун ҳам «гид-қуш» номини олган). Бу ғалати паррандалар гоҳ тўхтаб, гоҳ олға интилиб, гоҳ орқага қайтар, гўё одамзодга йўл кўрсатмоқчи бўларди. Аммо ҳеч нарса Годфрини чалғитолмасди ва нега бунчалар жаҳд билан кетаётгани мутлақо тушунарли эди. Ахир, бир соатга қолмасдан унинг тақдири ҳал бўлади-я! Яна жиндай гайрат қилса бас, ҳаммасини билиб олади: бу ердан биринчи қишлоқ ё шаҳаргача узоқми, яқинми, атрофда одамлар борми, улар билан гаплашса бўладими, йўқми?

Годфри «Дрим»нинг ўн етти кунлик йўлини ва у ёқ-бу ёққа чалғишларни тусмоллаб, шу фикрга келдики, ўзи турган жой Япония ё Хитой қирғоқлари бўлиши даргумон. Бугинамас, сафар давомида қуёш кемага нисбатан муттасил жанубда эди, бундан чиқадики, «Дрим» жанубий яримшар ҳудудига ҳали ўтган эмас.

У икки соат мобайнида беш милга яқин йўл босди, баъзан ўрмон қуюқлиги боис у ёқ-бу ёқдан айланиб ҳам ўтди. Шунга қарамай, адирларнинг иккинчи қаторига яқин қолганди. Ўрмон сийраклашиб, майда дарахтзорларга айланди: қуёш Годфрининг йўлини энди бемалол ёритарди. Оёқ ости тобора нишаблашиб, тез орада тик ёндама бошланди.

Годфри ниҳоятда чарчаган бўлса-да, қатъият билан олға юрар ва қадамлари аввалгидай чапдаст эди. Агар йўл ҳаддан зиёд қия бўлмаганда, оёғини қўлига олиб чопарди. Салдан сўнг яшил ўрмонзор ортда қолиб, у энг азим дарахтлардан ҳам баландлаб кетганди. Йигит ортига қарамасди, унинг нигоҳи аввалгидай ол-

динга – тўрт юз-беш юз фут наридаги яйдоқ чўқкига қадалган. Ана шу тепалик шарқий уфқни ҳамон кўздан яшириб турарди.

– Ўша ёққа! Олга! – ўзига далда берди Годфри. – Ана шу баланд нуқтани забт этишим керак! Чўқкига оз қолди! Аммо у ердан нимани кўраман? Шаҳарними? Қишлоқними?.. Ё дашту биёбонними?..

У қаттиқ ҳаяжонда ёндамага тирмашаркан, потирлаётган юрагини сал тинчитиш учун қўлларини кўксига босиб олганди. У ўта ҳарсиллаб қолди, аммо бирор лаҳза нафас ростлашнинг мавриди эмас, бунга йўл қўёлмасди. Юз футдан озроқ масофа қолди, холос! Яна бир неча дақиқа интилса бас – муродига етади!

Нишаб шунчалар қалтислашдики, қиялик ўттиз-ўттиз беш даражага чиқди! Оёқ-қўллари билан бирдай тирмашаётган Годфри ёндамани то чўқкигача қоплаган мастика ва мирта буталарига ёпишаверди.

Мана сўнгги интилиш! Годфри чўққининг сиртидаги саҳнга чиқди ва шарқ тарафга зеҳн солди-ю, юзтубан йиқилди...

Унинг кўз олдида осмон билан туташиб кетган поёнсиз денгиз ястаниб ётарди.

Годфри ортига ўгирилди...

Ҳамма ёқда сув – гарбу шарқда, шимолу жанубда охири йўқ денгиз, фақат денгиз! Орол!.. Орол!..

Шу биргина сўзнинг ўзиёқ қалб косасини чил-чил синдирарди. Годфри ҳозирга қадар «мен оролдаман» деган хаёлдан ўзини олиб қочарди. Аслида бу гап кўнглидан ўтганди ҳам. У ўзича умид қилган бу манзилни қитъа билан боғловчи хаёлий бўйин бир сонияда йўқ бўлди. Годфри шу тобда кечқурун қайиқда ухлаб қолиб, эрталаб уммонда уйғонган, на рулсиз, на эшкаксиз шўрпешона одамнинг ночор ҳолида эди.

Годфри баҳарнав ўзини қўлга олди. Робинзонлик қисмати манглайига битилгач, иложи қанча? Яқин фурсатда кимнингдир қутқаришидан умид қилиш эса беҳуда. Фақат ўзига ишониши, ўзининг топқирлиги ва матонатига суюниши мумкин, холос.

Кесик конус шаклидаги чўққига қадар оролнинг маркази ўрмон билан қопланганди. Ёнбағир бўйлаб қарама-қарши тарафдаги соҳил бўйига тушиб борса бўларди.

Оролнинг қолган жойлари сайхонлик бўлиб, у ер-бу ерда дарахтзорлар, кумлоқлар кўзга ташланар, қаққайган қоялар сафи денгизгача чўзилиб, бурун каби сувга бўртиб чиққанди. Қирғоқни ёриб кирган бир неча мўъжаз бухталар ҳар бири икки-учтадан балиқчилар қайиғига бошпана бўла оларди. Фақат «Дрим»нинг бошига етган қўлтиқ каттароқ бўлиб, кенглиги етти-саккиз мил чиқарди. Аммо бу ерда ҳеч қандай кема шамолдан, айниқса, шарқий шамоллар тажовузидан қутулолмасди.

Бу қандай орол бўлди? Унинг жуғрофий ўрни қанақа? Қай бир архипелагга дахлдорми ё бир ўзи Тинч океанида ёлғизгина сўппайиб турибдими? Ҳар ҳолда кўз илғайдиган масофа фақат поёни йўқ сувдан иборат: на катта ва на кичкина, на теп-текис ва на тоғу тошлардан иборат орол кўринмайди. Годфри яна қаддини ростлаб, уммону осмон уйқашган олис уфққа синчиклаб назар солди ва сувдан бўлак ҳеч нимага кўзи тушмади. Агар шамолга терскай тарафда орол ё қитъа бўлган тақдирда ҳам, унинг жуда-жуда олисда экани ҳақиқатга яқинроқ.

Шунда йигит жуғрофия бўйича ўзининг бор билимини ишга солиб, орол жойлашган нуқтани аниқламоқчи бўлди. Унинг мулоҳазаси қуйидагича эди:

«Дрим» ўн етти кунлик сузиш мобайнида жануби-ғарбий йўналишдан айтарли чалғиб кетган эмас. Бир кеча-кундузда бир юз йигирма-бир юз эллик милдан йўл босганда, 150-меридиан атрофига етган бўлиши лозим эди. Иккинчидан, кема экваторни кесиб, жанубий яримшар ҳудудига ўтиб кета олмагани аниқ. Бинобарин, икков турган манави ер якка орол ёхуд архипелагдаги ороллардан биттаси бўлса, демак, 160 ёки 170-даража шарқий узунлик оралигида жойлашган бўлиши мумкин.

Агар Годфри унутмаган бўлса, Тинч океанининг шу ҳудудида Сандвич оролларида<sup>1</sup> бўлак архипелаг йўқ. Бироқ у ёғи Хитой тупроғига бош урадиган уммондаги майда-чўйда оролларнинг саногини Худодан бошқа ҳеч ким билмайди. Ана энди ўзинг қаерда турганингни аниқлаб кўр-чи!

Дарвоқе, ҳозир бунинг бир пуллик ҳам аҳамияти йўқ. Чунки, Годфри бошқа бирор «мусофирпарвар» орол топишни нечоғлик хоҳламасин, бир қадам нарига жилолмайди-ку!

– Садқаисар, – деди у ўзига-ўзи, – модомики, бу ернинг номини биломас эканман, севгилим хотирасига Фина ороли деб номлай қоламан. Дунё бўйлаб дайдиш қутқусида шундай гўзалнинг висолидан юз ўгирдим, ахир.

Оролнинг Годфри етиб боролмаган тарафида оҳоли бор-йўқлигини ҳам билиб қўйиш зарур эди.

Конустепа устидан кўринишича, маҳаллий халқнинг ўйларидан асар ҳам йўқ: на прерияда иморат, на ўрмон четида кулба ва на соҳил бўйида балиқчилар ҳужраси кўзга ташланмасди.

---

<sup>1</sup> Сандвич ороллари – Гавайи оролларида эски номи.

Денгиз ҳам оролдан баттар кимсасиз: нигоҳ етган сув-ли маконда кема деган нарсанинг қораси кўринса-чи!

Тадқиқот поёнига етган, Годфрига энди довондан тушиш ва Тартелетт кутаётган ўрмон ёқасига қайтишдан ўзга чора йўқ эди. У шу қарорга келганди ҳамки, прериянинг шимолий четидаги бир тўплам азим дарахтлар диққатини тортди. Годфри ҳозиргача бунчалар баҳайбат дарахтларни кўрмаганди.

– Ана шу жой бизбоп экан, – овоз чиқариб ўйларди у. – Худди ўша ердан ўзимиз излаган «ётоқхона»ни топамиз, бугинамас, чоғи анҳорга ҳам кўзим тушди, ўртадаги адирлар тизмасидан чиқиб, водийни кесиб ўтаркан. Эртанги кунни шу масалага бағишлаб, ўша ёқларни бир кўздан кечирамиз...

Жануб томонда бир қадар ўзга манзара: ўрмон ва прерия унча катта эмас, уларнинг тевараги фақат қумлоқдан иборат бўлиб, аҳён-аҳёнда ҳайкалсифат қоялар кўзга ташланарди.

Лекин тўсатдан Годфрининг эси оғиб қолаёзди – харсанглар ортидан заиф тутун чиқаётганди! У бақириб юборди:

– Наҳотки! Наҳотки, кемадаги ҳамроҳларимиздан кимлардир омон бўлса-я! Йўқ! Ахир бунга ақл бовар қилмайди! Риф билан тутун кўтарилаётган жойнинг ораси шунчалар олиски, кечадан буён бунчалик масофани босиб ўтиш мумкин эмас! Балки, у ерда балиқчилар ё маҳаллий аҳолининг қишлоғи бордир?

Ўша томонга муттасил жавдирайвериб, Годфрининг кўзлари тиниб кетди. Тутунни чиндан ҳам кўрдими ёки шамолда улоқиб юрган бир тутам булут эдими?.. Бу ерда янглишиш ҳам қийинмас... Лекин нима бўлганда ҳам бир кўринган билинар-билинемас тутун ҳавога сингиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлганди.

Годфрининг косаси ҳам дарҳол чил-чил синди!

Йигит денгизга сўнги бор термулди, яна ҳеч нима кўринмагач, тарвузи қўлтиғидан тушди. Кейин тепаликдан аста-секин тушиб, қалин дарахтзор ичига кириб кетди ва бир соатда ўтлоққа етиб борди.

У ерда Годфрига чўпон вазифасини бажарувчи рақс муаллими пешвоз чиқди. Домла бу орада не ишлар билан андармон бўлдийкан? Ҳа-а, ўша аввалги юмуш. Олов ҳосил қилиш учун икки бўлак шохни бир-бирига ишқалайверган. Ушбу хусусдаги домланинг ғайрати бошқаларнинг андоза олишига ҳам арзирди.

– Нама гап? – Годфрини узоқданоқ сўроққа тутди Тартелетт. – Телеграфни топа олдингизми?

Годфри ҳақиқатни ошкор қилишга ботингани йўқ:

– Берк экан.

– Почта-чи?

– Почта ҳам ёпиқ... Олдин тушлик қилайлик... Ҳозир очимдан ўлиб қоламан!.. Кейин ҳаммасини айтиб бераман...

Дастурхонга мўл-кўл ғамланган хом тухум ва чиғаноқли шиллиққурт тортилдики, ноилож қолган Годфри билан унинг йўлдоши камтарин тамаддига қаноат қилишди. Годфри Тартелеттни ишонтиришга уриниб таъкидлади:

– Бағоят фойдали таомлар!

Аммо раққослар устози индамаган эса-да, бу фикрга икки дунёда ҳам қўшилмасди.

## ЎН БИРИНЧИ БОБ

### Қаҳрамонларимиз бошпана топмоқ қайғусини чекканлари ва алалоқибат ушбу муаммони рисоладагидай ҳал этганлари хусусида

Кеч кириб бораётганди. Годфри жон сақлағудай бир бошпана излашни эртанги кунга қолдирди. Рақс муаллими эса бугунги сафар натижаларини суришти-равериб ҳол-жонига қўймасди. Ахийри, Годфри бор ҳақиқатни очиқ айтди:

– Биз оролга, яъни Фина оролига тушиб қолганмиз. Бу ердан кетиш ҳақида ўйлаш қочмайди, устоз, аммо ундан аввал ўлмай қолиш, лоақал дастлабки кунлардаги тирикчилик тўғрисида қайгурмасак асло иложи йўқ.

– Орол! – хитоб қилди Тартелетт.

– Ҳа-а... Орол!

– Демак, ҳамма ёғимиз денгизми?

– Шак-шубҳасиз!

– Қанақа орол?.. Номи...

– Сизга айтдим-ку... Фина ороли... Нега бундай номлаганимнинг сабаби ўзингизга аён, албатта.

– Фи... Фи... – чайналди Тартелетт афтини бужмай-тириб, – сираям ўхшашлиги йўқ... Мисс Фина ва сув билан қуршалган орол...

Ана шу қайғули суҳбатдан кейин Робинзонларимиз олдида мутлақо ачинарли вазиятдаги иккинчи кечани ўтказиб олиш кўргилиги турарди. Годфри яна тухум ва шиллиққурт ғамлаш учун серқоя бурун томонга йўл олди. Зеро, бошқа егулик топишдан умид йўқ. Бир нав кавшаниб олгач, бурнидан тортса йиқилгудай чарчаган Годфри кечаги дарахт тагига таппа ташлади ва донг қотиб ухлаб қолди. Тартелетт



эса бошига тушган кулфатни ҳамон ҳам қилолмай, гуссага чўмганича у ён-бу ён ағдарилиб, алламаҳалга қадар кўз юмгани йўқ.

Эртаси куни, яъни 28 июнда ҳалокат қайғудошлари азонда уйғониб олишди. Нонушта дастурхони ғариблиқда кечаги «тўкинлик»дан на кам, на ортиқ эмасди. Шукрки, эчкилардан бири «марҳамат қилиб» соғдирди ва бу тонг анҳор суви эмас, жиндайгина сут ичилди.

Эссизгина-я, муҳтарам Тартелетт! Ажиб таъмли анвойи гроглар, портвейнлар, ликёрлар, херес ва коктейллар<sup>1</sup> қани энди? Тўғри, у ичмасди, аммо Сан-Францискодаги исталган ресторан ё барга буюртма бериб, бу нарсаларни олдириш мумкин эди-да! Мана шу тобда у товуқ ва эчкиларга ҳавас қилиб ўтирибди, зеро, бу жонзотлар на спиртли ва на яхна ичимликларга мазахўрак бўлмаган. Фақат Худонинг совуқ сувига қаноат қилиб ўрганган! Ҳа, оёқлари остидаги ризқи билан умргузаронлик қилиб, на қайнатилган ва на қовурилган насибага эҳтиёжи йўқ ҳайвонларга унинг ҳаваси келаётганди. Бу бахтиёр махлуқларга илдиз-пилдиз, дон-дун ва ўт-ўлан кифоя, зумрабранг «дастурхон» ҳамиша муҳайё.

– Қани кетдик! – дея унинг хаёлларига раҳна солди Годфри.

Икков йўлга тушарканлар, улардан айрилишни мутлақо истамаган уй ҳайвонларидан иборат кузатувчилар карвони ҳамроҳлик қиларди.

Годфри кеча назари тушган шимолий соҳилдаги баҳайбат дарахтлар теварагини кўздан ўтказишни кўнглига тукканди. Денгиз тўлқинлари «Дрим»

---

<sup>1</sup> Гроглар, портвейнлар, ликёрлар, херес ва коктейллар – ичкиликлар номи. (Таржимон изоҳи – Р.У.)

экипажидан кимнингдир мурдасини қирғоққа чиқариб ташлаган бўлиши мумкин. Уларни дафн қилиш – Годфрининг бирламчи бурчи. Ўша ердан фарқ бўлган кеманинг қолдиқлари топилиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Омон қолган бирор кишини учратишдан эса умид йўқ. Негаки ҳалокатдан сўнг ўттиз олти соат ўтиб кетди.

Қумтепаларнинг биринчи қатори тезда ортда қолди. Годфри ва рақс муаллими серқоя бурунга етиб бордилар, аммо у кечагидай кимсасиз. Ҳар эҳтимолга қарши егуликни ҳам шу ердан ғамлаб ола қолишдики, шимолий соҳил бўйида тухум ва чиганоқлар йўқ бўлиши мумкин эди. Сўнгра охириги тўлқин улоқтирган тарам-тарам сув ўтлари тўла қирғоққа яна бир карра термулиб, йўлда давом этдилар.

Водариғ, ҳеч вақо йўқ! Ҳеч ерда йўқ!

Тан олиш жоизки, «Дрим»даги икки йўловчини Робинзонларга айлантирган бераҳим қисмат буларга шунчалар зулм қилдики, олдинги Робинзонларни бунчалар қийнаган эмасди. Аввалгиларга кеманинг қақир-қуқурларидан бир нималар насиб этганди. Улар бирламчи рўзғор анжомларидан ташқари, ҳатто кеманинг ёғоч-тахталаридан ҳам фойдаланишган. Бурунги Робинзонлар егуликлар, меҳнат қуроллари, уст-бош, ҳатто милтиқлар билан сийланган бўлиб, қўйингчи, лоақал фақирона яшагудай имконлари бор эди. Бу ерда унақа шароитни етти ухлаб тушингда кўрмайсан! Пароход савил зим-зиё тунда чўқди-кетди, денгиз юзида зирапчадай асари қолгани йўқ! Икков шўрликка ҳеч нарса буюрмади, оддийгина гугурт-ни айтинг – ҳозир ниҳоятда асқотарди...

Шинамгина оромхонасидаги ловуллаган камин рўпасида ялпайган дарди йўқ бир жаноб бу ҳолга мийиғида кулиши ва шундай йўл ўргатиши ҳам мумкин:

– Ахир, ўт ёқиш хамирдан қил суғургандай оппа-осон-ку! Бунинг минг-минг усулини ўйлаб топишган! Яъни масалан, иккитагина тош!.. Жиндайгина тез ёнадиган тутантириқ, дейлик, хас-хашак! Жа-а бўлма-са, латта-путта... Аммо уни ёндириш... Жилла қурса, чақмоқтош ўрнига пичоқ ҳам ярайверади... Ёхуд икки дона қуп-қуруқ калтак, бирини-бирига тўхтамай иш-қайверасиз, ишқайверасиз... Полинезияликлар худди шунақа қилишади-да!..

– Марҳамат, ўзлари амалда бир кўрсатиб қўйсинлар-чи! – дейдиган одам қаёқда дейсиз...

Годфри олға бораркан, миясида ана шу ўй гужгон ўйнарди. Зеро, айна дамларда йигит учун бундан-да мушкул муаммо йўқ эди. Дарҳақиқат, бир илож қилиб ўт ёқса бўлармикан?

Қачонлардир Годфри ўзи ҳам кўркам хонадаги ис-сиқ камин рўпарасида сайёҳлар ва саёҳатлар ҳақидаги қизиқ китоблар мутолаасига берилиб, паришонлик билан чўғларни титиб ўтирган. Ўшанда у ҳам анави хаёлий жаноб мисоли фикрларди. Мана кимсасиз оролга тушиб, шу тобда ўзи амин бўлдики, ҳаёт – бошқа, хаёл – бошқа: оддийгина чўғ топиш ҳам мураккаб муаммога айланиши мумкин экан.

Годфрининг фикри-зикри шунақа ўйлар билан банд, унинг ортида эса чорва парваришини гарданига олган Тартелетт пайпасланиб борарди. Раққослар муаллими ҳар замонда паррандаларни ёнига чақириб, қўй-эчки ва агутиларни чинакам чўпон мисоли бинойидай ҳайдаб келарди.

Кутилмаганда Годфри ҳамма шохлари шигил ме-васидан ларзон, майда-майда олмалар осилиб турган буталарни кўриб қолди, қумтепа этагида тўкилиб ёт-ганлари ҳам беҳисоб эди. Йигит эслади: бунинг номи

– манзанилла, Калифорниянинг баъзи жойларида ҳиндулар уни овқат ўрнида суюб истеъмол қилишарди.

– Худога шукр! – ҳовлиқиб кетди у. – Энди тухум ва чиганоқдан бўлак егуликни ҳам кўрадиган бўлдик.

– Наҳотки, шуни еб бўлса? – сўради Тартелетт ҳар доимгидай афтини бужмайтириб.

– Нега бўлмас экан? – деди Годфри ва бир дона манзаниллани узиб олди-да, ҳузур билан ея бошлади.

Бу хийлагина нордон ёввойи олма бўлиб, унга ширин татиб кетганди. Домла ҳам ундан андоза олди ва чоғи кўнгли хуш бўлди. Годфрининг миясига бу мевалардан шарбат олинса чанқовбосдига сувдан кўра бопроқ бўлиш фикри келди.

Йўловчилар олма хусусида вақтлари чоғ ҳолда олға интилишди. Қумтепалар ортда қолиб, ўртасидан анҳор оқиб ўтувчи прерия бошланди. Буни Годфри кеча чўққи устидан кўрганди. Нарироқда эса йигитни қизиқтираётган баҳайбат дарахтлар савлат тўкиб турарди. Тўрт соатлик йўл давомида силласи қуриган сайёҳларимиз унга қадар яна тўққиз милдан ортиқ масофани босиб ўтиб, тушдан кейингина етиб олдилар.

Оролнинг бағоят жозибадор, манзараси қалбни яйратадиган бу қисми кўзни қувонтирарди. Яшаш учун бундан бўлак монанд жой топиш амри маҳол.

Манзанилла ва бошқа буталар ўсган ўтлоқ ўртасида йигирматача улкан дарахт булутларга бўй чўзиб турарди: улар игнабарглилар турига кириб, бунақасини Калифорния ўрмонларида ҳам учратиш мумкин. Дарахтзор ёй шаклида бўлиб, пойига гўё зангори гилам тўшалган. Яшил майдон анҳор бўйлаб бир неча юз одим масофани эгаллаган ва бора-бора қумлоқ те-кисликка туташиб кетарди. Дарахтларнинг бу хилини инглизлар веллингтониялар дейишса, америкаликлар вашингтониялар деб ном қўйиб олишган.

Бу икки инсоннинг ўзаро тафовути ҳаммага аён. Бироқ дарахтларнинг номи Ватерлоо жангида зафар қозонган совуққон қўмондонни<sup>1</sup> ё Америкада республика тузумининг таниқли асосчисини<sup>2</sup> эслатадими-йўқми, бундан қатъий назар, булар Калифорния ва Невада ўсимлик дунёсининг энг ҳайбатли вакили экани аниқ.

Тилга олинган штатларнинг ҳар хил жойларида бунақанги улкан дарахтлар бутун-бутун ўрмонларни қоплаган. Чунончи, Марипоза ва Калаверада бўйи уч юз футдан кам бўлмаган, танасининг айланаси олтамиш-саксон фут чиқадиган гигантлар бор. Иоземит воҳасида маълум ва машҳур айланаси юз футга яқин битта дарахтни яқинда кесиб олишди. Ўша секвойянинг баланд шохлари ердан тўрт юз фут юқори бўлган, бошқача айтганда, у Страсбургдаги Мюнстер ибодатхонаси билан бўйлаша оларди. Бундай ваҳимали рекордчи дарахтлардан анча-мунчасини таъриф қиладилар. Шунақа секвойялардан бири йиқитилгач, тўнкасининг сирти маҳаллий аҳолининг саҳнасига айланибди ва унинг устида раққослардан ўн беш-йигирма йигит-қиз жуфтлашиб, гир-гир айланишаркан. Аммо асл гигант, азаматларнинг ҳам азамати «Ўрмонлар волидаси» номини олган кўҳна секвойя эди. Мерфидан ўн беш мил нарида улғайган тўрт минг ёшли бу дарахт штат аҳлининг ифтихорига айланиб кетганди. Ўша «паҳлавон»нинг қадди-қомати тўрт

---

<sup>1</sup> Артур Веллингтон (1769–1852) – англиялик саркарда, Наполеон узил-кесил мағлубиятга учратилган Ватерлоо жангида (1815 йил) галаба қозонган қўмондон.

<sup>2</sup> Жорж Вашингтон (1732–1799) – Шимолий Америкадаги Англия мустамлакаларида мустақиллик ҳаракати бошланган даврлардаги таниқли арбоб, АҚШнинг биринчи президенти.

юз эллик футга етган. Инчунин, «Ўрмонлар волида-си» Римдаги Авлиё Пётр ибодатхонасидан ва Жийза эхромидан ҳам «новча» эди. Бугинамас, ўша дарахт олдида жаҳондаги энг баланд иморат ҳисобланувчи Руан жомесининг<sup>1</sup> қўнғироқхона минораси ҳам «пака-налик» қилади.

Табиатнинг ақл бовар қилмас шўхликлари ал-мисоқда «пахлавонлар» уруғини оролга келтириб ташлаган. Дарахтларнинг энг улуғвори тахминан уч юз футга бўй чўзган, «чувакроғи» – икки юз эллик фут. Ўта қартайгани туфайли айрим дарахтларнинг эти чириган ва суворийларнинг бутун бир тўдаси бе-малол ўтаверадиган аркли дарвоза ҳосил бўлган.

Годфри табиатнинг бунчалар камёб азаматлиги олдида донг қотди: одатда бундай дарахтлар денгиз сатҳидан уч-уч ярим километр баланд ерларда ўсар-ди-да. У ҳатто бунчалар ноёб манзарани кўришнинг ўзи ҳар қандай олис саёҳат ва саргардонликларга арзийди деб ўйларди. Чиндан ҳам илдизидан илк шохларига қадар деярли ингичкалашмай баландлаб борган, оч жигарранг тусли зилдай сарвқомат устун-ларнинг оламда бошқа бирор ўхшаши бормикан? Бу цилиндрсимон табиий устунлар саксон-юз футга чиқибгина шохлай бошлаган. Шохларнинг йўғонли-ги ҳам танасича келардики, осмонга қараб, гўё муал-лақ бир ўрмонни кўргандай бўласиз.

Гигант секвойялардан бири, тўғрироғи уларнинг энг каттаси Годфрининг эътиборини тортди. Унинг оғзи очиқ катта коваги бўлиб, кенглиги тўрт-беш

---

<sup>1</sup> Муаллифнинг бу тасдиғи аллақачон эскиргани ўқувчига аён. «Робинзонлар мактаби» чоп этилганидан сўнг кўп ўт-масданоқ Руан жомесидан баландроқ биноларнинг бир неча-си қурилганди.

фут, баландлиги ўн футча эди ва ичига бемалол кириб олса бўларди. «Паҳлавон»нинг чириган ўзаги оппоқ кукунга айланиб тўкилиб битган, ўта қалин пўстлоққа ёпишган ички ёғоч қатламигина унинг қаддини тиклаб турган бўлса-да, бу азамат яна юз йиллаб яшаши мумкин.

– Гор ё унгур топилмаса ҳам манави ковак бизнинг кулбамиз бўлади энди! – қийқириб юборди Годфри. – Бизнинг ёғоч уйимиз, унга муносиб тикланган минораси ҳам борки, бунақаси аҳоли орасида топилмайди. Кирдик, Тартелетт, кира қолайлик!

Йигит дарров ҳамроҳининг қўлидан тутиб, секвойянинг ичкарасига бошлади.

Инглиз ўлчамида диаметри камида ўн футлик оёқ ости чиринди кукуни билан қопланган, қоронғи бўлгани учун ички «гумбаз»нинг баландлигини чамалаш мушкул, ичкарига заррача қуёш нури ўтолмасди. Демак, пўстлоқ-деворнинг тирқиши ё тешиги йўқ, шу боис шамол ва ёмғирдан хавфсирамаса ҳам бўлади.

Шундай қилиб, бизнинг Робинзонлар анчагина яроқли шароитга эга бўлишдики, об-ҳаво инжиқликлари энди уларни асло қўрқитолмайди. Ҳар қандай гор ҳам бунчалик мустаҳкам, қуруқ ва бехатар паноҳ бўлолмасди, албатта. Гап йўқ, бундан афзал жой бўлиши мумкин эмас!

– Айтинг-чи, Тартелетт, ушбу табиий бошпанамиз хусусида фикрингиз қандай?

– Зўр! Аммо камин қани?

– Печка ҳақида гапиришдан олдин олов топишимиз керак-ку!

Устоз бу мантиқли таъкидга қарши эътироз билдиролмади.

Годфри тевааракни кўздан кечиришга отланди. Олдин айтганимиздек, прерия дарахтзорларга деярли туташиб кетганди. Илонизи анҳор ям-яшил сайҳонликни кесиб ўтиб, бу хафагазак жойларга хушхаволарни ҳайдаб келарди. Унинг икки қирғоғида ўсган мирта, мастика, манзанилла каби ёввойи буталар Робинзонларнинг ёввойи мевага бўлган эҳтиёжига яраб турарди, албатта.

Сал нарида эман, қайин ва сикоморлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўсган экан. Кунчиқар чоғи сояси денгиз лабигача узайиб кетадиган баҳайбат дарахтлар олдида улар бутани эслатарди. Прерия бошдан-оёқ майда-чуйда дов-дарахтлар билан қопланган бўлиб, Годфри эртага ўша тарафларга ҳам бир назар солишни режалаб қўйди.

Бу жаннатмакон жой фақат йигитгамас, уй ҳайвонларига ҳам ёқиб тушди: егулик мўл-кўл ўтлоқлар ўша ондаёқ уларнинг тасарруфига ўтди. Товуқларга келсак, дарҳол ариқ бўйидаги дон-дун, курт-қумурсқаларни чўқий кетди. Кимсасиз заминнинг сукунатига маъраш, қақоғлаш ва туёқлар дупури барҳам берди. Ҳаёт ҳаётлигини кўрсатади-да!

Годфри секвойяга қайтиб, ўз уйига айлантирмоқчи бўлган дарахтга яна бир қарра разм солди. Унинг илк шохлари ердан жуда баландда эдики, ташқаридан унчалик юқорига чиқиш имконсиз. «Ковак ўша ергача давом этса, эҳтимол ичкаридан чиқиш мумкиндир?» – кўнглидан ўтказди йигит.

Юқоридаги ана ўша қуюқ ва бақувват шохлар ҳар қандай хавфдан асрай оларди, қолаверса, ковакнинг ўзи ҳам ишончли бошпана эди.

Бу орада кун оғиб, қуёш олис уфққа бош қўйиш ҳаракатига тушиб қолгандики, «уй»ни рисоладаги ҳолга келтириш эртагача кечиктирилди.



Кечки хўрак ортидан ҳазми таом ўрнида ёввойи олма истеъмол қилган сайёҳлар оёқларини узатишди. Секвойя ковагини қоплаган пўкак кукуни ухламоқчи бўлган кишига ўта қулай бўлиб, бундан ҳам аълосини топиш осонмасди.

Анъанага кўра америкаликлар азим дарахтларга Қўшма Штатларнинг буюк фуқароларидан бирортасининг номини қўйишарди. Годфри бу хусусда истисно йўлини тутди ва ўзини саёҳатга жўнатган Виль тоғасини шарафлаб, «пахлавон» секвойяга «Виль-три»<sup>1</sup> номини берди.

## *ЎН ИККИНЧИ БОБ*

### **Яшин тушиши айни муддао бўлгани хусусида**

Вазият инсондан кучлироқ. Илгари беғам, парвойи палак, қувноқ кун кечирган, тегараги тўкис йигит бошига иш тушгач, мутлақо бошқа инсонга айланди. У яшаган муҳитда эртанинг ташвиши бугунги оромни ҳеч қачон бузган эмасди. Монтгомери-стритдаги ҳашаматли кошонада унинг ўн соатлик уйқусини буза олувчи ҳеч қандай куч йўқ эди.

Энди бари остин-устун бўлиб кетди. Годфрининг аҳволи бағоят мушкул: дунёдан буткул узилган кимсасиз оролга тушиб қолди, ёлғиз жонидан бўлак ҳамдарди йўқ, даҳшатли вазият билан рўбарў туришга мажбур. Бундай шароитда ундан минг карра тажрибалироқ киши ҳам ўзини йўқотиб қўйиши ҳеч гапмас.

Қанийди, «Дрим»га нелар бўлганини била олсалар. Аммо олис оролда яшашга маҳкум этилган ик-

---

<sup>1</sup> Vill-Tree (инглизча) – Вилнинг дарахти.

китагина инсоннинг қўлидан нима ҳам келарди? Бу орол поёни йўқ уммонда шунчалар миттики, сомон гарамидеги игна ёки денгиз тубидеги бир дона қум деяверасиз. Кольдеруп тоғанинг ҳисобсиз бойлиги ҳам айни ҳолатда мутлақо ожиз.

Ковакдаги “уй” баҳарнав қулай бўлса-да, Годфри тун бўйи кўз юмгани йўқ. Аламли ўй-хаёллар миясини ғовлатади: бой берилган кечаги бахтли кунлар армони жонини азоблаганича бугунги бетайин аҳволига уйқашади ва яна ҳам даҳшатангиз эртанги кулфатларга етаклайди. Бу бешафқат синовлар қўлини совуқ сувга урмайдиган муҳитдаги ғофил тафаккурини аста-секин уйғотди. Годфри бошига тушган қийинчиликларга қарши бор кучини ишга солишга, кулфат тўла вазиятдан чиқиш йўлида ортга чекинмасликка жазм қилди. Агар бунга эришолсайди, бундай сабоқ умр бўйи асқотарди.

Йигит кулбани эпақага келтириш ниятида тонг чоғи ўрнидан қўзғолди. Қолаверса, озиқ-овқат топиш ва тайёрлаш муаммосини ҳам узил-кесил ҳал қилиб олмаса бўлмасди. Сўнгра рўзғорга керакли бирламчи ашёлар, масалан, асбоб-анжом ва қуроли хусусида ўйлаб кўриш зарур. Уст-бошларга келганда, бир куни эгниларида кийимлар тўкилиб битгач, иккала Робинзон Полинезия ороллари аҳлининг «мода»сида – ширьяланғоч юрадиларми?

Дунёни сув босса, тўпиғига чиқмайдиган Тартелетт эса тош қотиб ухлаш билан овора. Қоронғида ўзи кўринмаса ҳам гулдурос хуррагидан шу ерда эканини билиб олаверасиз. Кема ҳалокатига гирифтор бўлган бу шўрлик қирқ беш ёшида ҳам ўқувчи бола мисоли думбул табиатлигича қолгандики, манави шароитда фойда келтиришгамас, оёққа тушов бўлишга «хиз-

мат» қиларди. Ахир, Годфри ҳар доим домласи учун ҳам қайғуришга мажбур. На чора? Кулфатдош шерингни тақдир ҳукмига ташлаб қўйиш мумкинми? Гапнинг пўст калласини айтганда, ундан ақалли ўргатилган итчалик наф бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда онгли бир мавжудот эди (Аслида ит ҳам лоақал буйруқ бажаришни эплайди, эгаси учун жонидан кечишга тайёр). Аммо Тартелетт овсар бўлса-да, суҳбатлашиш қўлидан келарди (албатта, фақат икир-чикирлар ҳақида), гоҳо тақдирнинг жабр-зулми хусусида ҳасратлашишга ҳам ярайди. Энг афзали шуки, Годфри инсон овзини эшита олади, бу – рақс муаллимининг буюк хизмати-да! Барибир ҳам Тартелетт Робинзон қошидаги тўтиқушдан ақллироқ-ку! Айнан у борлиги шарофати билангина Годфрини ёлғизлик азоби қаттиқ қийнамасди. Зотан, унинг бугунги ҳолида истиқболидаги ёлғизликдан ортиқроқ бахтсизлик бўлиши мумкин эмасди!

«Робинзон Жумавой билан ва Жумавойсиз Робинзон: бунинг тафовути ер билан осмонча бор!» – дерди Годфри ўзича.

Лекин ўша 29 июнь тонгида йигит учун танҳолик бағоят маъқул эдики, у секвойялар кўкка бўй чўзган жойни яхшилаб кўриб олишни кўнглига тукканди. Эҳтимоли йўқ эмаски, қандайдир мева-чева ёки оғизга солгудай илдиз топиб, рақс муаллимининг гўдакдай қувонишига сабабкор бўлса. Хуллас, Тартелеттга кўнгли тусаганича ухлаш имтиёзини ҳавола қилган Годфри йўлга тушди.

Соҳил ва денгиз ҳамон туман бағрида, бироқ шимол ва кунчиқар томонлар қуёш нурлари билан хийла равшан тусга кирганди. Бу ҳаво очиқ бўлишидан дарак берарди.

Годфри бақувват бир таёқ билан қуролланиб, соҳилнинг денгизга туртиб кирган нотаниш қисмини мўлжаллаб бораверди. Икки милга яқин юргач, дам олишга тўхтаб, ажойиб устрица ва истеъмолга яроқли бошқа чиганоқлар билан нонуштага уннади.

– Ҳар ҳолда бу ерда очдан ўлмайсан, – дерди у ўзига-ўзи. – Устрицалар мўл-кўл ва бунақа егулик энг хастаҳол ошқозонни ҳам қийнамаслиги аниқ! Агар Тартелетт норози бўлаётган экан, бу унинг шиллиққуртларни умуман хуш кўрмаслигидан, холос. Ҳеч қиси йўқ, ҳали кўникиб кетади, ҳатто яхши кўриб қолади! – дея таскин топди у.

«Менимча, чиганоқни ҳам етарли миқдорда тановул қилинса, тўқ тутишда нон ва гўшздан кам бўлмаса керак, – деб ўйларди Годфри. – Ҳазми енгил ва мутлақо хавфли эмас, албатта, меъёрдан ортиқча истеъмол қилинган ҳар қандай овқат каби ҳалак қилиши ҳам тайин».

Нонуштадан кейин Годфри таёғини тутди-да, анҳорнинг ўнг ёқаси бўйлаб жануби-шарқ томонга жўнади. Прерияни кесиб ўтган унинг йўли саф-саф ўсган буталар қаторига, ундан сўнг кеча кўзи тушган ва бир айланишни ният қилган гуруҳ-гуруҳ дарахт-зорларга олиб бориши лозим эди.

Йигит оёқ остидаги ипак гиламдай қалин ўт-ўланлар оралаб, яна икки милга яқин масофани босиб ўтди. Инсон тажовузидан безовталанган денгиз қушлари шовқин солиб, унинг атрофида чарх урарди. Анҳорнинг зилол сувида турли-туман балиқлар билтанглайди. Ариқ бу ерларда кенгайиб, тўрт-беш ярдча бор эди.

Демак, балиқ овлашдан осони йўқ экан. Аммо уни пишириш-чи? Олов муаммоси ҳанузгача ечилган эмас!

Бутазорга ортиқ уринмай етиб олган Годфрини қувончли топилма кутарди: бу ерда икки хил мева ё илдиз бўлиб, бирини хомича еб бўлмаса-да, бошқаларини пиширмай истеъмол қилса ҳам бўларди. Бу ўсимликлар Америка ҳиндулари орасида кенг тарқалган тирикчилик манбаи ҳисобланарди.

Уларнинг «камас» деб номланадиган биринчиси ҳар қандай заминда, ҳатто бошқа ҳеч нарса битмайдиган нобоп тупроқда ҳам ўсаверади. Унинг пиёзга ўхшаш илдизмевасидан ун тайёрланади, хамири пишиқ, нони тўйимли бўлади. Бундан ташқари қовурилган ё ўтда пиширилган тарзда картошканинг ўрнини боса олади.

Илдизмеваларнинг «ямс»<sup>1</sup> дейилувчи бошқа бири камас каби тўйимли эмас, аммо ундан кўра муҳим афзаллиги бор: ямсни пиширмай ейилаверади.

Кашфиётидан терисига сизмай кетган Годфри бир лаҳза ҳам пайсалга солмасдан ямс деган мўъжизани тотиб кўрди ва бир дастасини Тартелетт домлага илинди, ҳадяни елкасига ташлаб, дарҳол изига қайтди.

Илдизмеваларни кўриб, иштаҳаси карнай мисоли очилиб кетган рақс муаллими йигитни қучоқ очиб қаршилади ва егуликка очофатларча отилдики, Годфри уни тутиб қолишга мажбур бўлди.

– Менга халал берманг, Годфри! – ўтинди Тартелетт. – Манави илдизлар бугун бор, аммо ким билсин, эртага-чи?

– Эртага, индинга, ҳар куни, исталган соатда муҳайё! Борсак, узиб олсак бас!

– Жуда зўр! Анави камасларни нима қиламиз?

---

<sup>1</sup> Ямс – илдизмеваси крахмалга бой ўсимлик, картошка ўрнида истеъмол қилинади. Асосан тропик минтақада ўсади.

– Улардан ун тайёрлаймиз, олов топилгач, нонларни пиширамиз.

– Олов! – нола қилди раққослар домласи гамнок қиёфада бош чайқаб. – Олов! Биз уни қаёқдан ҳам олардик, Годфри?

– Ҳозирча бунни айтишдан ожизман, домла, лекин бир иложини топиб, барибир ўт ёқамиз-да!

– Афсус, азизим Годфри! Бўлак инсонларга олов ҳосил қилиш учун биргина лаҳза, гугуртнинг битта чирқиллаши кифоя эканини ўйласам, эсим оғиб қоляпти. Бунчалар аҳмоқона вазиятга тушиш етти ухлаб, тушимга кирган эмас! Ахир, Монтгомери-стритда лабига сигарасини қистирган ҳар қандай жентльмендан бир оғиз сўранг, у дарҳол бир гугуртни қутиси билан узатади... Бу ерда-чи?

– Бу ер на Сан-Франциско ва на Монтгомери-стрит эмас, ҳурматли Тартелетт, иннайкейин, ўткинчиларнинг илтифотидан умидвор бўлиш ҳам беҳуда...

– Аммо айтинг-чи, ҳадеб нонни пишириш ва гўштини қовуриш устида нега гам чекишга мажбурмиз? Нима учун Худо бизни ҳаво билан тирикчилик қилаверадиган ҳолда яратмаган, а?

– Қачонлардир ана шунга ҳам етамиз, – деди Годфри мийиғида кулиб.

– Сиз шунга ишонасизми?

– Ҳа. Ҳар ҳолда олимлар айни муаммо устида излашнишмоқда.

– Наҳотки? Хўш, улар ўша янги егулик борасидаги тадқиқотларида нимага асосланадилар?

– Илм аҳли шундай фикрдаки, овқат ҳазм қилиш билан нафас олиш ўзаро яқин жараён бўлгани туфайли бири иккинчисининг вазифасини бажариши фа-

раз қилинади. Олимлар нафас олиш аъзолари орқали овқат ҳазм қилиш йўлини кашф қилсалар бас – ўша куни бу муаммо ечилади. Гап шундаки, егулик ўрнини босувчи ҳавони қандай топса бўлади? Агар ўша зукколар муваффақиятга эришсалар борми, тушлик чоғи кавшаниб ўтириш ўрнига чуқур-чуқур нафас олишса бўлди-да. Бор гап шу.

– Минг-минг афсуслар бўлсинким, шунчалар бебаҳо кашфиёт ҳамон амалга ошмаган! – куюнди рақс муаллими. – Камина тушликда тотли бифштекс ва бешта сандвич ҳисобидан шунчалар мамнуният билан ҳавони хўплаган ва ютган бўлур эдимки...

Ҳавонинг «тановули»дан иборат тушликлар орзуси ақлини олган Тартелетт беихтиёр оғзини очди-да, иштаҳа билан ютоқиб-ютоқиб нафас ола кетди. Ваҳоланки, оддийгина чайнаб-ютиб, анъанавий хўракланиш ҳам унга зўрға насиб этаётганди.

Годфри унинг ҳушини ўзига келтирди.

Секвойя ковагидаги ётоқхонани бирнав жиҳозлаб олиш зарур эди: аввало, ичкарини супуриб, оёқлар тўпиғигача ботаётган бир неча юз кило кукун-тўпонни чиқариб ташламаса бўлмайди. Бу нохуш вазифа икки соат деганда зўрға уддаланди, аммо оёқ босган жойдан тўзон кўтарилса-да, хона ҳар ҳолда эпақага келганди.

Оёқ ости нотекис бўлса ҳам, баҳарнав чидаса бўларди. Икки қарама-қарши бурчакка ўрин-жой ҳозирлашди. Қуриган ҳашаклардан тўшак ҳам ёзилди. Робинзонларимизнинг ёғочдан чорпоя, курси ва хонтахта каби мебеллар яшаш орзуси ҳам фурсати билан амалга ошади. Годфрининг жажжи арра ва пармаси бор ажойиб пичоғи бундай шароитда жуда иш берарди. Хонани ёритиш борасида ҳам шикоятга ҳожат

йўқ: ковакнинг оғзидан қуёш нури қучоқ-қучоқ кириб келарди. Ёгингарчилик чоғлари ташқарига чиқмай ишлаш ва овқатланиш мумкин. Агар эҳтиёт шарт учун кириш жойини беркитадиган бўлсалар, Годфри пўстлоқдан бир-иккита тирқиш тешиб, «дераза» очишни кўнглига тугди.

Ички гумбазнинг баландлигига келганда, ичкаридан ёритмай туриб, буни аниқлашнинг иложи йўқ эди. Шундай бўлса-да, Годфри бир чамалаб ҳам кўрди: у кўтарган ўн-ўн икки футлик лангарчўп юқорида қаттиқ жисмга урилгани йўқ. Демак, «шифт»нинг баландлиги номаълум, бўшлиқ яна қанча тепада эканини аниқлаш кейинга қолдирилди, ҳозирча бу унчалик муҳим ҳам эмас.

Иш билан андармонликда кеч киргани сезилмади. Чарчоқдан силласи қуриган Годфри ва Тартелеттга хас-чўп тўшамаси лўмбиллама тўшакдай туюлди, ҳайтовур, анча хашак тўплаб қўйишганди. Аммо шуни деб, товуқлар билан талашиб-тортишмоққа тўғри келди, негаки паррандалар ҳам ушбу катакда яшаб, худди икковнинг «тўшаги»ни тухумлаш даргоҳига айлантирмоқ ниятида кириб олишганди. Ахийри бошқа бир дарахтнинг яроқли ковагидан товуқхона жиҳозладилар. Шох-шабба билан ўз уйларидаги эшик ўрнини тўсдилар ва қутулдилар. Хайриятки, қўй-эчки ва агутилар тарафидан бундай васваса намоиши содир этилгани йўқ. Бу жониворларга очиқ ҳаво маъкул келаётганди, албатта.

Кейинги кунларда бошпанани созлаш ва жиҳозлаш баробарида озиқ-овқат захирасини мустаҳкамлаш билан ҳам машғул бўлдилар. Кўпроқ тухум ва чиғаноқ, ямс илдизмеваси ва манзанилла ғамлаб олиш зарур, албатта. Ҳар куни чиғаноқ тергани соҳилга қатнашга



тўғри келарди. Бу хийла кўп вақтни олса-да, қайғуси бошидан ошиб ётган одам вақтнинг ўтганини сезармиди?

Робинзонларимиз истеъмолидаги егуликка кифоя қилгудай идиш-оёқ ҳам муҳайё: қўшпаллали моллюскалардан бир нечтасининг коса-чиғаноғи қадаҳ ва тақсимча ўрнида яхши хизмат кўрсатарди. Илло, бундан аълороқ идишнинг ҳозирча зарурати йўқ. Уст-бошларни ариқ сувида чайиб туриш Тартелеттнинг хизмат вазифаси бўлиб, бу енгил юмушни бемалол уддалаётганди. У ёғидан келсангиз, ҳалокат жафокашларининг ясан-тусани икки кўйлак, тўрт иштондан иборат ва эслатамизки, иккита рўмолча билан икки жуфт пайпоқ ҳам бор эди. Кир ювилган кезлари икков онадан туғилган дамдаги «либос»да қолишарди, аммо сахий офтобнинг ўтли нигоҳи тезда кийимларини қуритиб берарди.

Улар ана шу тарзда 3 июлгача кун кечирдиларки, на ёмғир, на шамол қийнатмади.

Бошпанага гап йўқ, ҳаммаси жойида. Кема ҳалокатидан сўнг мана шу тупканинг тагидаги оролга улоқтирилган Годфри билан Тартелетт бундан ортиғига хомтама бўлолмасдилар ҳам.

Шак-шубҳа йўқки, қутулиш умиди сомон парчаси қадар бўлса ҳам эътиборсиз эмасдилар. Годфри ши-моли-ғарбий бурунга Худонинг берган куни борар ва денгизга узоқ-узоқ термулиб, бир мужда кутарди. Аммо уммон уфқида на бирор кемани, на балиқчилар баркаси ва на пароход тутунини кўролгани йўқ. Фина ороли кема йўлларида олисда экани шубҳасиз эди. На чора, сабр-тоқат қилишга ва бахтли тасодифни кутишга тўғри келади.

Баъзан бўладиган бекорчилик чоғлари Тартелеттнинг қистови билан Годфри ҳали ҳам ечилмаган ўт ёқиш масаласига уннаб қоларди.

Олдинига у ўтқич вазифасини бажарувчи ўта қуруқ ва тезда ловуллайдиган нарсани қидирди. Дарахтлар ковагида кўп учрайдиган замбуруғ буқоқлари Годфрига тез ёнадигандай кўринди.

Обдон қуритилса, эҳтимол икковининг муродини шу нарса ҳосил қилса ажабмас. У замбуруғлардан бир нечасини майдалаб, офтобрўя сайҳонликка ёйиб кўйди ва қуриб, то кукунга айлангунча кутди. Сўнгра тошга пичогининг пойнагини ишқалаб, учқун чиқармоқчи ва ҳалиги кукунни аланга олдирмоқчи бўлди. Бироқ қанчалик уринмасин, барибир ёндиролмади.

Кейинчалик Годфри «паҳлавон» секвойя ковагидаги асрий чиринди-пўк устида ҳам тажриба қилди, чўгиртошлар орасида ўсадиган денгиз момигини қуритиб, ёндирмоқчи бўлди. Бироқ на унисида, на бунисида омади чопгани йўқ: пичоқ ва тошнинг тўқнашувидан чиққан учқун ўша ондаёқ сўниб, қўлбола пилликка ўт илашмасди.

Ҳар қандай одам ҳам ноумидликка тушади-да! Ахир, оловсиз қачонгача яшаш мумкин? Годфри ва Тартелетт мева-чева, илдиз ва шиллиққуртлардан иборат бадхўр «таомлар»га зўрға чидашарди ва ошқозонлари касалланишидан бежиз хавфсирамасдилар. Қўй-эчкилар, агутилар бепарво ўт чимитқилар экан, Робинзонларнинг, алалхусус, рақс муаллимининг иштаҳаси очилиб, тирик гўштни кўзлари билан еб ташлашарди.

Минбаъд бундай яшаш мумкинмас!

Тўсатдан табиат ўзи ёрдам қўлини чўзди.

Бир неча кун даҳшатли иссиқ бўлиб, ҳатто денгиз шамоли ҳам уни шаштидан туширолмаганди: учинчи июлдан тўртинчига ўтар кечаси жуда қаттиқ момақалди роқ бошланди.

Годфри ва Тартелетт тунги соат бирларда қасир-қу-сурдан уйғонишди, дам-бадам кўзни олувчи чақмоқ чарақларди. Ҳозирча ёмғир томмаганди, лекин ҳар дақиқада шаррос жала қуйиши мумкинлиги аниқ.

Годфри ташқарига чиқиб, кўкка назар солди. Қизгиш товланаётган осмонда гўё ёнгин бошланганди ва унинг ёғдусида ликиллаётган қорамтир дарахт шохлари хитой мусаввирлари услубидаги соя-суратларни эсга соларди.

Кўққисдан момақалдироқ гумбури орасидан чиққан чақмоқнинг ёрқин найзаси осмон бўшлиғини тилимлаб ташлади ва Вильтри-уйнинг бошидан охиригача электр токи «уланди».

Электр заряди зарб билан улоқтириб юборган Годфри ёмғирдай қутуриб ёғаётган оловли «жала» остида оёққа турди: дарахтнинг учидаги қуруқ шохлар яшиндан алангаланиб, ерга қип-қизил чўғлар бетиним тўкилаётганди...

Годфри дарҳол Тартелеттга қараб қичқирди:

– Олов! Оташ!

– Ўт! Олов! – унга жўр бўлди домла. – Буни бизга ҳада этган яшинни ҳам Худо ёрлақасин!

Ўша ондаёқ икков ёнаётган шох ва ялтираётган чўғларни тўплаб, устига ўтин босаверишди. Улар кулбага қайтган дамда ёғаётган ёмғир жалага айланди ва Вильтрининг минорасига хавф солаётган юқоридаги ёнгинни ўчирди.

## ЎН УЧИНЧИ БОБ

### Годфрининг кўзига яна енгил тутун кўрингани, аммо бу гал у оролниг бошқа тарафида экани хусусида

Яшин деган нарса ҳеч қачон бунчалик айни муддао бўлган эмас! Энди бизнинг қаҳрамонларимизда илоҳий оловни ўмарган Прометейнинг азаматлигига ҳам ҳожат йўқ. Тартелетт айтганидек, осмоннинг ўзи марҳамат қилиб, чақмоқ тимсолида олов ҳадя этганди. Эндиги вазифа уни сақлаб қолишдангина иборат!

– Йўқ, биз унинг ўчишига асло йўл қўймаймиз! – ҳайқирди Годфри.

– Ахир, ўтинимиз шунчалар серобки, тоғ қилиб бостириб ташлашимиз мумкин! – деди унга жавобан Тартелетт, у мамнунлигидан яшинга таҳсин ўқиб, оғзидан гўё бол томарди.

– Жуда тўғри! – таъкидлади йигит. – Аммо бу юмуш билан ким шуғулланади?

– Бунга менга қўйиб бераверинг! Агарда керак бўлса, ухламасдан куну тун ўтириб чиқаман!

Дарҳақиқат, қуёш чиққунча ҳам домла гулхан ёнидан ҳеч қаёққа жилгани йўқ.

Улкан дарахтлар атрофида ўтин-чўп беҳисоб. Тонг отиши биланоқ Годфри ва Тартелетт улардан ғарам уйиб, гулханга қалайвердилар. Ловуллаган аланга чарсиллаб ёнганича, ўтинни ямлай кетди. Гулхан учун танланган жой қулай бўлиб, яқинроқдаги иккита йўгон секвойя оралигида эди. Оловнинг ўчиш эҳтимоли йўқлигидан пуфлашга зарурат бўлмаса-да, Тартелетт нафаси қисилиб қолгунча зўр бериб пуфларди. Бу юмуш жараёнида раққослар устози минг кўйга тушар, қуюқ шохлар орасига кўтарилаётган паға-паға дуддан кўз узолмасди.

Энди амалий ишнинг фурсати келди. Ахир, бизнинг Робинзонлар илоҳий оташни шунчаки ҳавас ва қараб қувнаш, ёхуд қўлларини иситиб олиш ниятида орзу қилган эмасдилар. Иссиқ иқлимда бундай товлайнишга эҳтиёж ҳам йўқ. Энди турли-туман ва тотли таомларни ўтда пиширадилар. Меъдага урган ғарибона егуликларнинг минбъад бети қурсин. Субҳидамнинг анчагина фурсати ушбу долзарб масаланинг муҳокамасига сарфланди.

Нафси ҳакалак отган Тартелетт лабларини ялаб вайсай кетди:

– Энг биринчи ўринда икки жўжани шартта пиширамиз! Ана ундан сўнг агути ва қўй гўшtidан кабоб қиламиз, эчкининг оёғини ўтга товлаймиз, прериядан каклик билан чиллақуш тутамиз, анҳор ва денгизга қармоқ солиб...

– Ўзингизни босинг, Тартелетт, – танбеҳ берди Годфри, бунчалар таомнинг номи унинг ҳам димоғини чоғлаганди. – Анчадан буён чалақурсоқ қоринга бирданига шунчалар кўп нарсани истеъмол қилиш жабр бўлади. Қолаверса, Худонинг куни кўп, эртани ҳам ўйлашимиз керак. Ҳозирча бир жуфт товуқ кифоя: иккаламизга биттадан. Шуям мутлақо ёмон эмас-ку! Камас илдизидан ун қиламиз, яхши пишира олсак, ноннинг ўрнига бемалол ўтаверади.

Ушбу суҳбат мутлақо бегуноҳ икки товуқнинг умрига зомин бўлди: рақс муаллими ҳалолланган мархума макиёнларнинг патини эринмай юлди, ичини тозалади ва айланторма чўп-сихга ўтказиб, паст оловга товлайверди.

Годфри ҳам бекор тургани йўқ: Фина оролида орзиқиб кутилаётган чинакам нонушта учун захира қилинган камас илдизмеvasини унга айлантиришга

уринди. Нон рисоладагидай чиқмоғи учун Годфри ҳиндулар усулини ишга солди, бу усул ғарбдаги прерияда яшовчи оқ танли америкаликларга ҳам маълум эди.

Годфри ушбу масалада шундай иш тутганди:

У саёз қумлоқдаги майда ва япалоқ тошлардан териб, қиздириш учун оловга ташлади. Зўрға насиб этган ноёб ўтда тош қиздириш Тартелеттга малол келган бўлиши ҳам мумкин эди, аммо бу жўжа кабоб пиширишга халал бермаётгани учунгина норозилик изҳор қилишдан ўзини тийди.

Сўнгра Годфри бир квадрат-ярд чамасидаги ерни ўт-алафдан тозалаб, чиғаноқ-коса билан ўн дюймча чуқурликда ўра кавлади ва унга қуруқ шох-шаббалардан ташлаб, ерни қаттиқ қиздириш учун ўт илаштирди, кулни олиб, ўрнига камаснинг тозаланган илдизмевасини териб чиқди-да, устини хас-ҳашак билан ёпиб, тепасига бояги лаққа чўқ шағални бостирди ва яна ўт ёқиб юборди.

Бу «ихтиро» қўлбола тандир бўлиб, ярим соат ҳам ўтмадики, Годфри муродига етди. Хас-чўп ва майда тошлар остидаги илдизмева энди янги хусусиятга эга: ун тайёрлаб, нон пишириш ҳам ёки шундоғича картошка ўрнида еявериш ҳам мумкин.

Бу галги нонушта дастурхони устида Робинзонларимиз қанчалик қувонч ва ҳаяжонда эканликларини тасаввур қилишни китобхонларга ҳавола этамиз: бир жуфт жўжа кабоб билан лаззатли илдизмева-я! Товуқнинг суякларини ҳам ютиб юборишларига бир баҳя қолди, камасни қўшимча ҳазми таом ўрнида тановул айлашди. Икки мусофирга табиатнинг меҳрибонлигини кўринг: камас ўсган жой шундоққина ёнларида бўлиб, эгилсалар бас – юзлаб (балки минглаб) донасини юлиб олаверадилар.

Нонуштадан сўнг Годфри захира учун ун тайёрлашга киришди. Энди қачон хоҳласалар нон пишириб ёйишлари мумкин эди.

Кун муттасил меҳнат билан ўтди. Гулханга тинимсиз ўт қалаб туришди, айниқса ётар чоғи қаттиқ ўтинни чўғ устига ғарамлаб ташладилар. Шунга қарамай, Тартелетт қайта-қайта ўрнидан сапчиб туриб, ўтни жадаллатарди. Ўрнига ётиши биланоқ олов ўчиб қолаётгандай туюлиб, яна югуриб чиқар ва чўғларни кавлаштиргани тушарди. Хуллас, фидойи ўтёқар домла тонгга қадар кўз юмгани йўқ.

Тун осойишта ўтди.

Оловнинг чарсиллаши ва хўроз қичқириғи билан устоз-шоғирд бош кўтардилар. Кўзини очган йигит ичкарида ғужғон ўйнаётган шамолдан бағоят ҳайратга тушди. Унинг фикрича, секвойя ичидаги бўшлиқ биринчи шохга қадар, балки ундан-да юқорироққача давом этган бўлиб, чоғи тепадан туйнук очилиб қолганди.

«Тирқишни зудлик билан беркитиш зарур, – кўнглидан ўтказди Годфри. – Аммо бундай шиддатли шамол аввалги кечаларда нега сезилмади? Наҳотки, яшин?..»

У ташқаридан секвойя танасини ҳар тарафлама кўздан кечирди. Аён бўлдики, дарахтнинг сиртини яшин уриб, илдизидан шохларгача бўлган қисмини тилимлаб қўйганди. Агар электр заряди ичкарига ҳам бир даф қилганда, Годфри ва Тартелетт омон қолмасдилар. Бахтли тасодифгина уларни муқаррар ажал чангалидан асраганди.

«Момақалди роқ пайтида дарахт тубида ётмасликни уқтиришарди, – ўз мулоҳазаларини давом эттирди Годфри. – Бундай маслаҳат пешонасига уй-жой бит-

ганларга қўл келади, албатта. Бироқ айнан шу дарахт кимларгадир кулба вазифасини бажарса-чи, улар хатардан қандай сақлансин? Буни ҳали кўрамыз!..

У секвойя танасидаги яшиндан қолган узун чандиққа разм солди.

– Кўринишидан яшиннинг энг мудҳиш зарбаси юқорига, тешик ҳосил бўлган жойга теккан, – дерди Годфри ўзига-ўзи. – Модомики, ўша тирқишдан ҳаво тортаётган экан, дарахтнинг ичи мутлақо бўш ва уни ташқи қобиғигина тутиб турган бўлиб чиқади. Шундайми-йўқми буни бир текшириб кўриш лозим!

У усти смолага беланиб ётган қарағай шохининг бир учини ўтга тутганди, дарҳол ловуллаш бошлади. Годфри ана шу машғала билан ичкарига кирди, уй ёришиб кетди: энди ковак қанча юқорига боришини бир амаллаб кўрса бўларди.

Дарахтнинг бўшлиғи ўн беш футча тепада гумбазга айланарди. Годфри машғалани баландроқ кўтарди: қувурсимон ковак гумбаз устида ҳам давом этиб, анча юқорига чиқиб кетганди. Демак, у ер-бу ерда ёғочнинг бутуни сақланмаган бўлса, дарахтнинг ўзаги тўкилиб битган. Бу ҳолда ўша омон қолган қаттиқ бўлақларга тирмашиб, тепага чиқиш, дастлабки шохларгача, балки ундан ҳам баландроққа кўтарилиш мумкин.

Годфри бу муҳим ишни асло кечиктирмасликка жазм қилди. У бир йўла икки мақсадни олдига қўйганди: авваламбор, ёмғир ва шамоллар қавак-уй Вильтрини дабдала қилмасидан олдин тешикни мустаҳкам беркитиш зарур. Иккинчидан, юқоридаги шохларга чиқса бўладими-йўқми, шунинг бир текшириб кўради. Негаки, йиртқичлар ё ёввойилар тажовуз қилгудай бўлса, ўша ерда ҳадиксирамай жон сақлаш мумкин бўларди. Эҳтиёт бўлган яхши-да.



Ҳаракатда – баракат. Агарда тепага чиқиш йўлида қайдадир тўсиқ бўлса, истаган пайтида пастга қайта-веради, шу холос.

Машғалани икки илдизпоя ўртасига маҳкамлагач, Годфри ҳали чиримаган ички бутуқларга тирмашиб, юқорига кўтарилди бошлади. Ҳамма америкаликлар сингари гимнастика қилиб ўрганган йигит ҳаракатчан, кучли ва чаққон эдики, ортиқ қийналмасдан ковак торайган жойга етиб чиқди. Гумбаздан эгилиб ўтган Годфри барвақт ортига қайтмаслик ниятида мўри тозаловчилардай ўзини «ихчамлаштирди». Аммо ҳозирча юқорилайвериш, зинасимон бутуқларда нафас ростлаб, ҳаракат қилиш имкони бор. Уч дақиқадаёқ у олтиш фут баландликка кўтарилганди. Яна атиги йигирма фут тепага чиқса, мўлжалга етади.

Юқоридан тоза ҳаво гувиллаётганди, Годфри ўпкасини тўлдириб нафас олди.

У дам олиб–дам олиб, ковак ичидаги чириндилар орасидан йўл топиб юқорилар экан, бўшлиқ тобора сиқилиб борарди.

Кутилмаганда ташвишли бир шовқин унинг диққатини тортди. Ковакнинг юқорисида қитирлаш эшитилиб, ортидан чирқиллаган товуш келди.

Годфри тошдай қотиб қолди.

«Бу нима бўлди? – қўрқиб кетди у. – Бўшлиққа қандайдир махлуқ чиқиб олганми? Эҳтимол илондир!?. Ҳалигача судралувчилар учрагани йўқ эди... Афтидан, бирор қуш кириб қолган бўлса керак...»

Годфри янглишмаганди. У юқорилаб бораркан, нимадир зардали чуғурлаб, қанотларини потирлатди. У шу ерга ин қурган қай бир тунги парранданинг оромини бузганди.

– Киш, киш! – қичқирди Годфри.

Унинг дағдағаси тажовузкор парранданинг ўта-касини ёрганди: у бор-йўғи йириккина зағча бўлиб, дарҳол тешиқдан учиб чиқди ва Вильтрининг баланд шохлари орасида кўздан гойиб бўлди.

Яна бир неча дақиқадан сўнг ўша тирқишда Годфрининг боши кўринди ва у ердан саксон фут баландликдаги биринчи катта шохга хотиржам ўрнашиб олди.

Ҳар бири қучоққа сиғмайдиган шохлар бир-бирига чирмашиб, гўё битта гигант тана устида муаллақ ўрмон ҳосил қилгандай туюларди. Новдалари уйқашган тана-шоҳлар орасидаги бу ўрмон тўқайдай қалин эди, шунчалар қуюқки, ерга тангадай офтоб тушмасди. Бу ерда киши ўзини зимистон чангалзорда тургандай ҳис этарди.

Годфри қийналиб бўлса-да, шохдан-шоҳга тирмашиб, «пахлавон»нинг учигача чиқа олди. У кўтарилгани сайин, тинчи бузилган гала-гала қушлар шовқин солиб, Вильтридан «пакана» қўшни дарахтларга кўчиб ўтишарди. Годфри баландлайверди, ахийри сўнги шохлар унинг залворидан эгилиб, лопиллай бошлагачгина тўхтади.

У шунчалар юксакда эдики, Фина ороли, уни қуршаган поёни йўқ уммон бўшлиғи худди рельеф-хариатадаги мисоли яққол кўриниб турарди. Годфри олис уфққа нажот умидида термулди. Таассуфки, денгиз сирти аввалгидай бўм-бўш эди. У ўз дардини янгилаб, орол Тинч океанидаги қатнов йўлларида четда қолганига яна бир карра амин бўлди, холос.

Годфри армонли хўрсиниб олди ва яқин атрофдаги қуруқлика назар солди: аччиқ қисмат унинг пешонасига мана шу бир парча оролни битган экан, эҳтимол бу ерда ҳали узоқ йиллар қолиб кетар. Балки, сўнги нафасигача...

Ёпирай! У ана шу ўйлари билан андармон чоғи кўзига яна тутун кўринди, фақат бу гал шимолда эмас, оролнинг жанубий тарафида эди. Годфрининг кўзлари тўрт бўлди, синчиклаб зеҳн солди.

Заиф, мовий-қорамтир дуд сокин ва мусаффо кўк сари кўтариларди.

– Йўқ! Бошқача бўлиши мумкин эмас! – ҳайқириб юборди у. – Мен аниқ кўриб турибман. Айтганларидек, оловсиз тутун бўлмайди, ахир! Аммо у қаёқдан пайдо бўлиб қолди? Ким ўт ёқаётган бўлиши мумкин?..

Тутун шимоли-шарқда, Вильтридан беш милча наридаги соҳилни қуршаган улкан қоялар панасидан чиқаётганди. Янглишмай кўриб олиши зарур, хато қилмаслиги керак! Ўша қояларга бориш учун прерияни кесиб ўтиш ва қирғоқ бўйлаб бир оз юриш кифоя... Унчалик узоқмас!..

Ҳаяжоннинг зўридан у безгак тутган одамдай титрарди. У ортига қайтиб, пастки шохларга оёқ қўйгач, бир муддат тўхтади: секвойя танасига чирмашган йўсин, шох-шаббаларни тиқиб, яшин очган тешикни иложи борича пухталаб беркитди. Годфри пастга тушгач, Тартелеттни хавотир қилмаслик учун баҳона йўсинида у-бу деган бўлди-да, соҳилбўйи тарафга тез-тез юриб кетди.

Аввалига гуруҳ-гуруҳ ўсган дарахтзор ва деворгуллар орасидаги ям-яшил прериядан ўтиб, соҳилга чиқди. Икки соат деганда қоялар қаторига етиб борди.

У дарахт устидан тутунни кўргани аниқ, аммо уни беҳуда излагани ҳам рост эди. Годфри мўлжални тўғри олганига ва янглишмаганига ишончи комиллиги учун қидирувга астойдил киришди. Соҳилнинг ўша қисмини қадам-бақадам айланди, қайта-қайта

бақирди, чақирди... Жавоб йўқ! Қумлоқ соҳилда одам зотининг ном-нишони ҳам кўринмасди. Харсанглар орасидан лоақал гулхандан қолган кул ёки сув ўтларининг куйиндиси топилса-чи!

– Йўқ, янглишишим мумкинмас! – деди Годфри ўзига-ўзи. – Тутун чиққани аниқ, уни ўз кўзларим билан кўрдим-ку ахир!

У ноилож тахмин қилди: оролда гейзер бўлиб, лекин у муттасил қайнаб турмаса керак. Чиндан ҳам табиий қайноқ сувли булоқлар бўлиши мумкин эмасми? У ҳолда Годфри тутун деб ўйлаган нарса геологик ҳодиса бўлиб чиқарди.

Йигит Вильтрига қайтаркан, сирли тутун кўринган манзилга тезроқ етиш аздада боя шошиб ўтиб кетган соҳилбўйи теварагига энди хотиржам разм солиб борарди. Олдидан бир неча дафъа ўтхўр жониворлар чопқиллаб ўтдики, улар орасида вапитилар, яъни Канада оҳулари ҳам бордай эди. Бироқ улар ўқдай учардики, Годфри дурустроқ кўролгани йўқ.

У Вильтрига соат тўртларда қайтди, у ёқдан митти скрипканинг майин оҳанглари тараларди. Дам ўтмасдан, рақс муаллимининг ўзи ҳам намоён бўлди. Довдиргина Тартелетт весталкалар<sup>1</sup> мисоли гўё муқаддас оловнинг мангу содиқ посбонидай ўзига топширилган юмушни сидқидилдан адо этаётгани.

---

<sup>1</sup> Весталкалар – қадимги Римда маъбуда Веста шарафига ибодатхоналарда мангу олов ёниб турган, уни ўчирмаслик весталкалар учун фарз ҳисобланган. Весталкалар гўзал бокира қизлар бўлиб, Римнинг энг аслзода оилаларидан саралаб олинган ва маъбудага ўттиз йил хизмат қилишлари, турмуш қурмасликлари қатъий қоида сифатида белгиланган. Башарти, улар ифлагини йўқотгудай бўлса, шафқатсиз қатл этилган, масалан, бундай весталкаларни тириклайин ерга кўмиб юборишарди. *(Таржимон изоҳи – Р.У.)*

## ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

### Годфрининг денгиз соҳилидан совға топиб олгани ва уни бажонидил қабул этгани хусусида

Чекингга тушса чекчайма дебдиларки, маҳрумиятларга қарши матонат билан курашасан, бу – амалий фалсафа тамойили. Тўғри, у қаҳрамонликка илҳомлантирмайди, аммо ҳаётда асқотиб қолади. Годфри ана шу тамойилга амал қилишга тиришарди: модомики, кимсасиз оролга тушибдими, то бу ердан кетиш чораси топилгунча, одамлардай яшаш учун қўлидан келганича интилади.

Бу борада ишини у Вильтри ковагини чинакам уйга айлантиришдан бошлади. Энг ибтидоий шароит ҳам йўқлиги боис гигиенага алоҳида эътиборни қаратмаса бўлмасди: тўшак хизматидаги пичанни тез-тез алмаштириш, идиш-оёқ ўрнидаги чиғаноқ косаларини ниҳоятда тозалаб ювиб туриш зарур. (Шундай ювиш лозимки, тозалиқда Америкадаги энг яхши ресторанларнинг идишидан қолишмасин!) Адолат юзасидан таъкидлаймизки, Тартелетт ушбу масъулиятли юмушни бенуксон адо этарди. Годфри пичоғини ишга солиб, чинакам стол ясади: тўртта оёқни ерга қоқиб, устига пўстлоқнинг катта бир бўлагини ёпди, икки ёнига курси бўлишга бемалол ярайдиган гўлаларни қўйди. Шундай қилиб, тамадди чоғи ҳавонинг авзойи бузилгудай бўлса, Вильтри аҳли ичкарида, фароғат қўйнида овқатлана оларди.

Кийим-бошнинг долзарблиги бундан кам бўлма-са-да, ҳозирча бу муаммо ечилгани йўқ. Албатта, иссиқ иқлимда енгил иштон-кўйлак билан ҳам бемалол юрса бўлаверади. Бироқ бунақа уст-бош узоққа дош

беролмайди! У увадага айлангач, ўрнига нима кийишади? Ёки Робинзон Крузодан андоза олган, яъни аввал қўй-эчкиларнинг гўшт-ёғини ўтга товлаб, сўнгра уларнинг терисидан шим ва куртка тиккан маъқулми? Бундай қилишнинг иложи бор, албатта. Ҳозирча эски кийимлар яраб турибди, уларни ювиш, қуритиш вазифасини Тартелетт амаллаяпти.

Годфри эса рўзгорбоши эди, бир ўзи икки қориннинг қайгусини чекарди. Худонинг берган куни соатлаб манзанилла ва егуликка ярайдиган илдизмева те-ради, балиқ овлайди. Бунинг учун у қамишдан сават тўқиб, уни ё анҳорга, ё қирғоққа яқин чўғиртошлар орасига ўрнатиб қўярди. Аммо шунчалар ибтидоий усулда ҳам ов бароридан келардики, бир хил қисқич-бақалар, гоҳ эса йирик балиқлар қаҳрамонларимиз дастурхонини безаб турарди. Улар қуруқ қўл билан осонгина тутадиган моллюскаларнинг эса айтгулиги ҳам йўқ.

Бироқ Годфри ва Тартелеттда энг оддий рўзгор буюми – қозон ҳанузгача йўқ эди, унинг вазифасини эса ҳеч нарса бажаролмайди ҳам. Ахир, қозонсиз суюқ овқат қилиб бўладими? Балиқшўрвани-чи? Фақат ўтга товлайдилар, фақат кабоб! Тартелетт армон билан зорланади:

– Чинакам шўрванинг мазасини унутиб бўлдим-ку!

Аммо бу масалада унга ёрдам беришнинг иложи ҳам йўқ-да.

Годфрининг озиқ-овқат топишдан бўлак ишлари ҳам бошидан ошиб ётибди. У ўрмонни синчиклаб текшириб, яна бир «пахлавон» секвойя топди, унинг коваги ҳам Вильтриникидан кам эмас. Бу ерни товуқхона қилди. Паррандалар янги маконга тезда эликдики, аввалгидай тухумлаш билан бирга жўжа ҳам очди.

Тунда товуқхонани яхшилаб бекитиб қўйишади. Негаки дарахт шохларига қўниб олиб, пайт пойлаётган йиртқич қушлар бор: салгина бепарволик туфайли жажжи жўжалар уларга ем бўлиши ҳеч гапмас.

Тўрт оёқли уй ҳайвонлари ҳамон очиқда бўлиб, ёмғирлар мавсумига қадар уларга бошпананинг зарурати ҳам йўқ. Ўт-ўлан етарли: прериянинг гиёҳлари бағоят ширали эдики, ҳатто эспарцетчалик<sup>1</sup> бор эди. Эчкилардан бир нечтаси болалади, энди уларни соғиб бўлмасди, улоқчалар ўсиши учун сут жуда зарур эди.

Мухтасар сўз шуки, Вильтри теварагида ҳаёт булоқдай қайнарди. Иссиқ забтига олган маҳалда Робинзонлар чорваси секвойя соясида жон сақларди. Улар Вильтридан олислаб кетмасдиларки, Годфрининг бу хусусда ташвишланишига ҳожат йўқ. Афтидан, Фина оролида йиртқич ҳайвонлар ҳам йўқ эди.

Шундай қилиб вақт ўтиб борарди. Бугунги кунга чидаш мумкин, аммо эртанинг қайғуси ташвишлироқ туюларди. Тасодифан ва ҳеч кутилмаганда содир бўлган бир воқеа Робинзонларимиз ҳаётини анчагина безантириб қўйди.

Бу 29 июль куни содир бўлганди.

Годфри кўрфазга туташ саёз қумлоқда айланиб юрарди. (Нобуд бўлган кема хотирасига бу ерни Дримбей<sup>2</sup> қўлтиғи деб номлашганди). Йигит моллюскалар шимолий соҳилдаги каби бу кўрфазда ҳам сероб ё камёблигини билмоқчи эди, энг муҳими шуки, дилининг тўрида «Дрим»дан бирор ном-нишон учраб қолармикан деган орзу ҳам йўқ эмасди.

---

<sup>1</sup> Эспарцет – дуккакдилар туркумига кирувчи кўп йиллик озуқа ўсимлиги.

<sup>2</sup> Дримбей (Dream-Bay) – Дримбей, яъни «Дрим» бухтаси (инглизча).

Годфри денгизга туртиб кирган шимолий бурунга ҳам етиб борди ва тўсатдан шакл-шамойили ажабтовур катта тош диққатини тортди, у бақатўн ва сув ўтлари орасида ётганди.

Кўнгли ниманидир сезган Годфри беихтиёр одимларини жадаллатди. Вожабо, унинг қувончи ва ҳайратини бир кўрсангиз эди: ҳалиги нарса тош-пош эмас, ярмини қум босган сандиқ, ҳа-ҳа, каттакон сандиқнинг ўзгинаси!

Бу «Дрим»даги сандиқлардан биримикан? Наҳотки, у пароход ҳалокатидан буён шу ерда ётган бўлса? Ё кейинроқ ҳалокатга йўлиққан бошқа кемадан тушиб қолганми? Бу саволларга аниқ жавоб айтиш қийин. Қандай бўлмасин, унинг қаёқдан келганидан ё ичида нималар борлигидан қатъий назар, бундай тухфани рад этиш мумкин эмасди.

Годфри сандиқнинг ташқарисини диққат билан қараб чиқди: бирор жойида эгасининг номи ёзилган ёхуд манзилгоҳи кўрсатилган махсус битик йўқ. Одатда ана шу маълумотлар зарб қилинган мис тахтача америкаликларнинг жомадонида бўлгувчи эди. Балки, бундай ёзув унинг ичига жойлангандир? Агарда сандиқ қаердан келгани ва кимга тегишли эканини кўрсатувчи шундай қоғозлар ичкарида бўлса, бу ҳужжатлар ҳам бошқа нарсалар каби яхши сақланган деб умид қилса бўларди. Негаки, бундай сандиқ жипс беркилиб, сув ўтказмайди-да! Дарҳақиқат, у тахтадан жуда пухта қурилиб, устида қалин чарм ғилофи ва бурчакларини мустаҳкамловчи металл учликлари ҳам бор, ҳатто сиртидан сербар камар боғлаб қўйилганди.

Унинг ичида нелар борлигини билиш иштиёқи бир сония ҳам тинчлик бермаса-да, Годфри сандиқни синдирмасликка, бир амаллаб очишга қарор қилди.



Уни шундоғича Дримбейдан Вильтрига олиб боришнинг эса мутлақо иложи йўқ: бесўнақай сандиқ зилдай вазмин эди.

«Яхши, – деди Годфри ўз кўнглида, – буни шу ерда очиб, ичидагиларни кейин ташиб олаверамиз».

Кўрфаздан секвойягача бўлган йўл тўрт милдан кам эмас. Сандиқдагиларни у ёққа етказиш кўп куч ва вақт талаб қиларди, албатта. Аммо Робинзонларда бўш пайт муаммоси йўқ, чарчаб қолсалар, бунчалар фойдали иш учун ҳеч қиси йўқ.

«Нималар чиқаркин?» – дея сабри чидамасди Годфрининг.

У ортига қайтиб, раққослар устозини қувонтиришдан олдин сандиқни очишга уриниб кўрмоқчи бўлди.

Йигит камарни ечди-да, тўқасини ҳам чиқариб, қулф устидаги чарм ғилофни олиб ташлади. Энди қулфни очиш қолди. Фақат қандай қилиб?

Аммо бу оғиздаги ош эмасди. Бирон нимани қопқоққа солиб, орасини керсин-ми? Масалан, пичоқ? Асло! Годфри Робинзонлар ҳаётида бебаҳо аҳамиятга эга бўлган пичоғини хавф-хатарга ҳеч қачон қўя олмасди. Эҳтимол, оғирроқ тош билан ҳалқани уриб чиқаргани маъқулдир?

Годфри худди шундай қилди. У қумлоқдан ниҳоятда қаттиқ қайроқ тош топди ва мис тутқичга бор кучи билан урди. Ҳалқа синдимми ё қулф аслида очиқ бўлганми, ҳар ҳолда, Годфрининг бахтига зулфин ўзи очилиб кетди.

Годфрининг юраги ҳаприқиб кетди, у ҳаяжон билан қопқоқни кўтаргач, сандиқни синдириш жуда қийин эканига амин бўлди. У шунчаки яшик бўлмасдан, ички деворларига сув ўтказмайдиган рух тукука қопланган асл сандиқ эди. Бинобарин, ичидаги

нарсаларнинг ҳаммаси бинойидай, қуп-қуруқ экани кўриниб турарди.

Яна қандай нарсалар денг! Годфри уларни кўрибоқ хайқириб юборишдан ўзини тия олмади. Шак-шубҳа йўқки, бу сандиқнинг эгаси ўта омилкор киши бўлиб, энг зарур ва ҳатто энг оддий буюмлар ҳам анқонинг уруғи саналадиган бирор юртга отланган экан.

Лаш-лушлар устидаги ички кийимлар, сочиқ, чой-шаб ва адёл дастлаб кўзга ташланди. Уст-бошларни кўринг: иссиқ курткалар, жун ва ипақдан тўқилган пайпоқлар, ҳам қалин матодан ва ҳам барқут газмолдан тикилган шимлар, трикотаж нимчалар, бежирим сюртуклар, икки жуфт ботинка, кўнжи узун овчилар этиги ва икки дона похол шляпа!..

Ана ундан кейин анчагина рўзғор ва пардоз буюмлари ҳам бор. Қозон, ҳа-а, худди ўша орзуланган қозон-да! Чойнак, қаҳва қайнатгич, бир даста қошиқ ва санчқи, жажжигина кўзгулар ва чўтканинг ҳар хили муҳайё. Яна десангиз, ҳар бири ўн беш пинталик<sup>1</sup> учта чирпит тўла ароқ... Турли-туман миҳлар, кураклар, болталар, болғалар, исканаю темир илгаклар...

Учинчидан, қурол-яроқлар: чарм қинли икки дона ов пичоғи, овбоп қирқма милтиқ, иккита пистонли милтиқ, учта тўппонча, ўн фут порох, бир неча минг патрон, захира қўрғошин – буларнинг бари АҚШ маҳсулоти бўлса керак.

Ва ниҳоят, енгилгина қутичада дори-дармон, дурбин, компас, хронометр, бир даста инглизча китоблар, ёзув қоғози, қалам, сиёҳ, перо, тақвим, Нью-Йоркда чоп этилган Инжил ва уларга илова тарзида «Пазандалик санъати бўйича қўлланма» ҳам бор эди.

---

<sup>1</sup> Пинта инглиз ўлчов бирликларидан бўлиб, ҳажмни англатади. Бир пинта тахминан 0,5 дециметр-куб ёки ярим литрга тенг ҳисобланади.

Айни вазиятда бу топилма бебаҳо хазина эди, албатта.

Годфри суюнганидан ўйинга тушиб кетди. Агар, кема ҳалокати жабрдийдалари учун буюмларни маҳсус танланганда ҳам, уларнинг рўйхати бундай мукамал бўлмасди.

Годфри буларнинг барини қум устига ёйиб чиқди ва ҳар бир нарсага алоҳида зеҳн солиб ҳузурланишдан ўзини тия олмади. Аммо, улар орасида сандиқнинг эгаси ёки кеманинг номи ёзилган бир парча ҳам қоғоз йўқ эди.

Соҳилнинг кўз илғаган бўлагида кема ҳалокатидан қолган парчалар кўринмасди. Қумлоқда, тошлар орасида ҳеч нарса йўқ. Афтидан, тўлқин қирғоққа улоқтиргунча, сандиқ сувда узоқ вақт ётган бўлса керак.

Энди Фина оролининг икки аҳолиси тирикчилик воситалари билан анча вақтга таъминланди ҳисоби. Бахтли тасодиф зарур асбобларни, кийим-кечак, қурол-яроқ ва рўзғор анжомларини туҳфа этганди.

Шубҳасиз, бунча нарсани бир йўла олиб кетишга Годфрининг ақли бовар қилмасди. Буларни Тартелетт билан биргаликда ва қайта-қайта қатнабгина ташиб олиш мумкин. Аммо шошилиш керак: исталган пайтда тропик жала шаррос қуйиб юбориши ҳеч гапмас.

Годфри буюмларнинг кўпчилигини сандиққа солиб, милтиқ ва револьвер, жиндай ўқ ва порох, декча ва дурбинни олиб кетишга қарор қилди. Кейин қопқоқни жипс ёпиб, сиртидаги камарини ҳам тортди ва Вильтрига қайтди.

Бир соатгина ўтди: Тартелеттнинг боши кўкларга етаёзди! Шогирдидан сандиқ ва унинг ичидаги ха-

зина хушхабарини эшитган рақс муаллими дунёдаги энг бахтли одамга айланиб қолганди.

Декчанинг ўзигина минг йил севинишга арзирдики, маэстро ўша ондаёқ эшилиб, бир йўла бир неча муқомни ижро этди ва сарафроз рақсини донг қолдирувчи сапчиш билан ниҳоясига етказди...

Соат ўн иккилар бор эди. Годфри тушлиқдан сўнг дарҳол Дримбейга боришга қарор қилди. Тақдирнинг тухфаси бўлмиш бойликларни тезроқ Вильтрига келтириш иштиёқи унинг оромини буткул олганди.

Бу гал Тартелетт заррача саркашлик қилмасдан бирга боришни маъқул кўрди. Энди оловни пойлаб ўтиришга ҳам зор эмаслар: порохни ишга солиб, исталган дақиқада алангани ловуллатиш мумкин! Барибир рақс муаллими оловни ўчирмаслик фикрида эдики, жиндай ўтин қалаб, қозонга шўрва ташлаб қўйилса – кўнгил тўқ бўлади-да.

Тартелетт бир зумда декчани сувга тўлатиб, агути гўшти ва сабзавот ўрнига ямс илдизмевасидан ташлади, соҳилдаги чўгиртошлар дарзидан топилган туздан бир чимдим солишни ҳам унутгани йўқ. Ўз ташаббусидан мамнун ҳолдаги муаллим таъкидлаб қўйди:

– Менсиз ҳам пишавади.

Сўнгра икков энг яқин йўлдан Дримбейга жўнашди.

Сандиқ жойида эди. Годфри қопқоқни кўтарди ва домланинг таҳсину тасаннолари остида ичидаги нарсаларни ташқарига олаверди. Икков дастлаб қурол, ўқ-дори ва кийимларнинг бир қисмини кўтаришди: икки ҳачирга ҳам вазминлик қилувчи юк бўлди.

Вильтрига бурунлари ерга теккудай бемадор аҳволда қайтган қаҳрамонларимиз стол ёнига чўзилиб қолишди, агути шўрва биқирлаб ётарди. Улар шўрвани

улуғвор деб баҳолашди, ҳалимдай гўшт ҳақида рақс муаллими шундай деди:

– Маъбудлар таоми бўлибди-да, ўзиям!

Эртасига, яъни 30 июль куни Годфри ва Тартелетт барвақт туриб, уч марта Дримбейга қатнаб, сандиқдагиларни тўла ташиб олишди. Қош қораймасдан туриб, идиш-оёқ, кийим-кечак, асбоб-ускуна ва қурол-яроқларнинг бари Вильтри ковагидан ўрин олиб бўлди.

Ва ниҳоят, 31 июлда уст-бошлар жавони вазифасига мўлжалланган сандиқни ҳам бир амаллаб судраб келинди, аммо икков ит азобига тушдилар. Эндиликда ёруғ дунё кўзига жаннат бўлиб кўринаётган Тартелетт киссасидан митти скрипкасани олди ва шогирдини ёнига чорлади. Гўё сарватдор Кольдерупнинг Монтгомери-стритдаги уйида ўтиргандай йигитчага юзланди.

– Энди, азизим Годфри, – деди у мутлақо қатъият билан ўта жиддий оҳангда, – рақс сабоқларини давом эттириш фурсати келмадимикан?

## *ЎН БЕШИНЧИ БОБ*

### **Ҳақиқий ёхуд хаёлий Робинзон ҳаётида лоақал бир марта учрамоғи кутиладиган ҳодисанинг содир бўлгани хусусида**

Ана энди эртанги кундан қаттиқ қайғурмасалар ҳам бўлаверади. Аммо Тартелетт фақат бугуннинг гами билангина ўралашиб, сандиқдаги қақир-қуқурлар воситасида ғарибона турмушларини безашни ўйласа, Годфри энди Фина оролидан кетиш чораси устида бош қотирарди. Мустаҳкам бир кема қуриб,

денгизга чиқсалар-да, яқинроқ қитъага етиб олишса ёки ўтқинчи бир кемага йўлиқсалар кошқийди.

Бироқ йигит ўз режасининг ижросига саъй қилишдан бурун бир неча ҳафта мобайнида Тартелеттнинг кўнглидаги дастурга биноан иш тутди.

Айни пайтда Вильтри аҳлининг ясан-тусани жа-а пўрим даражага етган, лекин бошларида яна не кунлар борлигини Худо билади. Шу боис уст-бошни энг сўнги заруратдагина алмаштиришга қарор қилдилар, тўғрироғи, бу қарор Годфрига тегишли эди. Тартелетт эса салкам исён кўтарди:

– Бу тежамкорлик эмас, зиқналик, – дерди у. – Ахир биз ёввойилар эмасмизки, ярим ялонғоч юрсак!

– Маъзур тутасиз, Тартелетт, айтинг-чи, ёввойилардан қаеримиз ортиқ?

– Бу ўта нокерак эҳтиёткорлик, холос! Ҳали кўрасиз, бу ердан кетаётганимизда ҳатто бир марта ҳам кийилмаган уст-бошлар оҳорлигича ётган бўлади.

– Бундай бўлишига мен ишонмайман, – эътироз билдирди Годфри. – Ўшанда ҳам ялонғоч қолгандан кўра кўнглимиз тўқ тургани яхшимасми?

– Лоақал якшанба кунлари жиндай одам қатори кийинсак, менимча, зиён қилмас?

– Бу бошқа масала: дам олиш ва байрам кунларида марҳамат! – дея жавоб қайтарди думбул ҳамроҳини ортиқ оғринтиргиси келмаётган Годфри. – Лекин бугун эндигина душанба-ку, якшанбагача бутун бир ҳафта турибди ҳали.

Шуни таъкидлаш жоизки, Годфри оролга қадам босганларидан буён кун ҳисобини пухта юритиб келарди. Сандиқдан тақвим ҳам топилгач, қараб кўрса, чиндан-да бугун душанба эди.

Энди вазият бинойидай бўлгач, Робинзонларимизга рўзғор юмушлари ҳар кимнинг имкониятига қараб

тақсимланди. Минбаъд оловга тинмай-тўхтамай ўт қалашга эҳтиёж йўқ эдики, бу юмушга весталкалар мисоли банд этилган Тартелетт кўниккан машғулоти ортиқ қайгурмай тарк эта қолди. Унга энди бошқа вазифа юкланиб, домла бу ишни ҳам ёмон ба-жармаётганди: ямс, алалхусус, нон пишириш учун зарур камас илдизмеваларини териш ҳам масъулиятли вазифа эди. Рақс муаллими прерияни қуршаган бутазорга бориши керак эдики, масофа икки милдан кам эмасди. Аввалига у йўл азобидан зорланиб юрди, аммо тез орада кўникиб, қийналмай бориб-келадиган бўлди. Бўш вақтларида Тартелетт устрица ва бошқа чиғаноқлардан териб келарди: зеро, егулик таъминоти хийла яхшиланган бўлса-да, денгиз неъматларига ҳали ҳам эҳтиёж катта эди.

Чорва билан парранданинг тасарруфи Годфрига юкланди. Қассобликка тоб-тоқати бўлмаса-да, қон тўкишга ўргандики, унинг бу янги касб-кори шарофати боис гўштли шўрва билан кабоб тез-тез дастурхоннинг зийнатига айланарди. Ўрмондаги мўл-кўл ёввойи жониворларни овлашга келсак, Годфри бу билан кейинроқ шуғулланиш фикрида эди. Олдин манави зарур ишларни бир ёқли қилиб олишсин, ана ундан сўнг милтиқ ва ўқ-дорини ишга солиб, ўрмон кезаверади.

Годфри осмондан тушган асбоб-ускуналар ёрдамида бир неча ўриндиқлар ясаб, ковак ичига ва дарахт теvaraгига қўйди. Усти ранда билан силлиқланган стол бежирим ҳолга келиб, Тартелетт териб қўйган чинни тақсимча ва ярақлаган қошиқ-пошиқларга жуда ярашди. Каравот вазифасини бажарадиган чор-поя ҳам битди, чойшаб ёпилган хашак-тўшак юмшоқ кўрпадай бўлди-қолди. Оёқ остида ётган қозон-то-

воқлар энди тоқчадан жой олди. Мебелга келсак, ковак уйда сандиқдан ташқари қўлбола девор-шкаф пайдо бўлди, ҳамма асбоб-ускуна осилди: Вильтри бу афти билан рицарлар уйини эслатарди.

Годфри Вильтрига ростакам бир эшик ўрнатиш ҳақида бош қотира бошлаганди, негаки кечаси уй ҳайвонлари бостириб кириб, уйқуни расво қилиш эҳтимоли йўқ эмас. Лекин биргина дастарра билан тахта тилиб бўлармиди? Шу боис у дарахтнинг йирик пўстлоқларидан фойдаланди. Эшик мустаҳкам бўлиб, Вильтри энди зич беркиладиган бўлди. Шунингдек, Годфри ковакнинг икки тарафидан рўпарама-рўпара дарча ўйиб, уларга қопқоқ ҳам ясадики, хона ёруғ ва баҳаво бўлиб қолди. Дарча тунда ёпиларди, кундузи эса ёп-ёруғлиги боис машъала ёқиб, тутунда димиқ-масдилар.

Қишнинг узундан-узоқ кечаларида Вильтрини қандай ёритадилар? Годфри ҳозирча буни ўйлаб кўргани йўқ. Эҳтимол, қўй ёғидан шам ясаб олишар ёхуд дарахт смоласидан фойдаланган маъқулроқми? Бу масала кейинроқ ҳал бўлади.

Ундан ҳам муҳими борки, ўтни ичкарида ёқсалар тутун қандай чиқиб кетади? Ҳозирча кунлар иссиқ: қўшни секвойя ковагида овқат пишириб туришибди. Аммо ёмғирлар мавсуми бошланиб, ҳаво совугач нима қиладилар? Унда олов уйда ёқилиши аёнки, тутунни ташқарига чиқариш муаммоси пайдо бўлади. Аслида буни ҳам орқага суриш мумкин.

Айни дамда Годфри бошқа зарурроқ юмушлар билан банд эди. Биринчи галда «пахлавон» секвойя яқинидан оқаётган анҳор устига кўприк солишга киришди. Хийла қийналиб бўлса-да, қумлоқ ўзанга бир нечта қозиқ қоқиб, устига тўсин михлади. Шу билан



оролнинг шимолига бориш-келиш йўли анча яқин бўлди: илгари оқим бўйлаб икки мил юқорига юрибгина анҳорнинг саёз жойидан кечиб ўтардилар.

Тинч океанининг хилват оролида улар узоқ яшайдиларми ёки абадий қолиб кетадиларми?.. Годфри оролдаги ғарибона ҳаётга мумкин қадар нур кириштишга уринаркан, уммон тарафдан кимлардир келиб, жонларига оро киришдан ҳам умидини узган эмасди.

Фина оролининг кема йўлларида бутунлай четда эканига Робинзонларнинг эндиликда гумони қолмаганди. Бу ерда пароходлар лангар ташлагудек бандаргоҳ бўлмаганидек, кемалар оладиган озиқ-овқат захираси ҳам йўқ эди. Бироқ битта-яримта ҳарбий ёки савдо кемаси яқинроқдан ўтиб қолса-чи? Ана шунда уларнинг эътиборини тортиш ва оролда одамлар борлигини билдириш учун белги бўлиши зарур.

Годфри шу мақсадда шимолий буруннинг баланд чўққисига мачта ўрнатмоққа бел боғлади. Сандиқдан чиққан чойшаблардан бири байроқ муаммосини ҳал қилди. Бироқ оппоқ байроқ олисдан кўзга ташланмасдики, чойшабни қумтепалар этагида ўсадиган ёввойи резавор меваларнинг қип-қизил шарбатига бўяди ва дарровдаёқ мачта учида қирмизи байроқ ҳилпирай бошлади. Тўғри, ўткир кимёвий дориворсиз ранг билан бўяш жуда зўр чиққани йўқ, қуёш нурида ўчиб кетиши ёки ёмғир ювиб юбориши ҳам осон. Аммо ҳечқиси йўқ, исталган пайтда қайтадан бўялаверади-да!

Ана шунақа паст-баланд ишлар билан 15 августга вақт елдай учиб кетди. Икки-уч марта кучли момақалдироқ бўлиб, қақраган ерни жала босганини демаса, сўнгги икки ҳафта давомида ҳаво очиқ келди.

Годфри шундан кейин ов билан шуғулланмоқчи бўлди. Ўзи яхшигина мерган эди, аммо ҳаётида мил-

тиқ ушлаб кўрмаган Тартелеттнинг бу ишда ёрдам беришидан асло умид қилолмасди.

Годфри ҳафтанинг муайян бир кунларини шикорга бағишлашга одатланди. Вильтри аҳлининг дастурхонини безайдиган тўрт оёқли ва қанотли ўлжа эса мўлкўл. Каклик ва лойхўрак гўшти кундалик таомномадан муқим ўрин эгаллади. Бундан ташқари, ёш овчи икки оҳу отиб олди: раққослар домласи бу ўлжаларни қўлга киритишда заррача қатнашмаган эса-да, уларни бифштекс ва котлет ҳолида истеъмол қилиш жараёнида фаол иштирок этди.

Годфри ов қилиб юриб, орол билан янада яхшироқ танишиб борди. У оролнинг марказий қисмини банд қилган ўрмонни ҳам бўйига, ҳам энига кезиб чиқди. Оқимга қарши юриб, анҳорнинг кунботардаги манбасини кўрди, Конустепага яна кўтарилиб, ундан ҳозиргача ўрганилмаган қарши томонга тушди.

«Кўрган-кечирганларимдан хулоса чиқариш мумкинки, – мулоҳаза қилди Годфри ўзича, – Фина оролида йиртқич ҳайвонлар, заҳарли илонлар, бошқа судралувчилар мутлақо йўқ! Башарти бўлганда, милтиқнинг варанглаши уларни ҳуркитарди ва мен уларни кўрардим. Бизни Худо асрабди-да ўзиям! Мабодо Вильтрига йиртқичлар ҳужум қилиб қолганда борми, билмадим қўлимиздан нима келарди? Шунингдек, Фина ороли бутунлай кимсасиз экани ҳам аниқ. Билъакс, ерли аҳоли ёхуд қай бир кема ҳалокатидан омон қолганлар бўлса, милтиқ отилгандаёқ етиб келмасмиди? Фақат анави сирли тутун... Менимча, икки марта кўзимга кўринди!..»

Дарҳақиқат ғалати эди: ахир, Годфри кимдир ёққан гулхандан қолган кулни ҳам учратгани йўқ. Уни ўзича қайноқ сувли чашмаларга йўйган бўлса ҳам, Фина

оролнинг пайдо бўлиши вулқон билан боғлиқ эмас, гейзерлар борлиги ҳам мужмал тахмин эди, холос. Сароб тутун ҳолида кўриниб, кўзни алдаган бўлиши ҳақиқатга яқинроқ.

Дарвоқе, Годфри тутунни кейин кўргани йўқ: у Ко-нустепага, Вильтрининг энг учидаги шохигача чиқди, аммо ўт ёқаётган одам йўқ! Бора-бора Годфри ўша тутун ҳақида ўйламай ҳам қўйди.

Рўзгор юмушлари ва ов билан тагин бир неча ҳафта ўтди. Ҳар куни бир янгилик Робинзонларнинг диққи-нафас ҳаётидаги хунобгарчиликни камайтирарди.

Ҳордиқ кунлари Тартелетт ҳиндулар хўрозидай ясан-тусан қилиб, митти скрипкасини ғийиллатгани-ча дарахтлар орасида хиромон сайр қиларди. Шунда фақат ўзи учун сабоқ ташкил этиб, соғлом ақл бовар қилмайдиган муқомларга эшиларди, бураларди. Чунки шогирд тушмагур хореографик машқлардан қатъ-иян бош тортганди.

– Кераги йўқ! – деди Годфри муаллимнинг ёлво-ришларига жавобан. – Ўзингиз айтинг-чи, рақс ва на-фосатдан дарс олаётган Робинзонни ақлингизга сиг-дира оласизми?

– Нега сигдира олмас эканман? – жиддият билан баҳсга киришди Тартелетт. – Наҳотки санъат ва на-фосат Робинзонга халақит қилади деб ўйлайсиз, а? Ахир, бу ўзгаларга эмас, ўзи учун керак-ку!

Годфри домлага қарши гап тополмаган бўлса ҳам барибир санъат йўлига юрмади, бечора Тартелетт уни кўндириш учун беҳуда вақт сарфлаб, чакагини чарчатди, холос...

Ўн учинчи сентябрь Годфри учун энг ноумид кун бўлди: кема ҳалокатидан жафо чеккан, денгиз кимса-сиз оролга улоқтириб ташлаган инсоннинг умид ко-саси бундан зиёда чил-чил синиши мумкин эмас!

Ўша куни соат учлар бўлиб, у Байроқтепа атрофида айланиб юрганди. (Робинзонларимиз мачта ўрна-тилган бурунни ана шундай номлашарди.) Бирданига олис уфқдаги узун тутун чизигига кўзи тушиб қолди. Годфри дурбин билан қараб ишончи комил бўлдики, чиндан ҳам кунботар шамоли орол томонга ҳайдаётган тутун аниқ кўриниб турарди.

Унинг юраги қинидан чиқиб кетай дерди.

– Кема! – ҳайқирди ҳаяжонланган йигит.

У оролга сигнални кўрадиган ё эшитадиган даражада яқин келармикан? Ишқилиб умидбахш тутун бир кўринибгина шимолга ёхуд жануби-ғарбга кетаётган кема билан ғойиб бўлмасин-да.

Годфри икки соат мобайнида қарама-қарши ҳис-хаёллар тутқунига айланиб қолди.

Дуд катталашди ва қуюқлашди (демак, кема тезликни оширган), сўнг бирданига йўқолди.

Аммо пароход хийла жадал яқинлашиб келарди, соат тўртга борганда осмон ва денгиз туташган уфқда шимоли-шарққа кетаётган катта кеманинг қораси кўринди. Годфри буни тўғри аниқлаганди. Агар пароход шу йўналишда сузишни давом эттирса, Фина оро-лига яқин келарди, албатта.

Годфри олдинига Вильтрига ўқдай учиб, Тартелеттни ҳам огоҳлантирмоқчи бўлди, аммо фикридан қайтди. Чунки бунча масофада ишора бераётган бир киши икки кишидан ёмон кўринмасди. Шу боис ўрнида қолиб, дурбиндан кўзини узмасди, кеманинг салгина ҳаракатини ҳам назардан қочирмасам дерди.

Пароходнинг тумшуғи оролга қарамаган бўлса-да, орадаги масофа тобора қисқараётганди. Соат бешда унинг корпуси уфқ чизигидан пасайиб, учта мачтаси-

ни кўриш мумкин эди. Годфри ҳатто гафелда<sup>1</sup> ҳилпираётган байроқнинг рангини ҳам ажрата олди.

Байроқ Американики эди.

«Модомики, мен кемадаги байроқни кўраётган эканман, улар ҳам менинг байроғимни кўришлари керак, – дея ўйларди Годфри, – қолаверса, манавинақа шабадада ҳилпираётган байроқ дурбинли одамнинг назаридан четда қолмайди ҳам! Балки, байроқни силкитса маъқул бўлар, ўшанда улар оролдаги одамлар чорлаётганини тушуна қолишарди. Шундай қилиш керак! Ҳар бир лаҳза ганимат!»

У мачта томон чопди, тик лангарчўпни қимирла-тиб, чойшабни саломлашиш маъносида ҳилпирата-верди, сўнгра байроқни туширди – бу денгизчилар таомилида кўмак сўрашни англатарди.

Пароход уч милча яқинга келди, лекин унинг байроғи қилт этмас ва соҳилнинг сигналларига жавоб қайтармас эди.

Годфрининг юраги тўхтаб қолаётгандай бўлди: кемадагилар оролни кўришмагани аниқ!

Соат олтидан ҳам ўтиб кетди! Офтоб уфққа ёнбошлаб, қоронғи туша бошлаганда, орадаги масофа икки милга ҳам етмасди. Атрофга тун ўз сепини ёйгач эса кемадагиларнинг оролни кўришидан мутлақо умид йўқ!

Годфри яна байроққа зўр берди: тушириб-чиқара-верди, аммо бари беҳуда!..

Сўнг милтиқдан қайта-қайта ўқ узди. Бироқ кемадаги қуролдан жавоб бўлмади. Масофа олислиги устига шамол ҳам денгиз тарафдан эсаётганди.

---

<sup>1</sup> Гафель – қуйи томони кеманинг мачтасига кўндаланг қоқилган эгри тўсин, қиялама елканнинг юқори учини боғлашга хизмат қилади.

Бу орада гира-шира бўлиб қолди. Салдан сўнг кемани кўриш ҳам мушуқлашади. Бир соат ўтар-ўтмас у Фина оролидан олислаб кетади.

Жони оғзига тиқилаёзган Годфри Байроқтепа ортида ўсган серсмола дарахтларнинг шох-шаббаларига ўт қўя бошлади. Қоқ-куруқ қайиннинг мойли шохлари дарров алангаланиб кетди.

Лекин... Годфрига жавоб сигналини кўриш ё эшитиш барибир насиб қилмади. Унинг боши эгилди, юраги ҳувиллади. Вильтри сари эзилиб бораркан, умри бўйи ғариблик алами бугунгидай ўртамаганини ҳис этди.

## *ЎН ОЛТИНЧИ БОБ*

### **Қўққисдан бўлиб ўтган фавқулодда ҳодисанинг баёни хусусида**

Бой берилган бу нақд имконият Годфрини ларзага солиб кетди. Бечоранинг дили сиёҳ бўлади-да! Яна бундай имконият бўладими-йўқми?! Иттифоқо уммоннинг бу хилват бурчига келиб қолган бошқа кемалар ҳам оролнинг ёнгинасидан парвойи палак ўтиб кетаверади. Ҳа-да, бандаргоҳи бўлмаган, ишончли ва керакли бошпана бўлишга ярамайдиган оролда нима ҳам қилардилар?

Тун бўйи Годфри ҳар дақиқада бир уйғониб, ҳажон ичида ётди. Қулоғига замбаракнинг овози эшитилиб, кемадагилар ўчмаган гулханни кўргандай, сигнал билан жавоб қайтаргандай туюлаверди.

Унинг вужуди қулоққа айланди ва амин бўлдики, бу қуруқ васваса, холос. Тонг отгач эса ҳеч қандай кема бўлмаганига, бари кундузи соат учда бошланган туш эканига ўзини ишонтиришга уннай кетди.

Йўқ-йўқ! Ахир, у ўз кўзлари билан кўргани аниқ: пароход икки мил наридан унинг сигналларига эътибор бермай ўтиб кетди...

Годфри ҳафсаласини пир қилган воқеа тўғрисида Тартелеттга оғиз очгани йўқ. Айтганда ҳам нима бўларди? Боқибеғам муаллимнинг ноқис ақли эртанги куннинг мушоҳадасига қодир эмасди. Оролдан кетиш имконини берадиган тасодифларни у хаёлига ҳам келтиролмасди. Домла ҳатто Сан-Францискони ҳам унута бошлаганди. Ахир бу шаҳарда уни кўзи тўрт бўлиб кутаётган қаллиғи ҳам, қалби талпиниб турган Виль тоғаси ҳам йўқ-да. Башарти мана шу гадойтопмас хилватда лоақал биргина ўқувчига рақс синфини оча олса бас: ёруғ дунёнинг борлиқ ҳузур-ҳаловати Тартелеттники деяверасиз!

Бироқ оролда ўзининг бахтиёр онларига халақит берувчи йиртқичлар ва аборигенлар йўқ, хавфдан холиман деб ўйлаган раққослар домласи катта хато қилганди. Ҳеч қанча ўтмадики, унинг бу хаёли бошига мушкул синовларни солди.

Кундузги соат тўртлар эди. Тартелетт доимий ода-тига кўра устрица ва чиганоқ тергани Байроқтепа яқинидаги соҳилга жўнади. Салгинадан сўнг ўқдай изига қайтди, ўтакаси ёрилган, шамолда сочлари тиканакдай ҳурпайган. У фақат олға учарди ва ортига ўгирилишга юраги дов бермасди.

Годфри унинг истиқболига чопаркан, хавотирланиб қичқирди:

– Нима бўлди?

– Анави... Анави ёқда... – тили тортилиб қолган Тартелетт бармоғи билан ишора қилиб, баҳайбат секвойялар ортидаги шимолий соҳилни кўрсатарди.

– Нима анави ёқда?

– Қайиқ!  
– Қайиқ?  
– Ҳа-а... Ёввойи одамлар... Бутун бир флотилия!..  
Кўринишидан одамхўрлар бўлса керак!..

Годфри ўша томонга зеҳн солди.

Кўрққанга қўш кўринади-да: мутлақо флотилия эмас, бир дона тоғарадайгина қайиқ қирғоқдан ярим мил нарида оҳиста сузиб келарди. Чоғи қайиқ Байроқтепани кўзлаётганди.

– Нега энди одамхўрлар деб ўйлаяпсиз? – сўради Годфри рақс муаллимидан.

– Чунки, биздан олдинги Робинзонлар оролига ахийри одамхўрлар сузиб келишгани аниқ-да!

– Эҳтимол, бу савдо кемасидан туширилган шлюпкадир?

– Савдо кемасидан?

– Ҳа... Кеча оролимиз яқинидан пароход ўтганди.

– Менга бир оғиз айтгингиз келмадими? – хитоб қилди Тартелетт хуноб қиёфада осмонга қўл чўзиб.

– Айтганим билан не фойда? Чунки, пароход изсиз кетди деб ўйлай қолгандим. Аммо, энди аёнки, қайиқни ўша пароходдан туширган бўлишлари мумкин. Ҳозир дарров аниқлаймиз...

Годфри шоша-пиша Вильтрига кириб, дурбинни олиб чиқди-да, дарахтзор ёнидаги ўтлоқдан қулай жойга туриб олди. Бу ердан қайиқнинг ҳар бир ҳаракатини яққол кузатиш мумкин бўлгани каби, келаётганлар ҳам мачтада ҳилпираётган байроқни бемалол кўра олардилар.

Кўққисдан Годфри дурбинни ерга ташлаб юборди ва овозининг борича қичқирди:

– Ёввойилар-ку!.. Ҳа-а!.. Шак-шубҳа йўқки, ёввойи одамлар яқинлашмоқда!..



Тартелеттнинг иккала оёғида жон қолмади, вужу-дини безгак тута бошлаганди...

Афсуски, қайиқдагиларнинг афт-ангори асло европаликларга ўхшамасди ва тўппа-тўғри оролга сузиб келарди. Полинезияликларнинг пирогаси шаклидаги эшакли қайиқни бамбукдан тўқилган катта елкани ҳам бор.

Годфри пироганинг кўринишини аниқ фарқлай олганди. У «прао» деб аталарди, Демак. Фина ороли Малайя архипелаги яқинида жойлашганлигини тусмоллаш мумкин. Бироқ қайиқда малайяликлар эмас, қоратанли ярим-яланғоч одамлар бўлиб, камиди ўн кишича бор эди.

Афсуски, «меҳмонлар» оролда одамзод борлигини сезишмади, албатта. Калтабинлик билан намойиш қилинган байроқ ҳам энди Вильтри аҳлини сотади (Ваҳоланки, кемадагилар уни кўрганлари йўқ). Энди чопиб бориб, байроқни тушириш эса бемаънилик, холос.

Ҳа-а, аҳвол ҳавас қиладиган эмас! Чоғи қайиқдагилар шу яқин орадаги бирор оролдан «ташриф буюришган». «Дрим»нинг ҳалокатига қадар кимсасиз бўлган оролда эндиликда одам борлиги уларнинг тушига ҳам кирмаган. Аммо шамолда ҳилпираётган байроқ сирни очиб бўлди... Табиийки, башарти чақирилмаган меҳмонлар қирғоққа тушгудай бўлсалар, бу икков қандай яширинишни ўйлашлари зарур.

Годфрининг калласига тайинли фикр келмасди. Нима бўлганда ҳам аввал анавиларнинг мўлжали қанақалигини билиш керак.

У дурбиндан кўз узмай қайиқни кузатарди: у олдинга соҳил бўйлаб сузиб, бурунни айланиб ўтгач, қарши томонда пайдо бўлди. Ахийри анҳорнинг мансабида – Вильтридан икки мил нарида тўхтади. Агарда

аборигенлар ариқ бўйидан оқимга қарши юргудай бўлишса, улар секвойяга етиб келишардики, уларнинг кейинги хатти-ҳаракатларига монелик қилишнинг иложи йўқ!

Годфри ва Тартелетт илдамлик билан Вильтрига қайтишди. Авваламбор, бу ерда ўзларидан иложи борича из қолдирмаслик, ашёвий далилларни яшириб, ҳимояга тараддуд кўришлари лозим. Годфри бор вужуди билан шу тадорикда бўлса, Тартелеттнинг фикр-ёди бошқа ёқда парвоз қиларди.

«Эҳ-ҳе! – такрорларди муаллим ўзича. – Қанчалар аянчли қисмат! Афсуски, бу тақдирдан қочиб бўлмайди! Модомики, Робинзон экансан, ақалли бир бор одамхўрлар қайиғи билан тўқнашмаслик мумкин эмас-да! Ахийри бир куни уларнинг оролга қадам қўймоғи муқаррар эди! Мана ўша кун... Уч кун ҳам ўтмадики, етиб келишди! Тасанноларким, жаноби Дефо ҳам, жаноби Висс ҳам айна хусусда ёзганларида бирорта ҳарф ёлғон қўшмаганлари чин экан-да! Энди шунда ҳам Робинзон бўла олинг-чи!»

Муҳтарам Тартелетт! Ҳеч ким Робинзон бўла олмайди, фақат Робинзонга айланиш мумкин, холос. Аммо сизнинг битта фикрингиз ҳақиқатга яқин: чиндан ҳам шу кунги ҳолингиз англиялик ва швейцариялик романнавислар яратган қаҳрамонларга ўхшаб кетади...

Годфри Вильтрига қайтиб, зудлик билан эҳтиёт чораларига киришди. Ковакдаги ўтни ўчириб, изини қолдирмаслик учун кулигача чиқариб ташлади, товуқхона эшигига буталардан босиб, яхшилаб яширди. Туёқлиларга ёпиқ жой йўқлигидан прерияга ҳайдаб юборди, одам борлигини билдирувчи асбоб-ускуна ва идиш-оёқларни ичкарига олиб кирди. Бу ишлар

якунлангач, Годфри Тартелеттни бошлаб, уйга кирди ва эшикни зичлаб беркитди. Секвойя пўстлогидан ясалган эшик ранг-рафтори билан дарахтдан фарқ қилмасдики, уни яқин жойдан ҳам пайқаш қийин эди. Иккала дарча жипс ёпилгач, Вильтрига қоп-қоронғи зулмат чўкди.

Икков бунчалар адоқсиз кечани ҳануз кўрганлари-ча йўқ эди! Тартелетт ва Годфрининг салгина шитирлашга ҳам қулоқлари динг эди. Ерга тушган шохнинг қирсиллаши ё шамолнинг увиллаши билан сапчиб олишарди. Кейин оёқ товушлари эшитилиб, кимдир Вильтри теварагида айланиб юргандай бўлди. Годфри ортиқ бардош қилолмади: оҳиста ўрнидан туриб, дарчаларнинг бирини очди ва юрак ютиб зулмат қўйнига тикилди.

Бўм-бўш! Ҳеч ким йўқ!..

Яна кимдир юра бошлади. Бу гал Годфри аниқ эшитганди. У тагин дарчага тирмашди: эчки дайдиб юрган экан. Бу орада йигит бир тўхтама келди. Мабодо аборигенлар секвойя ковагидаги одамларни пайқаб қолишса, икков дарахтнинг ичидан (қувурдай бўм-бўш-ку) юқорига кўтариладилар, баланд шохларга ўрнашиб, душманга ўша ердан ҳужум қиладилар. Милтиқлар, револьверлар бор, ўқ-дори етарли: бундай қуролни умрида кўрмаган ёввойилардан ўнтасининг ҳам додини бера олишади. Агар улар қуйидан туриб, камон ўқталса, тепадан бошига кўрғошиндан ажал ёмғири ёғади. Аборигенлар эшикни бузиб, ичкарига кирса, уларни тепага чиқармасликни ҳам бемалол уддалай олишади.

Аммо Годфри эҳтимоли бор ана шу хавф тўғрисида Тартелеттга индагани йўқ. Шўрлик шундоқ ҳам ёввойилар ташрифидан адои тамом бўлган, Худо

кўрсатмасин, секвойянинг баланд шохларига кўчиш «хушхабари»ни эшитгудай бўлса, эси оғиб қолиши ҳеч гапмас. Душманга қарши шу тактикани қўллаш зарурати туғилган тақдирда, Годфри рақс муаллимининг ўйлашига ҳам имкон бермайди-да, юқорига судрайди, ҳатто куч ишлатишни ҳам кўнглига тугди.

Узундан-узоқ тун гоҳ умид, гоҳ ваҳима билан ўтди. Бироқ Вильтрига тажовуз уюштирилгани йўқ. Балки, ёввойилар ҳали секвойязорга келишмагандир? Эҳтимол, улар оролнинг ичкарасига бориш учун тонгни кутишаётгандир?

– Аборигенлар ана шу хаёлда бўлса керак, – деди Годфри. – Негаки, байроқ савил оролда одам борлигини билдириб турибди-да. Қолаверса, улар нари борса ўн киши ва ўзлари ҳам кўрқаётгани бор гап. Оролда кема ҳалокатидан омон қолган иккитагина инсон яшашини қаёқдан ҳам билишсин? Шу боис тунда юришга юраклари дов бермаган... Агарда...

– Агарда, кун чиқиши билан қайтиб кетишмаса! – дея жумлага нуқта қўйди Тартелетт.

– Қайтиб кетишмаса? Унда Фина оролига келишдан уларнинг муддаоси нима? Бир кечагина тунаб кетиш холосми?

– Билмасам... Билмасам...– дея рақс муаллимининг тили айланарди, унингча ёввойиларнинг ташрифи сабаби одам гўштига тўйиб олишгина эдики, бундан эс-ҳуши кирди-чиқди ҳолга тушиб қолганди.

– Ҳар нима бўлганда ҳам, – уқтирди Годфри, – эртага ҳам ёввойилар Вильтрига келмаса, ўзимиз разведкага борамиз.

– Ўзимиз?

– Ҳа, икковлон! Бизнинг шундай вазиятда бир-биримиздан ажралишимиз ақлли одамларнинг иши

эмас. Ким билсин, балки, оролнинг марказидаги ўрмонда яширинишга тўғри келар... Эҳтимол, ҳатто бир неча кун... анавилар гумдон бўлгунча қоп кетармиз! Йўқ, Тартелетт, биз фақат бир жойда бўлишимиз шарт!

– Тсс! – домланинг овози титрарди. – Қулоғимга қадам товушлари эшитилгандай...

Годфри тагин дарчага интилди ва дарров ўрнига ўтирди.

– Йўқ! – деди у. – Ҳозирча тинчлик... Қўй-эчки ва агутиларимиз қайтиб келган экан...

Тартелеттнинг қути ўчди:

– Ёввойилар қувиб келгандир-да!

– Унақага ўхшамаяпти. Чунки жониворлар жа-а хотиржам. Менимча улар тонгги шабнамдан паналанмоқчи бўлган. Ҳали замон қуёш чиқади. Бирор соат кутайлик, агар ёввойилар кўринмаса, Вильтрини тарк этамиз ва оролнинг шимолий тарафига разведкага отланамиз. Сиз ҳеч милтиқ ушлаганмисиз, Тартелетт?

– Милтиқ? Ҳа-а, ушлаб кўриб...

– Отиш-чи, отиб кўрганмисиз?

– Билмайман! Мутлақо отган эмасман... Аммо ишонаверинг, Годфри, менинг ўқим нишонга тегмайди...

– Ким билсин, эҳтимол ёввойиларни кўрқитиш учун милтиқнинг қарсиллаши ҳам кифоя қилар.

Бир соатдан сўнг атроф ёришиб, улкан секвойялар ортидаги кенглик равшан кўринадиган бўлди.

Годфри эҳтиёткорлик билан дарчаларни очди. Жануб томонда хотиржамлик, ювош жониворлар бепарво ўтларди. Годфри бу дарчани яхшилаб ёпди-да, бухтанинг шимолий томони кўринадиган дарчага ўтди. Йигит Вильтридан икки мил наридаги байроқли мачтага назар солди, аммо кеча ёввойилар қайиғи тўхтаган дарёнинг мансаби бу ердан кўринмасди.

Шунда у дурбинни олиб, Байроқтепагача бўлган бутун соҳилни бир сидра кўздан ўтказди. Ҳеч ким йўқ. Тартелетт башорат қилганидек, ёввойилар оролда тунаб, бу ерда одамнинг бор-йўқлиги билан қизиқмасдан қайта қолишдимикан?

## ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

### Рақс муаллими Тартелеттнинг милтиғи чинакам мўъжизаларга қодир эканлиги хусусида

Кутилмаганда Годфри даҳшатангиз ҳайқириб юборди, раққослар домласи бир чўчиб тушди. Мана энди заррача гумон йўқки, ёввойилар оролда одамлар борлигини билишган: мачта учигаги байроқ ғойиб бўлганди.

Аёнки, Годфрининг режасини пайсалга солиш мумкин эмас: зудлик билан разведкага жўнаб, абори-генларнинг кетган-кетмаганини ва нима иш қилаётганини аниқлаш зарур!

– Қани, кетдик! – деди Годфри ўз шеригига.

– Кетдик? Бироқ... – пичирлади Тартелетт.

– Ёки сиз қолмоқчимисиз?

– Агар сиз ҳам қолсангиз, албатта!

– Йўқ, мен кетаман.

– Ёлғиз қоламанми? Тилла тўксангиз ҳам бир ўзим қолмайман.

– Ундай бўлса, кетдик!

Тартелеттнинг ақли етдики, Годфри айтганини қилмай қўймайди ва дарҳол унга эргашди. Аслида ёлғиз қолишга асло юраги дов бермасди ҳам.

Йўлга тушишдан олдин Годфри қурол-яроқларни бир дафъа кўздан кечирди, иккала карабинни ўқлаб,

бирини Тартелеттнинг қўлига тутқазди. Милтиқ ушлаган муаллим шундай анқайиб қолдики, бутунлай нотаниш буюмни кўрган помотулик абориген ҳам унчалик меровланмаса керак. Боз устига бечора биқинига овчилар пичоғи билан ўқдон осишга ҳам мажбур бўлди. Сўнгги дақиқада у чўнтак скрипкасини олиб, муסיқий наволар билан одамхўр бадкорлар кўнглини юмшатмоқчи эди, аммо Годфри хийла тер тўкиб бўлса-да, устозининг девоналарча бу ниятидан базўр қайтарди.

Тонги соат олтилар бўлиб, секвойялар учидаги япроқлар офтоби оламнинг илк нурлари билан йилтирай бошлади.

Годфри ковак уйнинг эшигини очиб, ташқарига чиқди ва атрофга назар солди.

Орол сукунат ҳукмида эди.

Жониворлар Вильтридан чорак мил нарида ўтламоқда. Уларнинг хотиржамлигидан аёнки, чорвани ҳуркитадиган хавф йўқ.

Годфри Тартелеттни чақирди. Аслаҳаларни кўтариш малол келган рақс муаллими пайпасланиб шогирдига яқинлашди.

Йигит эшик мустаҳкам ёпилганига ишонч ҳосил қилгач, атрофга даста-даста шох-шабба ташлаб, устига катта тошларни бостириб қўйди. Сўнгра ариқ томонга йўл бошлади, зарур бўлса унинг мансабигача тушиб бормоқчи эди.

Тартелетт унга имиллаб эргашаркан, атрофга олазарак боқарди. Ковакда танҳо ўзи қолиши унинг учун бундан ҳам даҳшатли эдики, у бор кучи билан етиб юришга уринарди.

Улкан секвойялар ёнидаги ўтлоққа етишгач, Годфри дурбинни қўлига олди ва Байроқтепа бурни-

дан то оролнинг шимоли-шарқий бурчигача бўлган масофани ташвиш ва синчковлик билан қараб чиқди.

Бирор тирик жон йўқ. Аборигенларнинг тунги қўналгасидан нишон берувчи жиндайгина тутун ҳам кўзга ташланмасди. Буруннинг ниҳоясидаги қумлоқда ялангоёқ одамларнинг изи кўп бўлса-да, ҳеч ким кўринмайди. Ҳалигинда Годфри янглишмаган экан: мачта жойида турибди, лекин байроқ гойиб бўлган! Қизил рангга ишқи тушган аборигенлар матони юлиб олиб, дарёнинг мансабидаги қайиққа кетганлари аниқроқ.

Годфри кунботардаги қирғоқни кўздан кечирди: Байроқтепадан Дримбейгача бўлган оралиқ бўм-бўш. Уммон ҳам кимсасиз: на қайиқ, на кема кўринмайди. Демак, ёввойилар тўдаси соҳил бўйлаб сузган бўлса, ҳозир қирғоққа яқин чўгиртошлар панасида экани эҳтимолдан узоқмас.

Годфрини қийнаётган нарса вазиятнинг ана шу беқарорлиги эди. У қандай қилиб бўлмасин, бетакаллуф меҳмонларнинг оролдан кетган-кетмаганини аниқлашни хоҳларди. Бунинг учун у истаса-истамаса, дарёнинг мансабидаги кеча улар тушган қўлтиққа яширинча бормаса бўлмасди.

Бухтанинг икки милга чўзилган қирғоғи бўйлаб дарахт ва буталар қалин ўсган бўлиб, ям-яшил новдалари сувга тегиб турарди. Ундан сўнг яйдоқ соҳил очилиб, беш-олти юз ярд масофа денгизнинг лабига-ча тақир майдон. Хуллас, агар ёввойилар анҳорнинг мансабига кетмаган бўлса, дарахт ва бутазорлар ора-лаб, сездирмай яқинлашиш имкони йўқ эмасди. Аммо бирор кўнгилсизлик содир бўлмаслиги учун ҳазир бўлиш зарур.

Лекин кечаги денгиз сафарида итдай чарчаган аборигенлар бунчалик барвақт уйғонгани ва қўналга-



ни тарк этгани даргумон. Аниқроғи, улар ё пирога тубида, ё унга яқинроқ соҳилда тошдай қотиб ухлаётган бўлса керак. Годфрининг фикрича, агар шундай бўлиб чиқса, аборигенларни гафлат уйқусида босиш мумкин эди.

Фақат шошилиш зарур, ҳар дам ганимат! Душман хавфи эҳтимол тутиларкан, сездирмай, ими-жимиди бостириб бориш муҳимроқ! Устунлик ҳужум қилувчи томонда бўлади, албатта. Биринчи бўлиб ўқ узган тараф ғалабага яқин! Годфри билан Тартелетт карабин ва револьверларнинг тепкисини яна бир бор текшириб, анҳорнинг чап лабидан пастга туша бошлашди.

Ён-атрофда нохуш осойишталик ҳукмрон. Тонгги сукунатни дарахтлар оралаб, анҳорнинг ҳали ўнг, ҳали сўл бетига учиб-қўнаётган эркин қушларнинг потирлаши бузарди, холос.

Олдинда Годфри, унга эргашган ҳамроҳи имилаб борар, боши эгилган, афтидан тинка-мадори қуриб адоий тамом бўлганди. Улар дарахтларни ортда қолдириб, сайҳонликка етишди. Очиқ майдонни бел бўйи ўт қоплаган бўлса-да, дарахтлар ўртасидаги бутазорчалик икковни душман кўзидан яшира олмасди. Энди бу орадан ўта эҳтиёткорлик билан ўтмасалар асло иложи йўқ. Салгина бепарволик қилсалар тамом – одамхўрлар отган тош ёки пайконнинг нишонига айланадилар! Таассуфки, худди атай қилгандай, рақс муаллими қайта-қайта қоқилгани устига, шовқин солиб инқиллар, овозининг борича вой-войлар эди. Осанг яроқ-аслаҳаси билан гурсиллаб йиқилавериши дард устига чипқон! Годфри бир неча бор огоҳлантирган бўлса-да, сурон кўтариб, дардисар бўларди, холос. Шогирд кўп афсус чекди: нега шуни олдиндан кўра билмади, нега Вильтригами ё ўрмоннинг бирор қақас

жойигами ташлаб кела қолмади, а? На чора, кейинги пушаймон – ўзингга душман!

Бизнинг Робинзонлар «пахлавон» секвойяни тарк этганларига бир соат бўлиб, йўлнинг асосий қисмини ўтган эсалар-да, ҳозирча шубҳали ҳеч нарсага йўлиққанлари йўқ.

Годфри тўхтаб, прерияга бир ров назар ташлади. Саёзгина анҳор суви очиқ соҳил қумлари оралаб оқиб ётибди. Келгиндиларнинг ном-нишони ҳам йўқ... Шуниси борки, оролда одамлар борлигини пайқаган ёввойилар ҳам эҳтиёт чорасини кўрган бўлиши мумкин, албатта. Эҳтимолдан мутлақо холи эмаски, Годфри билан Тартелетт бу ёққа келгунларича, чақирилмаган меҳмонлар анҳор бўйлаб юқорига кетгандир. Ёхуд шу яқин орада – бутазорда яшириниб олгандир, балки ўрмонда тентираётган ё пистирмада пайт пойлаб ётган бўлиши ҳам мумкин...

Инсон зотининг феъли бир жумбоқ: икковлон «ёвуз» ёввойиларни учратмай олға боришгани сайин, Тартелеттнинг ваҳимаси камайиб, хийла ўпкасини босиб олди ва ҳатто «кулгили ўша одамхўрлар» тўғрисида беписанд мутойибаларга ҳам ўта бошлади. Годфри эса аксинча, тобора ҳушёр тортиб, сайҳонликдан дарахтзорга ўтишгач, икки ҳисса эҳтиёткорлик билан қадам кўярди.

Яна бир соат ўтди. Икков тагин яйдоқ соҳилга бориб қолишди. Бу ерда пастак ўт-ўланларгина бўлиб, уларни яширишга ярамасди. Шамол денгиз яқинлигини билдирмоқчидай майсалар учида ўйнайдик, бундай шароитда сездирмай юришнинг иложи йўқда. Энди юзтубан ётиб, олға эмаклашдан ўзга чора қаёқда? Годфри шундай қилди ва Тартелеттни ҳам ўзидан андоза олишга даъват этди.

Бироқ санъаткор муаллим тупроққа беланишни хоҳламасди.

– Ёввойи одамлар энди йўқ! Одамхўрлар кетиб бўлган! – деди у саркашлик билан.

– Улар кетмаган! – деди унга жавобан Годфри секин, аммо қатъий оҳангда. – Улар ҳали шу ерда бўлиши керак. Юзтубан ётинг, Тартелетт! Бўлинг, бўла қолинг ва ҳар лаҳзада тепкини босишга шай туринг! Кўзингиз менда бўлсин ва менинг буйруғимсиз ўқ узмайсиз!

Годфрининг сўзи шунчалар амирона эдики, рақс муаллимининг оёқлари ўз-ўзидан букилди ва у шогирди талаб қилган хореографик муқомни қабул этди.

Домла тўғри йўл тутди, албатта.

Негаки, Годфрининг жиддий талаби бежиз эмасди.

Улар эгаллаган «жанговар» маррадан на денгиз соҳили, на дарёнинг мансаби кўринмасди: камида юз одим наридаги тепалик олд тарафни тўсиб турарди. Аммо унинг ортидаги адирлар тизмасидан қуюқ қора дуд кўкка ўрларди...

Годфри майсага чўзилганича, карабиннинг тепкисига бармоғини қўйиб, қулай лаҳзани сабр билан кутарди.

«Бу оролда учинчи бор тутунни кўриб турибман, – деди у ўз кўнглида. – Бу аввал ҳам аборигенлар келганини, оролнинг шимол ва жануб томонида гулхан ёққанини билдирмайдими? Йўқ, бу мумкин эмас! Ахир уларнинг изини асло тополмадим, на куйиндини, на кулни кўрганим йўқ-ку! Лекин мана ҳозир ҳақиқатни аниқлайман, кейин нима қилишни ўзим биламан!»

Годфри бир неча бор эмаклаб, тепаликка етиб олди, Тартелетт ҳам унга эргашди. Бу ер анҳор қуйилаётган соҳилни кузатишга қулай эди.

Йигит бақириб юбораёзди. У қўли билан рақс муаллимнинг елкасини босиб, энди олға юриб бўлмаслигига ишора қилди. Тартелетт бошини ерга қўйган кўйи қотиб қолди, Годфри эса хаёлидаги манзарани ҳаётда – ўз кўзлари билан кўриб турарди...

Соҳилдаги чўгиртошлар орасида ваҳимали гулхан ловуллаб, осмонга қоп-қора тутун бурқсийди. Оловни кеча қайиқда келган қора танли аборигенлар қуршаб, тинимсиз ўтёқиш билан банд, ўтинни тахлаб ташланганлари кўриниб турарди. Сал нарида қояга чилвирланган қайиқ тебранади.

Тўлқинларнинг қирғоққа ёпирилиши бошланди.

Годфрига дурбинсиз ҳам денгиз лабидаги ҳамма воқеа бемалол кўринаётганди. Орадаги масофа икки юз қадамга бориб-бормасди. Ҳатто гулханга ташланган қуруқ шох-шаббанинг чарсиллаши ҳам эшитиларди. Даставвал унинг хаёлига келдики, пистирмадан ҳадиксирашнинг ҳожати йўқ, негаки гулхан теварагида аборигенларнинг ҳаммаси жамулжам эди.

Ўн икки кишининг ўнтаси иш билан машғул: ярми гулханга ўтин қалайди, ярми кабоб учун таёқдан сих тайёрлаш билан овора (Полинезияликлар одатда шунақанги айланма сихда кабоб пиширишади). Ўн биринчи абориген сиёқидан сардор бўлса керак, кеккайган қиёфада қумлоқ соҳилда айланиб юрибди, кимдир бостириб келадигандай оролнинг марказига олазарак қараб-қараб қўяди. Годфри йўқолган байроқни унинг елкасида кўрди: афтидан ёввойи одам ўзини жа-а ясанган-тусанган ҳисобларди.

Ўн иккинчи шўрлик эса... ёғочга чилвирбанд этилган кўйи ерда ётарди.

Бу бечорани қандай мудҳиш қисмат кутаётганини фаҳмлаш оппа-осон. Таёқ сих билан катта гулхан уни

кабоб қилиш учун кераклиги бегумон... Демак, Тартелетт бу ёввойиларни каннибал атаб, янглишмаган экан-да!

Устоз шогирдига уқтиргандики, хоҳ ҳақиқий, хоҳ хаёлий бўлсин, барча Робинзонларнинг саргузаштлари бир-биридан фарқ қилмайди – бу фикрга қўшилмаслик мумкин эмасди. Мана исботи: Годфри ва Тартелетт шундай бир вазиятда эдиларки, Даниэль Дефонинг қахрамони ҳам оролига ёввойилар келган чоғи худди шунақа аҳволда қолганди. Алқисса, бу икков ҳам айни дамда Робинзон Крузо мисоли мудҳиш одамхўрлик воқеасига шоҳид бўлишга мажбур!

Годфри шерюрак Робинзондан андоза олишга қарор қилди. Йўқ, анави каннибаллар бечора асирни нимталаб, унинг гўштига тўйгунча Годфри томошабин бўлиб тура олмайди! Қолаверса, у Жумавойни қутқариш воқеасидаги Робинзонга нисбатан яхшироқ қуролланган! Икки милтиқ тўрт марта отилади! Икки револьвер – ўн иккита ўқ деган сўз! Милтиқнинг атиги бир бор гумбурлашиданоқ юраги ёриладиган ўн бир ёввойига бунча ўқдан сўнг сичқоннинг ини минг танга бўлиши муқаррар. Ана шу тўхтамга келган Годфри аборигенларга қарата наъра тортадиган қулай пайтни совуққонлик билан кута бошлади.

Аммо узоқ кутгани йўқ.

Йигирма дақиқа ўтмасданоқ сардор гулхан ёнига келди ва шундай буйруқни интизор кутаётган итоатгўйларига асирни кўрсатиб, алланималар деди.

Годфри қаддини тиклади. Негалигини ўзи билмаган ҳолда Тартелетт ҳам ўрнидан турди. Ўз режаси ҳақида бир оғиз гапирмаётган Годфрининг нима қилмоқчи эканини бечора рақс муаллими хаёлига ҳам келтиролмасди.

Йигит ўйлагандики, шундоққина кўриниши биланоқ ёввойилар даврасида саросима бошланиб, ҳаммаси ё қайиққа отилади, ё тумтарақай бўлиб қочиб кетади.

Бироқ на униси, на буниси содир бўлгани йўқ. Афтидан, ёввойилар Годфрини кўришмади ҳам.

Худди шу лаҳзада сардор тагин тутқунга ишора қилди. Негрлардан учтаси ўша томонга чопди ва уни ёғочдан бўшатиб, гулхан ёнига судраб келди.

У ёшгина йигитча эди. Муқаррар ўлимни кутаркан, ўзини осонгина сихга тортмасликлари учун жон-жаҳди билан юлқинарди. Лекин аборигенлар уни бир зумда шаштидан тушириб, ерга таппа босдилар. Шу пайт асирнинг тепасида тошболта кўтарган сардор пайдо бўлди, у шўрликнинг бошини мажақламоқчи экани аён!

Годфри бор овози билан ҳайқириб, тепкини босди. Варанглаб ўқ учди ва кўринишидан сардорни ер тишлатди, у тупроққа юз тубан ағдарилди.

Милтиқ қарсиллаган дамда аборигенлар момақалдироқдан юраги ёрилган қуён мисоли тошдай қотиб қолишди, тутқунни ушлаб турганлар эса беихтиёр қўйиб юборишганди. Бундан фойдаланган бечора кутилмаган халоскори томон чопаркан, ёввойилар ажабланган кўйи анграйиб туришарди.

Ўша лаҳзанинг ўзида иккинчи ўқ ҳам варанглади: Тартелетт қўрқанидан иккала кўзини чиппа юмиб тепкини босиб юборганди. Сўнг бир маҳалгача ўнг лунжини силаб-сийпалаш билан овора бўлди, чунки милтиқнинг қўндоғи қаттиқ «тепганди». Умри бўйи у бундай зарб еган эмасди-да! Бироқ (ахир, бунақаси ҳам бўлиб туради-ку) рақс муаллими тўппа-тўғри нишонга уриб қўйганди! Ёввойилардан бири сардорнинг ёнига гурсса тушиб, тил тортмай қолди!

Аборигенларнинг энди ҳолига вой! Улар душман қабиланинг кўп сонли қўшини ҳужум бошлади деб ўйлаб, жангга киришга ботинмадилар. Балки момақалди роқ ва чақмоқ билан тажовуз қилаётган икки оқ танлини кўргандаёқ ёввойиларнинг юраги ёрилиб кетгандир? Нима бўлганидан қатъий назар, занжилар ярадор ва мурдани судраб, тезроқ гумдон бўлиш ҳаракатида эди: улар орқа-олдига қарамай қайиққа сакраб, жон ҳолатда эшакка ёпишдилар, дарҳол елканни кўтариб, зудлик билан Байроқтепани айланиб ўтишди.

Бу орада сихга тортилмай қолган асир халоскори қошига етиб келди. Аввалига у икки олий тоифали одамсиёқли мавжудот ҳузурида кўрқувдан қотиб қолди. Сўнгра оқтанлиларга яқинлашиб, тиз чўкиб таъзим қилди ва Годфрининг бир оёғини қўлига олиб, ўзининг бошига қўйди (Чоғи «мен сенинг қулингман» демоқчи бўларди).

Эҳтимол, мана шу полинезиялик ҳам «Робинзон Крузо»ни ўқигандир...

## *ЎН САККИЗИНЧИ БОБ*

### **Полинезиялик ҳабашнинг ахлоқий ва жисмоний тарбияланиши хусусида**

Годфри оёқлари остидаги шўрпешона ёввойининг қаддини тиклаб, юзига нигоҳ ташлади: у нари борса ўттиз беш ёшда эди. Киндиги остидаги кафтдай латтани демаса, қип-яланғоч бўлиб, ранг-рўйидан африкалик занжиларнинг ўзгинаси. Дарҳақиқат, асирнинг афт-ангори Полинезия архипелагининг ғариб аборигенларига асло ўхшамасди (Полинезияликлар Африкадаги аксарият қабилалардан қолақ эди).

Суданлик ё ҳабашистонлик занжиларнинг Полинезия оролларидаги аборигенлар қўлига тушиб қолиш ҳодисалари ҳам бор. Бинобарин, агар манави ҳабаш инглизча ёки Годфри биладиган Европа тилларидан бирортасида сўзлаша олгудай бўлса, бунинг ажабланадиган жойи ҳам йўқ. Бироқ дарров аён бўлдики, бечора негрнинг жаврашидан бирон нимани англаш мушкул: чоғи у ёш болалигида асир тушган бўлиб, аборигенлар тилида гапираётгани эҳтимолга яқинроқ эди.

Годфри аввалига инглизча у-бу деб кўрди, аммо бефойда – бир оғиз ҳам жавоб йўқ. Шунда у имо-ишорага ўтиб, ҳабашнинг исмини билмоқчилигини тушунтирмоқчи бўлди.

Қайта-қайта беҳуда уринишлардан сўнг негр (дарвоқе, унинг кўзлари ақлли, чеҳраси очиқ эди) биттагина сўз айтди:

– Карефиноту!

– Карефиноту! – хитоб қилди Тартелетт. – Исм деганиям шунақа бедаво бўладими, а?.. Мен унинг отини Жумавой қўйишни таклиф этаман. Ахир бугун айнан жума – мисоли Робинзон оролидагининг ўзгинаси. Иннайкейин, Робинзонлар яшаган ҳамма оролларда ҳам ёввойи кимсага у қутқарилган куннинг номи қўйилган. Ўйлаб кўринг-чи, исм деганиям шунчалар бемаъни бўладими – Карефиноту?

– Унга шундай исм қўйишган бўлса, нега уни бундан тортиб олишимиз керак? – эътироз билдирди Годфри.

Ана шу дақиқада Карефиноту қўлини Годфрининг кўксига тегизди, унинг кўзларидан «Ўзингнинг исминг-чи?» деган саволни уқиш қийинмасди.

– Годфриман, – жавоб қайтарди йигит.



Қора танли бу номни талаффуз қилишга урина кетди. Годфри ҳарчанд такрорлагани билан унинг қотиб қолган тили мутлақо нотаниш сўздаги товушларни уриштириб, бурро айтишга айланмасди.

Шундан сўнг Карефиноту рақс муаллимига ўгирилиб, унинг ҳам исмини сўрагандай ишора қилди.

– Тартелетт, – деди у илтифотли жилмайиб.

– Тар-те-летт! – такрорлади Карефиноту.

Демак, ана шу уч бўгин ҳабашнинг тилидаги товушлар тизимига монанд келгандики, аниқ талаффуз қила олди.

Бундан раққослар домласи бир қувониб олди. Ҳада, қувонса арзирди ҳам!

Годфри энди аборигеннинг ақли бажолигидан фойдаланмоқчи бўлиб, оролнинг номини имо билан суриштира кетди. У ўрмон, прерия, адирларга ишора қилиб, денгиз соҳили ва уфққа қараб, қулочини керди ва охирида ҳабашга саволомуз нигоҳ ташлади.

Сўроқни бирданига англолмаган Карефиноту Годфрининг ҳаракатларини такрорлади ва теваракатрофга бир ров қараб чиқди.

– Арнека, – деди у бир зум ўйлаб.

– Арнека? – такрорлади Годфри ва саволини яхшироқ тушунтириш учун ерни тепкилаб кўрсатди.

– Арнека! – тасдиқлади ҳабаш.

Таассуфки, Годфри ҳеч нарсани тушунгани йўқ: зотан, бу атама на оролнинг номини ва на унинг уммондаги жуғрофий ўрнини англата олмасди. Балки, оролнинг аборигенлар тилидаги номи шунақа бўлиб, хариташуносларга маълум эмасдир.

Карефиноту эса иккала оқ танли инсонга синчковлик билан кўз тикиб, гўё уларнинг ўзаро тафовутини аниқлаётгандай дам унисига, дам бунисига қаради. У

енгил жилмайди ва маржондай оппоқ тишлари кўри-  
ниб кетдики, Тартелетт бу тишларга хийла хавотир-  
ланиб тикиларкан, ваҳимали хитоб қилди:

– Митти скрипкам ҳаққи онт ичаманки, ана шу  
тишлар одам гўштини чайнаган, албатта!

– Ҳар нечук энг муҳими шуки, бизнинг янги ше-  
ригимиз сихга тортилишдан ва ўзгалар ошқозонида  
ҳазм бўлишдан қутулди-ку! – деди Годфри.

Карефиноту ҳайрат тўла кўзларини Годфри билан  
Тартелеттнинг қўлидаги карабин ва белга осилган  
револьвердан узолмаётганди. Годфри ундаги тааж-  
жубнинг боисини дарровда фаҳмлади: бу ёввойи ҳеч  
қачон ўқотар қуролни кўрмагани аниқ. Аммо у ўзи-  
нинг омонлиги учун мана шу чақмоқли қувурчалар-  
дан бири олдида қарздорлигини билармикан? Қаёқ-  
дан ҳам билсин!

Годфри қуролининг ғойибона қудрати нечоғли зўр  
эканини ҳабашга бир кўрсатиб қўймоқчи бўлди. У  
милтиқни ўқлаб, эллик одимча нарида учиб бораёт-  
ган қушни Карефинотуга кўрсатди ва дарҳол нишонга  
олиб, тепкини босди – ўлжа прерияга қулади.

Милтиқ отилган лаҳзада Карефиноту қўшоёқлаб  
шундай сакрадики, Тартелетт бу муқомни санъатшу-  
нослик нуқтаи назаридан ижобий баҳолади. Салдан  
сўнггина жиндай ўзига келган негр овчилар тозиси-  
дай чопқиллади ва қанотлари дабдала бўлиб, ўт-алаф  
орасида потирлаётган паррандани халоскор хожасига  
келтириб берди. Унинг юзида мамнуният ва ҳайрат  
ифодаси қотиб қолганди.

Тартелетт ҳам ажал чақмоғини бўйсундиришдаги  
маҳоратини намойиш этишни истаб қолди. Анҳорга  
яқин дарахт шоҳидаги қуш унинг диққатини тортди  
ва милтиғини ўқталиб, мўлжаллай бошлади.

– Ҳожати йўқ, Тартелетт! – дея унинг шаштини қайтармоқчи бўлди Годфри. – Отманг!

– Нега энди?

– Ўзингиз ўйлаб кўринг: ўқингиз чалғиб, нишонга уролмасангиз, манави ҳабашнинг олдида обрўйимиз бир пул бўлади-ку!

– Мен мўлжалга уролмайманми? – деди муаллим мутлақо ранжиган қиёфада. – Бояги отишма чоғи ҳаётимда илк бор милтиқ ушлаганим ҳолда юз қадам наридаги одамхўрнинг нақ юрагига уриб қўйган мерган мен эмасмидим?

– Модомики, ўша ёввойи ерга қулаган экан, ўқингиз теккан, албатта. Лекин гапимга қулоқ солинг, Тартелетт! Келинг, умумий фойдамиз учун шу сафарча қўя туринг, омад бир марта келишиям мумкин-ку!

Рақс муаллими хийла ранжиган бўлса-да, муросага юрди. У милтиқни елкасига осиб, Годфри ва Карефиноту билан Вильтрига йўл олди.

Секвойя ковагидаги уй ёввойи меҳмонни яна ҳам ажаблантирди. Дастлаб унга асбоб-анжом ва рўзгор буюмларидан қандай фойдаланишни кўрсатишга ва ўргатишга тўғри келди. (Албатта, имо-ишоралар билан!) Чоғи, Карефиноту металлни бутунлай кўрмаганди: у ибтидоий жамоа тузуми босқичидаги қабилада яшаган бўлса керак. Булар декчани лаққа чўғ устига қўйган заҳотиёқ, абориген зудлик билан қозонни олишга интилиб қолди. Афтидан, унинг жўн тасаввурича, олов қозонни куйдириб юбориши мумкин эди. Ҳабашнинг бу қилиғи Тартелеттга сира маъқул келгани йўқ, негаки у ўша дамда ҳаётнинг шарафли бир машғулоти, яъни таом тайёрлаш билан банд эди. Аммо шунини таъкидлашмики, негрнинг наздида кўзгудан зиёда мўъжиза ёруғ дунёда бўлмаса керак. У

қўлидаги ойнанинг ўнгу терсини айлантириб кўрарди: унинг ортида ё ичида бошқа бир Карефиноту бормикан?

– Лекин бу қораялоқнинг ақли ҳеч балога етмас экан, – деди домла афтини бужмайтириб.

– Сиз янглишяпсиз, – эътироз билдирди Годфри, – у кўзгунинг ортига қараяпти, демак, фикрлади: бу фақат онгли мавжудотга хос хусусият-да.

– Майли! Бўлса бордир! Яхши, онгли бўлса бўла қолсин, – деди Тартелетт саркашлик билан бош чайқаб. – Бироқ мана шу онгли мавжудотдан бизга бирон бир наф борми ўзи?

– Бунга менинг ишончим комил! – деди Годфри.

Бу орада Карефиноту егуликлар тўла стол ёнига етиб борди. Олдинига уларни ҳидлаб, кейин эса тишлаб кўрди ва ниҳоят ноз-неъматларни бирин-кетин паққос тушира кетди: агути шўрва, Годфрининг ўқиға учган қуш, камас ва ямс қўшиб пиширилган қўйнинг кураги...

– Бу сиёқидан меҳмонимизнинг иштаҳаси чакки эмасга ўхшайди, – писанда қилди Годфри.

– Ҳа-а, – жавоб қайтарди Тартелетт. – Ўзимизга ҳазир бўлишимиз ҳам зарур: ишқилиб қонидаги канибаллик хуружга келиб, одамхўрликни тусаб қолмасин-да.

– Хавотирланманг, Тартелетт! Башарти у қачондир инсон этини тотиб кўрган бўлса, буни унутишга мажбур қиламиз.

– Бунга ишона олмайман! – деди муаллим. – Модомики, бир мартагина еган бўлса, энди уни унутиш масаласи...

Карефиноту уларнинг суҳбатига диққат билан қулоқ соларди. Унинг зийрак кўзларидаги ифодадан

аёнки, икков нима ҳақда баҳслашаётганини тушунгиси келарди. Кутилмаганда у ҳам тилга кириб, алланарсалар ҳақида бижиллай кетди. Бироқ унинг «маърузаси» ҳеч қандай маъноси йўқ тақлидий ундовлардангина иборат бўлиб, «а» ва «у» унлилари ниҳоятда кўп эди (Полинезияликлар тили ўзи шунақа хусусиятга эга).

Годфри ўйга толди. Ҳар нима бўлганда ҳам ўзи қутқариб қолган мана шу негр энди унинг янги биродарига айланади. Унинг содиқ хизматкор бўлишига шубҳа йўқ. У бақувват, абжир, серҳаракат, ҳеч қанақа ишдан қочмайди. Кўриниб турибдики, унинг тақлид қилиш қобилияти зўр. Бу уни тарбиялашда қўл келади.

Годфри янглишмаганди. Чорвани парваришлаш, илдиз ва мева териш, қўй ва агути сўйиш, ёввойи олмадан шарбат тайёрлаш – буларнинг барини Карефиноту тез фурсатда ўрганиб олди. Ушбу юмушларни бир мартагина кўрсатиб қўйишди, кейин ўзи бенуқсон уддалаб кетаверди.

Тартелетт қандай ўйлашидан қатъий назар, Годфрининг ҳабашга нисбатан муомаласида заррача ишончсизлик унсури йўқ бўлиб, ўз ҳаётини хатарга қўйиб, унинг жонига оро кирганидан асло афсусланмасди. Агарда уни нимадир ташвишга солаётган бўлса, гап бошқа ёқда: Годфри эндиликда Фина оролини кўриб-билиб олган ёввойиларнинг тагин қайтиб келишидан хавотирда эди.

Дастлабки кунданоқ Карефинотуга секвойя ковагидан жой қилиб беришди. Бироқ у башарти ёмғир ёғмаса, асосан ташқарида ётишни маъқул кўрардики, ичкаридагилар учун соқчи ҳам тайёр-да!

Кейинги бир неча ҳафта мобайнида Годфри қоратанли шеригини овга олиб чиқди. Олис масофадан

туриб оловли қуролга нишон бўлган қушларнинг ерга тушиши унинг учун мароқли томоша бўлиб қолганди. Бундай вазиятда у бажонидил тозининг хизматини адо этиб, ўқдай учардики, баланд-пастлик, бутазор, анҳор каби йўлидаги ғовлар унга писанд эмасди.

Годфри аста-секин янги дўстига боғланиб борарди. Карефиноту Робинзонларимизнинг ҳамма машаққатларига теппа-тенг шерик бўлса-да, ҳамон инглизчага ҳеч тили қовушмасди. Годфри ва рақс муаллими икковлашиб ҳарчанд саъй қилсалар ҳам қора танли йигит ниҳоятда осон сўзларни ҳам ўрганолмади.

Ана шу тарзда кунлар ўтаверди. Бироқ, гарчи бугунги мавжуд вазият осойишта бўлиб, бевосита бирор ёмонлик хавф солмаётган бўлса-да, Годфрининг хаёли бошқа ёқда. Оролдан кетиш насиб қиладими-йўқми деган ўй уни бирор кун тарк этмас ва ватанига қайтиш учун нималар қила олишини ўйлагани-ўйлаган эди. У қаллиғи Финани, Виль тоғасини эсламаган кун йўқ! Годфри совуқ кунларни ички бир хавотир билан кутарди, негаки унда ўзи билан ўша азизлар орасидаги ғов яна ҳам катталашиб кетиши турган гап.

Йигирма еттинчи сентябрь куни яна бир фавқуллодда ҳодисага йўлиқдилар. Шунинг шарофати билан Годфри ва унинг ҳамроҳлари егулик захирасини бойитиб олишди, аммо бунинг учун хийла тер тўкишга тўғри келди.

Годфри ва Карефиноту Дримбей бурнида чиғаноқ теришарди. Бирданига денгиз шамоли соҳилга суриб келаётган майда-майда оролларни кўриб қолишди. Оролчалар бутун бир архипелаг бўлиб, уларнинг устида қанотлари ваҳимали денгиз қийғирлари гужғон ўйнарди.

Миясига бу ҳолни изоҳловчи жўяли бир фикр келмаган Годфри анқайиб тураркан, Карефиноту ўзини ерга ташлаб, юз тубан ётиб олди: бошини бўйнига тортиб, оёқ-қўллари билан имиллаб юрадиган алланимага тақлид қилаверди. Аввалига ҳеч нарсани туншунмаётган Годфри унга тикилиб турди-да, бирданига бақриб юборди:

– Ҳа-а, тошбақалар!

Карефиноту янглишмаганди: дарҳақиқат, «оролчалар» денгиз тошбақалари бўлиб, камида бир квадратмил сув сатҳини қоплаган, сон-саноғи йўқ эди. Соҳилга юз саженча қолганда, аксарияти денгизга шўнгиб кетди, косасига қўнган қийғирлар потирлашиб осмонга кўтарилди. Лекин тўлқинлар юздан зиёд тошбақани барибир соҳилга улоқтириб ташлаганди.

Годфри билан Карефиноту ўша ондаёқ уммоннинг беминнат ҳадяси томон чопдилар. Ҳар бир тошкосанинг диаметри уч-тўрт футдан кам чиқмасди. Уларни сувга қайтармасдан қумлоқ соҳилда ушлаб қолишдан осони йўқ: косаси тўнқариб қўйилса бас. Бу хийла меҳнатталаб «ов» билан Робинзонлар бир неча соат машғул бўлишди.

Кейинги кунлар тайёр ўлжани нимталаш ва ташиб олиш билан ўтди. Тошбақа гўшти ниҳоятда мазали бўлиб, обдан тузлангач, хомлигича ҳам, консерваланган ҳолда ҳам сақлашга ярайверарди.

Ёғингарчилик мавсуми яқинлашаётгани сабаб, Годфри тошбақа этининг асосий қисмини ўша кунларга ғамлаб қўйишга қарор қилганди. Шундай бўлса-да, анча вақтгача қозондан янги гўшт узилгани йўқ: тотли шўрвадан Тартелетт ва ундан бўлак хўрандалар ҳам ҳузурландилар.

Ўша тошбақа воқеасини демаганда, оролдаги турмуш умуман бир маромда кечарди. Худонинг берган кунни маълум пайтда одатдаги муайян бир ишни бажаришарди. Совуқ тушгач, тирикчилик яна ҳам оғирлашадики, бу ҳалитдан Годфрини қайғуга солаётганди. Аммо қўлларидан нима ҳам келарди?

Ҳозирча об-ҳаво яхши ва бундан унумли фойдаланган Годфри бўш вақтини овда ўтказиб, ўрмон кешишда давом этарди. Карефиноту шикордаги доимий ҳамроҳи бўлиб, Тартелеттга эса Вильтрининг посбони мақоми маъқул тушарди. Биринчи ўқини санъаткорона отган эса-да, рақс муаллимини ов санъатидаги иқтидор бобида Худо ёрлақанган эмасди...

Ов сайрларидан бирида шундай бир мудҳиш воқеага дуч келдиларки, бу улкан секвойя аҳлини ҳазилакам ваҳимага солгани йўқ.

Годфри Карефинотуни бошлаб, энг баланд чўққи этагидаги ўрмонзор ўртасида ов қилиб юрганди. Эрталабдан буён тайинли ўлжа ҳам учрамаган, қуюқ дарахтзорлар орасида икки-уч оҳу кўринган бўлса-да, масофа олислиги учун ўқ отиш беҳуда эди.

Годфри одатига кўра майда-чуйда ўлжаларни нишонга олмади: егулик захираси етарли, жониворларни ўлдириш учунгина ов қилишни унинг виждони кўтармасди. Кийикларга эътибор бергани шунинг учунки, Робинзонларга унинг гўштимас, териси айни дамда жуда асқотади. Лекин бу гал уйга ўлжа кўтариб бориш насиб қилмаган шекилли...

Вақт пешиндан ўтган, соат учлар бор эди. Нафас ростлаган пайтда нонушта қилишганди, ундан сўнг ов бароридан келавермади ва шу боис Годфри бу ерда беҳуда тентирамасдан тушликни Вильтрида қилиш фикрига келганди. Улар дарахтзордаги сайҳонликни



кесиб ўтишган дамда Карефиноту бирданига қалтис ўгирилди-да, Годфри томонга сапчиди ва унинг елкасига ёпишиб шунчалар суриб кетдики, йигит қаршилик қилолмай қолди.

Йигирма қадамча югуриб боришгач, Годфри бир амаллаб тўхтади ва ҳарсиллаганича Карефинотуга саволомуз тикилди.

Юраги ёрилаёзган ҳабаш эллик одим чамаси наридаги йиртқичга ишора қилди.

У қўнғир айиқ бўлиб, ханжардай тирноқлари билан дарахт танасига ёпишганича худди овчиларга ҳамла қилмоқчидай бошини таҳдидли ликиллатаётганди.

Годфри ўйлаб ўтирмади ва милтиғини кўтарди: Карефиноту уни тўхтатишга улгура олгани йўқ – дарҳол тепкини босиб юборди.

Айиққа ўқ тегдими? Албатта теккани аниқроқ. Йиртқич ўлдими, йўқми? Буни тасдиқлаш қийин. Лекин махлуқ чангалини ёзганича дарахт тубига гурсса қулаганди.

Энди ҳар лаҳза ғанимат! Ярадор айиқ билан олишувнинг охири вой бўлиши ҳеч гапмас. Калифорния ўрмонларида энг лочинкўз овчиларнинг қўнғир айиқ билан тўқнашуви оқибатида содир бўлган фожиалар ҳам кўпчиликка маълум.

Чоғи Карефиноту ҳам ваҳший ҳайвонларнинг қонли қилғилиқларини билардики, Годфрининг қўлидан тутиб, Вильтрига судради. Йигит ҳам эҳтиёткорликни маъқул кўриб, ҳабашга қаршилик қилгани йўқ.

## ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

### Шундоқ ҳам ўта чигал вазиятнинг баттар, ҳатто беш баттар чигаллашгани хусусида

Оролда йиртқич ҳайвоннинг мавжудлиги жиддий бош қотиришни талаб этарди. Тақдир зарбаси ғариб-ликка улоқтирган бу одамларнинг пешонасига яна не шўришлар ёзилган?

Годфри сўнгги ноҳушликни Тартелеттдан яширмай очиқ айта қолди ва чоғи хато қилганди.

– Айиқ! – айюҳаннос солди рақс муаллими, у даҳшатли қиёфада атрофга шунчалар олазарак боқдики, гўё Вильтрини йиртқичларнинг бутун бир тўдаси қуршаб олганди. – Қаёқдан кела қолди ўша айиқ? Ахир, ҳалигача мунақа одамхўр махлуқлар оролимизда қорасиниям кўрсатган эмасди-ку! Модомики, биттаси пайдо бўптими, энди бошқалариям келади, айиқдан ташқари сиртлонлар, қоплонлар, гиеналар, арслонлар ҳам пайдо бўлади!

Тартелеттнинг зотилжамга йўлиққан хаёлида Фина ороли ажойибхонадаги темир қафасдан қочиб чиққан йиртқичлар ўрдаси бўлиб туюла бошлаганди.

– Бунчалар даҳшатга тушиш ўринсиз, – дея босиқлик билан эътироз билдирди Годфри. – Тўғри, мен ягона айиқни кўрдим, бу – аниқ! Аммо бу маймоқ махлуқ олдинлари нега кўринмагани хусусида бир нарса дейишим қийинроқ, тўғрироғи, ҳеч нарса дея олмайман. Лекин орол қонхўр йиртқичлар билан тўлиб-тошган, улар ўрмон ва прерияда бемалол изғиб юрибди қабалидаги саросималарга ҳозирча асос йўқ. Шунга қарамасдан сергак бўлиш, қуролсиз юрмаслик зарур.

Бояқиш Тартелетт! Ўша кундан эътиборан унинг ҳаёти даҳшат, васваса ва адоқсиз қўрқувдан иборат бўлиб, буларга олис Калифорния соғинчи ҳам қўшилдики, оғзи хархашадан тинмай қолди:

– Ташаккурлар бўлсин! Ўлганнинг устига тепгандай, йиртқичлар етмай турувди! Тўйдим, тўйиб кетдим! Энди бас! Талаб қиламан: мени дарҳол уйга жўнатиб!

Кошки! Кошкийди бунинг иложи бўлса!

Годфри ва унинг ҳамроҳлари энди ўта эҳтиёткор бўлиб қолишди. Ваҳшийларни соҳил ёки прерия тарафдангина кутиб ўтириш гафлатдан бошқа нарса эмас, чунки улар улкан секвойялар орасида беркиниб ётиши ҳам мумкин. Бехосдан бўладиган тажовуз эҳтимолига қарши уйни мустаҳкамлаш зарур. Бизнинг қаҳрамонларимиз энг аввал эшикни айиқнинг темирдай тирноқларига дош берадиган даражага етказдилар. Годфри чорвани эҳтиётлаш учун қўра қурди, қўй-эчки ва агутилар лоақал кечаси хатардан холи бўлди. Аммо бу хийла қийин кечди. Қўрғон унчалик пишиқ ва баланд бўлгани ҳам йўқ, айиқ уни бузиб ташлай олса, гиена бемалол сакраб кираверарди.

Карефиноту Вильтри остонасида доимий қўриқчиликни зиммасига олган эдики, бу билан ҳар хил кутилмаган ҳолатларга қарши ўзига хос ҳимоя ҳам кафолатлаганди. У ўзининг ҳаётини хатарга қўйган бўлса-да, бу фидойиликни халоскорлари учун қилаётганидан мамнун эди. Годфри навбат билан қоровуллик қилишни таклиф этди, лекин ҳабаш соқчиликка бир ўзи муттасил туриб олди.

Орадан бир ҳафта ўтиб кетди, лекин Вильтри атрофида қўрқинчли меҳмонлар кўрингани йўқ. Годфри ўшандан буён жиддий бир зарурат бўлмаса, уйдан

олис кетмасди. Қўшни ўтлоқда озиқланадиган чорва хайвонлари ортидан жиддий назорат қатъий йўлга қўйилди, бу вазифани аксарият вақтларда Карефиноту адо этарди. Ўзи билан у милтиқ олиб юрмасди, негаки ханузгача бу қуролни ишлатишни ўрганолгани йўқ. Аммо белига ҳамиша ов пичоғи осилган бўлиб, ўнг қўлидан болтасини қўймасди. Абжир ва бақувват ҳабаш бунчалар аслаҳаси билан нафақат айиққа, агар зарурат туғилса, йўлбарсга ҳам ҳамла қила оларди.

Бироқ на айиқ, на йўлбарс ва на бўлак ваҳшийдан дом-дарак йўқ. Годфри аста-секин ваҳимадан қутулиб, оролдаги саёхатларини тағин бошлаб юборди, ўрмоннинг қуюқ чангалзорига бормаса-да, ҳатто бир-икки бор овга ҳам чиқди. Унга Карефиноту ҳамроҳ бўлган кезлари Тартелетт эшикни тақа-тақ беркитиб, ковакка шундай беркитиб ётардики, ҳеч қандай зарурат, ҳатто рақсдан сабоқ беришдай машғулот тақозоси ҳам уни ташқарига чиқмоққа мажбур этолмасди! Годфри шикорга ёлғиз кетиб, қора танли абориген билан ҳамхона бўлиб қолганда эса раққослар домласи унинг тарбияси устида берилиб шуғулланарди.

Тартелетт даставвал унга энг кўп ишлатиладиган сўзларни ўргатмоққа саъй қилиб кўрди, бироқ ҳабаш талаффуз борасида мутлақо нотавон эдики, муаллим бу илмий ниятидан воз кечиб, сабоқларини ноилож тўхтатди.

– Бўпти! – дея бир фикрга келди домла. – Модомики, унга устоз бўлолмас эканман, майли, шогирд бўла қоламан.

Хуллас, Тартелетт абориген тилини ўрганишга қарор қилганди.

Годфри уни бу йўлдан қайтармоқчи бўлди.

– Бу машғулотлардан барибир наф чиқмайди.

Аммо рақс муаллими ўзбилармонлигидан қолмади. Ўзи Карефинотуга инглизча аталишини ўргатмоққа тиришган буюмларнинг аборигенча номини билиб олишга астойдил саъй қилди.

Кўп ўтмасданоқ ойдаи равшан бўлдики, Годфри ўз устозидаги иқтидор серқирра эканини билмас экан. Тартелетт истеъдодли шогирд чиқиб қолди ва ўн беш кундаёқ ўн бешта сўзни бемалол ўргана олди. Чунончи, у Карефинотунинг она тилида «бирси» сўзи оловни англатишини, «араду» – осмон, «мервира» – денгиз, «дура» – дарахт эканлигини ва яна бир қатор калималарни қийналмай ўзлаштирди. Рақс муаллими айна муваффақиятлари боис шунчалар гурурланиб кетгандики, унинг ифтихори гўё Полинезия тиллари бўйича билимдонлар танловидаги энг зукко иштирокчидан кам эмасди.

Муаллим Карефинотуга миннатдорчилик ўрнида Европа хореографияси ва нафосат илмининг пешқадам услубларидан сабоқлар бошлади.

Годфри бу куракда турмас машғулотлар жараёнида обдан кулиб ҳузурланишдан ўзини тия олмасди! Якшанба кунлари эса вақтни тезроқ ўтказиш учун сан-францисколик машҳур санъаткор Тартелеттнинг гаройиб сабоқларида эркин кузатувчи мақомида қатнашарди.

Дарҳақиқат, бу дарслар ичакузди томошанинги ўзгинаси: бахтиқаро негрнинг кўмирдай қоп-қора баданидан шаррос тер қуйиларди, меҳнат-машаққатга кўмилиб, рақснинг энг енгил муқомларига ҳам чалакам-чатти эгилади. Бироқ у қанчалар итоаткор ва тиришқоқ бўлмасин, елкаси бесўнақай, қорни осилган, тиззаси олға гўдайиб, оёқлари дарвайган полинези-

яликдан янги бир Вестрис ёхуд Сен-Леоне<sup>1</sup> яратиш оғиздаги ош эмасди-да.

Тартелеттнинг жазаваси тутгани сайин, Карефино-ту бор кучини сарфлаб қийналса-да, қунт билан тиришарди. Раққоснинг ибтидоий ишвасини ўзлаштириш унга нечоғли мушкул бўлганини тасаввур қилиш амри маҳол! Ана ундан кейин эшилиши талаб этиладиган иккинчи, учинчи ғамзалар ижроси шўрликка ўлимдан ортиқ кулфат бўлди-ёв!

– Мана, менга қара, ошқовоқ! – чинқирарди Тартелетт, зеро, муаллим машғулотларда кўргазмали усулни афзал биларди. – Оёқлар орасини кер! Янада кенгроқ! Бир оёғингнинг учи иккинчисининг товонига тегсин! Тиззангни қимирлат, хомкалла! Ҳой тўнка, елкангни йиғиштириб ол! Бошингни тик тут!.. Қўлларингни ёй қил!..

Годфри негрнинг ёнини олмоқчи бўлди:

– Ундан иложсиз нарсани талаб қиляпсиз, домла.

– Ақли бор одам учун иложсиз нарсанинг ўзи йўқ!  
– қатъий жавоб қайтарди Тартелетт.

– Унинг бесўнақай жуссаси бунга қовушмайди, ахир!..

– Қовушади! Шундай қовушадики, обдан ўргатиб қўяман! Ҳали қараб турасиз, киборлар даврасига киришни ўргатганим учун бу ёввойи мендан миннатдор бўлади.

– Ахир бу ҳабаш киборлар мажлисига ҳеч қачон кира олмайди-ку!

– Буни Худо билади, Годфри! – пинагини бузмай эътироз қилди муаллим.

---

<sup>1</sup> Вестрис Огюст, Сен Леоне Артюр – XIX асрдаги машҳур француз раққослари ва балетмейстерлари.

Тартелетт билан ўзаро айтишув шу нуқтада поёнига етди. Сўнгра раққослар домласи киссасидан скрипка билан камончасини олиб, қисқа, бироқ қулоқни қоматга келтирувчи чийилдоқ наволарни чала кетдики, бундан Карефинотудаги санъат қутқуси хуружга тушди. Энди уни даврага судрашнинг ҳожати йўқ эди. Хореография қолипларини заррача ўйламаётган ҳабаш афти бужмайган, бурни қийшайган қиёфада тиззасини ликиллашиб сакрар, қийшанглар ва сулайиб қолгунича ирғишлар эди.

Полинезия фарзандининг ғайриоддий жазавасини кўздан кечирган Тартелетт тафаккурга чўмди. «Эҳтимол, – дея фикр қиларди у, – манави телба-тескари жилпиллашлар хореографик санъат ақидаларига бутунлай зид бўлса-да, асрлар давомида яратилган сунъий нозу адоларга қараганда инсон руҳига яқин ва анча табиийроқмикан?»

Аммо биз нафосат ва рақс муаллимини фалсафий мушоҳадалари билан холи қолдириб, ундан муҳимроқ ва долзарб бир масаланинг баёнига ўтамыз.

Годфри кейинги пайтларда ёлғиз ўзи ё Карефиноту ҳамроҳлигида ўрмонда анча кезганига қарамасдан бошқа бирор йиртқични, ақалли босган изини кўрганни йўқ. Махлуқлар сув ичиши мумкин бўлган анҳорнинг лабларида ҳам оёқлар нишонаси қолмаганиди. Тунлари ҳам осойишталик: бирор гал ваҳшиёна ўкириш эшитилмади ва уй ҳайвонлари безовталанмади.

«Жудаям ғалати-да! – дерди Годфри ўзи билан сўзлашиб. – Ахир мен ҳам, Карефиноту ҳам янглишмагандик, ҳеч шубҳа йўқки, у айиқни кўрсатди, мен ўқ уздим. Башарти, мен уни ўлдирган бўлсам, ўша айиқ оролимиздаги яккаю ягона йиртқич бўлиб чиқади-ми? Наҳотки?»

Мутлақо ақл бовар қилмайдиган ҳолат! Хўп, агар айиқ бўлган экан, унинг жасади қаёққа йўқолди? Годфрининг ахтармаган жойи қолмади, аммо йиртқичнинг ўлиги ҳеч ерда йўқ. Эҳтимол, оғир яранган бўлса, уясига етиб олиб, ўша ерда жон берган бўлиши ҳам мумкин. Бироқ шунда ҳам дарахт тубида қон доғлари бўлмасмиди?..

«Ҳар нима бўлгандаям, – бир қарорга келди Годфри, – сергак турган маъқул!»

Ноябрнинг аввалидан совуқ кунлар бошланди. Сурункали ёмғир соатлаб шивалайверди. Кейинроқ жалалар ҳам қуйиб берса керак, унақа ёгингарчилик бу ернинг иқлимида ҳафталаб тинмаслиги мумкин. Бу минтақада қиш шунақа ўтарди. Эндиликда Годфри кўнглидаги бир мўлжални амалга оширмаса бўлмайди: ўчоқни ичкарига кўчириб олишса, бўрон ва жаладан қўрқмасдан овқат пишириш, уйни иситиш имкони ҳам туғиларди.

Секвойя ковагининг бир бурчи ўт ёқишга бопроқ кўринди. Годфри ўша жойга тошларни бўйига ва энига териб, ўчоқ қурмоқчи бўлди. Мўри масаласи хийла бошни қотирарди. Секвойянинг ғовак танасидан тун чикариш амалда осонмас ва бунча қувур топишнинг ҳам иложи йўқ!

Ўйлаб-ўйлаб, ахийри топди: анҳор лабида ўсиб ётган бамбукнинг узун ва йўғон поясидан фойдаланса бўлади!

Бу ишда Карефиноту ғайрат билан кўмаклашди (Албатта унинг нима қилиши зарурлигини тушунтиргунча Годфри анчагина тер тўкди). Керакли бамбукни ахтариб, икков икки милга яқин йўл босдилар. Ўчоқни ҳам биргаликда қуришди: тошлар хонанинг тўрига – эшикнинг тўғрисиغا терилди. Бамбук пояла-



рининг ичидаги пўк-ўзагини олиб ташлаб, бош-кети текисланди ва бир нечтасини бир-бирига улашди. Ва ниҳоят узунгина мўркон ҳосил бўлиб, секвойя пўстлогидан очилган тирқишдан бир учини ташқарига чиқаришди.

Бундай ўчоқ кўнгилдагидай эди, фақат бамбукпояни ўт олдирмаслик учун ҳушёр туриш керак.

Тез орада секвойя ковагида юзларни ёритиб, олов ловуллаи кетди, Годфри ичкарида тутун йўқлигидан беҳад хурсанд эди.

Робинзонлар ўчоқни айни пайтида ишга солгандилар: учинчи ноябрдан ўнинчига қадар ёмғир бетиним қуяверди. Ташқарида ўт ёқиш энди мутлақо иложсиз. Рутубатли бутун бир ҳафта давомида Годфри билан шериклари ичкарида диққинафас бўлиб ётдилар, чорва ва паррандалардан хабар олиш учунгина ташқарига чиқишарди.

Кунлардан бир кунги ғамланган камас тугаб қолди. У Робинзонлар учун нон ҳисобида эдики, унга айлан-тириладиган илдизмеванинг ўрни билина бошлади. Шунда Годфри Тартелеттга ўз режасини баён қилди:

– Ҳаво очилиши билан Карефиноту иккимиз камас териб келамиз.

Ёмғирга бўккан майсазорда пайпасланиб, икки мил масофага бориб-келишга рақс муаллимининг кўзи учиб турган эмасдики, уй пойлаб ўтиришга бажонидил кўна қолди.

Ойнинг бошида кунботар шамоли ҳайдаб келган кулранг булутлар тўла осмон ўнинчи ноябрга бориб, секин-аста очила бошлади. Ёмғир тиниб, оқшомга яқин қуёш ҳам бир жилмайиб, кейин уфққа ёнбошлади. Бу эртага ҳаво очиқ бўлишининг аломати эдики, фойдаланиб қолиш керак!

– Тонг чоғи, – огоҳлантирди Годфри, – Карефиноту билан йўлга тушамиз.

Рақс муаллимининг жавоби қисқа ва лўнда бўлди:  
– Омад тилайман!

Тунда туман ҳам тарқади, мусаффо осмон юлдузлар чаманига айланди. Кечки тамадди дастурхони йиғиштирилиши биланоқ Карефиноту ёмғирли кунларда бўш ётган ташқи соқчилик постини эгаллади. Годфри уни ичкарида ётишга ундаб, Вильтрини қўриқлашга эҳтиёж йўқлигини, ўшандан буён йиртқич гумдон бўлганини тушунтиришга ҳарчанд уринмасин, фақат деворга гапиргандай бўлди, холос. Негаки, Карефиноту бу даъватларга мутлақо парво қилгани йўқ ва барибир ўз билганидан қолмади.

Чиндан-да эртасига об-ҳаво орол аҳлига мутлақ мурувватпешалик қилди. Соат еттига яқин Годфри Вильтри остонасидан чиққанда, офтобнинг илк нурлари азим секвойяларнинг уч-учидаги япроқларни зарга буркаб ташлаганди.

Карефиноту ҳар доимгидай соқчилик постида сергак: у тун бўйи вазифасини садоқат билан уддалаб, Годфрининг истиқболига ғоз турарди. Икков тиш-тирноқларигача қуролланиб, иккита каттакон қоп олишди. Улар Тартелетт билан хўшлашиб, анҳор томонга йўл олдилар: сув ёқалаб камас мўл-кўл жойга боришмоқчи эди.

Бир соат ҳам ўтмадики, кўзланган манзилга беҳатар етиб олишди. Аммо қаттиқ тер тўкишди, уч соат мобайнида бош кўтарганлари йўқ. Соат ўн бирга яқинлашгандагина орқага қайтишди, қоплар илдизмевага лиммо-лим эди.

Икков ёнма-ён, мамнун қиёфада атрофни томоша қилиб борардилар, аммо чақчақлашмоққа тил бил-

майдилар. Юриб-юриб, дарё бурилган жойга етиб келишди. Бу ерда дарахтлар мажнунтол мисоли сувга бош букиб, бирийўла иккала қирғоққа тортилган чодирдай беҳад гўзал кўринарди.

Қўққисдан Годфри таққа тўхтаб қолди. Бу гал йиртқични биринчи бўлиб у кўрди ва Карефинотуга имо қилди. Дарахт тагидаги ваҳшийнинг кўзлари кўрқинчли ва гайритабиий ялтираётганди.

– Йўлбарс! – хитоб қилди Годфри.

Ҳа, у адашгани йўқ. Дарҳақиқат, у сўлоқмондай йўлбарс бўлиб, жуссаси ёй ҳолатида, тирноқларини дарахтга ботирган чоғи ҳал қилувчи ҳамлага шай эди.

Годфри биргина лаҳзада қопни ерга ташлади, нишонга олди ва отди.

– Ура! Ура! – ҳайқирди у.

Бу сафар отилган ўқнинг тақдирига гап бўлиши мумкинмас: яраланган йиртқич жон ҳолатда ортига сапчиди. Жароҳат қонхўрни йиқита оладими, газабга минган йўлбарс яна не ҳунар кўрсатади? Бу ҳали маълум эмас!

Годфри яна отиш учун милтиқ ўқталди.

Бироқ Карефиноту пичоғини яланғочлаб, йиртқичнинг ортидан отилди, таассуфки, йигит уни тўхтатиб қололмади.

– Қайт! Орқангга қайт! – дея Годфри қанчалик томоқ йиртмасин, ҳеч бир нафи бўлгани йўқ...

Йўлбарсни ўлдириш қасдидаги негрнинг ҳаёти хавф остида бўлса-да, чақириқларни сира эшитмасди ёки эшитишни хоҳламаётганди.

Годфри ўзини анҳорга ташлади. Нариги бетга тир-машаётиб, ўз кўзлари билан кўрдик, Карефиноту ва йўлбарс орасида ҳаёт-мамот жанги давом этарди. Ҳабаш олдин ваҳшийнинг ҳалқумидан бўғди ва кейин

қоқ юрагига тиг урди. Йўлбарс сурункали ёмғирдан сўнг айқириб оқаётган лиммо-лим анҳорга думалади. Шовуллаган шиддатли оқим махлуқнинг мурдасини чирпирак қилганича уммон сари улоқтира кетди.

Олдин айиқ! Мана энди йўлбарс! Ҳа, энди заррача гумон йўқки, оролда ваҳший ҳайвонлар борлиги аниқ!..

Годфри Карефинотуга яқинлашиб билдики, ҳабаш энгил тирналган, шилинган, холос. Икков камас тўла қопларни орқалаб, уйга равона бўлишаркан, бундан кейин қора қисмат яна не кўргиликларга дучор этишини ўйлаб боришарди.

## *ЙИГИРМАНЧИ БОБ*

### **Тартелеттнинг оролдан кетмоқ қутқусида ўламан саттор деб, муттасил оёқ тираганлиги хусусида**

Оролда айиқдан ташқари йўлбарс ҳам борлигини билгач, қўрқувдан Тартелеттни безгак тутиб қолди ва неча кунларгача тумшугини ҳам ташқарига чиқара олмай ковакка қамалиб ётди. Ахир, йиртқичлар эртами-кечми Вильтрига йўл топиб келади-да! Бу одамхўрлардан қочиб қутуладиган бехатар бўлик-бурчак ҳам қолгани йўқ! Ваҳимадан эси кирди-чиқди аҳволга тушган Тартелеттнинг талаблари ҳам ваҳиманинг ўзгинаси: ҳимоя истеҳкоми зарур, эскарпли ва аксил эскарпли тошқўрғон, шунингдек, бастион<sup>1</sup> кўтариш керакки, «паҳлавон» секвойя ковагидагиларнинг хавфсизлиги таъминлансин! Бироқ бундай

---

<sup>1</sup> Эскарпли ва аксилэскарпли тошқўрғон, бастион – уруш шароитида зарур бўладиган йирик ҳарбий истеҳкомлар.

ҳарбий-мудофаа иншоотларини қуришнинг иложи йўқлиги боис у тезроқ оролдан кетиш қутқусига тушиб қолди.

– Мен ҳам кетаман! – деди Годфри босиқ оҳангда.

Чиндан ҳам оролдаги шароит энди ёмон томонга ўзгарди. Хийла маъқул вазиятда кундалик эҳтиёжлар учун ҳаракат қилиб, об-ҳаво инжиқликларига, қишнинг қора кунларига чидаб юришувди. Таассуфки, қонхўр махлуқлар ваҳимаси ва дақиқа сайин тажовуз хавфи остида кун кечиришга тоқат қилиб бўлмасди.

Аҳвол тобора чигаллашардики, яқин орада тагин ҳам қалтис тус олиши ҳеч гап эмас.

– Ахир биз тўрт ой ичида оролда бирорта ҳам йиртқични учратганимиз йўқ, – ўзини-ўзи сўроққа тутарди Годфри. – Сўнгги икки ҳафтада ҳам айиқ, ҳам йўлбарс билан тўқнашдик. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Дарҳақиқат ғалати жумбоқ: ҳам тушунтириш қийин, ҳам шунчалар аниқки, у билан ҳисоблашмасликнинг иложи йўқ!

Годфри барибир руҳини туширмади. Фалакнинг беқарор гардиши бошига солаётган синовлар ундаги вазминлик ва матонатни оширди. Агар ваҳший ҳайвонлар хавф солавераркан, бунга қарши у кескин чоралар кўради.

Хўш, қандай чоралар?

Аввало, ўрмон кезиш ва соҳил сайрларидан мумкин қадар чекланади, уйдан эса ниҳоятда зарур ҳолдагина, шунда ҳам қуролланиб чиқилади.

– Биринчи ва иккинчи тўқнашувларда ўтакамиз ёрилган бўлса, – дея тайинлади Годфри ҳамроҳларига, – учинчисида қорнимиз ёрилиши мумкин! Эҳтиётсизликка энди йўл йўқ!

Мудҳиш ҳолат сайр-саёҳатларни бас қилишдан ташқари, уйни, чорва билан паррандаларни ҳам жиддий кўриқлашга мажбур этарди (Негаки йиртқичлар бу жониворларни бир зумда қонига белади).

Годфри уйнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш бобида астойдил бош қотира бошлади (Бу хусусда Тартелетт ўйлаган асосий режадан, яъни ҳарбий-мудофаа истехкомлари қуришдан воз кечилади, албатта). Агар бир амаллаб яқин атрофдаги секвойялар танасини баланд ва мустаҳкам панжаралар билан ўзаро туташтириб олишса ҳам ҳозирча кифоя қиларди. Бошқача айтганда, бу билан Вильтри тевараги ҳар ҳолда кўрғонланиб, нисбий хавфсизлик таъминланар ва ташқи тажовуздан бир қадар ишончли кафолат яратилар эди.

Годфри хомчўт қилиб кўрди: бундай кўрғонни тиклаш ўта қийин бўлса ҳам иложи бор иш. У Вильтрининг ён-верини синчиклаб кўргач, ана шу хулосага келди. Бу ихота учун зарур сон-саноксиз дарахтларни саралаш, кесиб йиқитиш, танасини йўниш ҳазилакам иш эмас!

Аммо Годфрини ҳеч қандай меҳнат чўчита олмасди. У ўз режаларини Тартелеттга айтиб берди, бу унга ҳам маъқул келди, ҳатто кўмакка ҳозир эканини изҳор этди. Бугинамас, рақс муаллими Годфрининг фикрини Карефинотуга ҳам тушунтира олди ва аёнки, ҳабаш ҳамиша ҳар қандай юмушга бажонидил хайрихоҳ эди.

Дарҳол иш бошланди.

Дарёнинг юқорисида – Вильтридан бир мил нарида кемабоп қарағайлар ўсган мўъжаз дарахтзорни кўришганди. Робинзонларимизда ўртача йўғонликдаги ёғочдан ҳам тахта тилиш имконияти йўқ. Аммо

бир томони учлаб, ерга қоқилган тўсинлардан ҳам ҳазилакам қўрғон тикланмасди.

Хуллас, ўн иккинчи ноябрь тонгида Годфри йўлдошлари билан ўша дарахтзорга йўл олди. Улар тиш-тирноқларигача қуролланиб, ўта эҳтиёткорона йўл босишарди.

Қўрқувнинг зўридан батамом меровланиб қолган Тартелетт зорланиб, чакаги тинмасди:

– Менга дарахтзорда пишириб қўйибдимиз? Қанийди мана шу оролни елкамнинг чуқури кўрса!

Лекин Годфри бу сафар унга тасалли бериб ўтирмади, баҳслашгани ҳам йўқ. Аксинча, рақс муаллимини мулоҳаза билан иш тутишга чорлади.

– Шу тобда ўзимиз ва ўз манфаатимиз учун бўлар-бўлмас сўзлар билан эмас, меҳнатимиз билан ҳаракат қилишимиз керак, – деди у. – Хоҳласак-хоҳламасак бир мунча вақт юкчи хачирнинг юмушини бажаришга ҳам мажбурмиз.

Учовлон чор тарафга, прерия ва уфқ томонларга ўта диққат билан назар солиб боришаркан, Вильтридан то қарағайзоргача шубҳали бирон нимани учратганлари йўқ. Ўтлоқда қорнини тўйғазиш билан банд уй ҳайвонлари мутлақо хотиржам. Паррандалар беғамлик билан шохдан-шоҳга сакраб, бемалол парвоз қилиб юришарди.

Қарағайзорга етгач, учов дарров ишга тушдилар. Годфрининг фикрича, аввал керакли миқдордаги дарахтнинг ҳаммасини бир йўла йиқитиб олиб, кейин Вильтрига ташиган маъқул эди. Ходаларни тайёрлаш учун ҳам ўша ер қулай бўлади.

Кутганларидек, Карефиноту арра ва болта билан ишлашни тезгинада ўрганиб, содиқ ёрдамчига айланди. Годфри нафас ростлашга тўхтаганда ҳам, скрип-

касини олишга ҳам мадори йўқ Тартелетт оёқ-қўлини тарвайтириб, майсалар устида сулайиб қолганда ҳам хирсдай бақувват ҳабаш бир зум тўхтамас, ишлагани-ишлаган эди.

Бироқ шуни айтиш лозимки, ўз ихтиёрига қарши ўлароқ ўрмончи бўлиб қолган рақс ва нафосат муаллимига Годфри топширган юмуш ўта енгил бўлиб, у дарахтнинг майда шохларини бутар эди. Агарда бу меҳнат учун кунбай ҳисобида ярим доллар ҳақ тўлангудай бўлса, раққослар домласи эртадан кечга қадар ўн цент<sup>1</sup> ҳам пул ололмасди.

Ана шу зайлда улар ўн иккинчи ноябрдан то ўн еттинчигача – узлуксиз олти кун терга ботишди. Қарағайзорга саҳармардонда келиб, тушлик чоғи ўйдан олиб келган егуликни баҳам кўришар ва алламаҳалда Вильтрига қайтиб, кечқурун ўчоқ ёнида овқатланишар эди. Бу орада ҳавонинг авзойи бузилиб, осмондаги булутлар гоҳо тарқаса, гоҳо ёмғир қуйиб берарди. Бундай дамларда бизнинг Робинзонлар дарахтлар тагида жон сақлаб, ҳаво очилган ондаёқ яна болта билан аррага ёпишардилар.

Ўн саккизинчи ноябрда қўрғон учун танланган дарахтлар тўла йиқитиб бўлинди. Учи кесилиб, танаси ҳам шохлардан тозаланди.

Шунча кун мобайнида бирорта ҳам ваҳший махлуқ дарё яқинига йўлагани йўқ. Айтайлик, ўқ еган айиқ ва йўлбарс йиртқичларнинг иккитагина вакили бўлса, оролда энди бу қонхўрлардан ном-нишон қолмагандир. Таассуфки, бундай башорат мутлақо хомхаёл бўлиши ҳам мумкин!

Шу боисдан Годфри ўз режасининг ижроси хусусида ортиқ иккиланмасди: кутилмаган кўнгилсиз-

---

<sup>1</sup> Цент – бир доллар юз центдан иборат.



ликлардан ҳимояловчи баланд ва мустаҳкам қўргон тиклаш устида бошланган ҳаракат давом этади.

Қолаверса, энг қийин иш битди: ходаларни қурилиш майдонига ташиб олсалар бас.

Ҳа-да, машаққатнинг мушукули энди ортда қолди! Яхшиямки ана шунда Годфрининг миясига оқилона фикр келди: ёғочларни Вильтригача сувда оқизиб борсалар-чи? (Билъакс, роса қийналадилар-да!) Мутасил ёмғирлардан сўнг тўлиб-тошган анҳор айқириб оқаётганди. Ходалардан соллар ясаб, сувга тушириш ва оқимга қўйиб юборишнинг нимаси қийин? Ёғочлар кўприкка қадалгач, ўз-ўзидан тўхтади, бемалол солни бузиб олаверадилар, кўприк билан Вильтрининг ораси йигирма одим, холос.

Рақс муаллими ҳаммадан кўпроқ қувонарди: меҳнат унинг букилаёзган иродасини бир қадар тиклаганди.

Йигирманчи ноябрдан сол шаклида оқизилган ходалар кўприкка илина бошлади ва уч кунга етмаган муддатда ҳамма ёғоч оқизилиб, кўприкда тутиб олинди.

Йигирма биринчи ноябрда уларнинг бир қисми икки футча чуқурликда ерга қоқилди. Учли бу устунларни бир-бирига эгилувчан, аммо пишиқ новдалар билан маҳкам боғлашди.

Годфри иш маромининг жадаллигидан мамнун бўлиб, буни Тартелеттга изҳор этди:

– Тез орада худди қалъада ётгандай бўлиб қоламиз.

Домланинг жавоби эса қуруққина эди:

– Биз фақат Монтгомери-стритда, яъни тоғажонингиз Кольдерупнинг кошонасига етиб олсаккина чинакам қалъага кирамиз, йигит!

Бундай танбеҳга жавоб топиш осон эмас!..

Йигирма олтинчи ноябрга бориб, кўзланган қўргоннинг чорак қисми битмаганди, холос. Виль-

три энди ёғоч деворли ҳовлининг марказида эди, бир неча секвойя ҳам ҳовлининг ичида қолган, улардан бирининг коваги товукхона эди. Ўз-ўзидан қўрғонланган майдоннинг бир қисмини чорвага ажратиб, қўра қилиш фикри туғилди.

Яна уч-тўрт кунда девор битарди. Пишиқ дарвоза бўлса бас: Вильтри аҳли ўзини буткул бехатар сеза олади.

Бироқ йигирма еттинчи ноябрь куни содир бўлган фавқулодда ҳодиса ишнинг белига тепди. Фина оролидаги қатор воқеалар каби бу ҳам сирли жумбоқлар рўйхатидан ўрин олди... Ўша куни соат саккизларга яқин Карефиноту ковак уй тепасидаги ички бўшлиқдан секвойянинг тепасига чиқди. У юқоридаги тешикни шамол ёки ёмғир хавфига қарши яхшилаб беркитиб қўймоқчи эди, лекин бирданига овозининг борича чинқираверди.

Қўрғон тиклаш билан машғул Годфри бошини кўтарди ва ҳабаш жиддий имо-ишоралар билан ўзини дарахт устига чорлаётганини кўрди. У абориген арзимаган икир-чикирлар учун уни безовта қилмаслигини биларди. Йигит шоша-пиша дурбинни олиб, ковак ичидаги «зиналар»дан юқорига кўтарилди ва тирқиш орқали ташқарига чиқиб, йўғон шохлардан бирига миниб олди.

Карефиноту олисга қўл чўзди: у оролнинг шимол-шарқий соҳил чизигидан денгизга туртиб кирган бурунга ишора қиларди...

Яна тутун! Қуюқ дуд устунни кўкка ўрларди.

– Янами? – бақириб юборди Годфри.

У дурбинда қараб, ишончи комил бўлдики, кўзлари алдаётгани йўқ: тутун каттакон гулхандан чиқаёт-

гани аниқ, чунки орадаги масофа беш мил бўлса-да, яққол кўриниб турибди.

Годфри ҳабашга ўгирилди: у нигоҳи, тушунарсиз овози ва бутун борлиги билан чексиз ҳайратда эканини билдирмоққа уринаётганди. Бироқ Годфри ҳам ундан камроқ ажабланаётгани йўқ-да. У денгизга назар солди: сув сатҳи сокин ва бўм-бўш. Яқин орада ёввойилар келганидан белги берувчи қайиқ ҳам, кема ёхуд елкан ҳам кўринмасди.

– Бу сафар қўлдан чиқарадиган аҳмоғинг йўқ! – кафтига туфлади Годфри. – Мана энди дуд қай гулхандан чиқаётганини аниқламасдан қўймайман!

У шундай дея аввал шимоли-шарққа, сўнгра секвойя тубига ишора қилиб, зудлик билан ўша тарафга боражагини билдирди. Карефиноту эса тушунибгина қолмасдан бош ирғаб, «маъқул»ишорасини қилди.

«Агар у ерда бирон кимса яширинган бўлса, – фикрлаб кўрди Годфри, – кимлигини ва қаёқдан келганини суриштираман! Нега писиб ётганини аниқлашим шарт! Бунинг тагига етиш, авваламбор ўзимизнинг хавфсизлигимиз учун зарур!»

Годфри дарахтдан тушиб, Тартелеттга кўрганларини ва қандай қарорга келганини айтди-да, бирга боришни таклиф этди. Бироқ шимолий қирғоққача камида ўн мил йўл юриш лозим. Тартелетт оёқларини ҳамма аъзосидан ортиқ эъзозлар ва иккала оёғи фақат эзгу муқомлар учун яралган деб ҳисоблар эди. Айни ана шу сабабга кўра муаллим Вильтрида қолажагини баён қилди.

– Бўпти! – деди Годфри. – Биз икковлон кетаверамиз! Аммо фақат кечаси қайтамыз, унгача кутиб овора бўлманг!

Йўл-йўлакай нонушта қилиш учун оз-моз егулик олиб, Годффри Тартелетт билан хайрлашди. Муаллим ўша ондаёқ писанда қилди:

– Бекорга оёғингизни чарчатганингиз қолади, барибир ҳеч нарса тополмайсизлар!

Годффри милтиқ ва револьвер билан қуролланди, ҳабаш суюкли пичоғини белига осиб, болтани қўлига олди. Икков кўприкдан анҳорнинг ўнг бетига ўтиб, прерия орқали оролнинг қарама-қарши тарафига – ортидан тутун кўринган чўгиртошлар томон жўнашди.

Бу жой Годффри биринчи марта борган тошлоқ бурундан кунчиқарроқда эди. Икковлон чўчинқираб, икки ёққа олазарак боқиб, жадал йўл босишарди: буталар орасида писиб ётган йиртқич доғда қолдириши ҳам мумкин. Бироқ ваҳший ҳайвоннинг лоақал изи кўринмасди.

Улар пешин маҳали бир зум нафас ростлашди ва яна йўлда давом этиб, тезда соҳил бўйидаги дастлабки қояларга етиб бордилар. Ҳали ҳам дуд бурқсиётган жойгача чорак милдан зиёдроқ масофа қолганди.

Годффри билан Карефиноту яна ҳам илдамлаб, айна чоғда эҳтиёткорона олға боришаркан, қўққисдан ҳужум қилишга ва ҳар қандай хатарга қарши шай эдилар.

Афсуски, икки-уч дақиқа ичида гўё кимдир тўсатдан гулханни ўчирган мисоли тутун бутунлай ғойиб бўлди-қолди.

Барибир Годффри дуд бурқсиётган нуқтани яхши эслаб қолганди: у кесик пирамида шаклидаги қояда эди. Улар яна ярим милча юриб, харсанглар қаторидан ўтишди ва кўзланган жойга эллик одимча етмасдан... ўқдай учдилар!.. Ҳеч ким йўқ!.. Аммо бу гал ўчирилган куйинди ва йилтираётган чўғлар рад қилиб бўлмас далил эди...

– Бу ерда кимдир бўлган! – хитоб қилди Годфри.  
– У ҳозиргина шу жойда бўлган!.. Унинг кимлигини билиш зарур!..

У овозини кўтарди, чақирди... Ҳеч қандай садо йўқ!.. Карефиноту кулоқни йиртгудай чинқирди... жавоб ҳамон йўқ!..

Годфри билан йўлдоши қоя теварагини титиб юборишди: кема ҳалокатида омон қолган бирор кишига бошпана бўлгудай ё абориген писиб ётгудай гора ёки унгур бор-йўқлигини эринмай текшириб чиқдилар, ҳатто қояларнинг тирқиши билан ўйдим-чуқури ҳам уларнинг синчков назаридан четда қолмади. Барча уринишлар чиппакка чиқди: кулбасимон бирор қўналга ёки одам боласининг оёқ излари кўринмасди.

– Ҳар ҳолда мана энди аёнки, – дер эди Годфри, – тутун қайноқ сувдан эмас, ёниб турган гулхандан чиққан. Олов ўзидан-ўзи ёнмайди, албатта!

Беҳуда излайвериш тинкасини қуритган, ҳафсала-си пир бўлган ва қаттиқ хавотирланган Годфри билан негр кундузги соат иккига яқин орқага қайтиб, Вильтри сари йўлга тушдилар.

Годфри хаёл дарёсига чўмиб борарди. Унга орол алламбало сирли бир жодугар тасарруфига ўтиб қолгандай туюла бошлаганди. Тутун кўринавериши, йиртқичларнинг пайдо бўлиши – буларнинг бари чигал жумбоқ!..

Бир соат ўтиб, оёқлари остида ғалати товуш, тўкилган япроқнинг шитирлашига монанд овоз эшитилган маҳали Годфри ўзининг хавотирли тахминлари ҳақиқат эканига узил-кесил ишонч ҳосил қилди. Негаки ўша онда Карефиноту уни туртиб юборди, ҳамлага шай турган заҳарли илон ўт-ўланни шитирлатди.

– Ило-он! – ҳайқирди Годфри. – Ўлганнинг устига тепгандай илон ҳам бор экан-да! Нима бало, бизга айиқ билан йўлбарс кам эдими?

Ҳа, бу илон эди – таҳдидли шовқин солувчи алоҳида нусха! Шақилдоқ илон – заҳарли судралувчиларнинг энг йириги.

Карефиноту қуюқ бутазорга ўрмалаб кетган газанданинг ортидан отилди ва етиб олиб, болта билан калласини узиб ташлади. Илоннинг жон талашаётган танаси талваса билан билтангларди.

Уйга етгунча ҳам прерияда яна кўплаб заҳарли илонлар дуч келди. Афтидан, судралувчи газандалар кўшини Фина оролига уруш эълон қилгандай туюларди. Улар қаёқдан келиб қолди? Нега олдинроқ ҳеч кўришмаганди? Худди шу таҳликали дамда афсонавий Тенос Годфрининг ёдига тушди: у айнан сон-са-ноқсиз илонлар ўрдаси бўлгани учун ҳам қадимги дунёда машҳур бўлиб кетганди. Ҳатто шу туфайли газандаларнинг бир тури шундай аталади...

– Тезроқ! – дея бақирди Годфри Карефинотуга қараб ва илдамроқ юришга имо қилди.

Йигитнинг кўнгли алағда эди. Яна қандай синовлар бор? У Вильтрига зудлик билан етиб олишга ошиқарди. Ҳа, унинг сезгилари алдамаганди: кўприкка қадам қўйиши билан жон аччиғида дод-фарёд қилиб, ёрдам сўраган нола қулогига чалинди.

– Тартелетт-ку! – ҳайқирди Годфри. – Унга бир гап бўпти! Чопдик!

Кўприкдан ўтиб, йигирма қадамча юришгач, Тартелетт кўринди: у орқа-ўнгига қарамай булар томон ўқдай учиб келарди. Ортида оғзини тандирдай очган девдай тимсоҳ: дарёдан чиққан бўлса керак-да. Қўрқувнинг зўридан эхонаси адо бўлган шўрлик муаллим у ёқ-бу ёққа чап бериш ўрнига тўппа-тўғри

тимсоҳнинг олдига тушиб олганди. Домла билан тимсоҳнинг орасидаги масофа сония сайин қисқариб бормоқда... Кутилмаганда раққослар муаллими қоқилди ва юзтубан йиқилди. Тамом... у адо бўлди...

Годфри қотиб қолганди. Аммо ўзигагина хос совуққонлик билан хавф-хатарни ҳам ўйламади-да, дарҳол карабинни тўғрилаб, тимсоҳнинг кўзини мўлжалга олди. Лочинкўз йигит ўқ узди: тимсоҳ бир сапчиб, тил тортмай қолди.

Карефиноту учиб бориб, рақс муаллимининг туришига ёрдамлашди. Хайриятки, Тартелеттнинг кўрғилиги кўрқув билангина якун топди. Аммо унча-мунча кўрқув эмас-да!

Кечки соат олти эди. Бир дақиқадан сўнг Годфри ва шериклари «пахлавон» секвойяга кириб олишди.

Тамадди устида уларни шунчалар эзгин ўйлар чулғадики!.. Бу шўрликларни олдинда яна қанча уйқусиз тунлар кутмоқда? Табиатининг ўзи Робинзонларга қасд қилаётган бу бадбахт оролда қачонгача турадилар?

Рақс муаллимининг чакаги юмилмас ва тинимсиз битта жумлани такрорларди:

– Қанийди, бу ердан кета олсам!.. Кошки бу оролни елкамнинг чуқури кўрса!..

## *ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ*

### **Карефинотунинг ақл бовар қилмас луқма ташлагани хусусида**

Қиш бошланди. Бу минтақа учун хийла қаттиқ эди. Дастлабки совуқ кунлар чириллатарди ва ҳарорат ҳали яна ҳам пастлаши аниқ. Ўчоқнинг уй ичига кўчирилгани мана энди кор келаётганди. Бу пайтга

келиб қўрғон кўтариш якунланган, пухта дарвоза ҳам қурилиб, Вильтри аҳлининг хавфсизлиги таъминланганди.

Олти ҳафта давомида, яъни январнинг ўртасига қадар оролда бўрон шунчалар қутурдики, уйдан олислашнинг мутлақо иложи йўқ эди. Улкан секвойаларнинг бақувват танаси шамолнинг шиддатидан атиргул новдасидай тебранарди. Ўчоқда олов муттасил ёниб туриши, бунинг учун жуда кўп ўтин зарурлиги сабаб синиб тушаётган қуруқ шохлар дарҳол ёқилғи захирасидан ўрин оларди.

Робинзонларимиз сандиқдан топилган газмолларга ўраниб-чирманиб олмасалар иложи йўқ! Илдизмева тергани чиққан кезлари жун матоларга бурканиб жон сақлашарди. Бироқ кун сайин совуқ хуружга келардики, бундай сайрларни ҳам имкон қадар камайтиришга мажбур бўлдилар. Ов хусусида эса гап бўлиши ҳам мумкинмас: шунчалар қор босиб қолдики, гўё Фина ороли тропик минтақада эмас, шимолий қутбда жойлашгандек!

Шимолий Америка шимолий шамоллар таъсирида бўлгани боис замин куррасидаги энг совуқ мамлакатлардан саналарди. Қиш апрелнинг ўрталаригача чўзилиб, совуққа қарши астойдил курашишга тўғри келарди. Беихтиёр хаёлга келадики, Фина ороли Годфрининг тахминига номувофиқ, чоғи Сан-Франциско кенглигидан шимолроқда жойлашганга ўхшарди...

Яшаш жойини иложи борича қишга пухтароқ мослаштириш зарур. Ичкарига шамол кирмагани билан рутубат ва аёз сезилиб турарди. Шу боис ҳозирча егуликдан кўнгли тўқ Робинзонларимиз асосан Вильтрини иситиш билан шуғулланишарди. Тузланган тошбақа гўшти тугагач, қорин қайғусида қўй-эчки



ва агутидан бир неча бошини қурбон қилишга тўғри келарди. Таъкидлаймизки, уларнинг сони кўпаймаётган эди.

На чора, Робинзонларимизнинг оромини олаётган гам-койиш етарлигидан ҳам ортиқча!

Худди ўша кунлари Годфрига безгак илашиб, икки ҳафтага яқин тўшакка михланиб ётди. Яхшиямки анави сандиқдан дори-дармон топилгани, билъакс у ҳали-бери оёққа тура олмасди. Беморга уч пуллик ёрдам беришга ҳам нотавон Тартелеттнинг аксича, Карефиноту Годфри атрофида шунчалик парвона бўлдики, йигит ана шунинг учун тезроқ соғайди.

Годфрининг нечоғли руҳий азобда қолганини сўз билан тасвирлаш қийин: у барча кўргуликлари ва мутлақо чорасиз ҳолга тушиб қолгани учун ўзини айблаб, бахтиёр кечаги кунларини чексиз армон билан қўмсарди! Олисларда қолиб кетган ва эҳтимолки, мангуликка жудо бўлган қаллиғи Фина билан Виль тоғажонисининг азиз исмларини безгак хуружида минг карра тилга олди! Ҳавасдаги ғаройиб сиймога айланиб, навқирон хаёлларини батамом кишанбанд қилган ўша Робинзоннинг гўрига гишт қаларди, холос! Мана энди бешафқат вазият шаҳарда ўсган йигитчани табиат қўйнидаги барча маҳрумиятлар синовидан ўтишга ва ҳатто ватанига қайтиш орзусини нутишга мажбур этмоқда...

Оролга келгандан буён энг надоматли ой бўлган декабрь ана шундай ғуссада ўтиб, янги йил остонасидагина Годфри сал ўзига келгандай бўлди...

Энди Тартелеттга келадиган бўлсак, унинг чакаги муттасил дийдиёдан бўшамаса-да, Худонинг инояти билан милтиқнинг ўқидай эди. Фақат шуниси борки,

Одиссей<sup>1</sup> жўнаб кетгач, нимфалар<sup>2</sup> яшайдиган Калипсо горида «янграётган дилхуш наволар барҳам топгани» каби, Вильтрида митти чолғунинг чийиллаши эшитилмасди: негаки чўнтакдаги скрипканинг торлари ҳам «совқотиб» қолганди.

Годфри йиртқичлардангина эмас, ёввойи одамларнинг келишидан ҳам хавотирда эди. Модомики, оролда инсон борлиги уларга маълум экан, яна қайтиб келишига ҳеч ким монелик қилолмайди. Башарти ёввойилар ҳужум бошлагудай бўлса, қўрғон бир зумда яксон бўлди! Годфри ана шуларни ўйлар экан, душманнинг қўли етмайдиган энг ишончли жой бўлмиш секвойя дарахтининг тепасига тез ва осон чиқишнинг, башарти улар ичкарига кирмоқчи бўлса, эшикни мустаҳкамлашнинг чорасини кўриш зарурлигини ҳис қиларди.

Годфри Карефиноту ёрдами билан секвойя деворига зиналар тайёрлаб, уларни толали ўт-алафдан эшилган чилвир билан боглаб чиқди. Шундай қилиб, Робинзонлар хонадониди ўзига хос шоти ҳам пайдо бўлди.

– Мана! – деди Годфри бу муҳим юмушни якунлагач. – Энди бизнинг иккита уйимиз бор: қуйида – шаҳардаги уй, юқорида – дала-ҳовли.

Тартелетт шангиллаб берди:

---

<sup>1</sup> Одиссей – қадимги юнон афсоналаридаги Итака хукмдори, унинг кўп йиллик саргардон ҳаёти ва ахийри ўз юртига қайтиши ҳақида «Одиссея» достониди батафсил ҳикоя қилинади. Одиссейнинг саргузаштлари ва вафодор аёли Пенелопа билан топишгани Гомер, Софокл, Еврипид каби антик муаллифлар томонидан қаламга олинган.

<sup>2</sup> Нимфалар – кўҳна юнон асотирларида аёл қиёфасидаги табиат маъбудлари. Уларнинг ҳаққига бағишлаб ғорларда, чашмалар ёнида, денгиз соҳилларида қурбонлик қилинган. (Таржимон изоҳлари – Р.У.)

– Менга эса сағана дуруст, у ҳам Монтгомери-стрит-да қурилмоғи зарур!..

Америка Қўшма Штатларида ҳамиша тантанавор нишонланадиган рождество айёмлари келди. Болаликдаги масъуд кунлар армони билан қаршиланган янги йилнинг илк куни совуқ ва дилгир бўлиб, қор-ёмғир ёғиб берди.

Беш ойдирки, «Дрим» ҳалокати жафокашлари ташқи дунёдан батамом узилиб қолган.

Йилбоши қайғу тўла қора кунгина бўлмасдан, ҳали янада баттарроқ кўргиликларни ҳам ваъда қиларди.

Қор ўн еттинчи январгача муттасил ёғаверди. Худди ўша куни Годфри ҳайвонларни ўтлатгани майсазорга олиб чиқди.

Кечга томон ҳаво янада совиб, нам тортди. Орол ва секвойяларнинг қорамтир тахлитини қоронғилик ўз қўйнига олди.

Годфри ва Карефиноту тўшакка чўзилиб, ҳарчанд уринсалар ҳам ухлолмай ётишарди. Соат ўнларга яқин шимол тарафдан қулоққа чалинган шовқин-сурон тобора аниқроқ эшитила бошлади.

Йўқ, улар янглиш эшитишмаган: яқин орада йиртқич ҳайвонлар изғиб юрарди! Йўлбарс ва гиеналарнинг даҳшатли ириллашига салдан сўнг қоплон ва шерлар наъраси ҳам қўшилди. Қанчалар мудҳиш концерт!

Ўтакаси ёрилган учовлон ўринларидан сапчиб туриб олишганди. Таъкидлаш жоизки, Карефиноту нафақат қўрқарди, ўта ҳайронликдан ўзини қаёққа қўйишни ҳам билмасди.

Ана шундай таҳлика остида икки йилдай туюлган икки соат ўтди. Қонхўр махлуқлар ўкириги тобора яқинлашаверди ва тўсатдан ҳамма ёқ жим-жит бўлиб қолди. Эҳтимол йиртқичлар галаси бирданига бўлак

томонга бурилиб кетгандир? Балки Вильтри ваҳшийлар ҳужумига нишон бўлмас?

«Бир амаллаб бу йиртқичларнинг буткул изини қирмасак, оролда осойишталик бўлмайди!» – дея кўнглидан кечирди Годфри.

Ярим тунда ваҳшиёна ўкиришлар янгидан бошланди: махлуқлар энди шундоққина Вильтрининг ёнига келиб олганди.

Аммо булар қаёқдан пайдо бўлди? Ахир Фина оролига денгиздан сузиб келиши мумкин эмас-ку? Бундан чиқдики, улар олдиндан шу ерда яшаган экан-да! У ҳолда бунчалар жиддий яширинишга нима мажбур қилган? Айиқ ва йўлбарс билан тасодифий тўқнашувни истисно қилганда, Годфри оролнинг энг олис бурчакларига борган, ов қилиб юрган кезлари нега лоақал йиртқичларнинг изини ҳам кўргани йўқ? Хўш, анави арслон ва гиеналарнинг, қоплон ва йўлбарсларнинг ўта хуфёна, ўта сирли уяси қаерда? Оролда шу пайтгача бўлган жумбоқлар ичида бугунги тажовуз баридан ҳам мушкул ва сирли эди.

Шерлар наърасидан борлиғи ларзага келган Карефиноту афтидан қулоқларига ишонмаётганди. Ўчоқдаги оловнинг хира ёруғида унинг қоп-қора афтидаги ғаройиб бужмайиш яққол кўриниб турарди.

Бир бурчакка писиб олган Тартелетт гоҳ хўрланиб нола қилса, гоҳ ўксиниб йиғлаш билан машғул. У Годфрини саволга кўмади, аммо жавоб беришга йигитнинг иложи ҳам, тоқати ҳам йўқ. Унинг фикризикри даҳшатли хавфга қарши бир чора излаш билан банд. У Карефинотуни етаклаб, бир неча бор ҳовлидан хабар олди: дарвоза яхши ёпилганми-йўқми?

Кўққисдан уй ҳайвонлари тумтарақай бўлиб, Вильтрига бўрондай ёпирилиб қолди. Йиртқичларнинг

мудҳиш ўкиришидан ўтакаси ёрилган ва уларнинг яқинлашиб келаётганини пайқаган жониворлар ваҳимага тушиб, ўтлоқдан қочган ва жон сақлаш илинжида улкан секвойялар томон чопган эди.

– Дарвозани очиш керак! – қичқирди Годфри.

Карефиноту тушунганини билдириб имо қилди ва индамай буйруқни адо этди. Ўша ондаёқ Робинзонлар чорваси қўрғон ичкарасига отилди, уларнинг ортидан аллақандай мавҳум шарпалар ҳам кириб, ёвуз кўзлар ваҳимали йилтирарди.

Энди ҳар лаҳза ғанимат! Годфрининг ақли шошди, Карефиноту ўша ондаёқ уни ичкарига киритиб, Вильтрининг эшигини ёпди.

Бироқ ҳовлининг эшиги очиқ қолавердики, йиртқичлар галаси дарҳол истило қилди. Энди қўрқинчли наъраларга шўрлик жониворларнинг аянчли нолалари уйқашди.

Годфри билан Карефиноту дарчадан ваҳшийларнинг қонли намоишини кўриб донг қотиб қолишганди. Қоронғида аниқлаш мушкул эдики, шер ёки йўлбарсми, қоплон ё гиеналарми – ҳаммаси беозор чорвани қонга белаб ташлаётганди.

Даҳшат хуружи боис эс-ҳушидан жудо бўлган Тартелетт милтиқнинг учини дарчадан чиқариб, отишга хезланарди.

Годфри уни тўхтатиб қолди.

– Ундай қилманг! – деди устозига. – Бундай зулматда нишонга тегиза олмайсиз, қолаверса, ўқимиз ҳисобли, уни беҳуда исроф қилиш мумкин эмас! Энди тонг отгунча сабр қиламиз!

У мутлақо ҳақ эди. Боз устига, уй ҳайвонларининг сони кўпроқ бўлгани учун ўққа учрайдиган қурбонлар ҳам асосан ўша жониворлар бўлиши мумкин. Чамаси,

уларни қутқаришнинг энди иложи ҳам йўқ. Шуниси борки, чорванинг қурбон бўлиши Робинзонларнинг жонига оро кирса ҳам ажабмас: ёввойи қонхўрлар қорнини тўйгазиб, тонггача Вильтридан даф бўлиши эҳтимолдан холи эмас-да. Ана унда ҳужум такрорланиб қолса, нима қилишни астойдил ўйлаб кўришга имкон ҳам туғиларди.

«Энг маъқули тун қоронғисидан фойдаланиб, ўзимизни билдириб қўймаслигимиз керак, – дея хаёл қиларди Годфри. – Билъакс, йиртқичлар ҳайвон гўштини қўйиб, учовимизнинг пайимизга тушиши ҳеч гапмас!»

Бироқ ваҳима хуружида ақлидан айрилган Тартелетт яхши гапга ҳам, илтимосга ҳам юрадиган аҳволда эмасди. Иложсиз қолган Годфри ахийри унинг қўлидаги милтиқни индамай тортиб олди. Рақс муаллими бағоят туюққан ҳолда тўшагига таппа ташлади ва саёҳат деган бемазагарчиликни, бетамиз саёҳатчиларни, уйда ўтира олмайдиган жамики дайди саёқларни хумордан чиққунча ҳақоратлади.

Бу орада Годфри ва Карефиноту яна кузатув постларига туриб олишди, бироқ Вильтридан бир неча одимгина наридаги қонли қирғинга қарши қўлларидан ҳеч бир иш келмасди. Аста-секин қўй-эчкиларнинг аянчли ноласи барҳам топди: афтидан, уларнинг аксариятини йиртқичлар еб бўлганди, омон қолганлари эса қўрғон ташқарисига қочиб чиққан. Таассуфки, ўша жониворлар ҳам ўзини муқаррар ажал домига урганди! Чорванинг қирилиши оролнинг бир ҳовуч аҳолиси учун жуда катта йўқотиш эди. Бироқ айни дамда Годфрини келажак деярли қизиқтирмас, у ҳозирги кулфатнинг қайғуси билан банд эди.

Тунги соат бирга яқин ваҳшиёна овозлар жиндай тўхтади. Лекин Годфри ва Карефиноту ҳамон дар-

чадан кўз узмасдилар: уларга алланечук ваҳимали махлуқлар кўрингандай туюлди, мавҳум бир сурон эшитиларди.

Чамаси қон ҳидини туйган бошқа йиртқичларнинг тажовузи бошланганди. Улар «паҳлавон» секвойяни ҳидлаб-ҳидлаб, атрофида айланар ва газабли ириллар эди. Сакраётган шарпалар сиёқ-сумбатидан йирик мушукларга ўхшаб ҳам кетарди. Бу қонхўрларга ҳайвон гўшти кифоя қилмаётгани, бадбахтлар одамзод ҳидидан маст бўлгани энди аниқ!

Годфри ва унинг ҳамроҳлари бармоқларини қимирлатишга ҳам қўрқишарди. Улар йиртқичларнинг Вильтрига тажовузидан сукунат ёрдамида ҳимояланишдан умидвор эдилар.

Бироқ хомкалла Тартелеттнинг биргина нодонлиги билан ҳамма эҳтиёткорликнинг пачаваси чиқиб, ичкарида одамлар борлиги фош бўлди.

Бу шундай юз берди: рақс муаллимининг эси кирди-чиқди бўлиб, гўё бошига йўлбарс чангал солаётгандай туюлди ва револьверни олиб, ўнг келган тарафга отиб юборди. Годфри ва Карефиноту ушлаб қололмадилар, ўқ эшикни дабдала қилди.

– Бадбахт кимса экансиз?! – бақириб берди Годфри, Карефиноту эса бир сапчиб, домланинг қўлидан қуролни тортиб олди.

Аммо энди ҳаммаси тамом. Ўқ овозига жавобан ваҳшиёна наъра эшитилди, йиртқичлар ҳужумга ўтди. Ханжардай тирноқлар секвойя пўстлогини тимдалаб, эшикни бузмоқчи бўларди: қанийди юпқагина эшик бунчалар тажовузга дош бера олса!

– Ҳимояланмасак бўлмайди! – бақирди Годфри.

У шундай дея белига ўқдон осиб, милтигини дарчадан ҳовлига қаратди.

Ҳайратланмасликнинг иложи йўқ: Карефиноту ҳам худди шундай қилди! Ҳа, ҳа, ҳабаш иккинчи карабинни олди ва киссасини ўққа тўлдириб, нариги дарчадан ўрин эгаллади. Ваҳоланки, аборигенлар бу қуролдан ҳеч қачон фойдаланган эмасди!

Хуллас, милтиқлар гумбурлай кетди. Ўқ отилгандаги чақиннинг оний ёғдусида Годфри ва Карефиноту тўрт оёқли ёвлар сафини бир сидра кўриб олишарди.

Қўрғондаги дарғазаб ўкирган арслон ва йўлбарслар, гиена ва қоплонлар ўқ тегиб талвасага тушар ва ер тишлаб қолардики, улар йигирматадан кам эмасди! Йиртқичларнинг қулоқни йиртгудай айюҳанносига жавобан Вильтри атрофидан ваҳшиёна наъралар қайтарди. Янги «меҳмонлар»нинг бўкириши тобора яқинлашиб, энди ўрмон ва прериядан эшитила бошланганди. Қонхўрлар галаси янада кучлироқ уввос билан дақиқа сайин Вильтрини қуршаб келарди. Гўё кимдир бутун бошли ажойибхонани Фина оролига қасддан келтириб ташлаганга ўхшарди! (Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкинми?!)

Ана шу танг дақиқаларда миясини еб қўйган Тартелетга парво ҳам қилмаётган Годфри ва Карефиноту матонат билан отишмани давом эттиришарди. Ўқни бекорга кетказмаслик учун икков ёв шарпасини аниқ мўлжалга олибгина тепкини босардилар. Дарҳол жон аччиғидаги ўкириш эшитилардики, демак ўқ ўз вазифасини адо этган!

Чорак соатдан сўнг увлаш сурони тинди: чоғи аксарияти ўққа тутилган махлуқларнинг тинка-мадори қуриганди ёхуд улар ёруғда ҳужумга ўтиш учун тонгни пойлаётганди.

Барибир Годфри билан Карефиноту кузатув дарчасини тарк этишгани йўқ. Ҳабаш ҳам Годфри каби



нишонни мерганларча урарди: агар бунда тақлид инстинкти қўл келяпти дейдиган бўлсак, иқрорлик зарурки, бу инстинкт унда мўъжиза даражасига етган бўлиб чиқади.

Соат иккиларга яқин йиртқишлар икки ҳисса кўпайиб ва икки ҳисса ёвузлик билан тажовуз бошлади. Энди хавфдан халос бўлиш осонмас, ҳимояланишнинг ҳам чораси қолгани йўқ. Шундоққина секвойя тубида шер наъра тортарди. Годфри ва Карефиноту дарчадаги жанговар маррадан туриб, кўзга илинган ҳар бир тахлитга ўқ узадилар. Эшикни бузишга қасд қилган тўрт оёқли душманлар уни тирноқлари билан тимдалайди. Омонат эшик исталган лаҳзада ағдарилиб тушиши мумкин... Унинг тирқишларидан Вильтрига суқилмоқчи бўлаётган одамхўрларнинг иссиқ нафаси кира бошлаганди.

Икковлашиб каравотга оёқ қилинган учли ёғочларни суғуриб, эшикка тамба қўйишди, аммо бу бефойда эди: арслон ва йўлбарсларнинг қудратли зарбасидан заҳаланган эшик лиқиллабгина турарди.

Энди ҳар қандай уриниш бефойда экани Годфрига аён! Агар йиртқишлар ичкарига ёриб кирса, милтиқлар иш бермасди. Қўлларини чалмаштирган йигит ҳали замон ағдарилиб тушиши муқаррар эшикнинг тебранишига даҳшат билан боқиб турарди. Шўрлик яна нима ҳам қила оларди?

У ноумидлик билан манглайини силаркан, дарҳол ўзини қўлга олди ва ҳайқирди:

– Юқорига! Ҳамма юқорига!

У шундай дея юқоридаги қувурсимон бўшлиққа ишора қилди.

Икков дарҳол қуролланиб, ўқ-дори ғамлаб, Тарлеттни излашди, уни куч ишлатиб бўлса ҳам тепага

чиқаришмоқчи эди. Рақс муаллими ҳалигача бундай баландликка кўтарилишга журъат қилолган эмасди.

Бироқ Тартелетт ковак уйда йўқ! Афтидан, иккала шериги отишма билан банд бўлган маҳалда, домла нарвон-зинадан тепага чиқиб кетганди.

– Юқорига! – такрорлади Годфри.

Бу сўнгги бошпана бўлиб, дарахт устигина беҳатар эди. Йўлбарс ё қоплон юқорига чиқмоқчи бўлса, уларни ўққа тутиш мумкин.

Годфри ва Карефиноту ақалли ўттиз фут баландга кўтарилмасиданоқ секвойя ичида ваҳшиёна ириллаш акс садо берди. Демак эшик дабдала бўлган. Башарти булар бир неча дақиқага кечикканда, фожиа юз бериши ҳеч гапмасди.

Икковлон жадал ҳаракат қилиб, ковакнинг устки тирқишига етиб чиқдилар. Кутилмаганда кимдир жон аччиғида фарёд қилди: иккала шериги Тартелеттнинг хаёлида йўлбарс ё қоплон бўлиб кўринган экан. Раққосларнинг шўрпешона домласи ҳам оёғи, ҳам қўли билан ингичка бир новдага осилиб олибдики, тамоман букилиб қолган шох синай-синай деб турарди.

Карефиноту қўл чўзиб, уни пастроққа тушишга мажбурлади ва ўзининг белбоғини ечиб, домлани дарахтга боғлаб қўйди. Сўнг Годфри ва ҳабаш айри шохнинг икки тарафига ўтириб, эшикдан ташқарига чиқадиган ваҳшийларни ўққа тутишга шайландилар.

Имиллаб бир неча дақиқа ўтди.

Афтидан қамалдаги махлуқлар Вильтрига бемалол жойлашиб олганди.

Годфри эгилиб, пастдаги вазиятни аниқлашга ҳарчанд уринмасин, қоронғида ҳеч нарса кўринмасди. У диққат билан қулоқ солди. Ваҳшийлар сурони тинчиб

қолганига қараганда, уларнинг ташқарига чиқиш ни-  
яти йўққа ўхшарди.

Соат тонгги тўртга яқинлашган маҳали қўққисдан  
дарахт тубида олов чақнаб кетди. Сўнгра дарчалар  
ҳам ёришиб, ичи бўш секвойянинг устки тирқишидан  
аччиқ дуд чиқиб, шохлар орасида бурқсий бошлади.  
Годфри бақириб юборди:

– Яна нима шўриш бўлдийкан, а?

У дарҳол тутуннинг сабабини фаҳмлади. Вильтри  
ичида тўполон кўтарган махлуқлар ўчоқдаги чўғни  
тирқиратиб юборганди. Ёғоч стол, чорпоя ва курси-  
ларга ўт илашиб, дарахтнинг қуриган пўстлоқларига-  
ча ёнарди. Улкан секвойя танаси ваҳимали гулханга  
айланиб борарди.

Буниси олдингиларидан ҳам қалтис! Ёнғин аланга-  
си атрофни сутдай ёритиб, талвасага тушган жондор-  
ларнинг ўзини ўтга-чўққа ураётгани бемалол кўри-  
ниб турарди.

Шундан бир сония ўтар-ўтмас, қулоқни йиртгудай  
портлаш гумбури эшитилиб, улкан секвойя илдизи-  
дан қўпорилаётгандай қалтис силкиниб олди. Ко-  
вакнинг устки тешигидан кучли ҳаво отилиб чиқди,  
секвойя худди отилган замбаракнинг қузурига ўх-  
шарди.

Аниқки, Вильтрида қолган ўқ-дори портлаб кетди!

Зарба шунчалар даҳшатли эдики, Годфри билан  
Карефиноту базўр йиқилмай қолишди, Тартелетт-  
нинг эса шохга боғлаб қўйилгани жонига оро кирди.

Даҳшатга тушган тўрт оёқли жаллодларга сичқон-  
нинг ини минг танга бўлиб кетди. Портлаш баҳона  
девдай дарахт бешбаттар ёна бошлади. Секвойянинг  
устки ковагидан мўридан чиққан мисоли аланга ўр-  
ларди. Оловнинг даҳшатли тили кўҳна дарахтнинг

ички ковагини ямлаганича шохларга етиб чиқди. Аллақачон қуриб қолган пўстлоқлар шунчалик чарсиллаб ёнардики, отишма суронини ёдга соларди. Ёнғин энди фақат секвойязорни эмас, Байроқтепадан то Дримбей бурнигача бўлган соҳилни ёритаётганди.

Жунбишга келган ўт балоси қулочини тез ёйиб, Вильтрининг илк шохларига ҳамла қилиш билан Годфри ва шерикларининг ҳаётига хавф соларди. Наҳотки, ўтда куйиб ўлиш пешоналарига ёзилган?! (Таассуфки, қўлларидан ҳеч бир қаршилик келмасди!) Наҳотки ерга сакрашдан ўзга чора йўқ!? Аммо у ҳолда ҳам тирик қолмайдилар-ку!

Годфри жон сақлагудек бирор восита топиш ҳақида ўйлайвериш, боши оғриб кетди, хаёлига жўяли бир фикр келгани йўқ. Бу орада қуйи шохларга ўт илашиб, атрофни қуёқ тутун пардаси қоплади ва тонгги шафақ ёғдуси ҳам кўринмай кетди.

Ҳеч кутилмаганда даҳшатли қасир-қусур бошланди: пасти ёниб битган секвойя аста-секин оғиб бораётганди.

Годфри ва унинг шериклари жонларидан умид узиб бўлишди. Аммо уларнинг бахтига улкан секвойя қўшни дарахтларнинг шохларига ёнбошлаб, қирқ беш даража бурчак ҳосил қилганича қотиб қолди.

– Январнинг ўн тўққизинчи куни! – деб юборди кимдир, бу овоз Годфрига шунчалар таниш туюлдики...

Ким бу? Наҳотки, Карефиноту?.. Ҳа, Карефинотунинг ўзгинаси! Ҳалигача бирорта сўзни ўрганолмаган абориген бирданига инглиз тилида бурро сўзлаб юборса-я!

– Сен инглизча гапирдингми? – хитоб қилди Годфри шох-шаббаларга тирмашиб унинг ёнига тушиб бораркан.

– Ҳа! – тасдиқлади Карефиноту. – Демокчиманки, бугун ўн тўққизинчи январь – оролга Виль тоғангиз келиши белгиланган кун. Агарда етиб келолмаса, ана унда ўлдик деяверинг!

## *ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ*

### **Ҳалигача пинҳон бўлмиш барча сирларнинг бирйўла ошкор бўлгани хусусида**

Годфри сўзлашга оғиз жуфтлаганди ҳамки, Виль три яқинида қасира-қусур отишма бошланиб кетди.

Не бахтки, ўша лаҳзанинг ўзида жала қуйиб берди. Шундай қуйдики, «пахлавон» секвойя суяниб турган дарахтларга хавф солаётган ёнғинни бир зумда бар-тараф этди.

Оролдаги ҳамма сир-синоатлар ёнига яна янги жумбоқлар қўшилиб, Годфрининг боши қотди: Карефинотунинг асл лондонликлар каби соф инглиз тилида бирданига гапириб юбориши, Виль тоғаннинг ташрифи хабари, устига-устак анави кутилмаган отишма...

Годфри жинни бўлиб қолдим деган хаёлга ҳам бориб қолганди, бироқ ўз руҳиятини текшириб кўришга фурсат қани? Милтиқлар суронидан беш дақиқа ўтар-ўтмас, дарахтлар ортидан бир неча матрос билан капитан Тюркот чиқиб келишди.

Секвойянинг ички коваги ҳамон ёнаётганига қарамасдан Годфри ва Карефиноту ёнбошлаган дарахт танасидан дарҳол пастга ошиқдилар.

Годфрининг оёғи ерга теккани ҳам йўқ: икки шодмон овоз бирданига чақириб қолдики, уларни танимаслик мумкин эмасди!

– Жияним Годфри! Кўрганимдан бошим кўкка етди!

– Годфри!.. Азизим Годфри!

– Виль тоға!.. Фина!.. Икковингиз?... – гўлдиради та-момила эсар қиёфадаги йигит.

Саноқли сониялардан сўнг у иккала азизининг қу-чоғига отилди.

Бу орада капитан Тюркотнинг буйруғи билан икки матрос шохларга тирмашиб секвойяга чиқдилар-да, Тартелеттнинг боғичини ечиб, мақомига яраша из-зат-икром билан, мутлақо эҳтиётлаган ҳолда пастга олиб тушдилар.

Ана энди сон-саноқсиз саволлару жавобларнинг гали келди...

– Виль тоға! Наҳотки, бу ўзингиз?..

– Ҳа-да, жиян! Кўриб турибсан-ку!

– Фина оролини қандай топиб келдингиз, а?

– Фина ороли? – сўради Кольдеруп. – Балки Спенсер ороли демоқчидирсан? Йўқ, сираям қийналганим йўқ, ахир уни олти ой бурун ўзим сотиб олганман!

– Спенсер ороли?

Финага жон кирди:

– Жонгинам Годфри, демак оролни менинг номим билан атаяпсанми?

– Айни муддао! – маъқуллади Уильям Кольдеруп. – Бу ном менга ёқиб қолди ва энди оролни ана шундай атайверамиз-да! Ҳозиргача географлар учун у Спенсер ороли бўлиб, Сан-Франциско билан ораси уч кунлик йўл холос. Робинзонча кун кечириб қанақа эканини ўз тажрибангда синаб кўришинг фойдали бўлар деган умидда сени шу ёққа жўнатгандим-да, жиян.

– Қулоқларимга ишонмай қолдим, тоға, – бақрайди Годфри. – Агар айтганларингиз ҳақиқат бўлса, менинг

феълим чиндан ҳам шундай жазога лойиқ эди. Аммо у ҳолда кема ҳалокати, «Дрим»нинг гарқ бўлиши?..

– Бу шунчаки уюштирилган томоша эди! – кулиб юборди Уильям Кольдеруп, уни ҳеч ким ҳеч қачон бунчалик хушҳол қиёфада кўрган эмасди. – Менинг топширигимга биноан капитан Тюркот мувозанат бўлмаларини сувга тўлдирди ва кема хийла пастлаганди. Шу боис кўзингга пароход чўкаётгандай туюлган. Тартелетт икковларинг қиргоққа омон-эсон чиқиб олганингга ишонч ҳосил қилгач, капитан кемани ортига қайтариб, уч кунда Сан-Францискога омон-эсон етиб борганди. Ўзим тайин этган бугунги кунда худди ўша «Дрим» бортида Спенсерга келиб турибмиз.

– Бундан чиқдики, экипаждан бирор киши ҳалок бўлмаган, шундайми? – сўради Годфри.

– Ҳеч ким!.. Фақат трюмга яширинган хитойликни мустасно қилганда... Ҳар ҳолда уни ҳеч қаердан топиша олмаган.

– Пирога-чи?

– У ҳам уюштирилган. Қайиқ яшашни ўзим буюргандим.

– Ёввойи одамлар ҳам ёлғонми?

– Ҳа-да. Хотиринг жам бўлсин, улардан бирортасигаям ўқинг теккан эмас.

– Хўп... Карефиноту-чи?

– Албатта сохта! У менинг ҳамиша содиқ мулозимим Джип Брасс бўлади, аммо кўриб турибманки, Жумавой ролини қотириб қўйганга ўхшайди.

– Ҳа, ҳа! – гўлдиради Годфри. – Икки марта ҳаётимни сақлаб қолди, биз айиқ ва йўлбарсга рўпара келиб...

Кольдеруп хохлаб кулиб юборди:

– Ясама айиқ ва қўғирчоқ йўлбарсга йўлиққансизлар! Иккала тасқараниям Джип Брасс билан шериклари сендан пинҳона олиб келишган.

– Ахир уларнинг боши ва оёқлари ҳаракатланарди, ўз кўзим билан кўрдим.

– Улар пружина ёрдамида бош-оёғини қимирлатган, холос. Джип кечаси мурватини бураб, «хужумга» тайёрлаб қўйган ва тўқнашувни ҳам ўзи уюштирган.

– Ҳали шунақа денг! – гўлдиради Годфри ўзини осонгина гўл қилганларидан жиндай изза тортиб.

– Шундай, жиянжон! Оролинг жа-а бекам-кўст бўлгани боис оз-моз оромингни бузадиган, хавотирга соладиган «ғамхўрликлар» чорасиниям қилиб қўйгандим-да.

– Модомики, – деди унга жавобан Годфри кулгисини тия олмасдан, – обдан таъзиримни бермоққа бел боғлаган экансиз, чинакам ғамхўрликлар тўла сандиқ жўнатганингиз нимаси?

– Сандиқ? – ажабланди Кольдеруп. – Қанақа сандиқ? Мен сенга унақа нарса жўнатган эмасман! Ие, хойнаҳой бу сенинг ишингдир-да, а, хоним?..

У Фианага таънаомуз боқаркан, қиз истиҳола билан бош эгиб, ерга қараб қолди.

– Ақлим шунисига етиб турибдики, – давом этди Кольдеруп, – бу қилгиликда унинг ҳамтовоғиям бўлиши керак...

Тоға шундай дея Тюркот тарафга кескин ўгирилди, Тюркот эса хохолаб кулиб юборди.

– Маъзур тутасиз, мистер Кольдеруп, – деди капитан Тюркот, – хафа бўлишга ҳақлисиз... лекин мисс Финанинг сазасини ўлдириш ҳам осон эмасди-да. Хуллас калом... тўрт ой муқаддам сизнинг буйруғингизга



биноан оролдаги вазиятни кўргани келганимда... ўша сандиқни шлюпкада жўнатгандим.

– Фина! Жонгинам Фина! – Годфрининг кўнгли ийиб, қаллиғига қўлларини чўзди.

Ёноқлари лоладай ловуллаб кетган Фина капитан Тюркотга араз билан боқди:

– Ахир буни ҳамиша сир сақлашга ваъда берувдингиз-ку!

Улардан ўпқаланиб бош чайқаётган Кольдеруп ҳажжонини яшира олмасди.

Аммо бу гина-кудуратларни Годфри кулиб-қувнаб эшитаётган бўлса-да, Тартелетт домланинг кайфиятида кулгуга ўрин йўқ эди! Ҳа-да, аскияга бало борми? Ҳозиргина гуноҳкор қулоқлари билан эшитганлари қалбининг тўригача сирқиратиб, уни адои тамом қилганди! Бу нима деган гап: рақс ва нафосат илмининг пешвоси ҳали куракда турмас фирибгарлик қурбони бўлиб қолдими?

У иззат – нафси топталган қиёфада олға отилиб, саволни кўндаланг қўйди:

– Балки, сиз мистер Кольдеруп, мени икки ямлаб, бир ютмоқчи бўлган тимсоҳни ҳам қоғоздан ясалиб, пружина қўйилганди деб тасдиқламоқчи бўларсиз, а?

– Тимсо-оҳ? – ёқасини ушлади тоға.

– Тўғри, мистер Кольдеруп, – маъқуллади Карефиноту, энди уни ўз исми била атай қоламиз, Джип Брасс. – Жаноб Тартелеттга чиндан ҳам жонли тимсоҳ ҳамла қилганди.

Шу ўринда Годфри сўнги пайтлардаги фавқулодда ҳодисаларнинг барини айтиб берди: ваҳший ҳайвонлар галасининг тажовузи, заҳарли илонлар, гулханлар, тутунлар...

Бу гаплар Уильям Кольдерупни чукур ҳайратга солди, у ҳеч нарсани тушунолмаётган қолганди. Негаки Спенсер оролида йиртқич жондорлар ва заҳарли судралувчилар ҳеч қачон бўлган эмас, бу – аниқ! Олди-сотди ҳужжатида ҳам оролнинг ушбу афзаллиги алоҳида қайд этилган. Оролнинг турли томонларидаги тутунни излаб Годфрининг сарсон бўлиши, у топа олмаган гулханны ким ёққанлиги – бу бой тоға учун мутлақо жумбоқ эди. Аён бўлдики, оролдаги бир мунча ҳодисалар унинг режасига мутлақо кирган эмас.

Тартелеттга келсак, у алламбало чўпчакларга лаққа тушадиган анқов эмасди, ахир! У Кольдерупнинг бирорта ҳам сўзига ишонгани йўқ. Муаллимга қолса, оролдаги кўргиликларнинг ҳеч бири сохта эмас: кема ҳалокати ҳам, ёввойи одамлар ҳам, йиртқич ҳайвонлар ҳам ҳақиқий эди. Алалхусус, у матонат намуналарини намоён этиб, илк бор милтиқни қўлга олгани ва биринчи ўқи биланоқ полинезияликлар сардорини ер тишлатиб қўйгани-чи? Кўз олдида содир бўлган бу воқеани ҳам ёлғон деб кўришсин-чи! Йўқ, ўша аборигеннинг Кольдерупнинг мулозимларидан бири эканига, ўшанда ўзини ўлганга солиб, шу тобда соғ-саломат юрганига рақс муаллими икки дунёда ҳам ишонмайди!

Хуллас, қонхўр жонзотлар тажовузи ва сирли тутундан бўлак барча жумбоқлар ечилди. Ҳатто Уильям Кольдерупнинг ҳам беихтиёр боши қотиб қолганди. Аммо у арқонни узун ташлайдиган одам эдики, бу масалаларнинг ечимини орқага суриб, жиянига шундай деди:

– Годфри, болалик чоғларингданоқ кимсасиз оролларга ишқибоз эдинг, ўйлайманки, мана шу оролни сенга совға қилдим десам, бениҳоя қувонсанг керак!

Сен бу ерда кўнглинг тусаганича қолишинг мумкин. Мен сени зўрлик билан олиб кетиш фикридан йироқман. Агарда хоҳласанг, умр бўйи Робинзон бўлиб яшайверасан, бу сенга маъқул келса кифоя...

– Робинзон бўлиб?.. Умр бўйи?.. – тушунолмайдиган гапди Годфри.

– Годфри, – сўради Фина, – сен ростдан ҳам шу ерда қолиб кетмоқчимсан?

– Йўқ, бу ерда қолгандан кўра ўлганим яхши! – пўнғиллади Годфри. Бундай истиқболдан унинг юраги орзиқиб кетганди. Бироқ ўша ондаёқ ортига тисарилиб, Финанинг қўлидан тутди.

– Бўпти, – деди у шўх жилмайиб, – қолсам қолавераман, фақат шартларим бор: аввало, жонгинам Фина, сен ҳам кетмасанг, иккинчидан, Виль тоғам ҳам шу ерда биз билан бирга яшаса ва ниҳоят, «Дрим»даги руҳоний бугуноқ бизни никоҳлаб қўйса!

– Ўзингга маълумки, пароходда руҳоний йўқ, – тушунтирди Уильям Кольдеруп, – лекин Сан-Францискода топсак бўлади. Ишонаманки, ҳеч бир пастор<sup>1</sup> биз учун бундай эзгу юмушдан бўйин товламайди. Шундай қилиб, эртагаёқ йўлга тушамиз!

Фина ва Виль тоға оролни айланмоқчи эканларини айтишди, Годфри аввал уларни секвойзорга, сўнгра ариқ ёқалаб кўприккача олиб борди.

Аттанг! Вильтри ўрнида бир уюмгина кул турибди, холос! Ёнгин уларнинг дарахт ковагидаги хонадонини таг-туби билан ёндириб адо қилганди! Уильям Кольдеруп айна пайтида етиб келди, билъакс, очлик, совуқ ва йиртқичлар Робинзонларимизнинг бошига етган бўларди.

---

<sup>1</sup> Пастор – протестант руҳонийси. (Таржимон изоҳи – Р.У.)

– Тогажон! – мурожаат қилди Годфри. – Агар оролга Фина номини кўйган бўлсам, бизга бошпана берган дарахтни сизнинг шарафингизга Вильтри деб атагандим.

– Зўр-ку! – деди Кольдеруп. – Мана шу секвойя уруғидан опкетиб, Фрискодаги боғимга экиб қўямиз.

Сайр асносида улар нарироқдаги йиртқичларни ҳам кўришди, лекин жондорлар бунчалик кўп сонли ва сершовқин оломонга ҳужум қилишга ботинолмасди.

Лекин булар қаёқдан пайдо бўлдийкан?..

Оролни томошалагач, ҳаммалари пароходга жўнашди. Дарвоқе, Тартелетт ашёвий далил сифатида тимсоҳнинг жасадини ола кетишга рухсат сўради.

Оқшом чоғи «Дрим»даги кечки овқат устида Годфри Морганнинг синовдан муваффақиятли ўтгани ва унинг Фина Холланей билан бўлғуси никоҳи ҳам нишонланди.

Эртасига – йигирманчи январь куни «Дрим» капитан Тюркот раҳнамолигида ортига қайтди. Соат саккизда Годфри кунботар ёқда тобора олислаётган соҳилнинг туман орасидаги тахлити билан хайрлашаркан, кўнгли алланечук орзиқиб кетди. Бу оролда ўтган олти ойлик умрини, шу ерда олган ҳаёт сабоқларини доимо қалбида сақлайди, ҳеч қачон унутмайди!

Денгиз ниҳоятда сокин бўлиб, шамол ҳам сайёҳларимиз учун ўнғай келиб гарбдан эсарди. Бу сафар «Дрим» аввалгидай гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа чалғишларсиз – тўппа-тўғри манзил сари сузарди. Зеро, бу гал кундузи олға юриб, тунда орқага сузишнинг ҳожати ҳам қолмаганди.

Йигирма учинчи январь куни пешин маҳали, роппа-роса соат 12 да кема Олтин дарвозадан ўтиб, Сан-Франциско қўлтигига кирди ва Маршен-стрит соҳилбўйига лангар ташлади.

Мана энди ўша куни, ўша ерда юз берган яна бир воқеа билан ўқувчини таништириб ўтамиз.

Трюмдан бир киши чиқди, у Фина оролидан «Дрим»гача балиқдай сузиб етиб олган ва сафар давомида мутлақо бировга кўринмай келган эди.

Хўш, бу одам ким бўлди ўзи?

У ўша кемада Сан-Францискога яна қайтиб келган, ўқувчига ҳам таниш хитойлик Сенг-Вунинг ўзгинаси эди.

У Кольдеруп ҳузурига келиб, тавозе билан арз-ҳол қилди:

– Мени маъзур тутасиз, мистер Кольдеруп, кемангиз Шанхайга боради деган комил ишонч билан илашиб олгандим. Таассуфки, у Сан-Францискога қайтиб келди ва энди сиз билан хайрлашмасдан ўзга иложим йўқ.

Ўзларига мулойим боқиб турган бу одамнинг пайдо бўлишидан таажжубдаги йўловчилар нима дейишни билмасдилар ва «Дрим»даги ҳамманинг боши қотиб қолганди.

Сукунатни Кольдерупнинг саволи бузди:

– Аммо ўйлашимча, ўтган олти ой давомида трюмда яшириниб ётмагандирсан?

– Йўқ, албатта!

– Хўш, қаерда эдинг?

– Оролда!

– Оролда? – сўради Годфри.

– Ҳа, – жавоб қайтарди хитой.

– Демак, тутун ҳам...

– Ҳа, мен ўт ёққанимда...

– Нега ёнимизга келмадинг, бирга яшасанг бўлмасмиди?

– Хитойликка ёлғизликнинг ўзи айни муддао, – жиддий жавоб берди Сенг-Ву. – Унга бир ўзи қолса бас, бошқа ҳеч кимнинг кераги йўқ.

Бу галати одам Уильям Кольдерупга таъзим бажо қилди ва пароходдан тушиб, оломон орасига сингиб кетди.

– Қалай? – деди Виль тоға жиянига қараб. – Мана, ҳақиқий Робинзон ким экан! Хўш, Годфри, сенинг унга ҳеч ўхшашлигинг борми?

– Бўпти-да! – деди унга жавобан Годфри. – Тутуннинг сабабини билиб олдик, лекин йиртқичлар-чи, улар қаёқдан келдйкан?

– Алалхусус, менинг тимсоҳимни айтинг! – гапга аралашди Тартелетт. – Умидворманки, мана энди ўша махлуқ қаердан пайдо бўлганини айтарсизлар, а?

Мутлақо жавоб топа олмай қолган Уильям Кольдеруп пешонасини чангаллади.

– Буни кейинроқ аниқлаймиз, – деди у. – Ҳеч қандай тилсимнинг сири очилмай қолган эмас.

Бир неча кундан сўнг Уильям Кольдерупнинг жияни билан асранди қизининг тўйлари ниҳоятда дабдабали бўлиб ўтди. Ишончингиз комил бўлсинки, тужжор бойнинг кўп сонли хешу ақраболари ёшларни табриклаб, бекам-кўст саодат тилашди.

Никоҳ тантаналари чоғи Тартелетт издиҳом орасида ўзини серназокат тутишнинг энг юксак намуналарини намойиш этди: унинг таъзим-тавозелари ва муомаласи таманноликнинг олий андозаси эди. Шогирди ҳам бу санъатда ундан кам эмасдики, унинг ўзига ярашган ҳаракатлари рақс ва нафосат устозининг обрў-эътиборини оширарди, албатта.

Тўйдан сўнг Тартелетт хусусий тимсоҳи масаласи билан шуғулланди. Раққослар муаллими афсусда, негаки бу судралувчи сўлоқмоннинг ўлигини тўғноғичга ўтказиб, чўнтақда олиб юришнинг иложи йўқ. Биргина йўли шуки, терисига сомон тиқиб, тасқара ясатиб олиш мумкин, холос. Ахир чангалини ёзиб, оғзини тандирдай очган тимсоҳнинг совуқ турқи шифт-

да ваҳшат солиб турса рақс ва нафосат муаллимининг хосхонасига узукка кўз қўйгандай ярашардики, бундан ортиқ назокат йўқ эди!

Хуллас, тимсоҳнинг ўлигини донгдор тасқарачи мутахассисга оборишди. Уста бир неча кундаёқ махлуқнинг терисига сомон тиқиб, жасадни бағоят бежирим қиёфага келтирди ва буюртмачига топширди.

Ҳайратдан ҳамманинг оғзи ланг очилиб қолди: Тартелеттни ютиб юборишига бир баҳя қолган тимсоҳ бадбахт девдай эди-да!

– Биласизми, бу қонхўр қаердан келган? – деб сўради тасқарачи мутахассис Кольдерупдан.

– Асло хабарим йўқ!

– Устидаги тангачаларидан бирида ёзуви бор экан.

– Ёзув? – ажабланди Кольдеруп.

– Ҳа! Мана ўша нарса.

Уста қўлидаги бир парча ғадир-будур терини узатди. Унга ўчмайдиган сиёҳ билан ушбу сўзлар битилганди:

**Г а м б у р г, Г а г е н б е к д а н.**

**А Қ Ш, С т о к т о н, Д ж. Р. Т а с к и н а р г а.**

Мистер Уильям Кольдеруп уни ўқигач, хохолаб кулиб юборишдан ўзини тия олмай қолди.

Чунки, у гап нимадалигини фаҳмлаб бўлганди.

Шундай қилиб, бу кимошди савдо рақобатида мағлуб бўлган Таскинарнинг интиқоми бўлиб чиқди. Оламга машҳур ҳайвонот боғи соҳиби Гагенбекдан<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Гагенбек, Хагенбек (Hagenbek), Карл (1844 – 1913) – ёввойи ҳайвонлар савдоси билан шуғулланувчи дунёдаги энг йирик фирмалардан бирининг асосчиси. У 1907 йили Штеллингенда (Германия, Гамбург шаҳри яқинида) ҳайвонот боғи ташкил этган ва биринчи марта йиртқичлар намоишида қафас усулини қўллаган. Гагенбек ҳайвонларни овлаш ва олиб келиш учун Африкага, Осиёга бир неча бор экспедициялар ташкил этган.

йиртқич ҳайвонлар билан судралувчиларни сотиб олиб, Спенсер оролига жўнатган киши ана шу зот экан. Албатта бу қасос унга сувтекин тушмаган, лекин рақибидан ўч олиб ҳузурланганининг ўзи минг тиллодан кам эмас! Гап-сўзларга қараганда, Мартиника<sup>1</sup> оролини Францияга топшираётиб, инглизлар худди шундай қилишган экан...

Шу билан оролдаги ғалати ишларнинг барча сири ошкор бўлди.

– Росаям болабди-ку! – хитоб қилди Кольдеруп. – Қари туллак Таскинар шунчалар топибдики, бундай доғули қилмиш менинг хаёлимгаям келмасди.

– Аммо ўша йиртқичлар боис Спенсер ороли... – Фина ана шундай деганича, давомини айта олмади.

– Фина ороли, – деб унинг сўзини бўлди Годфри.

– ...Фина ороли, – дея давом этди майин жилмайган келинбола, – яна кимсасиз орол бўлиб қолаверади.

– Илож қанча? – таъкидлади Кольдеруп тоға. – Сўнгги шер сўнгги йўлбарсни ғажиб ташлагунча кутиб турамиз-да.

– Ана шунда, азизам Фина, мен билан ўша оролда ёзни ўтказишдан қўрқмайсанми?

– Сен билан бўлса, жоним, тупканинг тагигаям кетавераман, – жавоб берди Фина. – Иннайкейин, сен орзулаган жаҳон бўйлаб саёҳатнинг амалга ошмай қолгани...

– Уни биргаликда амалга оширамиз! – жонланди Годфри. – Башарти, тақдир тақозоси билан пешонамга жаноби Робинзон бўлиш битилган бўлса...

– Сендан ўлса ҳам айрилмайдиган Крузо хоним ҳаммиша ёнингда бўлади!

1882 йил

---

<sup>1</sup> Мартиника – Кариб денгизидаги орол-давлат, 1502 йили Х.Колумб кашф этган, 1635 йилдан Франциянинг мустамлакасига айланган. Орол 1794 – 1802 ва 1814 йилларда Буюк Британия тасарруфида бўлган. (Таржимон изоҳлари – Р.У.)



## ТАРЖИМОНДАН

Болаликда ўқилган китоблар ёшлигимизнинг ёд-гори бўлиб дил тўрида мангу қолади, соғинтиради, ўша асарларни қўмсаймиз, яна ва яна ўқигимиз келаверади. Бу хусусият Жюль Вернга ҳам хос бўлгани табиий ҳол, албатта. Чунончи, у мактаб ўқувчиси бўлган чоғларида «Робинзон Крузо» ва Иоганн Давид Виссинг (Даниэль Дефога тақлид қилиб ёзган) «Швейцариялик Робинзон» романлари мутолаасидан бир умрлик таассурот олганди.

Буюк саргузаштнавис кексайган чоғи буни қуйидагича эътироф этган: «Робинзонлар» болалигимнинг ажралмас ҳамроҳи бўлиб, шууримда ўчмас из қолдирган. Мен уларни такрор ва такрор ўқийверганим боис саҳифалар хотирамга муҳрланиб кетганди. Кейинчалик бошқа кўп китобларни ўқиган бўлсамда, унчалар беғубор туйғуларни қайта ҳис этолганим йўқ. Мен танлаган ижод йўлига ҳам айнан ана шундай саргузаштларга бўлган муҳаббат олиб келгани мутлақо бегумон...» Адибнинг Збу иқрори «Иккинчи ватан» (1900) романи муқаддимасидан олинди, уни Жюль Верн «Швейцариялик Робинзон»нинг давоми сифатида ёзганди.

Адибнинг болалигида ишқи тушган «Робинзонлар» «Таътилнинг икки йили» романида ҳам акс садо бериб туради. Фарзандлари ва дўстлари томонидан кимсасиз оролдан топилган маълум ва машҳур капитан Грант хусусида Жюль Верн ўз қўли билан «Океания Робинзони» деб ёзганди. Унинг «Гектор Сарва-

дак» асари қаҳрамонларини эса космосдаги Робинзонлар дейиш мумкин. Ёки «Сирли орол»нинг илк қораламаси «Тогажоним Робинзон» деб номланганини ҳам эслатамиз...

Жюль Верн қаламига мансуб робинзонномалар сирасидаги китоблардан бири «Робинзонлар мактаби»дир. Унинг бўлак асарларида учраб турадиган фалсафийликни бу романда кўрмаймиз. Зеро, муаллиф уқтиришича, асар «робинзонномаларга қувноқ ва қитмир ҳазил йўсинида» яратилганди. Дарҳақиқат, бу ҳаққоний таъриф бўлиб, «Робинзонлар мактаби»да ҳазил-мазаҳга кенг ўрин берилган. Алалхусус, нафосат ва рақс муаллими Тартелеттнинг думбул табиатлиги, унинг иштирокидаги эпизодлар, гап-сўзлари китобхонда беғубор кулги уйғотади.

Роман воқеалари асосан Сан-Франциско шаҳрида, «Дрим» кемаси ва Тинч океанидаги овлоқ Фина (Спенсер) оролида кечиб, саргузаштлар «сценарийси» миллиардер тоға Уильям Кольдеруп томонидан режаланган ва амалга оширилган. Модомики, Годфрининг чекига робинзонлик қисмати тушган экан, албатта кимсасиз орол, ўрмон, жониворлар, яшаш учун кураш, ов, сирли қайиқ, одамхўрлар ташрифи, ҳатто тил билмас Жумавой – ҳаммаси билан учрашамиз...

«Робинзонлар мактаби» саргузашт ишқибозларига Жюль Верн тақдим этган яна бир қимматли совғадир.

Жюль Верндан 20000 (йигирма минг!) дона дафтар қолган бўлиб, уларда адиб тўплаган деярли барча фанларга, соҳаларга, қитъаларга, ер, осмон, уммонларга доир маълумотлар ёзилган. Матбуотни, илмий адабиётларни, кашфиётларни муттасил ва синчковлик билан умр бўйи кузатган буюк ёзувчининг дўстлари ҳам олимлар, буюк муҳандислар, буюк сайёҳлар

бўлишган. Улардан бири Надар (асл исми – Феликс Турнашон, 1820–1910) журналист ва карикатурачи мусаввир бўлиб, Францияда ҳаво шаридаги парвозлар ва фотографиянинг илк қалдирғочларидан эди. Худди шу одам Жюль Вернга дастлабки роман ғоясини берган. Бироқ «Ҳаво шарида беш ҳафта» номли ушбу асар битгач, камида ўн беш ношир уни муаллифнинг қўлига дарҳол қайтаради. Ҳеч кимга ёқмаган ва мутлақо яроқсиз ҳисобланган биринчи роман Пьер Жюль Этцел томонидангина қабул қилиниб, у ҳатто ёзувчи билан йигирма йилга шартнома ҳам тузади. Кейин битим яна шунча муддатга узайтирилди. Этцел вафот этгач, унинг вориси бўлган ўғли ҳам шартномани ўз кучида қолдирганди.

Ўшанда 1863 йил бўлиб, «Ҳаво шарида беш ҳафта» романи қайта-қайта чоп этилди ва муаллифнинг номи энди тилдан тушмасди. Жюль Верннинг «Ғаройиб саёҳатлар» насрий туркуми ана шу илк романи билан бошланиб, олтмиш беш жилддан иборат бўлган: олтмиш уч роман ҳамда ҳикоя ва қиссалар жамланган икки тўплам.

«Клодиус Бомбарнак» мазкур туркумга кирувчи 39-роман бўлиб, ушбу сатрлар муаллифи томонидан русчадан она тилимизга ўгирилган ва 2012 йили «SHARQ» нашриётида чоп этилган эди.

Қўлингиздаги «Робинзонлар мактаби» буюк француз фантастини ўзбекча сўзлатиш йўлидаги яна бир қадамдир. Асар «Ғаройиб саёҳатлар» туркумининг 1882 йилда ёзилган 22-романи бўлиб, 1989 йилги русча нашридан (Жюль Верн, Школа Робинзонов, Москва, издательство «Правда») таржима қилинди.

**Рустамжон УММАТОВ**

## МУНДАРИЖА

### МУЗЛАР ИСКАНЖАСИДА

<i>Биринчи боб. Мотам байроғи.....</i>	<i>3</i>
<i>Иккинчи боб. Жан Корнбютнинг режаси.....</i>	<i>9</i>
<i>Учинчи боб. Умид учқуни .....</i>	<i>16</i>
<i>Тўртинчи боб. Музлар исканжасида.....</i>	<i>20</i>
<i>Бешинчи боб. Ливерпуль ороли.....</i>	<i>25</i>
<i>Олтинчи боб. Зилзила.....</i>	<i>30</i>
<i>Еттинчи боб. Қишнинг қайғуси .....</i>	<i>36</i>
<i>Саккизинчи боб. Маслаҳат.....</i>	<i>40</i>
<i>Тўққизинчи боб. Қордан қурилган кулба.....</i>	<i>43</i>
<i>Ўнинчи боб. Тириклар сағанаси .....</i>	<i>46</i>
<i>Ўн биринчи боб. Тутун ва фарёд .....</i>	<i>52</i>
<i>Ўн иккинчи боб. Кемага қайтиш.....</i>	<i>57</i>
<i>Ўн учинчи боб. Чаённинг қилмиши.....</i>	<i>62</i>
<i>Ўн тўртинчи боб. Ҳалокат ёқасида .....</i>	<i>66</i>
<i>Ўн бешинчи боб. Оқ айиқлар тажовузи.....</i>	<i>70</i>
<i>Ўн олтинчи боб. Хотима .....</i>	<i>76</i>

### РОБИНЗОНЛАР МАКТАБИ

<i>Биринчи боб. Агар китобхон хоҳласа, Тинч океанидан орол сотиб олмоқ ҳам мумкинлиги хусусида .....</i>	<i>82</i>
<i>Иккинчи боб. Сан-францисколик Уильям Кольдерупнинг стоктонлик Таскинар билан рақобатлашгани хусусида .....</i>	<i>90</i>
<i>Учинчи боб. Фина Холланей билан Годфри Морган фортепьяно оҳанглари жўровозлигида суҳбатлашганлари хусусида.....</i>	<i>101</i>
<i>Тўртинчи боб. Минбаъд Тартелетт аталувчи Т.Артелеттнинг номайи аъмоли билан</i>	

китобхоннинг батафсил таништирилмоғи хусусида.....	110
<i>Бешинчи боб.</i> Саёҳат тараддуди бошлангани ва сайёҳларнинг муваффақиятли жўнаб кетишгани хусусида .....	117
<i>Олтинчи боб.</i> Китобхоннинг янги персонаж билан танишмоғига зарурат туғилгани хусусида.....	126
<i>Еттинчи боб.</i> Уильям Кольдеруп кемасини бежиз суғурта қилдирмаганига китобхон ўзи амин бўлмоғи хусусида.....	133
<i>Саккизинчи боб.</i> Годфрининг сайёҳлик васвасаси борасида армонли ўйлар сургани хусусида .....	146
<i>Тўққизинчи боб.</i> Робинзон касбида ишқал жиҳатлар ҳам мавжудлиги ўз исботини топгани хусусида .....	156
<i>Ўнинчи боб.</i> Кема ҳалокатига йўлиққан ҳар қандай жафокаш не қилса, Годфрининг ҳам худди ўшандай йўл тутгани хусусида .....	166
<i>Ўн биринчи боб.</i> Қаҳрамонларимиз бошпана топмоқ қайғусини чекканлари ва алалоқибат ушбу муаммони рисоладагидай ҳал этганлари хусусида.....	176
<i>Ўн иккинчи боб.</i> Яшин тушиши айни муддао бўлгани хусусида .....	185
<i>Ўн учинчи боб.</i> Годфрининг кўзига яна енгил тутун кўрингани, аммо бу гал у оролнинг бошқа тарафида экани хусусида .....	196
<i>Ўн тўртинчи боб.</i> Годфрининг денгиз соҳилидан совға топиб олгани ва уни бажонидил қабул этгани хусусида.....	205
<i>Ўн бешинчи боб.</i> Ҳақиқий ёхуд ҳаёлий Робинзон ҳаётида лоақал бир марта учрамоғи кутиладиган ходисанинг содир бўлгани хусусида.....	213

Ўн олтинчи боб. Қўққисдан бўлиб ўтган фавқулодда ҳодисанинг баёни хусусида.....	222
Ўн еттинчи боб. Рақс муаллими Тартелеттнинг милтиғи чинакам мўъжизаларга қодир эканлиги хусусида .....	230
Ўн саккизинчи боб. Полинезиялик ҳабашнинг ахлоқий ва жисмоний тарбияланиши хусусида.....	239
Ўн тўққизинчи боб. Шундоқ ҳам ўта чигал вазиятнинг баттар, ҳатто беш баттар чигаллашгани хусусида .....	250
Йигирманчи боб. Тартелеттнинг оролдан кетмоқ қутқусида ўламан саттор деб, муттасил оёқ тираганлиги хусусида .....	260
Йигирма биринчи боб. Карефинотунинг ақл бовар қилмас луқма ташлагани хусусида .....	271
Йигирма иккинчи боб. Ҳалигача пинҳон бўлмиш барча сирларнинг бирйўла ошкор бўлгани хусусида.....	285
ТАРЖИМОҶДАН .....	297

*Адабий-бадий нашр*

**ЖЮЛЬ ВЕРН**

**РОБИНЗОНЛАР МАКТАБИ**

Муҳаррир  
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Мусахҳиҳ  
Мадина МАҲМУДОВА

Бадий муҳаррир  
Уйғун СОЛИҲОВ

Саҳифаловчи  
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник муҳаррир  
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.  
Босишга 2016 йил 30.06да рухсат этилди.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>.  
Босма табағи 9,5. Шартли босма табағи 15,96.  
Гарнитура «Constantia». Офсет қоғоз.  
Адади 5000 нусха. Буюртма № 139.  
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.  
100ШЗ. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

**Мурожаат учун телефонлар:**

Нашр бўлими – 278-30-52;  
Маркетинг бўлими – 128-78-43; факс – 273-00-14;  
e-mail: yangiasravlodi@mail.ru